

**АБДУЛЛА
АВЛОНИЙ**

**ТОШКЕНТ
ТОНГИ**



АБДУЛЛА
АВЛОНИЙ

ТОШНЕНТ ТОНГИ

**ШЕЪРЛАР
МАСАЛЛАР
РИВОЯТЛАР
ДРАМАЛАР**

320317



Тўпловчи ва сўз боши муаллифи
БЕГАЛИ ҚОСИМОВ

Авлоний Абдулла.

Тошкент тонги: Шеърлар, масаллар, ривоятлар, драмалар/ Тўпловчи ва сўз боши муаллифи Б. Қосимов.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.— 392 б.

Октябрь арафасида адабиёт майдонига кириб келган матри-фатпарвар шоирлардан бири Абдулла Авлонийдир. Унинг исёнкор шеърнати, таълимий-ахлоқий асарлари маданиятимиз тарихида салмоқдор ўринни эгаллайди.

Айниқса, Шайх Саъдийга назира тарзида ёзилган «Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ» асари Инсон ва Замонга, борлиқ ва тафаккурга, ахлоқ ва тарбияга оид муҳим мавзуларда фикр юртади.

Авлоний Абдулла. Заря Ташкента.

ББК 84Уз
Уз

А 70403—75
М 352 (01)—79 38—79— 3703040200

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1979

У 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Мерганча маҳалласида тўқувчи Миравлон ака онласида дунёга келди. Салдан сўнг она Мирободга кўчади.

Утган асрнинг охирларида Миробод темир йўл ишчиларининг пастак, нимқоронғи уйларидан таркиб топган ишчи «окраинна»си ҳисобланар эди. Бўлажак адибнинг ёшлиғи шаҳарнинг қаровсиз бир чеккаси бўлгани мана шу Мирободнинг эгри-бугри кўчаларида, кўччилик қисмининг руслар ташкил қилган ишчи болалари орасида кечди. Инсоният тарихида буюк ўзгариш ясаган XX аср кириб келди. 1905 йил воқеалари бошланди. Шоир «мастеровойлар қўзғолони» деб ном олган темир йўл ишчиларининг ниқилобий чиқишларининг ўз кўзи билан кўрди. Ўқчидаги эски мактабдан ҳам, шаҳарнинг баобрў мадрасасидаги ҳужранишин таҳсилдан ҳам бу ҳодисалар унга кўпроқ сабоқ берди. Абдулла мустақил мутолаа билан шугулланди. Русча китоблар ўқиди. Оренбург, Қозон, Тифлисдан чиқиб турган газета-журналларни кузатиб борди. Қисқа муддат ичида у маърифатпарвар сифатида танилди ва ўлкадаги ижтимоий-маданий ҳаракатчиларнинг фаол намоёндаларидан бирига айланди.

XX аср бошларида Туркистон маданий ҳаётида юз берган энг муҳим ҳодисалардан бири мактаб-ўқув ишларидаги ўзгариш бўлди. Тошкентлик маърифатпарвар Саидрасул Азизий янгича таълим-тарбия усули — усули савтияга асос солди. Болаларни жуда оз вақт ичида саводли қилиб, уларга замонавий билимлар беришни, рус тилини ўргатиш, илгор рус маданиятини етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Азизий мактаби катта шуҳрат топди. Туркистонда унинг издошлари тобора кўпайиб борди. Авлоний ҳам 1904 йилда Мирободда худди шу типдаги мактаб очди.

1907 йилдан Авлоний матбуот ишларига берилиб кетди. 4 декабрда унинг муҳаррирлигида «Шуҳрат» газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. Авлонийнинг революцион ташкилотлар билан дастлабки яқинлашуви ҳам тахминан шу даврга тўғри келади. «Бу газетанинг бошқармаси яширин темир йўл инқилобий қўмиталари билан алоқа қилиб, «Тоғ» журнали ёзарчиларидан «Рафиқ Собиров» (ҳақиқий номи бошқа — Авлоний изох) билан яқин алоқада бўлди. Ўрунбургда ёширин суратда нашр этиладирган «Солдат» исмли русча газетани тарқатишда «Шуҳрат» газетаси кўп фидокорлик кўрсатди»¹, — деб ёзган эди у сўнграқ бу ҳақда.

Шоирнинг революцион ташкилотлар билан бўлган алоқасининг кўлами ва даражаси ҳақида бир нарса дейиш қийин, албатта. Лекин факт сифатида шуни таъкидлаш керакки, у 1907 йилда революцион таълимотдан хабардор бўлган. Шоир буни ўз таржimai ҳолида хийла эслатиб ўтган: «1905 йилги инқилоб ҳаракати таъсири натижасида сиёсий маслак ва мақсадларга тушуна ва ўргана бордим»².

1909—17 йиллар Авлоний ижодий фаолиятида катта бурилиш ясади. У кенг оммани маърифатли қилишда, ижтимоий-озодлик туйгуларини қуртак ёддиришда жуда катта жонбозлик кўрсатди. 1909 йилда дўстлари кўмагида мактаб-маориф ишларига ёрдам кўрсатувчи «Жамияти хайрия» очди, «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» номли 4 қисмдан ibорат шеърый тўпламининг 1- жузыни нашр қилдирди. 1913 йилдан esa театрчилик ишларига киришиб кетди. Унинг ғайрат ва ташаббуси билан «Туркистон» театр труппаси майдонга келди. «Туркистон» фаолиятини атрофлича ўрганган театршунос М. Раҳмонов труппанинг янги ўзбек театри йўлидаги улкан хизматларини кўрсатувчи қатор факт ва материаллар эълон қилди.³ Маълум бўлишича, труппа 1913 йил охирида ташкил этилган бўлиб, унинг состави 25 кишига етган. Улардан Низомиддин Хўжаев сўнграқ машҳур революционер бўлиб танилди. Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимийлар маҳаллий халққа ўз шеър ва драмалари билан таниқли эдилар. Труппага 1916 йилда

¹ Қараиғ. «Туркистон» газетаси, 1924 йил, 295- сон.

² Проф. А. Авлоний, Адабиёт хрестоматияси, Т., Ўздавнашр, 1933 й., 371- бет.

³ М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача), Т., «Фан», 1968 й., 327—350- бетлар.

келиб қўшилган Маннон Уйгур ва Шамсиддин Шарафиддинов (Хуршид) ўзбек совет театр маданиятининг асосчиларидан бўлиб қолдилар. «Туркистон» ўзининг қатъий низомини ҳам эълон қилган эди. Унинг ташкилотчиси ҳам, гоаявий-бадний раҳбари ҳам Авлоний эди.

Труппа 1915 йиллардан демократик изга тушиб олди. «Заҳарли ҳаёт», «Бахтсиз куёв» каби XX аср бошлари ўзбек драматургиясининг энг яхши намуналарининг репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. Авлоний пешқадам озарбайжон ва татар драматургиясига мурожаат этди. Улардан энг яхшиларини танлаб таржима қилди ва сахналаштирди. Айниқса, машҳур революционер-демократ Жалил Мамадқулшоданинг «Ўликлар», «Ўй тарбиясининг бир шакли», «Жаҳолат» драмаларини, Узнер Ҳожибсковнинг «Лайли ва Мажнун», «Асли ва Карам» операларини, шунингдек, Алиасқар Камол каби таниқли татар драматурглари асарларини сахналаштирилиши труппанинг гоаявий-бадний ўсишига катта таъсир кўрсатди. Авлоний труппа ишига тажрибали озарбайжон ва татар санъаткорларини жалб этди. 1914—16 йиллар давомида Алиасқар Асқаров (Озарбайжон), Заки Боязидский (татар) бош режиссёр бўлиб ишладилар. 1916 йил декабрида труппа Туркистонга гастролга келган машҳур озарбайжон трагик актери Сидқий Руҳилло ҳамкорлигида У. Ҳожибековнинг «Лайли ва Мажнун» операсини сахнага қўйди. Унда Мажнун ролини Сидқий Руҳилло ўйнаган эди.

Авлоний ўзи ҳам труппа учун сахна асарлари ёзди. Шу тариқа унинг «Пишак» (1915), «Адвокатлик осонми?» (1916) комедиялари майдонга келди. Афсуски, улар нашр қилинмаган. Лекин 1915—17 йилларда труппа томонидан бир неча марта сахнага қўйилган. «Адвокатлик осонми?»да асосий ролларини Маннон Уйғур ва Низомиддин Хўжаев ўйнаганларини маълум¹. Иккала драма ҳам маърифатпарварлик руҳида ёзилган бўлиб, персонажларнинг гапи орасида гоҳо ижтимоий адолатсизликка ишора қилувчи, уни кескин қораловчи нуқталар ҳам учраб қолади. Бу айниқса, кейинги драмага хос. Унинг мазмунини қуйидагича: Давронбек Россияда етти йил ўқийди ва Туркистонга адвокат бўлиб қайтади. Лекин шу ўтган вақт ичида унинг ижтимоий-маданий ҳаётида бирор ўзгариш бўлмапти. Туркистон халқи

¹ Қаранг. М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача) Т., «Фан», 1968 й., 345-бет.

ҳали ҳам саводсиз, илму маърифатдан йироқ. Фуқаролик қоидалари, давлат қонунлари, ҳуқуқий тартиблардан беҳабарлар. Уларнинг бахтсизлиги асосан шунда. Давронбек шундай ўйлайди ва қўлдан келганча уларга ёрдам бермоқчи бўлади. (Кўринияптики, соф маърифатчилик учун хос бўлган вазият чизиб бериляпти). Ёнроқ Давронбекнинг арзга келганлар билан учрашуви эпизодларида, шикоятчилар ҳасратида турмушдаги ҳақсизликлар ҳам тилга олиниб қолади. Муаллиф уларнинг сабабларини излайди. Масалан, Худойберди чол тирикчиликнинг оғирлигидан отасидан қолган икки таноб ернинг ярмини бир бойга сотишга мажбур бўлади. Лекин пуlining ярмини олиб, ердан фойдаланиб турганда билимсизлиги, олди-сотдиннинг тартиб-қоидаларидан беҳабарлиги оқибатида «чув тушади». Маълум муддатда қайтараман, деб тилхат бериб олган пулни «бе-парволик қилиб» қайтармайди. Ундан фойдаланган бой тезлик билан ерни ўзига хатлаб олиш чорасини кўради.

Бахтсиз Меҳрибиса хола ўн беш йилдан бери қиморбоз эри қўлида «ўтга ёқилиб, тошга чақилади». У ўзининг бахтсиз тақдирини ҳикоя қилар экан, гап беихтиёр «уни бир золимни қўлига тутган» замонга келиб тақалади.

Адиб революциядан кейин ҳам драматик асарлар ёзиб, шиддатли воқеалар кўламида давр нафасини тўла беришга уринди. Масалан, унинг «Португалия ишқибози», «Съезд», «Чуқбўрон» сингари асарлари давр нафаси билан ҳамнафас. Буларнинг баъзилари 20-йилларда саҳнага қўйилган, лекин ҳош этилган эмас.

Абдулла Авлоний труппанинг фаол аъзоси эди. 1914—16 йилларда «Туркистон» Фарғона шаҳарларида гастролда бўлган. Ўша йиллари Тошкент ва Фарғонада чиқиб турган газета ва журналларни варақлаб кўрсангиз, труппа фаолияти, Авлонийнинг режиссёрлик ва актёрлик маҳорати ҳақида ёзилган мароқли мақолаларни кўплаб учратасиз.

Авлоний 1914 йилда бир гуруҳ тараққийпарвар ёшлар билан ҳамкорликда «Нашриёт» ширкатини тузди ва Хадрада «Мактаб кутубхонаси» китоб дўконини очиб, маданий оқартув ишлари билан шуғулланади.

1917 йил Февраль революциясидан сўнг Авлоний революционер ишларга фаол иштирок эта бошлайди. Унинг март бошларида Тошкентда ташкил топган «солдатлар совети»га аъзо бўлиб киргани, кўп ўтмай «Ўлка ишчи ва солдат депутатлари совети»га сайлангани, маҳаллий

муаллимлар ўртасида снѣсний пшлар олиб боровчи «Ўқп-тувчилар союзи»ни тузгани маълум. Кейинроқ шу йил-нинг апрель ойидан бошлаб «Турош» номли газета чиқара бошлайди. Лекин унинг 2-сонидаяқ революционер адиб Мирмуҳсиннинг мақоласидаги қалтис гаплар учун «Шўройи исломия» ҳамда «Уламо» жамиятларининг қўшма мажлисида мақола муаллифи ҳам, газета муҳаррири ҳам «кофир» деб эълон қилинади ва ўлимга маҳкум этилади. Мирмуҳсин яширинади. Авлоний матбуот ор-қали «тавба-тазарруъ» қилиб, иккинчи газета чиқармас-ликка тилхат бериб қутулади. Дарвоқе, бу эпизод ўша давр вақтли матбуотида кенг муҳокама қилинган, ре-дакциянинг бу шармандалл қарори тараққийпарвар ёш-лар томонидан қаттиқ қораланган эди.¹ Ҳатто марказий Россия матбуотида ҳам бу факт катта шов-шувга сабаб бўлди. «Шўро» журнали Мирмуҳсин ва Авлонийни ҳи-моя қилиб чиқди.²

Буюк Октябрий интизорлик билан кутган адиб 1918 йилдаёқ Коммунистик партия сафига аъзо бўлиб кир-ди. Коммунистик партия манифестини биринчи бўлиб ўзбек тилига таржима қилади. Уша йили 17—29 дека-брда бўлиб ўтган Туркистон Коммунистик партиясининг II съезди Авлонийни Марказий Комитетга аъзо қилиб сайлайди.³

Шонрининг ўлими муносабати билан босилиб чиққан некрологда унинг 1918 йилда Тошкент шаҳар совети-нинг аъзоси, эски шаҳар ижройи комитетининг раиси, 1919—20 йилларда Афғонистондаги совет элчихонасида бош консул, Туркистон Марказий Ижроия Комитети-нинг сессияларида (V—X гача) аъзо бўлиб турганлиги, Туркбюронинг иқтисодий-таъминот бўлими мудирини ва-зифасини олиб борганлиги айтилган. Шунингдек, «Иш-тирокиюн», «Қизил байроқ» (ҳозирги «Совет Ўзбекис-тони»), «Қасабачилик иши» газеталарида, «Қасабачи-лик ҳаракати» журналида редколлегия аъзоси, бош му-ҳаррир бўлиб ҳам ишлади.

20-йилларда у педагог-олим сифатида фаолият кўр-сатди. 1924—29 йиллар В. И. Ленин номидаги ҳарбий

¹ Қаранг, «Туркистон протопоповчиларин», «Улуг Туркис-тон», 1917 йил, 14 июнь.

² «Туркистон уламоси», «Шўро» ж., 1917 й. 10-сон. «Му-росала на мухобара», шу журнал, 1917 йил, 12-сон.

³ Қаранг, Очерки истории Коммунистической партии Уз-бекистана, Изд-во «Ўзбекистан», Т., 1964 г., стр. 55.

мактабда, 1925—34 йиллар давомида САКУ—Ўрта Осиё Коммунистик университетида, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги мактабида (САВКСХШ), Ўрта Осиё Давлат университетида (САГУ) ўқитувчилик қилди. 1931 йилда САГУнинг тил билими кафедрасида профессорликка тасдиқланди. Уша йиллари мазкур университетнинг илмий ходимлари секциясида, Ўзашарда, Терминология комитети, Давлат илмий советида қизғин иш олиб борди. 1933 йилда ўрта мактабларининг 7 синфи учун адабиёт хрестоматиясини тузди.

Абдулла Авлоний 1934 йил, 25 августда Тошкентда вафот этди.

Авлоний 30 йилдан ортиқроқ ижод қилди. Уч революциянинг гувоҳи бўлди. Утган давр ичида ўзи таъкидлаганидек, «ўнлаб шеър ва мактаб китоблари, 4 театр китоби» қолдирди. Унинг маданиятимиз тарихидаги ўрни ҳақида гап кетганда педагогик фаолияти ва поэтик мероси, айниқса, диққатга сазовордир. Унинг педагогик фаолияти, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари 1905—17 йилларда янги босқичга кўтарилган маърифатчилликнинг муҳим хусусиятларини белгилашда катта аҳамият касб этса, шеърияти ўзбек революцион поэзиясининг пайдо бўлиши ва такомил, бугунги социалистик реализм адабиётининг илк сарчашмаларини аниқлашда муҳим ва қимматли материаллар бера олади.

Ўзбекистонда педагогик фикрнинг тараққий қилишини Авлоний ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. 1904 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Авлоний мактаби гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий ва илғор рус илм-фанини болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қobiliятига эга бўлишини таъминлайдиган ҳақиқий халқ мактаби бўлди. Уша давр матбуоти бу мактабда қизлар билан болалар ёнма-ён ўтириб ўқиганларини хабар қилади¹. Мазкур мактабининг ҳозирда ҳаёт бўлган собиқ ўқувчилари Авлонийнинг дарсларга кўرғазмали қурол олиб кирганини ҳам зўр мамуният билан хотирлайдилар.² Жумладан, музика дарслари ўша замоннинг кейинги кашфиёти грамофонсиз ўтмаган.

¹ Қаранг, «Туркистон вилоятининг газети», 1910 йил, 39-сон.

² Доцент Юсуф Тоҳирий билан суҳбат материалларидан (30 сентябрь 1966 йил).

Адиб бу мактаблар учун дарсликлар тузди. Ушнинг «аввалги синф шогирдлари учун энг осон усул ила Туркистон шеvasинда очик ва енгил тилда тадрижий суратда тартиб этилиши рисолати» — «Биринчи муаллим» Октябр революциясига қадар 4 марта нашр этилди. Китобга қуйидаги байт эпитаф қилиб келтирилган эди:

Тараддуд бирла мактабда ўқунг ўғлонлар, ўғлонлар,
Бўлурсиз бир кун оламда зўр инсонлар, ўғлонлар!

Алифбе аналитик-синтетик методда тузилган бўлиб, дастлабки ҳарфларнинг ёзилиш тартиби берилар, сўнг-ра шунга мувофиқ соддагина текстлар илова қилинган.

«Алифбедан сўнгги ўқув китоби» — «Иккинчи муаллим» революциягача уч марта нашр қилинган. Китоб 50 дан ортиқ шеърли ва прозаик ҳикоядан ташкил топган. Ҳикоялар болаларнинг ёшига, ақли ва савиясига мосланган бўлиб, ҳар бирида муайян таълимий-ахлоқий фикр олдиниқа сурлади. Уларнинг деярли ҳаммасида икки қарама-қарши қутб — яхшилик ва ёмонлик, болалардаги фазилат ва нуқсон солиштирилади. Бирини эъзоз-лашади, иккинчисини қораланади.

Ҳикоялар орасида Л. Н. Толстой, И. А. Крилов асарларидан қилинган эркин таржималар ҳам анча бор. Таржимашунос олимлар ушнинг таржималарига юқори баҳо берадилар.¹

Муаллиф халқ оғзаки ижоди материалларидан ҳам ушумли фойдаланган. Кўпгина ҳикояларда фольклор материалли асос қилиб олинган ва улардан чиқарилган ҳисса ҳам кўпинча, халқ мақолларидир.

Авлодийнинг таълимий-ахлоқий асарлари орасида «Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ» алоҳида ўрин тутати. Адиб инсонларни «яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илм» — ахлоқ ҳақида фикр юритиб, «ақлнинг боласи ақлли, аҳмоқнинг боласи аҳмоқ» мазмунидаги ислом мафкурасига қарши чиқади ва бу ўринда тарбиянинг ҳал қилувчи ролини алоҳида таъкидлайди.

Авлодий инсонга хос хулқни иккига — яхши ва ёмонга ажратади. Муаллиф уларни тасниф қилади. Ҳар бирига алоҳида сарлавҳа ажратиб, махсус тўхталиб ўта-

¹ Қаранг, Ж. Шарипов. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар, Т., «Фан», 1972 й. 138—142-бетлар.

ди. Ўз мулоҳазларини далиллаш учун Аристотель, Платон, Гишпократ, Алкмеон, Ибн Сино, Саъдий, Мирзо Бедил сингари машҳур мутафаккирларнинг фикрларини келтиради. Ҳар бир ахлоқий категорияга ўз муносабатини билдиргач, ўша фикрнинг мазмунини ифодаловчи байт ё бирор мақол-ҳикмат плова қилади.

Асарнинг ширали тили, келтирилган хилма-хил мақол-ҳикматлар, равон, таъсирчан услуб уни ўша даврдаги кўнгини таълимий-ахлоқий асарлардан ажратиб туради. У, айтиш мумкинки, ўзига хос бадий асар ҳамдир. Авлоний дорини асалга қўшиб беморга егизган табибга ўхшайди. Ўзининг ахлоқ ва таълим, борлиқ ва жамият ҳақидаги қимматли фикрларини ўқувчига нафис ва гўзал либосда тақдим қилади.

Авлоний ўз асарини яратишда кўпроқ Шайх Саъдийга эргашади. Китобга «Туркий Гулистон...» деб ном берилганлиги ҳам бежиз эмас. Адабиётшунослар ҳақли эътироф этганларидек, эски ўзбек мактабларида асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилиб келган «Гулистон» форс классикасининг энг кўрками, энг «баржаста»си эди. Унга эргашиб ёзилган асарлар кўп бўлди. Машҳур «Баҳористон»и Мўйиниддин Жўвайнийнинг, Ибн Камолпошшонинг «Нигористон», Мажидиддин Ҳавофийнинг «Хористон» асарлари шу йўлда ёзилган эди. «Туркий Гулистон...» ҳам мана шу буюк обидага ўзига хос назира, ўзига хос жавоб, шогирдининг устозга таъзими бўлди.

Саъдий билан Авлоний даврини 600 йилдан ортиқроқ вақт ажратиб туради. Ўрта асрнинг буюк гуманисти билан XX аср нафасидан баҳра олган Авлонийнинг қарашларида, туйғуларида анчагина фарқ бор, албатта. Авлоний ахлоқ тўғрисида асар ёзар экан, анъанавий ахлоқ муаммоларини замонасининг муҳим, дардли масалалари билан боғлади. Инсон ва Замонга, борлиқ ва тафаккурга, ахлоқ ва тарбияга ўз муносабатини билдиришда даврнинг илгор қарашларига таянди. Худди мана шу нуқталарда унинг фалсафий, ахлоқий, таълимий фикрлари ўтмишдошлариникидан фарқланади.

Авалло, Авлоний инсонни физиологик-психологик бутунликда олиб текширади: «Инсон икки нарсадан мураккабдур: Бирини жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нар-

садурки, ҳар вақт кўзга кўрунуб турадур. Аммо нафсининг сурати кўзга кўрунмайдургон, ақл ила ўлчанадургон бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур».

Авлонийнинг объектив борлиққа муносабати ҳам диққатга сазовор. У тарбия ҳақида гапирар экан, жисм ва руҳ (воқелик ва тафаккур) устида ҳам тўхталиб, материалистик қарашларни баён этади: Унингча, «жисм ила руҳ (яъни материя ва онг — Б. Қ.) иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур».

Ахлоқий-таълимий характердаги асарга муҳим нж-тимоний-сиёсий масалаларнинг усталик билан сингдирилганлиги китобнинг қимматини янада оширади. Адибни халқининг ночор, ғариб турмуши чуқур ўйга солади:

Ҳар кун ўлурам шомгача ман ғамга гирифтор,
Ҳар шаб ёпарам оташа парвона каби зор,
Ҳеч кимса эмас бу ман аҳволима воқиф,
Ман хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор?

Асарнинг илк саҳифасида келтирилган бу тўртлик унга бемалол эпиграф бўла олади. Шонр ҳар бир ахлоқий категорияни талқин қилганда бевосита ўз даври масалаларига мурожаат этади ва китобга ўша замон нафасини олиб киришга муваффақ бўлади. Масалан, асарда «Тарбиянинг замони» деган қисм бор. Унда тарбиянинг уйда, сўнгроқ мактаб-мадрасада олиб борилиши ҳақида гап кстади. Лекин шу муносабат билан бундай ишга имконсиз халқнинг оғир моддий тирикчилиги ачиниш билан қайд қилинади ва «мақсади пул, маслаги шуҳрат, юқори мактабларда ўқумаган, «усули таълим кўрмаган муаллимлар», «матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ, яқинидан юрмаган мударрислар» қаттиқ ҳажв остига олинади. Ёки яна бир ўринда яхши хулқларни тавсиф қила туриб, мустамлака Туркистоннинг миллий эркинчилиги, чоризм тазйиқи, меҳнаткашларнинг машаққатли тирикчилигига бориб тақалувчи гапларни қистириб ўтади: «биз осислилар, хусусан туркистонликлар, думба сотиб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб, сут ошиймиз, пон ўринга кесак тишлаймиз».

Авлоний эълмни қоралар экан, «маълумнинг оҳидан ўткур нарса йўқ:

деб ёзган эдики, булар унинг шеъриятидаги тоҳанглар билан ҳамоҳанг жаранглаб кетади.

Шоир Ватан муҳаббатини, унинг учун курашмоқни энг инсоний хулқлардан бири ҳисоблади. Ватан — бу ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакати. Уни қадрламоқ, севмоқ, яшартмоқ керак. Шоир Ватан ва унга муҳаббат деганда шунини тушунган эди. Тилга, маданиятга муҳаббат эса, ҳар бир кишининг ўз халқига бўлган муҳаббатидир: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинан ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур».

Агарда биз XX аср бошларидаги оғир ва айни замонда мураккаб бўлган тарихий шароитни кўз ўнгимизга бир лаҳза келтирсак, пантуркизм (тавҳиди лисон), панисломизм (тавҳиди ислом) каби шоирлар орқасида ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий тил ва маданият масалалари гоят чалкаштирилиб юборилганини озгина тасаввур қилсак, мазкур китобдаги масалаларнинг актуаллик даражасини ва уларнинг қанчалар жасорат талаб қилганини ҳис қилишимиз унчалик қийин эмас.

Китобда Авлодий дунёқарашининг чекланганлиги оқибатида келиб чиққан эъдиётли ўринлар, қисман потўғри мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Лекин асар моҳиятини улар белгилай олмайди. «Туркий Гулистон...» асримиз бошларидаги педагогик фикр тараққиётидагина эмас, балки умуман, бу давр ижтимоий-эстетик тафаккури ривожига ҳам сезиларли из қолдирди. Унинг бу ерда бошлаб қўйган жуда кўп фикрлари жанговар, исёнкор шеъриятида давом этди.

Ўзига рамзий «Ҳижрон» тахаллусини танлаган бу шоир ўзи хабар беришича, «1894 йилдан бошлаб шеър ёзишга тутинган». Лекин у шеърлар бизгача етиб келган эмас. Унинг Октябрь революциясигача бўлган поэтик мероси асосан, «Адабиёт» номли 4 қисмдан иборат шеърини тўпламларда жамланган. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида 1909—17 йилларда бир неча маротаба нашр қилинган. Шунингдек, ўша давр вақтли матбуоти саҳифаларида ҳам шоир шеърлари кўнлаб учрайди. Лекин уларнинг аксарияти мазкур тўпламларга киритилган.

Шуни айтиш керакки, Авлоний анча мураккаб ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. У адабиётга гоявий курашлар гоят кескинлашган бир даврда кириб келди. Ҳеч иккиланмасдан маърифат ва тараққиёт учун курашишнинг маслак этиб қабул қилди. Унинг ўзинчи йилларгача бўлган ҳаёти ва ижодий фаолияти шу гоя асосига қурилди. Жафокаш Туркистон сийнасидаги жароҳат ва illsatлар, унинг орзу ва ташвишлари, дўст ва душманлари шоир ижодида асосий мавзу бўлиб қолди. У дардманд ватанига нажот йўлини ахтарди. Дастлаб маърифат орқали ҳаммани теги, озод бахтиёр қилмоқчи бўлди. Бироқ унинг олис ҳаёл экаклигини тушуниб қолди. «Хуррият»ни қўлга кириштиш учун мавжуд тузумни тубдан ўзгартириш, бунинг учун эса курашиш кераклигини фаҳмлаб етди. У бу хулосага 1914—1916 йиллардаги миллий-озодлик ҳаракатининг бевосита таъсири натижасида келган, буюк Октябрь арафасида эса революцион-демократ сифатида шаклланиб улгурган эди.

Авлоний поэзияси билан танишар экансиз, қизик бир ҳолга дуч келасиз. Унда бирорта ишқий шеър йўқ. У ижтимоий муаммоларни, эл-юрт гамини муҳимроқ билди. Халқ ва Ватан бахтсизлиги олдида ҳар қандай муҳаббатини рад этади. Ўз она дёришни бамисоли «ёр каби севади» (Некрасов). Бутун меҳрини шунга бағишлайди. Бу шоирнинг биргина «инсонпарварлик ва ижтимоий интилишларга мойил» (Добролюбов) бўлишидангина эмас. Асримиз бошлари Туркистон тақдирда гоят масъулиятли бўлган, унинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал қилинаётган бир пайт эди. Бунинг Авлоний даврининг пешқадам элиси, эҳтимолки, замонасининг илгор таълимотида хабардор бўлган бир кишини сифатида чуқур англари, қалбан ҳис этар эди. Назаримизда, шоир ижодининг йўналишини белгилашда бу омил ҳам кам роль ўйнамаган. Агар биз унинг Сиддиқий—Ажзий, Мирмуҳсин—Фикрий каби замондошларида ҳам шундай ҳол мавжудлигини ҳисобга олсак, давр ҳодисаларини бу шоирлар ижодини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнагани яна бир бор маълум бўлади.

Авлоний шеърларини ўқир экансиз, кўз олдингизда XX аср бошидаги тутқун ва тургун Туркистон манзаралари гавдаланади. Шоир унга юксакдан, дунё халқлари ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, Европадаги тараққиёт нуқтани назаридан разм солади. Натижада ўлкадаги ўрта асрга хос ижтимоий турмуш ва муносабатлар, жаҳолат ва ҳақсизлик бўртиб кўришади.

Мана, тараққиёт асридаги Туркистоннинг рангсиз, жонсиз ҳаётидан лавҳалар:

Самоварга чиқишуб, ёшу қари чулдпрашур,
Эртадан кечгача чойни ичадур шўлдур-шўлдур.

1

Ўлтуруб мақташадур отини. эшшакларини.
Бирн дер:— Йўрга, бири дер,— сепки дулдур-дулдур.

Уйда оч ўлтурадур хотунн — эр тўкма еяр,
Келтуруб бачча базмларга кетар пулдур-пулдур.

Ўйнабон қарта-қимор, пулларини бой берибон,
Том тешуб, бўғча ўғурлаб, одам ўлдур-ўлдур.

Яна:

Хулус пият ила ҳеч иша киришмаймиз,
Етушиб бир амали, дафъатан ҳаво қиламиз.

Қимки жоҳилу шарманда, они мақтаймиз,
Губорн муқаддамини кўзга тўтиё қиламиз.

Қимки манфаати халқ учун қадам қўйса,
Онинг ҳақида туну кун(да) бад дуо қиламиз.

Агарда бир сўзимиз ташласа ўғил-қизимиз,
«Жувопмарг йўқол!» — деб оқу қаро қиламиз.

Замонага ёрашур плма бизда раҳбат йўқ,
Фунун ўринга биз кайф ила сафо қиламиз.

Бу лавҳалардан аста-секинлик билан зулмат қаърида нажотсиз тўлганган Туркистоннинг яхлит манзараси ҳосил бўлади. Бир қарашда бу сўлғин ранг жирканчли тусга кирса яна бир қарашда аянчли туюлади. Бу туйгулар бора-бора шонрда жуда табиий туюлган эҳтирослар пўртанасига айланади: «Хонумони хароб», «бойқушларга ҳамдам», фарзандлари «ҳайкал»дек «жонсиз», «вайрона» Туркистон! Йўқ, йўқ, «саҳни жонлик жаноза бирла тўлган» — «буюк мазор»! Унга ўлик кимсалар — «мадфун эиндалар» қўйилган. Бу тирик ўликлар — Туркистоннинг бу кунги ноқобил авлодларидир. Унинг аҳволига ер ҳам, осмон ҳам йиғлайди. У ҳам фақир, ҳам ҳақир. Унинг аҳволи чиндан-да, огир. Бир тарафдан, беҳад ёмон дардга гирифторлик. Иккинчи томондан

хорлик. Шу аҳволда у «бадандан доимо қон олдиради» — мустамлакачилик жафосини тортади.

Марзининг бир тарафдан, бир тарафдан, хорсан — миллат!
Бадандан доимо қон олдурад беморсан — миллат!—

деб хитоб қилади шоир. Лекин унинг на «тили», на «қулоғи» бор. У — «сурати девор!» — Мудҳини ҳол! Бу ҳол шоирин ларзага солади. Бутун вужуди билан унинг «кўз очиб» дунёга разм солишини, «уйғон»шини не-тайди:

Кўзинг оч, ётма гафлатдан, ўсон, миллат, ўсон миллат!
Топар сан бирла авлодинг омон, миллат, омон миллат!—

деб ҳайқиради шоир. Муҳим шундаки, шоирдаги миллий ҳасрат индолари ижтимоий оҳангдан узилиб қолган эмас. Аксинча, ҳамовоз. У бу «буюк мазор»нинг кимларгадир «боғи жиннон» — жаннат гулшани эканлигини яхши билади. Ҳа, у ҳаммага ҳам бирдай «аламзор» эмас. Унинг фароғатини «ҳукамо» кўради. Унинг «ғунча»ларини «ҳукамо» «теради», «Фуқаро» эса гулшан гулларининг тикани (хор) билан бирга хор, оёқ остида — «хоки мазаллат»да. Бу «манзар» шоирга «махшар азо-би»ни беради. Шоир унга назар ташлаганда «бағри ка-боб» бўлади. Лекин у — Она! Шоир унга фарзандки, унинг дардидан изтиробга тушади. Ўз навбатида Она ҳам фарзандининг тарбияси ва тақдирин учун бурчли:

Эй, модарим, чўжуқларни гифлос, безиё,
Остингдан устинг ўлди биза тариқа фуқаро,
Сандин умид шулмиди, жондан азиз оно?!
Кундан кун айладинг бизи Ҳижрона мубтало,
Эй, ширн шафқати биза хунбор ўлан Ватаи!
Борми жаҳонда санча ситамгор ўлан Ватаи?!

Авлоний 1912 йилда босилиб чиққан шеърларидан бирини «Дунё фожиясидан» деб номлаган эди. Шоир унда инсонлар дунёсида инсонларча ҳаёт йўқлигини қаламга олди. Беҳуда тўкилаётган қонлар, инсоннинг ҳайвонча ҳам қадри қолмагани, «бечора-ю ожизлар», «афтода етимлар» бошидаги «жабру-ситалар», «ҳақ

пастда қолуб, ноҳақ пул бирла қувват топ»нишни бу
фожианинг коңкрет кўринишлари сифатида кўрсатди.
Бундай дунёни «ғам уйи» деб ҳисоблади ва унинг
«барбод бўлиши»га шубҳа қилмади. Дарҳақиқат, Тур-
кистон фожиаси дунё фожиасидан бир тимсол эди, хо-
лос.

Муаззам Россияда революцион курашлар авж олган
бир пайтда миллий-озодлик ҳаракатларини ижтимоий-
озодлик билан қўшиб олиб боришнинг зарур ва муҳим-
лиги ҳақидаги В. И. Лениннинг сўзларини эсга олсак,
бу сатрларнинг қийматини англаш қийин бўлмайди.

Авлоний шеърларида ижтимоий турмушдаги ноҳақ-
лиқни англаш, уни меҳнаткаш омма манфаати нуқтаи
назарида баҳолаш кучайиб борди. «Фақирлар» ва
«ғанийлар» аҳволини тафтиш қилиш кенг ўрни ола
бошлади. Бир томонда «фақирлар жисмини тишлаб
олурға тишлари буррон», «бутун афкори ҳамёнга тоат-
дан иборат» «ғанийлар», иккинчи томонда «ҳамма ерда
қушлар каби нотон потавон фақирлар». Шонр бу ҳо-
лнинг туб сабабларини чуқур, илмий англаб етмайди,
албатта. Шу сабабли уни асосан, илмензлик оқибати
деб ҳисоблайди ва «Келинг, ҳаётимыза илми раҳнамо
қиламиз!»— деган шонрни ташлайди. Чамаси, 1907 йил-
даги революцион таълимот билан танишув жудаям ни-
ҳоясига етган эмас. Лекин шонрнинг ижтимоий ҳақсиз-
ликни кўра олиши, жамиятнинг манфаат ва интилиш-
лари, орзу-ўйлари бир-бирига тамоман тескари бўлган
синфлардан ташкил топганини, улар ўртасида шафқат-
сиз кураш кетаётганини англашида у, шубҳасиз, катта
роль ўйнаган.

Шонрнинг 1914 йилда ёзган шеърларидан бирида
шундай сатрларни учратамиз:

Кўб қизик бул жаҳоннинг савдоси,
Кўрунур ранг-баранг тамошоси.

Ҳар ера борса, сўзи мақбулдир,
Қимми бор бўлса, нуқра-тиллоси.

Ҳар фақир ўлса, очлигиниким,
Бўлмагай бойин зарра парвоси.

Тўй қилиб ош берур ғанийларга
Қамбағал кирса, ҳайда-ҳайдоси.

«Барча ишнинг меҳварин — таंगा». Агар сен камбагал, «эски тўн» бўлсанг, сендан «хор», сендан «зор» йўқ. «Иzzату ҳурмат» — «олтинун денгонинки» — «тўнин янгонинки». Шоир иккинчи бир шеърда шундай хулосаларга келган эди.

Авлоний ҳокимлар ва тобеълар — «кучлилар» ва «кучсизлар» ўртасидаги муносабатларга эътибор берди. Бу муносабатларда инсон номига муносиб белги топа олмади. Аксинча улар йиртқич ҳайвонларнинг зўри оқибатини маҳв этиш асосига қурилган кун кечирини тарзини эсга туширди. «Инсон каби ўз аҳлига дарранда кўрмадим!» — деб ёзди шоир. Лекин йиртқич ҳайвон билан «инсон-дарранда» орасида фарқ бор. Бу фарқ шундаки, «инсон-дарранда» сўзлашадиган, фикрлайдиган йиртқичдир. У инсоф ва виждондан лоф уради. Дўстлик, биродарликни ўртага қўяди. Эгидан тақво либосини тушмайди. Бу биринчи Туркистонга хос ҳол эмас. У ҳамма ерда мавжуд. Шоир бундай ҳолни фақат миллат ичиде эмас, миллатлар орасида ҳам кўради. Масалан, мамлакатлар ўртасида бўлиб турадиган урушларни шунинг бир кўриниши деб ҳисоблайди. Бироқ «бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айландурдилар, деб ёзган эди адиб. — ва бу сояда (борада) бир-бирларига галаба ва рақобат қила бошладилар. Сеҳрар ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгарлик ила чолишқон Евруно, Африқо ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар қилмакдадур». «Кучлик» миллатлар — «Жаҳон Жайхунларин» «кучсиз»ларининг ўз комига тортмоқда. Шоир шуларга луқма — «туъман тайёр» бўлишдан огоҳ қилмоқчи. Шунинг учун ҳам у миллатнинг ҳаёт-мамонт масаласи ҳал бўлаётганини, унинг «явмул-ҳисоб» қаршисиде турганини кўп таъкид-

¹ Дарвоқе, бу шеър Завқийда ҳам учрайди. Завқийда у 18. Авлонийда 32 сатрни ташкил қилади. Шундан 6 байтда айнан такрор мавжуд, 2 байтда бир оз ўзгаришлар бор. Буларнинг қай бири олдин ёзилган ва шеърнинг асл муаллифи кимлиги ҳозирча аниқланган эмас. Бизнингча, шеърдаги услуб, образлар ушш Авлонийиники дейишга имкон беради.

лайди. Хўш, шоир буларнинг олдини олиш, инсонларнинг инсонларча ҳаёт кечирishiни таъмин қилиш, жумладан, Туркистонни озод ва бахтиёр этиш учун нимаши таклиф қилади?

Аввало, шунини айтиш керакки, шоир гарчи, одамлар муносабатида ёввойи табиатнинг шафқатсиз қонунларига хос хусусиятлар кўрса-да, уларнинг бир кунли меҳру муҳаббатга айланишига, Туркистоннинг эса озод ва обод бўлишига астойдил ишонади.

Гарчи ман маъюсу пурғам миллатим аҳволидан,
Қаъъ умид айламам, таъмини истиқболидан —

деб бошланар эди шоирнинг «Истиқболдан орзуларим» шеъри.

Келур улфат, адоват ўртади қолқур, кетар бир кун,
Қаро кунлар кетуб, ўрнига равшанлик етар бир кун,
Адолат боғида гулҳойи тарбият битар бир кун,
Очиб гулча даҳонини, шодлиғ изҳор етар бир кун,
Ўлур олам гулистон, қайғу кулфатлар ётар бир кун,
Гулоби ҳуррият атри мусаффосин отар бир кун,
Дилим, ғам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбуллари чаҳ-чаҳ кулур, гулзор ўлур олам,—

деб ёзди яна бир шеърида. Дарвоқе, сўнгги байт истиқбол орзуси билан тўлиқ мазкур мусамманнинг ҳар бандиши яқулагандек такрорланиб келарди.

Бу шеър 1912 йилда босилиб чиққан. Шоир инсонлар ўртасида меҳру муҳаббат, дўстлик қарор топишига, адолат ва ҳақиқат таңтана қилишига, ёруғ кунлар келишига ишонч билдирмоқда. Ҳатто озодлик-ҳуррият замонини ҳақида фикр юритмоқда. Лекин табиийки, булар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Шоир буни яхши тушунади. Худди шу шеър(мусамман)нинг ўзида ҳам бунга ишора бор. Шоир ганини илм-маърифатдан бошлайди. Ундан кўн нарса умид қилади. Ҳатто уни салкам нурли ҳаётга олиб борувчи бирдан-бир йўл деб ҳисоблайди. Шеърда илгари сурилган бу фикр маълум маъниққа таянади, албатта. Жумладан, усиз кенг халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб олиши мумкин эмас эди. Шоир ўлкадаги подониликни қоралар экан, шу масалага алоҳида эътибор беради:

«Хуқуқнинг нўлдиғин идрок қилмас жисмиғиз бежон»,— деган сатрни учратамиз шеърда.

Бунн, тахминан, истнқбол учун курашдаги иккинчи босқич деб ҳисоблаш мумкин. Лекин булар билан ҳали ҳеч иш битмайди. Бир ғоя атрофида уюшмоқ «бир маслақни тутмак», маълум бир «идёл»ни ушлаб, ўша учун «курашмак» керак:

Абас бир ғоясиз дунёни дундан яхшилик кутмак,

Керак бир маслаку, бир ғояу идёлни тутмак.

Биза бир йўлни ушлаб, нури мақсуда бориб етмак...

Бунинг учун эса халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини англаган бўлиши, нима учун курашаётганини аниқ билиши ва у йўлнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Авлодий 1914 йилда босилган «Мухотабим қалам!» шеърда қаламига хитобан «ожиэлага имдод қил»нишини, «миллат хонадонини тоза таъмирила бунёд эт»ишини ўттинадн. Дикқат қилайлик: «тоза таъмир» билан, яъни қайтадан қуриб, янгитдан бунёд этиш устида гап кетяпти.

Шоирнинг 1915 йилларда ёзилган «Оила мунозараси» шеъри фарзанд тарбияси устида ота билан она ўртасидаги баҳс асосига қурилган. Ўша давр вақтли матбуоти хабарига кўра «Туркистон» труппасининг севимли номерларидан бўлиб, турли спектакль ва томошалар олдидан декламация қилинган. «Мунозара»да Ота илмнарвар, тараққийчи сифатида ўғил-қизни ўқитиш зарурлигини, «бахт ва иқбол» илмда эканлигини уқтирса; Она у билан баҳсга киришади. Бир қарашда илмнинг фойда-зарари ҳақида илгор ва қолоқ кишининг мунозарасидек бўлиб кўрилган, жуда ўқимшли, оммабон ёзилган бу шеърда шоир ижтимоий қарашларидаги ўзгаришларни илгаб олиш қийин эмас. Эр тилга олган илмли ва илмсизлар тақдири ҳақидаги фикрларга хотин эътироз билдириши биланоқ унинг содда ва жўи тушунчасидан ҳам куласиз, ҳам қайғурасиз. Лекин мана шу ибтидий фикрлар орасида билиб-билмай айтиб юборилган кишини ўйлатиб қўядиган жиддий мулоҳазалар ҳам учраб қолади. Чамаси цензура важдан бўлса керак, шоир бу гапларни тараққийчи Ота тилидан эмас, жоҳил Она тилидан беради. Натижада улар бирданига кўзга ташланмайди. Шоирнинг асл мақсадини англатувчи гаплар шу тариқа, маълум даражада, пардаланиб берилади. Булар асосан қуйндагилар:

Она «бахт ва иқбол илмга боғлиқ» деган фикрга қарши бораркан,

Ҳама бирдек баробар инсондур,
Муллодан илмсизнинг қай эри кам?

деган савол қўяди ва авомнинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққи борлигини таъкидлайди.

Иккинчи бир ўрнида Она Отанинг фикрларига шундай эътироз билдиради:

Ўқубон ўглингиз бўлурми ином?
Муллодан қадрлик шу кунда авом!

Бу ердаги «авом»нинг маъноси бошқачароқ албатта. Инҳоят, унинг қуйидаги эътирозида шонр айтмоқчи бўлган гап равшан кўринади:

Ўқуганин бириму Аҳмаджон,
Егали уйида тонилмас пон.
Мени сўзимни тингланг, эй отаси,
Ўқугонига ер эмиш пушаймон.

Демак, биргина илм-маърифат бахт беролмайди. У орзу қилинган жамиятга эришиш йўлида восита бўлиши, нари борса, унга ёрдам бериши мумкин, холос. Асосий гап бошқа ерда. Бу Авлоний қарашларида юз берган жиддий ўзгаришлардан бири эди. Бу унинг ижтимоий-сиёсий масалаларда маърифатпарварлик идеологиясидан юқори кўтарилганини, маърифатпарвар шонрдан революцион-демократга айланаётганини кўрсатарди.

Хўш, асосий гап қаерда?

Юқорида зикр этилган «Истиқболдан орзуларим» шеърисида шундай банд бор:

Тарбиятсиз боғу бўстондан самар кутмак абас,
Ишламай гулзорда бекор гул кутмак абас,
Булбули шўридан дом пла ҳур кутмак абас,
Ешлнгу гул гунчасин очмай гулоб этмак абас,
Заҳрига бардош эдан тотгай арининг боллидан

Бу сатрлардан битта маъно англашилиб турибди — бахт осопликча қўлга кирмайди! Лекин ҳали бу конкрет гап эмас. Тўғри, худди шу шеърининг ўзида «ҳар гамнинг поёни», «ҳар зимистоннинг баҳори» бўлганидек,

«инқилоб бўлмагн табиий» деб ёзган, лекин уни фақат илм орқали амалга ошади деган фикрни илгари сурган эди. Бир йил ўтмай «инқилоб»нинг илм орқали бўлишига шубҳа билдирди. Унинг ўрнига қандайдир «иш»ни ушлаш, «халқ ичра яхши ишлар ишламак», «янги эамон»га муносиб фарзанд бўлиш ҳақида кўп гапирди. «Шифиргувчи, ямоқчи, хайрчи»дан иборат «хор» миллатга кўн эътибор бера бошлайди. 1915 йилда ёзган «Ҳақиқат ўлсун бу хаёл» деган шеърида эса:

Аромизда бизим ишчи кишининг қиймати йўқдур,
Боқиб инсоф ила ишловчининг олқишламаймизму?! —

дея ишчи аҳлининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқади.

Абдулла Авлопийнинг 1916 йил, аynиқса, 1917 йил икки революция оралиғидаги поэтик ижоди ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Умуман, у бу йиллари жуда қизғин ижодий фаолиятда бўлган. Театрчилик, матбаачилик ишлари билан шуғулланган. Драмалар ёзган, газета чиқарган, «Адабиёт», «Туркий Гулистон...» каби китобларининг қайта, тўлдирилган нашрларини амалга оширган. Лекин шулар билан бирга қизғин поэтик ижод билан ҳам шуғулланган бўлиш керак. Биз ҳозирча унинг фақат вақтли матбуот саҳифаларида, алоҳида китоб ҳолида босилиб чиққан ва бизгача сақланиб қолган шеърлари бўйича фикр юритмоқдамиз. Эҳтимол унинг шахсий архивидаги ҳужжат ва материаллари орасида, дўстлари ва танишлари қўлида сақланиб қолган янги-янги қўлёзма шеърлари ҳам топилар ва шонрининг поэтик мероси тўлиқ жамланиб, унинг шонр сифатида босиб ўтган йўлини кенг ва аниқ, барча тафсилотлари билан кузатиш ва ўрганиш имкони туғилар. Шу жумладан, шиддатли инқилоб йилларидаги революцион шеърлари унинг революционер адиб сифатидаги қиёфасини янада аниқроқ ва ёрқинроқ кўришга ёрдам берар. Ҳозирча унинг икки революция оралиғида ёзилиб, босилиб чиққан 2 шеър маълум. Улардан бири «Қутулдик!», иккинчиси «Ётма!» деб номланган. Шеърларнинг помиданоқ айтилмоқчи бўлган гап англашилб турибди. Шонр февраль буржуа революциясининг натижаларига юксак баҳо беради, Россиядаги «барча миллат»ларини мустабид чор ҳукумати, «бадқирдор Романов», «адумдор Распутин»лар зулмидан қутулгани билан муборақбод этади. Ҳақиқатан ҳам самодержавиенинг афдарини-

ши улкан ҳодиса эди. Бироқ ҳали бу билан масала ҳал бўлган эмас эди. Олдинда вазифаларнинг энг муҳими ва асосийси пролетар революциясини амалга ошириш, ҳокимиятни чинакам халқ қўлига олиб бериш турарди. Шоир бунни тушунади ва «миллати нажиб»ни «гайрат қил»ншга, «хур йўл»ни маҳкам ушлаб, барча зулмлардан халос бўлишга чақиради. 1918 йилда Авлониининг «Октябрь байрами», «Қизил байроқ», «Фирқамиз олойларина» каби жанговор революцион руҳдаги шеърлари босилиб чиқди. Шоир уларда тарих ғилдирагини бутунлай бошқа изга солиб юборган. Октябрнинг оламшумул аҳамиятини кўрсатиб берди. Уни амалга оширган партияни, унинг «шонли отряди»ни шарафлади, янги дунё рамзи — қизил байроқни мадҳ этди. Революциянинг ҳаётбахш самараларини меҳнаткаш омманинг кенг қатламларига тушунтирди. Келгусида инсоният истиқболини мана шу йўлда кўрди. У ўзининг «Қизил байроқ» шеърини,

Уюшнинг, тўпланинг кўтармак учун,
Бутун оламга поссибондур бу!—

деган сатрлар билан якунлаган эди.

Октябрь революциясининг моҳиятини чуқур ва атрофлича англаш, янги турмуш сиёсатини, социалистик ҳаёт тарзини тарғиб ва ташвиқ қилиш шоирнинг 1918—19 йилларда босилиб чиққан шеърларининг асосини ташкил қилди. Булар ўз даври эътиборида бениҳоя катта аҳамиятга эга эди. Бу шеърлар шоир замондошларига катта таъсир кўрсатгани маълум. Масалан, Садриддин Айний унинг «Хуррият марши»дан илҳомланиб, «Мактаб марши»ни ёзган ва бунини муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлаган эди.¹ Агар Авлонида:

Шонли ҳуррият — Туркистонники:
Шонли Туркистон — ҳурриятники:

сатрлари нақорат бўлиб келса, Айнийда:

Яшасун мактаб, биз ҳам яшайлук!
Биз ҳам яшайлук, яшасун мактаб!

байти такрорланиб келади.

¹ Қаранг, «Иштирокиюн» газетаси, 1920 й. 48-сон.

Абдулла Авлоний гражданлар урушининг оловли йилларида Ҳамзага ҳамоҳанг ҳолда «Қизил қўшин»ни улуғловчи, озодлик ва бахтни сақлаб қолишга даъват этувчи ўнлаб эҳтиросли шеърлар ёзди. Дарвоқе, Ҳамза ва Авлоний ижодий ҳамкорлиги масаласи театршунос М. Раҳмонов таъкидлаб ўтганидек, ўрганилиши зарур бўлган масалалардандир ва унинг жуда қизиқарли материаллар бериши шубҳасиз¹.

Авлонийнинг 1924 йил, 27 январь санаси билан ракамланган «Вақтсиз кетдинг...» шеъри В. И. Ленин вафотига бағишланган. Шеър бирор ерда босилиб чиққан эмас. Уни Мўминжон — Тошқин 1948 йилда Ойбек таълифи билан тузган «Тошкентлик ва Тошкентда бўлган ўзбек шоирларининг таржимаи ҳоллари»² номли қўлёмасига киритади. Муаллиф шеърни шоир «оиласидаги қўлёзмадан кўчирган»³.

Ленин умумбашарий аҳамиятга эга бўлган сиймодир. У — истиқбол бунёдкори. Унинг доҳиёна заковати жаҳон тақдирини янги йўлга солди. Унинг вафоти инсоният тарихидаги энг огир жудалик. Лекин у бошлаб кетган иш ўлмасдир. Шеърнинг асосий ғояси шуни инборат.

Шоирнинг 20-йиллардаги шеърларида ўлка иқтисодий ва маданий турмушида юз берган улкан ўзгаришлар ўз аксини топди.

Дарҳақиқат, у Октябрнинг биринчи кунлариданоқ ўзини пролетар революцияси ишига сафарбар этган. Революция, Ленин, социалистик турмуш ҳақида ўнлаб гоявий баркамол шеърлар яратиб, ўзбек социалистик поэзиясининг майдонга келишига муносиб ҳисса қўшган эди.

Четдан қараганда силлиқдек кўринган бу йўлга тушиб олгунга қадар Авлоний кўнгини изланиш ва қийинчиликларни босиб ўтди. У баъзан йўлдан адашди, турмуш машаққатларига тоб беролмай тушкунликка тушди, буржуа идеологларининг ялтироқ шпорларига маҳлиё бўлди... Лекин булар ҳеч қачон унинг ижодида

¹ Қаранг, М. Раҳмонов, Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача). Т., «Фан», 1968 й., 339-бет.

² Қўлёзма Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланади.

³ Қаранг, қўлёзма, 576-бет.

етакчи ўрин олган эмас. Бунинг ғувоҳи унинг ижоди, унинг фаолияти!

Авлоний шеърляти, айниқса, унинг Октябрғача бўлган қисми баднийят масалаларида ҳам қатор ютуқларни қўлга киритди. Ижтимоий-гражданлик туйғуларининг, революцион романтиканинг асосий пафосга айлаштириши уни ифодалаш учун шунга мос бадний-тасвирий посылалар пайдо бўлишига олиб келди. Масалан, классик адабиётдаги кўпгина анъанавий образлар янги маъно касб этди, қабарик, сербўёқ романтик образлар вужудга келди. Кўпгина поэтик жанрларининг, жумладан газалининг ички мазмуни ҳам тубдан ўзгарди. Долғали, қасирғали йиллар шоир шеърларига хитоб, чақириқ, руҳини олиб кирди. Бармоқ ваэни адабиётимиз тарихида биринчи мартаба халқ оғзаки ижодидан ёзма адабиётга олиб ўтилди. (Масалан Авлоний халқ куйларига мослаб ёзган шеърларида бармоқ ваэнидан фойдаланган эди).

Унинг 20-йилларда ёзган шеърлари ўзбек совет поэзиясининг ilk намуналаридан бўлиши фактининг ўзи билан ҳам диққатга сазовор.

Ушбу тўпламга Авлоний адабий меросининг кичик бир қисми танлаб олинди. Уларнинг деярли ҳаммаси ўз даврида босилиб чиққан. Шоир шеърларини беришда муаллиф томонидан қўйилган сарлавҳалар асосан, сақлаб қолинди. Маълумки, шеърларнинг ёзилиш сапасини аниқлаш жуда мушкул иш. Шунинг учун кўп ўринларда уларнинг босилган сапаси кўрсатилди. Эълон қилинмаган, ёзилган йилни аниқлаш мумкин бўлмаган шеърлари очик қолдирилди.

Авлонийнинг шеърини тўпламлари, дарсликлари революцияга қадар бир неча мартаба нашр қилинган. Қўлингиздаги китобни босмага тайёрлашда уларнинг энг кейинги нашрлари асос қилиб олинди.

«Туркий Гулистон...»ни «Ўқитувчи» нашриёти 1967 йилда чоп этди. Унда қатор текстологик нуқсонларга йўл қўйилганлиги вақтли матбуот саҳифаларида айтилган эди.¹ Мазкур нашрда шулар ҳисобга олинди.

БЕГАЛИ ҚОСИМОВ

¹ Қарағи, «Шарқ юлдузи» ж., 1968 й., 11-сон, 233—234-бетлар.

„АДАБИЁТ ЁХУД МИЛЛИЙ ШЕЪРЛАР“ ТЎПЛАМИДАН



УШБУ «АДАБИЁТ»А ТУРКИСТОН АҲЛИНДАН ЖАВОБ

Афандим, бу сизнинг афғонингиз бизларга кор этмаз,
Очарға кўз қани бизда, имолар асло ор этмаз,
Хазон бўлғон гулистондур, гулини ихтиёр этмаз,
Сизнингдек бинг мухотиб доди фарёди мадор этмаз,
Нечук чиқсун бу миллат ғайрату ҳиммати ёр этмаз.

Қани эр бизда уйқудан уёғ хотун қаторинда,
Дилу жонин жаҳолат қопламиш ётмиш мазоринда,
Нечук ибрат олур жонсиз жамод ул қабр зоринда,
На деб сўз тишглаюрким, нунба ғафлатгў шикоринда,
Нечун турсун бу ғафлатдан тағофул эътибор этмаз.

Бу жаҳлистон элига ваъзлар кор этмағай, фарёд,
Бу сангин диллари тенкулар озор этмағай, фарёд,
Бу оснё сангин устидан турно кетмағай, фарёд,
Бу кўҳистон дилини қаҳфи хоби битмағай фарёд,
Ётар доим фарогатда на панггу-ор гор этмаз...

Тараққий йўлига тушсунми ё шахисидан қолсун,
Фуруни илмдан ибрат деса пул тоиладан қолсун,
Маншат бобида пул тоишну ўз жайбига солсун,
Боқиб ҳирси ила таъриха Қорундан на деб қолсун,
Насиҳат ақчасиз бу сангин дилларда қарор этмаз...

Ғанилар ўртаминда бер-ҳиммат тишлари буррон,
Фақирлар жисмини тишлаб олурға тишлари буррон,

Хусумат айламакда дилдаги гул гишлари буррон,
Жамоат хайрини бузмак учун қирқишлари буррон,
Ғариблар жамъига бундай аламини заҳри мор этмаз.
Биза лозим эрур ахлоқ таълимига бир ўн йил,
Жаҳолат жомини биздан тарк ўлуру гар кечса
беш-ўн йил,
Улуми маърифатдан то хабар топмак-ла ўн-ўн йил,
Чироғи илм учун Ҳижрон бўлуб ётмакка юз ўн йил,
Агар бинг йил насихат ёггани-ла сабззор этмаз.

1909

ОЛАМ ИЧРА КЎРМАДИМ...

Олам ичра кўрмадим кизбу хиллатдан бўлак,
Меҳру шафқат ўрнига шахсий адоватдан бўлак.
Ҳамшикамлар, ҳамнафаслардан фароғат кўрмадим,
Оҳ кўнглум пора-пора дил жароҳатдан бўлак.
Ошино ёру биродардан муҳаррар чектим ол,
Ҳеч бир шай кўрмадим гийбат ҳақоратдан бўлак.
Демак истарман хуружи Махдун Исо қариб,
Учрамас бир шай кўза айшу шароратдан бўлак.
Шайхлар сайёд ўлуб сайди мурид ўлди дариг,
Зухду тақвони на қилсулар саёҳатдан бўлак.
Илм истарлар амалдин заррача йўқтур нишон,
Истамаслар бир шайн назру саховатдан бўлак.
Миллати ислом учун ҳеч кимса заҳмат чекмасун,
Бизга анжақ йўқ зарар заҳмат хижолатдан бўлак.
Истама Ҳижрон ўлуб пожнелардан дафъи ғам,
Бу шажарларда самар йўқтур жаҳолатдан бўлак.

1909

Оламни ўраб олгон гавгоси надур, билмам,
Бу одам ўғулларини даъвоси надур, билмам,
Бир-бирларига қилгон иғвоси надур, билмам.
Инсонларни бу кори бежоси надур, билмам.

Кўзлардин оқар қон ёш, билмам, нечук оламдур,
Дунёни босуб селоб ҳар гўшада мотамдур,
Тўфонми, балодурми — ҳар қатраси бир ғамдур,
Бунларни яратмоқдан савдоси надур, билмам.

Билмамки хароб ўлмиш бу олами нисият,
Гардушми хато айлаб пермас биза тарбият,
Уйқудами инсонлиг, гафлатдами ульвият?
Рўё эса бу олам, фардоси надур, билмам.

Ҳайвон каби ҳар ерда инсон қилинур қурбон,
Фиръавна бу кунларда тақлид эдиюр инсон,
Бу кори фанолардин ҳатто ўтонур шайтон,
Бу жабру ситамларининг маъноси надур, билмам.

Диққат-ла боқур бўлсанг, ақлингни босур ҳайрат,
Ҳақ наstda қолуб поҳақ пул бирла тонур қувват,
Бўлғуси забун ҳолнинг, йўқ санда агар сарват,
Халқнинг бу қизикдиргон дунёси надур, билмам.

Бечора-ю ожизлар дастидан этар фарёд,
Афтода етимлар ҳам жабриндан эмас озод.
Дунёнинг ўзи билмам бўлғуси қачон барбод.
Бу гам уйндур Ҳижрон, ижроси падур, билмам.

1911

ТААЖЖУБЛИК ҲОЛЛАР

Ажаб ҳасратли оламдур, кўнгуллар доғдор ўлмиш,
Жаҳолат захминдин диллар — кўнгуллар лолазор
ўлмиш,
Жаҳон гулзориinna ибрат била боқ булбули ғофил,
Гули исломдек дунё юзинда борми хор ўлмиш.
Айил, эй миллати ғофил, етар бошингга бу хобинг,
Нечун билмам, очилмиш кўзларинг уйқуга зор ўлмиш.
Фано бир ҳола қолмиш барча авлоди ватан, ёҳу,
Оносиндан айилган қуш каби беихтиёр ўлмиш...
На миллат ёди мазннинг вор, на истиқболинг умиди,
Вужудинг пунжау ваҳшат ичинда тору мор ўлмиш.
Ҳаётинг тарбиятсизлик тўфангига нишон айлаб,
Чунон мажруҳ ўлуб руҳлар, юраклар захмдор ўлмиш.
Етар миллат, ётурсан табакай бу қаҳфи хобингда
Бўлур Ҳижрон кўнгуллар, дилда жонлар беқарор
ўлмиш.

1912

ФАЛАКДАН БИР ШИКОЯТ

Бу кажрав қуруб бизлара турфа дом,
Қаро — оқ ила айлаюр бизни ром.
Гунаш нуридан айлади бизни дур
Ҳама илм субҳидадур, бизға шом.
Қамар шуъласиндан ололмай зиё,
Таназзул йўлин қилдимиз эҳтиром.
Кўринмас бизни бахтимиз юлдузи
Замон тарбасин қилмайин кўзға ром.
Фунун кўкида ўзгалар барқдек,
Қилур жилвасин бошимизда давом.
Фалак марказидур қаро бахтимиз
Қачондур ўлур чамбари кажмаром.
Зиё рўзи таъминни агёр учун
Қаро кечасин пос этар, биз гулом...
Қачон тебратур илм субҳинг насим?
Насиб ўлмайини гўстарирму қиём?
Ҳавонг бизлара тарбият вермаса,
Емрилуб-емрилуб бузулсун тамом.
Қазо боди Ҳижрон солуб чархинга,
Хароб айласун, айласун вассалом.

1912

АҲВОЛИ ОЛАМДАН БИР НАМУНА

Қилур токай жафосин, бизга ҳам дилдор ўлур олам,
Тўлуб меҳру вафоси, қўзғалуб, ғамхўр ўлур олам.
Ташаб огуши нисёнин, туруб хушёр ўлур олам.
Мурувватсизлигиндан жиркануб, безор ўлур олам,
Баҳори маърифат уйғотса, хушгуфтор ўлур олам,
Ўсуб райҳонин шафқат мушк ила тотор ўлур олам.
Диллим, ғам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбулларни чаҳ-чаҳ кулур, гулзор ўлур олам.

Келур, улфат, адоват ўртадин қолқур, кетар бир кун,
Қаро кунлар кетуб, ўрнига равшанлик етар бир кун,
Адолат боғида гулҳойин тарбият битар бир кун.
Очиб ғунча даҳонин шодлиғ изҳор этар бир кун,
Ўлур олам гулистон, қайғу-кулфатлар йнтар бир кун,
Гулобин ҳуррият атри мусаффосин отар бир кун,
Диллим ғам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбулларни чаҳ-чаҳ кулур, гулзор ўлур олам.

Бало тоши ёғилди бошимизга хоби ғафлатдан,
Мижози суст ўлуб авлод, миллат тушду қувватдан,
Билимсизлик туширди, йиқди бизни қадру қимматдан,
Жаҳолат қувди бизни хонумону молу сарватдан,
Кейин қолдик, чекилдук ҳар замон ағёр миллатдан,
Сурулдук даҳр аро бизлар қатори одамиятдан,
Диллим ғам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбулларни чаҳ-чаҳ кулур, гулзор ўлур олам.

Адабсиз, тарбиятсиз маърифатсиз барчамиз—нодон,
Тамаддунпешалар бизларни ваҳший деб отар ҳар ёч,
Ҳуқуқинг ифлиғин идрок қилмас, жисмимиз бежон,
Амал йўқ, илм йўқ ҳайкал кабн (миз) — исмимиз—инсон,
Эдук қимматбаҳо аввалда, эмди қадримиз арзон,
Кўнгулда доғлар қат-қат, бўлур кўз ёшимиз маржон,
Дилим, ғам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбуллари чаҳ-чаҳ кулур, гулзор ўлур олам.

Замоннинг одатидур илмсиз инсонлари ютмак,
Абас бир ғоясиз дунёи дундан яхшилик кутмак,
Керак бир маслаку бир ғоя у идёлни тутмак.
Биза бир йўлни ушлаб нури мақсуда бориб етмак,
Сабоват гавҳарини лойи балчиқдин халос этмак,
Будур мақсуд бизларга салафлар ортидан кетмак.
Дилим, ғам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбуллари чаҳ-чаҳ кулур, гулзор ўлур олам.

Етар Ҳижронлиғ эмди, тарк лозим хоби ғафлатни,
Қадам қўймак, курашмак ахтариб нури ҳидоятни,
Замон тўфонидан қутқорғали авлоди миллатни,
Абас ўткармайн умри азизини — сабоватни,
Мунаввар фикр этиб, кўрсатмалидур, яхши одатни,
Тузатмак илм ила фикру хаёлу руҳи умматни,
Дилим, ғам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбуллари чаҳ-чаҳ кулур, гулзор ўлур олам.

1912

ФИҒОНИ БУЛБУЛ

Жаҳон боғини гулзоринда фарёд этди бир булбул,
Утурди нағмазоринда гулин ёд этди бир булбул.
Кўруб гул яфроғини ҳажридин дод этди бир булбул,
Висоли ёр учун юз наваҳа пишод этди бир булбул.

Дили бизлар каби мажруҳ висоли, ёрдаи маҳрум
Кўзи ёшлу: замондин беҳабар дилдордан маҳрум,
Гули ағёра улфат, муноси ғамхордан маҳрум,
Майин овоз ила дилларини ишод этди бир булбул.

Нечун билмам, сарупо шўришу саршор ғафлатдур,
Адашкон хонумоидин, ҳар сўзи бир дарси ибратдур,
Ватан маҳжур экаи ҳар нағмаси гўё шикоятдур,
Боқиб сўйи самога дард аврод этди бир булбул.

Улур беҳуш инсон гар фалакдан айласа фарёд,
Эмас жавлон кўҳанда бир замон то бир нафас дилшод,
Хазоннинг дасти зулминдан қилуб бинг шиквалар

теъдод,

Фиғону нола бирла доди бедод этди бир булбул.

Садойи дил фириби айлаюр дил ғунчасини чок,
Нидойи ҳайратафзоси қилур кўзга сасин намнок,
Навойи шўри оҳангги қилур инсон вужудин пок,
Лисон ҳоли ила жонларга имдод этди бир булбул.

Вужуди меҳнату ғам бирла тўлган қобил афғона,
Тамоман турмуши бир дарси ибрат ҳар бир инсона,
Анинг фарёди афғони замондан эрмас афсона,
Вужудия ҳажри дилдоринда барбод этди бир булбул.

Таажжуб, мен каби бечорада миллат ҳиси воркан,
Муҳаббатдан урар дам дилда миллат қайғуси воркан,
На деб Ҳижрон бўлур ғафлат кўзунда уйқуси воркан,
Саҳаргоҳи хаёлимга бир иршод этди бир булбул.

1912

Ғойиб ўлган Юсуфнинг келгуси, Қанъон чекма ғам,
Қайғулик уй бўлгуси бир кун гулистон, чекма ғам.

Эй дило, қайғу чекан, хушҳол ўлурсан урма оҳ,
Келгуси қайтуб қошингга ул йўқотгон, чекма ғам.

Бир-ики кунда муроднингга фалак айланмаса,
Доимо бир йўл бида кетмас бу даврон, чекма ғам.

Етса умрингни баҳори келгусидур булбулинг,
Бўлгуси гуллар, чаманлар, булбулистон, чекма ғам.

Бўлмағил навмид ҳаргиз, беҳабарсан ғайбдан,
Парда ичра бўлгуси кўб сирри пинҳон, чекма ғам.

Ҳар киши оламда саргардон кезар ғамхорсиэ,
Охири ёрдамчи бўлғай анга бир жон, чекма ғам.

Каъба истаб гар қадам қўйсанг биёбонлар аро,
Берса заҳматлар санга хори муғилон, чекма ғам.

Бир тарафдан доғи ҳижрон, бир тарафдан таъналар,
Қайғуликлар ҳолини билмаэми раҳмон, чекма ғам.

Сел келуб дунёни барбод этгали қилса хуруж,
Нўҳ сувчидур, санга тегмаз бу тўфон, чекма ғам.

Ғарчи манзилдур хатарлик, ҳам йпроқ мақсудимиз,
Ҳеч йўл йўқдурки, бўлмас анда поён, чекма ғам.

Ҳар кишида бир ғараздур, ҳар кўнгулда бир хаёл,
Ҳар ким ўз умидининг қурбони, Ҳижрон, чекма ғам.

1912

Эй жаҳла, хоби гамга талабгор ўлан Ватан!
Борми санингча бекасу беёр ўлан, Ватан?!
Саъйи жадалга мункиру инкор ўлан Ватан!
Авлоди барча ишсизу бекор ўлан Ватан!
Ҳою ҳавасга муноси гамхор ўлан Ватан!
Ў аҳлдан зериккан ва безор ўлан Ватан!

Авлодинг ўлса барчаси беим — офатинг,
Бўлмиш малул ҳайкалу шаклу қиёфатинг.
Вайрона бўлди манзилу жойи зироатинг,
Бойқушлар ўлди ҳамдам, ёру қаробатинг
Илму амалии таркини тайёр ўлан Ватан!
Эй, жоме жаҳла кўзлари хуммор ўлан Ватан!

Эй, манбаи адовату майдони киназор,
Авлодинг ўлса жонсизу сан — бир буюк мазор,
Жонлик жаноза бирла тўлуб сақнинг, эй диёр,
Хомам санга шу сўзлари кўз ёш ила ёзор
Эй, боди жаҳла тоза гирифтор ўлан Ватан!
Борми жаҳонда сан каби бемор ўлан Ватан?!

Тири қазо-я бизлари қилдинг нишона сан,
Бизга мазор, ўзгалара дарсхонасан,
Агёра ёр ўлубсану биздан бегонасан,
Боқмазсан иқтизойи чарха—на ҳукм замонасан,

Биздан безуб, бўлаклара дилдор ўлан Ватан!
Илм аҳлина васиъ, биза тор ўлан Ватан!

Хоки мазаллатингда ётурмнз бўлуб ғариб,
Ҳар кунда бинг фиғон чекамнз мисли андалиб,
Ғунчанг очилдимн — ҳукамолар олур териб,
Биз эрса хор илан қоламнз, хор бенасиб,
Эй, гуллари фунуна ҳаваскор ўлан Ватан!
Эй, ғунчаси маориф учун зор ўлан Ватан!

Эй зиндалари — мадфун, эй хонумон — хароб,
Вайрона уйларинг кўринур саҳнаи ҳисоб,
Сонким бу манзаранг биза бир маҳшари азоб,
Ҳар бир боқишда жон сиқилур, бағр ўлур кабоб,
Боғи жинон, бизга аламзор ўлан Ватан!
Обу ҳавоси заҳр пла озор ўлан Ватан!

Эй модарим, чўжуқларинг ифлос, безиё,
Остингдан устинг ўлди биза тарқа фуқаро,
Сандин умид шулмиди, жондан азиз оно?!
Кундан-кун айладинг бизи Ҳижрона мубтало,
Эй, шири шафқати биза хунбор ўлан Ватан!
Борми жаҳонда санча ситамгор ўлан Ватан!

1912

ЎЗ МИЛЛАТИМДАН РИЖОЙИ ОЖИЗОНАМ

Ётурсан табакай ғафлат қучоғинда, уён миллат,
Жаҳолат жомасин устингдан иргит, тур, замон миллат,
Кетиб ҳамроҳлар, сан йўлда қолмакдан ўтон, миллат,
Тур, ўтмай вақт ноз уйқусидан кўбдур зиён миллат,
Кўзинг оч, ётма, ғафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодинг, омон миллат, омон миллат.

Қани аввалдаги илминг, фунундан эътироз этдинг,
Жаҳолат ёри бўлдинг, ошинолардан ароз этдинг,
Билиб дўстингни душман, душманингни сарфароз
этинг,

Кириб ғафлатни хобига ўзингни инқироз этдинг.
Кўзинг оч, ётма ғафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодинг, омон миллат, омон миллат.

Замонга боқмасанг санга замон асло назар қилмас,
Кетар ҳамроҳлар ташлаб, санго асло хабар қилмас,
Етиб ғайрат ила бир юрмасанг асло ҳазар қилмас,
Тарозуға қараб тошингни қўй, асло зарар қилмас.
Кўзинг оч, ётма ғафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодинг, омон миллат, омон миллат.

Олиб сандин таълим ўзгалар илгори кетдилар,
Фунун таърихларингни шарҳ этиб аслига етдилар,
Фалотун, Бу Али Синоларингдан ишлаб ўтдилар,
Сани авлодинг осори қадимларин унутдилар.

Қўзинг оч, ётма ғафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодинг, омон миллат, омон миллат.

Маризинг бир тарафдан, бир тарафдан хорсан, миллат,
Бадандан доимо қон олдуар беморсан, миллат,
Тилинг йўқ, гар қулоғинг, сурати деворсан, миллат,
Бузуғдир ниятинг ахлоқсиз, беорсан, миллат,
Қўзинг оч, ётма ғафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодинг омон миллат, омон миллат.

Замонлардирки, бойқушдек, харобот истаюрсан оҳ,
Ташаб миллий садоларни, хурофот истаюрсан оҳ,
Гулистондан кечиб сайри мазорот истаюрсан оҳ,
Надир билмам, муродинг бунча ҳайрот истаюрсан оҳ,
Қўзинг оч, ётма, ғафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодинг, омон миллат, омон миллат.

Сани ҳоли харобинг кўрса Мажнун зорлар йиғлар,
Ғарибу бекасу бечора дилафкорлар йиғлар,
Замину осмон, сангу дару деворлар йиғлар,
Билиб шоир муродинг воқифи асрорлар йиғлар,
Қўзинг оч, ётма ғафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодинг, омон миллат, омон миллат.

Таманно айларам сандан, ётурсан табакай кўз оч,
Фано мулкина юзланмакдан аввал илм ила нур соч,
Ғаниматдур, таназзул боғини илминг-ла ташлаб қоч,
Етар мақсуда ағёринг бўлуб Ҳпжрон қолурсан оч,
Қўзинг оч, ётма ғафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодинг, омон миллат, омон миллат.

1912

МАКТАБ

Мактабдур офтоби жаҳон саодатинг,
Мактабдур осмони замон сабоватинг.

Мактабдур энг зиёли пуранвор жилвагар,
Мактабдур ошёни ҳама файз қудратинг.

Мактаб қотина кимни чақирса, қилур адиб,
Мактаб маконн манбан инсофи ғайратинг.

Мактаб у жойи дилкаш ширин мақомдур,
Мактаб беҳишту жаннат ҳур табнатинг.

Мактаб жаҳонни(нг) бир чамани лолазориким,
Мактабни, сарви сунбулидур қадру қимматинг.

Мактаб насими субҳ каби фикра жон верар,
Мактаб ҳаёт зийнатида одамиятинг.

Мактаб қилур жаҳолату нодонлиға нлож,
Мактаб балойи офатидур қайғу, кулфатинг.

Мактаб кўнгулни зулмати ғамдан қилур халос,
Мактаб калиди, очқучидур боби роҳатинг.

Мактаб дилингга сочғуси илму фунунни
Мактаб зиёда қилғучидур ақлу ҳикматинг.

Мактаб ҳакими ҳознқ эрур жаҳл дардина,
Мактаб гулоб маъжунидур дарду ҳасратинг.

Мактаб дилинги пок қилур зангги ваҳмдан
Мактаб эгови аррасидур фақру энлатинг.

Мактаб қўлингин тутдини, бошлар ҳидоята.
Мактаб раису раҳбаридур дин, миллатинг...

Мактаб — у чашмаи, суви кавсари жинон,
Мактаб у манбаъки, сочар файзи раҳматинг...

Мактаб — хулоса боги адаб, кони маърифат,
Мактаб ҳарик вулқон, Ҳижрон, жаҳолатинг.

1912

ДУНЁ КИТОБИДАН

Ҳар ким келур оламға бўлур зору паришон,
Ғурбат-ла, машаққат-ла яшар дунёда инсон.

Ҳаммолинг оғир бўлса юки, меҳнатн ортур,
Ҳар кимки улуг бўлса, бўлур кулфатн осон.

Ҳар дардинг ўлур чорасн, ҳар йиғлаян ўлмаз,
Ҳар кулфата бир охир ўлур, ҳар ғама поён.

Беморниг агар сиҳҳатини истаса оллоҳ,
Келгай қошига дору била соҳиби дармон.

Ҳар кимнинг агар умри тамонига етушса,
Йўқ фойдаси келган ила қошига Луқмон.

Золимнинг ўзи зулма гирифтор ўлур охир,
Албатта бўлур уй бузанинг хонасн вайрон.

Сабр эт снтама, бўлғусидур охири роҳат,
Юсуфға нечук зулм қилур эрдилар ахвон.

Сабр айла кўзим, йиғлама меҳнат-ла, жафога,
Бир донрада давра қимаз гардиши даврон.

Бир кун бу хароб олами обода қўюб юз,
Гуллар очилуб, қилғусн булбуллари жавлон.

Белми амал айлама авқотингни нобуд,
Фикр айла нечук ишладилар илм ила Луқмон.

Дуфрордан ўлур масжид ила дайр биноси,
Бирдир назари ҳақда маъжус ила мусулмон.

Оч кўзни, кўзим давлати нқбола қувонма,
Ғафлат уйини(нг) йиқди нечук оташи Ҳижрон.

1912

МОЗОРИМ ЛАВҲИНДАН

Шоирам, бан сўйларам сизга забоним арз этар,
Жон қулоғи бирла тингланг, сизга жоним арз этар.
Холи эрмас бир замон жисмим жафои таънадан
Ҳоли аҳволим сиза руҳи равоним арз этар.
Бан ниҳон ўлсам-да, осорим ниҳон ўлмаз, қолур —
Қайғулик ҳолимни ахлофа ниҳоним арз этар.
Ҳар замон ҳолу дилим хомам сиза айлар баён
Ожиз ўлсам куйламакдин таржумоним арз этар.
Бан йиқилсам ё йўқ, ўлсам, кимсадан сўрманг бани
Қўнглуминг ёшин йиқилмиш хонумоним арз этар.
Бир замон бўлғай манга лавҳи мазорим таржумон,
Миллатим ҳижронда, Ҳижрон жовидоним арз этар.

1913

БАҲОР

Кўнглум хуш эрди мавсуми фасли баҳордан,
Боди сабо кетурди хабар васли ёрдан.
Таъби табиат айламинш атрофни сабззор,
Рашк айлаюрди Боғи Эрам бу диёрдан.
Бир ёнда гул-чечаклар отуб, тебранур чаман,
Бир ёнда булбул оҳ чекар интизордан.
Бир шавқ хуш латофат ила келтурур насим,
Бир кўкуни чамандан ва бир лолазордан.
Боқ диққатинг-ла бир гула, бир сарву сунбула,
Оч кўзларингнн, қилма гина рўзгордан...
На санда ёра майл, на васл учун ҳавас,
Чек алларингнн эмди бу завқу ихтиёрдан.
Аввалда санда бор эди илму фунунга ишқ,
Шимди иборат ўлдннг у эски мазордан.
Кўб ётма, қотма, иста висоли жамоли ёр,
Бўлма баҳоринг сўнгида Ҳижрони зордан.

1914

МУСИҚИ

Маст ўлур ҳар ким эшитса, шавқ ила овозинги,
Ўйнамоқ айлар тақозо, тингласа жон созинги.
Мавжи овозинг асир айлар қилуб жонлари,
Сомеъ айларсан садо қилсанг, агар инсонлари,
Чашми руҳони неча минг жонлари жазб айлағай,
Мурда диллар жунбушингдан тўтиё касб айлағай.
Элни элтар завқ дийдоринг таманно айласа,
Ким мусаххар ўлмағай васлннг тамошо айласа,
Қайфланмазму сенингдек дилкушо мастонадан,
Қайси жон айрилмоқ истар сан каби жононадан.
Сўйлаган кимдур даҳонингдан азал асрорини,
Нағманг очгай элни афкорин, тузар жон торини.
Ларза тушгай жисми инсона тараннум айласанг,
Қалблар ларзишга тушгай сан такаллум айтасанг,
Сувратинг кўрганда, эй жонпарвари зебо мақом,
Оташин ишқингга ҳар жон суврати бўлгай гулом.
Куйла, сўйла шеъримн, эй руҳпарвар, бемалол,
Бир садо қил, бир нидо қил, кўрсат оҳанги жамол.
Коинота чиқ уйнгдан, айлагил бир илтифот,
Шаклини кўрганда, сендан руҳ касб айлар ҳаёт.
Нағмасозингдур мадори жисм, кудси сўзларинг
Руҳбахшодур садо қилганда, Ҳижрон, кўзларинг.

1914

МАИШАТИМИЗДАН БИР МАНЗАРА

Кўб вақтлар ухладук, эмди турайлук,
Тонг отди, уйқудан кўзни йирайлук.
Ўтмасун вақтимиз илма юрайлук,
Тезгина илм(н)инг уйига кирайлук.
Эй миллат, ухлама, илм олур чоги,
Ҳар миллат илм олди — ёнди чирогин...

Умрини сарф этмиш ота-боболар,
Чекмишлар илм учун жабру жафолар,
Бизлар ҳам бўлмайлук бахти қаролар,
Битсун, йўқ ўлсун, бу кайфу сафолар,
Эй миллат, ухлама, илм олур чоги,
Ҳар миллат илм олди — ёнди чирогин.

Боболар қилмишлар илма шитоб,
Ёзмишлар қанча ҳисоб-китоб.
Солмишлар мактаб, мадраса, меҳроб,
Бизлар ётармиз ўқумайини ухлаб.
Эй миллат, ухлама, илм олур чоги,
Ҳар миллат илм олди — ёнди чирогин.

Оз бизда яхши тартиблик мактаблар,
Йўқ бизларда илма жиддий талаблар,
Оталар илма пул бермас — ер гаплар,
Тўйларга оқчалар неча минг сарфлар.

Эй миллат, ухлама, илм олур чоғи,
Ҳар миллат илм олди — ёнди чироғи.

.
.

Илмсиэ ҳар бир иш охири войлар,
Оч кўзни, эй Ҳижрон, илма бел боғла,
Эй миллат, ухлама, илм олур чоғи,
Ҳар миллат илм олди — ёнди чироғи...

1914

ЖОҲИЛ ТИЛИНДАН

Нафсу овқотим учун қопқонда юрдим ахтариб,
Ким кетурса ғалла кўп сотгонда юрдим ахтариб.
Пул қилиб ёнига солгон чоғини пойлаб туриб,
Кесмоқ учун кишсаи ҳамёнда юрдим ахтариб.
От бозору мол бозорини кезубон бемалол,
Гар қулай келгайму деб карманла юрдим ахтариб.
Кўнканнинг олдида тушган-чиққан одамларни ман,
Чўнтагиға бир қўлим солгонда юрдим ахтариб.
Иттифоқо бир куни қўлга тушиб қолдим ўзим,
Ўйла калтаклар едим, дармонда юрдим ахтариб.
Шунча кўрган роҳатим талх ўлди, тушдим турмага
Олти ойга ҳукм ўлиб, зиндонда юрдим ахтариб.
Бу фано ишга сабаб кимдур, билинг, ман айтайин,
Тарбият қилмай онам, майдонда юрдим ахтариб.
Кўча кездим илма тарғиб қилмади жоҳил отам,
Ошиқ ўйнаб, пул тикуб ҳар ёнда юрдим ахтариб.
Бора-бора зўр қиморбознинг бири бўлдим расо,
Гоҳ ютуб, гоҳ ютқузуб, гулхонда юрдим ахтариб.
Катта бўлдим, касб ҳам ўргатмади отам-онам,
Ўтти умрим лоф ила ёлғонда юрдим ахтариб.
Бўлдим ишёқмас, билимсиз бўлди, касбим ўғрилиқ,
Оқибат жоним азиз қурбонда юрдим ахтариб. . . .
Эй оталар, бу мани ёзгон сўзим ибрат сиза,
Кеча-кундуз илм учун Ҳижронда юрдим ахтариб.

1914

ИСТИҚБОЛДАН ОРЗУЛАРИМ

Гарчи ман маъюсу пурғам миллатим аҳволидан,
Қатъ умид айламам таъмин истиқболидан,
Илма рағбат истарам миллатни ёшу чолидан,
Илму дониш яхши зиннат қиз-хотунга молидан,
Илм олуб шояд қутулса гафлат(н)инг чанголидан.

Ғийбату баъзн адоватни агар тарк айласак,
Илму фан таҳсилина ҳиммат-ла белни бойласак,
Билмак, ўрганмакни касб айлаб дил узра жойласак,
Хоби гафлат ўрнига саъи жадални пойласак,
Жилва қилса маърифат ойинайи нқболидан.

Ҳар ғаминг поёни вордур, ҳар аламнинг охири,
Ҳар зимистоннинг баҳори, ҳар хазоннинг охири,
Инқилоб бўлмак табиий ҳар замоннинг охири,
Шодлиқға дўнмаюрми ҳар фиғоннинг охири,
Дардимизнингдур давоси плм(н)инг истеъмолидан.

Илмсиз мумкинмидур, топмак биза роҳи нажот,
Жаҳл ила ичмак ўлурми, ҳнэр(н)инг оби ҳаёт
Илм арбобин тўфангидур қалам, ўқи — даво —
Басдур авлодим отил, илма, жаҳолатдин уёт,
Мева чиқрайму кўзим, шунгу дарахтнинг толидан.

Тарбиятсиз боғу бўстондан самар кутмак абас,
Ишламай гулзорда бекор гул кутмак абас,

Булбули шўридани дом ила ҳур кутмак абас,
Ёшлиғ гул рунчасин очмай гулоб этмак абас,
Заҳрига бардош эдан тотгай арининг болидан.

Ўйнамоқ-кулмоқмидур дунёга келмакдин мурод,
Билмоқ ўргапмоқ ила олмоқ керакдур яхши от,
Яхши ишлар ишламак халқ ичра кун-кундан эпёд,
Гар темир ишлов еса, ўткур бўлур, неми фўлод,
Ҳеч садо чиқғойми руҳсиз Мирқуруқ имконидан...

Ишта эй миллат эшит, бу сўзларим сенга хитоб,
Ёздинг бу сатрлар ҳар қайси гўё бир китоб,
Чиқ мазорингдан ўқуб, қаршингдадур явмул ҳисоб,
Илм олиб аъмола боқ, эй миллати олижаноб,
Ҳашрда бўлғайми Ҳижрон мард-зан жуҳҳолидан.

1914

БИЗ НАЛАР ҚИЛАМИЗ

Хаёл айламаким хайри бернё қиламиз,
Улум ҳосил эдуб, ўзни пешво қиламиз.

Хулус ният ила ҳеч иша киришмаймиз,
Етушиб бир амали, дафъатан ҳаво қиламиз.

Ҳамиша алданамиз, алдамоқду(р) ниятнимиз,
Тушунмай иш тубига жангу можаро қиламиз.

Фалак бизи биватадур ҳамиша ўз куйинна,
Билиб туруб ўзимизни анга фидо қиламиз.

Кимки жоҳилу шарманда, они мақтаймиз,
Губори муқаддамни кўзга тўтиё қиламиз.

Кимики, манфаат халқ учун қадам қўйса,
Онинг ҳақида туну кун(да) бад дуо қиламиз.

Агарда бир киши минг яхшилиқ баробарида
Бирорта айб иш қилса, анга жафо қиламиз.

Савоб қилғучи оздир десам хато қилмам,
Гуноҳ ишлари ҳаб кайфи маишо қиламиз.

Агарда бир сўзимиз ташласа ўғил-қизимиз,
«Жувонмарг йўқол!»— деб оқу қаро қиламиз.

Бировни хизмати тақдир қилшмаюр бизда,
Хатоси бўлса зигирдек, дил узра жо қиламиз.

Замонага ёрашур илма бизда рағбат йўқ,
Фунун ўрнига биз кайф ила сафо қиламиз.

Қилурса бошқала (р) ҳикмат-ла кимёгарлик,
Биз эрса «гардкам» уруб мисни кимё қиламиз.

Саодатини қачон билғуси билмассизлар,
Азиз умримизни жаҳла ҳаб-ҳабо қиламиз.

Бу даҳри кўҳнада шабу рўз шамътек ёпамиз,
Куюб туруб яна парвонадин гишо қиламиз.

Кетиб туруб қўлимиздан ҳунар тижоратимиз,
Умиди сарвату сармоян гишо қиламиз.

Бўлакда бор экан бизда йўқми истеъдод,
Қачонгача ўзимизни ғамга мутбало қиламиз.

Муҳаббатни бўлаклар улума банд этса,
Мудом, ёшу қари бизим, дилрабо қиламиз.

Ўқуб етушса камолата ғайрилар боласи,
Ўқутмайини бошимизга биз (л)ар боло қиламиз.

Кеч ўлса-да, келинг эмди, кирайлук илм уйиша,
Ўқуб ўқутмага бу кундан ибтидо қиламиз.

Етар бу дамгача Ҳижронлиғ, эй мусулмонлар,
Келинг, қаётимиза илми раҳнамо қиламиз.

1914

ДИҚҚАТМАН

Аромизда муҳаббатни уришконига диққатман,
Мусулмонларнинг ахлоқни қуришконига диққатман.

Оларда ақчани олғай, хамирдан қил суғурғондек,
Берурда тўрта туқгондек тиришконига диққатман.

Агар сўфн чақирса масжида кирмас ибодатга,
Худойи ош десанг саф-саф киришконига диққатман.

Агар илму маорифга тараддуд қилса бир инсон,
Анга қарши туруб халқнинг қизишконига диққатман.

Таажжуб бу замонда тўғри сўз туғонга ёқмайдир,
Темурчидек ялон сўзни чўзишконига диққатман.

Ичарлар оч юракга чойни шилқиллатиб доим,
Кишиларни самоварда киришконига диққатман.

Агарда етти ерда тўй бўса ошни тушургайлар,
Тўйуб қорни, кекуруб, кўб керушконига диққатман.

Маориф, илм йўлига тийинини кўзлари қиймас,
Базмда баччага сўмлар беришконига диққатман.

Бўлакларни боласи илм уйига отилганда,
Бизим авлодимиз ўйнаб юришконига диққатман.

Ё(в)рупо халқи ҳар ишга назар ибрат учун боқса
Бизим эл қоф йўқотгандек туришконига диққатман.

Бўлақлар илм дуррин риштан жонига тизганда
Бизимкилар илмсиз чўпчак теришконига диққатман.

Ҳама деҳқончилики янги асбоблар билан қилса,
Омоч-бўйинитуруқ-ла ер суришконига диққатман.

Ҳавоси яхши уйларни ясаб роҳат яшар агёр.
Бизимкилар заҳ уйларда чуришконига диққатман.

Халойиқдан мани Ҳижроплигим беҳуда эрмаским,
Фирибгарлик қилуб юмшоқ кўришконига диққатман.

1914

САДОИИ БУЛБУЛ

Қўнуб гул шохига булбул дер: Эй инсонлар, инсонлар,
Қилурсиз табакай ғофил ётиб афғонлар, инсонлар.

Туринг уйқуни ташланг, илм олинг, ёшлик ғаниматдур,
Ўқ эрса бўлгунгиз дар жаҳл учун қурбонлар, инсонлар.

Туганмиш сиздаги инсониятнинг оби ҳайвони,
Адоват денгизингиз тўлқини тўфонлар, инсонлар.

Ўчуб кетмиш дилингиздан биродарликнинг осори,
Қўрунмас заррача шафқат, ҳису виждонлар, инсонлар.

Жаҳон тор ўлди сизнинг дастингиздан барча қушларга
Қамаб дому қафасга сомеъи илҳонлар, инсонлар.

Қоронғу қилдингиз дунё юзини жоҳил дили янглиғ,
Дилингизни ёрутмас илм ила урфонлар, инсонлар.

Фақир у нотавон ҳар ерда биз қушлар каби полон,
Қани ёрдам дебон ҳақдан келган фармонлар, инсонлар.

Туну кун айласам фарёд сизларга асар қилмас,
Дили тоғлар тошдек юшамас қотганлар, инсонлар.

Тараққий айлади дунёда ҳар миллат илм бир-ла,
Нечун сиз қолдингиз пастлаб, мусулмонлар, инсонлар,

Қучингизни борича умрингизни илма сарф айланг,
Билимсизлар ики оламдадур Ҳижронлар, инсонлар.

1914

ЎЗ МАИШАТИМИЗДАН

Қўб қизиқ бул жаҳоннинг савдоси,
Қўрунур ранг-баранг тамошоси.
Ҳар ера борса сўзи мақбулдир.
Қимни бор бўлса нуқра тиллоси.
Гар фақир ўлса очлигининки,
Бўлмағай бойни зарра парвоси,
Тўй қилиб ош берур ганийларга,
Қамбагал кирса ҳайда-ҳайдоси.
Тўн берур агниё имомларга,
Қамбагал парча поини шайдоси.
Сарф этар тўйга пулни минг-минглаб,
Йўқ хаёлинда мактаб нишоси.
Илм учун пулни кўзлари қиймас,
Қим билур, борми, йўқми фойдоси?!
Жумласи бойни сўзини айтур,
Хоҳи эшону хоҳи муллоси.
Илмдан истасанг нишон йўқдур,
Бошида бор қозонча саллоси.
Халққа бир пулча қиммати йўқдир
Ҳар кимнинг бўлса илми доноси.
Тонг отур — кун ботур — ўтар давран—
Йўқтур миллатни зарра болоси.
Ҳар кими ўз маишати истар,
Қимга лозим малолни ғавғоси.
Тўғри сўз тугонига ёқмайдур,
Бу сўзимдур замон тақозоси.

Қўрадимми парча манфаат миллат,
Эй замоннинг адиби аълоси?!
Жамият мажлисина бормаслар —
Йўқтур ёғли палов, нишоллоси.
Эй кўзум, қон тўк, оғла Ҳижрон,
Ишда миллатга булдура авлоси.

1914

МУХОТАБИМ ҚАЛАМ

Аё эй соҳиби урфон! Ватан боғинда фарёд эт!
Отиб ташла ародин эски одатларни, барбод эт!

Маориф-ла фунун таҳсилина қил раҳнамолиғ сан,
Қоронғуда қолан миллатни нури илма иршод эт!

Садои дил фирибинг-ла ўчур кину адоватни,
Адолат орзуси-ла тўқуб ёшингни иншод эт!

Жаҳолат, зулмат ичра қолди авлоди Ватан мағмум,
Назар қил, марҳамат қил, жаҳл чанголидин озод эт!

Керак оқил эсанг дунёга ортуқ ҳирсинги қўйма,
Қўлингдин келганича, илм арбобина имдод эт!..

Кириш, ожизлара имдод қилмак пунжасин бошла,
Бу миллат хонадонин тоза таъмиринг-ла бунёд эт!..

Фариб миллатни афроди тилар сендан шу умиди,
Чақир илма, Ватан авлодини чин одамизод эт!..

Ватан меҳри агар бўлса, дилингда ишқ савдоси,
Отил, нури маорифга, ўзингни мисли Фарҳод эт!..

Етар ғафлатда Ҳижронлиғ қадам қўй боғи таълима,
Чолишмишлар нечук таҳсила ўтмиш тарихинг ёд эт!..

1914

НИМА КИМНИКИ?

Хўжа хору сўз ҳама бандоники,
Оқча пуллар соҳиби жандоники.
Нега хомуш ўлднинг эй аҳли хирад,
Бўлди дунё кори шармандоники.
Ширкат айлаб, арбакаш ҳам бўлмадук,
Ҳар куни мишгларча сўм кўнконики.
Нася олуб сут ичадур бизни халқ,
Маска, қаймоқ фабрику банконики.
Бўлмаса мойи ғижирлайдур ўқи,
Барча ишнинг меҳвари тангоники.
Гар фақир ўлсанг демас ҳолинг надур?
Меҳрибоилиғ олтуну денгоники.
Эски тўн бўлсанг, бўлурсан хору зор,
Иззату ҳурмат тўни янгоники.
Илмдан бойлик юқорида турур,
Сухбатуну мажлиси силиқ саллоники.
Илм учун бир пулни қиймас кўзлари,
Рестуранда тангалар яллоники.
Чашмимизни босди ғафлат пардаси,
Тинчу роҳат кўзлари биноники.
Соддалик бозори бўлди хўб касод,
Суд қилмоқ маҳкаму дононики.
Камчиликни назм пла тақдим этар,
Ишда бу Ҳижрон деган устоники.

1914

МИЛЛАТГА ХИТОБ¹

Кўзларинг оч, эй миллат,
Кўб замон гофил ётдинг.
Умринг ўтди ётмакда,
Қайғуга тоза ботдинг.
Кетди шону шарафинг
Мозор тошидек қотдинг.

Х о р

Эй!.. Токайғача гафлат ичра ётамиз!
Келинг ёшлар, жаҳолатни отамиз.
Бизга букун илма киришмак керак,
Бизга букун илма тиришмак керак.

Эй миллат ҳасраткаш,
Йўқ санда илма рағбат.
Илм олмоқ-ла ағёринг
Роҳат яшаюр роҳат.

¹ Шарқий куйлардан «Сўйла бир кўрки араб» куйига солинуб ёзилди.

Х о р

Эй!.. Токайғача биз ўқувдан қочамиз,
Келлинг ёшлар, миллий мактаб очамиз.
Бизга буқун илма киришмак керак,
Бизга буқун илма тиришмак керак...

1914

Миллий куйларимиздан бири «Оғажон латифа, гулидан латифа», «Шоҳида ўйнанг, баргида сайранг, боғ латифа»дур.

Театр ва адабиёт кечаларида сахнада қуйида ёзилмиш миллий шеърлардан бир байт бир ёки икки киши тарафидан ўқилуб, сўнгидан кўб кишилар тарафидан хор, созлар ила жўр қилуб иккинчи байт ўқилур.

Оқил қошида, миллат бошида
Нурлар сочуб яшнаб тургон мактаб эмасми?

Ўқусун ёшларимиз, бидъатни ташлармиз,
Кетсун ғафлат! Келсун ҳиммат! Яшасун миллат!

¹ Ҳамманинг маълумидурки, ҳар кимнинг ўз она тили, ўз адабиёти турган ерда бошқаларнинг тил ва луғатини ишлатмак ва сўйламакча кулунж бир иш йўқдур. Биз бечора боболаримиз қазиган ариғдан сув ичмай, кўрган бировдан сув тилаб ичамиз. Бу-да бизнинг ўз миллий нарсаларимизнинг суфмаганимизни намунасидур. Мана шул тўғрида боболаримиз тарафидан «Ҳар кимники ўзига, ой кўрниур кўзига», деб сўзланган ҳикматли сўзларининг-да ёдимиздан чиқараётмишбиз. Ва шул жумладан бири миллий мусиқий соз ила чалинадургон, жирланадургон миллий куйларимизни баъзилар арабча «мақом», баъзилар форсча «оҳанг» деб атамишлар экан. Аммо, менча, боболаримиз тарафидан «Қирма санамнинг уйига, самнам солур ўз куйига», деб сўйланган ибратли она тилимизга суялуб, «куй» демоқ яхшироқ кўринди. (Авлоний изоҳи.)

Илму ҳунарлар, гуллар чаманлар
Ёшлар учун очиб тургон мактаб эмасми?!
Боби адабдан, илму фунундан
Таълим бериб, сўйлаб тургон мактаб эмасми?!
Аҳли ватанга, сарву чаманга
Булбул каби сайраб тургон мактаб эмасми?!
Боғи жинондан, ҳам бўстондан
Миллий гуллар теруб тургон мактаб эмасми?!
Зулму жаҳлга, нодон, бахилга
Қўкрагини керуб тургон мактаб эмасми?!
Иллатга луқмон, заҳматга ҳозиқ
Ҳикмат дарси беруб тургон мактаб эмасми?!
Билганга дармон, билмасга армон
Жоҳилларни туртуб тургон мактаб эмасми?!
Мактабда одоб, мактабда ахлоқ
Хату савод чиқаруб тургон мактаб эмасми?!
Дорул улума, дорулфунуна
Авлодини юборуб тургон мактаб эмасми?!
Ғафлат жафосин, жаҳлинг яқосин
Қўлини чўзуб ушлаб тургон мактаб эмасми?!
Ҳар бир кишига, савдо ишига
Йўл кўрсатуб, бошлаб тургон мактаб эмасми?!
Дунёда санъат, бизларда бидъат
Ташланг, дебон ялинуб тургон мактаб эмасми?!
Қўнгулда армон, юз доғи Ҳижрон
Миллат руҳини кўтаруб тургон мактаб эмасми?!

1914

ҚУҚНОРИ ВА ҚИМОРБОЗ

(«Йиғлама ёрим»¹ куйига)

Барча қилди тараққий, бизлар уклашмайлук,
Эски одат — бидъатни маҳкам ушлашмайлук.

Ичма кўқнори, ичма, ташла паст ишларни,
Уйнама қимор, қимор, боз ташла мушлашларни.

Сабаб недур бизларда илма рағбат йўқдур,
Сархушлик кайфи бирлан қорнимиз хўб тўқдур.

Илму ҳунар ўргансун бизни(нг) ҳам авлодлар,
Бўлғусидир илм ила ҳар бир иш бунёдлар.

Ўзгалар кирди йўлга, бизлар ғофиллармиз,
Авлодимиз билимсиз, барча жоҳиллармиз...

Кўзини очинг ёронлар, бизлар ҳам инсон-ку?
Мана, бизнинг миллатнинг аҳволидур — ушбу!

¹ Қуйларимиздан бири:

«Йиғлама ёрим, йиғлома, яллолашайлук,

Тўртта, бешта бўлуб олибон, гулбоғлашайлук» дур.

Шу куйга солинуб, юқорида ёзилган миллий шеърлардан
бир байт бир киши тарафидан ўқилуб, сўнгидан кўб кишилар
тарафидан хўр, созлар ила жўр қилуб иккинчи байт ўқилур.

(Авлоний изоҳи)

Борму биздек дунёда нотагон, ҳеч миллат,
Қилмуши кони зарар, турмуши ҳаб иллат.

Миллат ҳолин кўрганда кўзларимдур гирён,
Мунча пастлаб кетди деб бўладурман Ҳижрон.

Ичма кўкнори, ичма, ташла паст ишларни,
Ўйнама қимор, қимор, боз ташла мушлашларни.

1914

Шайхлик даъво қилиб, беилм гуфторинг ғалат,
 Шайх Санъон бўлмасанг, бўйнингда зунноринг ғалат.
 Сўфиман деб соф дил бир-ла ибодат қилмасанг,
 Сўзингга тўғри эмасдир жумла кирдоринг ғалат.
 Илм лофин урдинг эл қошида манманлик қилуб,
 Қўлда тасбеҳ, мағзисиз бош узра дасторинг ғалат.
 Зоҳидо, зуҳдингга мағрур ўлмағил, сан зинҳор,
 Қилмаса тангри қабул тоати даркоринг ғалат.
 Рўза тутгач мушлашурсан кўчада ҳар ким била
 Гар савол ўлса, хумориман деб иқроринг ғалат.
 Ҳақни амр этган закотини мукаммал бермайин,
 Ҳийла айлаб камбағал ҳаққига инкоринг ғалат.
 Ҳожидесун халқ, деб қилдинг зиёрат Каъбани,
 Ақрабо авлодинга қилгон жафокоринг ғалат.
 Халқ олдида ибодатни қилиб диру дароз,
 Махфида қуллуқ адоси бўлса душворинг ғалат.
 Камбағалларни қўюб бойинг чақирдинг рўзада,
 Холисона қилмагон ҳайроту ифторинг ғалат.
 Қориё қилдинг тиловат доимо дунё учун
 Гар худо раҳм этмаса, шаб-рўз такроринг ғалат.
 Илмдан йўқ санда осори дуохонлик қилуб,
 Ёзибон берган эзибички-ю, туморинг ғалат.
 Тўрт адад тош ташлабон касб айладинг роммоллик,
 Жину шайтондин ялондан берган ахборинг ғалат.
 Бизга эшону табиблик отадан мерос деб,
 Заъфарон ҳабулмаликдин дору тайёринг ғалат.

Эскиё ман деб тилингга ҳарна келса сўйлабон,
Мажлису улфатчиликда мардум озоринг ғалат.
Дод-фарёд этгапниг бирла қулоғи кар элинг,
Терс тўнин ташламас Ҳижрон бу ахторинг ғалат.¹

1914

¹ Ҳазинийнинг шу радифли ғазалига жавоб сифатида ёзилган.

ҲИЖРОНИ БУЛБУЛ

Баҳор ўлса, шаби ҳижрон ҳамиша зор ўлур булбул,
Гулининг ишқида фарёди хушгуфтор ўлур булбул.

Нидойи жон физоси айлаюр дил ғунчасини чок,
Муҳаббат соясида жонидан безор ўлур булбул...

Нечун ғамга гирифтор ўлди, булбул бағри қон ўлди,
Жазоси шул: гул истаб мойили гулзор ўлур булбул.

Ватандан, хонумониндан йўқ они зарра парвоси
Бўлиб шўрида шайдо масти беҳушёр ўлур булбул.

Қачон гулни узуб сотмоқ учун банд айласа гулчи,
Тушуб сайёд алина, толиби мозор ўлур булбул.

Бўлурман гулға ҳамдам деб, ўзини боғлатур дома,
Фидойи жон этар муштоқ чин дийдор, ўлур булбул.

Кеча-кундуз қафасда, оҳ ғул, деб айлаюр фарёд,
Омон бермас анга золим қафас, озор, ўлур булбул.

Таажжуб раҳм қилмас, етмаюр фарёдина ҳеч ким
Бу Ҳижронлиғда доим ғам билан ғамхор ўлур булбул.

1915

ТАЪРИФИ ГУЛ

Хор алиндан бағри қон ўлмиш, бўянмиш қона гул,
Гунча бағрин чок этуб, афғон қилур афсона гул.

Элни гулға рағбати чекғон азобиндан келур,
Ул тикан дастида ёнмиш оташи сўзона гул.

Юздаги холи эмас — золим тиконнинг ёраси.
Кеча-кундуз захми ғам бирлан бутун ўртона гул.

Гулни гул дерму киши, гулни тикони бўлмаса,
Оннинг учун лойиқ ўлмиш иззату эҳсона гул.

Субҳидамда юзлариндан мавж уран шабнам эмас,
Хори зулминдин тўкар кўз ёшини дурдона гул.

Қимки ҳамдам бўлса ноқобил била заҳмат чекар,
Бемурувват хор алиндан ҳар тараф тўлғона гул.

Гар сабо тебратса гулни хуш иси невчун чиқар,
Бағрига ботган тиконлардан келур афғона гул

Найласун бечора гул, ботмиш вужудига тикон,
Захмига марҳам учун япроғига чулғона гул.

Дилдаги қайғуларин кўрганмусиз чун заъфарон,
Чок этиб ғурбат яқосин кўрсатур инсона гул.

Қадрини билмас кишилар сўлдурур гул юзларин
Тушмасун жоҳил қўлига битмасун нодона гул.

Ҳосили бечора гул, овора гул, афтода гул,
Охири сўлгай юзи гам боди-ла Ҳижрона гул.

1915

МИЛЛАТ ҲАЙКАЛИГА ХИТОБ¹

Тур эй, миллат уйқудан, ҳасратлашайлук,
Илм уйига кирмоқға суҳбатлашайлук.

Ётма миллат, ухлама, бедорлашайлук,
Миллий ишлар ишларга бел боғлашайлук.

Ётмоқ бўлса ҳўб ётдинг, эмди турмоқ замони,
Уйқу, ғафлат, ялқовлик — жаҳолатнинг нишони.

Сўлмиш гулдек юзларинг, ёшлар сочур кўзларинг,
Узма умид дунёдан, айт қайғулик сўзларинг.

Тилсиз, ишсиз, билимсиз, бемор — миллат,— авлодинг,
Ҳеч бир ерига етмас оҳу фиғон фарёдинг.

Олам нурга тўлганда бизлар вулқон ичида,
Барча чиқди соҳилга, бизлар тўфон ичида.

Дунёга боқ диққат-ла, ётма ғафлат, ҳасратда,
Оламдаги санъатга кўз қамашган фурсатда.

Кечду ул ўтган замон, ҳозирда янги замон,
Нодон миллат маҳв ўлган, ўқуган, билган — омон.

1 «Йиғлама ёрим» куйида. (Автопний изоҳи.)

Сўлган гулиниги бўйла, тарихларингдан сўйла,
Қўб замон чекдинг ғурбат, истиқболингни ўйла.

Ухладинг бир неча йил, эмди илма ғайрат қил
Ялқовликни тарк айла, фану илминг яхши бил.

Тур, бизларга йўл кўрсат, кўрпангни устингдан от,
Бул тараққий даврида ётмоғлик санга уёт.

Маъюс ўлма, эй миллат, бўлма навмид ҳам диққат,
Савқ эт илма авлодинг, ғайрат қил, чекма ғурбат.

Ағёр — олим, биа — нодон, барча — руҳлик, биз бежон,
Ўзгага дунё бўстон, бизларга зиндон Ҳижрон.

1915

ЎЗ ТУРМУШИМИЗДАН

Арбамиз ғилдираги уч газу, ғилдир-ғилдир,
Олти ботмон юки бирлан, қиладур пилдир-пилдир.

Миллат авлоди ҳама арбакаш ва ҳаммоллар —
Афти ангори қаро, кийгани — жулдур-жулдур.

Бошқалар илми-ҳунар соясида яхши яшар
Илмсиз фақри заруратга биз(л)ар қулдур-қулдур.

Тўлди тобеълиғимиз Русияга эллик йил,
Билмайин рус лисонин кўзимиз мўлдур-мўлдур.

Биз қачон ажратамиз фойда бирлан зарарни,
Лоф, ёлғон гап сўзда қиламиз чулдур-чулдур.

Кимга ўғлингни ўқут русча — десанг, ёқмайсан,
Русча билса бузилур дер, важи булдур-булдур.

Самоварга чиқишуб ёш-қари чулдирашур
Эртадан кечғача чойни ичадур шўлдур-шўлдур.

Ўлтуруб мақташадур отини, эшшакларини
Бири дер: йўрға, бири дер, сеники — дулдур-дулдур.

Уйда оч ўлтуродур хотуни, эр тўкма еяр,
Келтуруб бачча базмларга кетар пулдур-пулдур.

Ўйнабон қарта-қимор, пулларини бой берибон,
Том тешуб, бўғча ўғурлаб, одам ўлдур-ўлдур.

Сўз қуруқ бўлса, кишининг қулоғига ёқмас,
Ош беруб тўн берубон қўйинини тўлдур-тўлдур.

Мунча беҳуда тутошуб қизишурсан, Ҳижрон,
Элга оҳинг асар этмас ўтунинг ҳўлдур-ҳўлдур.

1915

ҲАҚИҚАТ УЛСУН БУ ХАЁЛ

Келинг эй дўстлар, кайфу сафони ташламаймизму,
Вафосиз дунёда меҳру вафони бошламаймизму?!
Утар дунё, кетар дунё, қолур кўнгилдаги армон,
Ғаниматдур азизим, умримиз, иш ишламаймизму?!
Аромизда бизим ишчи кишининг қиймати йўқдур,
Боқиб инсоф ила ишловчинп олқишламаймизму?!
Бизим авлодимиз ҳам илму урфон билсун, ўргансун
Етар ғафлат, етар зиллат бинони хушламаймизму?!
Фунуну илмсиз дунёда турмоғлиқ маҳол-алҳол,
Бу кундан ибтидо нуру зиёни ушламаймизму?!
Келур бир кун ажал боди, хазона дўндирур умринг,
Азиз жондан азиз авлодимиз бо ҳушламаймизму?!
Жаҳон бозорида афсус тушдик қадрү қимматдан
Жаҳолатдан кечуб илм ўйини оғушламаймизму?!
Етар оҳу фиғон Ҳижрон, етар бу хоби бепоён,
Ойилмоқ вақтидур ғафлат бошига муштламаймизму?!

1915

КУЪДАН УНУТМОҚ КЕРАК ЭДИ

Эй кўнгул, атрофинга боқ, жоми саҳбони унут.
Базм айёми дагулдур, қадди зебони унут.
Ичма ғафлат бодасин, эй миллати олижаноб,
Бас, етар сархушлиғинг, бу кори бежони унут.
Шулчаким қилдинг ўюн, тўю тамошолар етар,
Энди ғайрат вақтидур, ортиқ тақозони унут.
Шайх, сўфилар санга дунё нажас деб кўрсатур.
Мақсадидур алдамоқ, сан тарки дунёни унут.
Ўрнашубдур жисминга бир неча афъоли қабиҳ
Тўғри келмас бу замонга расми бобони унут.
Илму санъат-ла жаҳон айвонидур ойнабанд,
Сан ётар беғам қаро уйда, бу зиндонни унут.
Маърифат бозорида молинг сотолмайсан, ғариб,
Эски чигриқ, эски чарху эски дўконни унут.
Илму дониш яхши зийнатдур хотун-қиз аҳлина,
Қўй қадам илм уйина, тумору маржонни унут.
Етдилар мақсудина агёр, сен қолдинг ёзуқ,
Изла дармону иложин, чекма афғон(н)и, унут.
Тарбиятсизлик билан сўлди очилган гулларинг,
Қолмади имкони йўқ иш санда «ло-ло»ни унут.
Турмушинг ғафлатми ё уйқу, биллолмайсан ҳамон,
Ташлагил ваҳму хаёлотингни, рўёни унут.
Вақти ўтса ҳар бир ишнинг охири Ҳижрон ва ғам,
Қилма тўйни, берма жома, қўй, сарупони унут.

1915

ҚИМОРБОЗНИ(НГ) ҚИМОРБОЗГА НАСИХАТИ

Банди бўлсанг ютқузуб, беорман, деб йиғлагил
Чўнтагимда бир пулим йўқ зорман, деб йиғлагил
Волидангни пахтасини ур, қиморга бой бер,
Ўғрисан деб ушласа, ночорман, деб йиғлагил.
Эртадан оқшомгача ўйнаб юругил бемалол
Кечқурун ош вақтида тайёрман, деб йиғлагил.
Яхшиликга ундаса ҳар ким сани, солма қулоқ
Ман насиҳат аҳлидин безорман, деб йиғлагил.
Ишласанг бўлмайдами, куч-қувватинг бор-ку деса,
Соғ эмасман, беқуту беморман, деб йиғлагил.
Қўкрагинг захга бериб ётқил, ёқонгни чок этиб,
Тур болам,— деса онанг ухлорман, деб йиғлагил.
Гар ёмонлар суҳбатиға чорласа тайёр бўл,
Яхшилар йўқлар эса, мурдорман, деб йиғлагил.
Ўйнама ўғлим қимор, деб йиғласа, Ҳижрон, онанг,
Ўрганиб қолдим нетай, хуморман, деб йиғлагил.

1915

ОИЛА МУНОЗАРАСИ

О т а

Ўғлимизни ўқитсамиз-чи, хотун?
Қизимиз ҳам ўқиса бўлмай отун.
Илмсизлар кўрар қаро кунлар,
Ёшлик вақтидур қумуш, олтун.

О н а

Ўғлимиз ўқибон эшон бўлмас,
Қиз ўқуса уй ишларин билмас,
Ўқуғонлар бўлади маҳмадона,
Сизу бизни назар-писанд қилмас.

О т а

Ўғлимиз ўқиса бўлур мулло,
Қизимиз ҳам ўқур, ёзур имло.
Мактаба кирсин, илм ўргансун,
Заргар ишлаб қилур миси тилло.

О н а

Ўқуганни бириму Аҳмаджон
Егали уйида топилмас нон.

Мени сўзимни тингланг, эй отаси,
Ўқиганига ер эмиш пушаймон.

О т а

Бу замонда ўқимаган кишлар,
Нон, ош ўрнига кесак тишлар.
Англадингми сўзимни, эй онаси
Илмсизлар қийин иши ишлар.

О н а

Ўғил ўқуса сизнинг ким боқадур?
Қиз ўқуса оловнинг ким ёқадур?
Ўқуғонлар бўлади беихлос,
Оламунчоқ туморнинг ким тақадур?

О т а

Ўғил-қиз ўқуса бўлур олим,
Жоҳил одамлар бўладур золим.
Бахту иқбол илма боғлиқдур,
Илм ўқитмоқ аҳсан аъмолим.

О н а

Ўқубон ўғлингиз бўлурму имом?
Муллодан қадрлик шу кунда авом.
Розия, Марзия илмсиз-ку?
Тиқишу, ош, иш биладн — тамом.

О т а

Ўқумаса ўғил чапан бўлодур,
Илмсиз қиз вафоси кам бўлодур,

Молу давлат беш-олти кунликдур,
Дунё моли гўру кафан бўлодур.

О н а

Болаларни ўқитмасак нима гам?
Илм учун қанча пул беруб барҳам.
Ҳама бирдек баробар инсондур,
Муллодан илмсизнинг қай ери кам?

О т а

Фарз ўқутмоқ ўғил-қизини ота,
Ёрдам этмоқ керак буларга она,
Мунча бемаъни сўзлар айтурсан,
Сўзлаган сўзларинг бариси хато.

О н а

•
Ўглингизни ўқутсангиз ўқутинг,
Манга деса бўзу элак тўқутинг,
Қиз деган ўқуса ёмон бўлодур,
Бу сўзумни хаёлингизда тутинг.

О т а

Қўй, гапурма келишмаган сўзни,
Ўқутайлик ўғил билан қизни.
Иккиси ҳам улума толибдур,
Бўлса олим, қилур дуо бизни.

О н а

Илм учун мунча бўласиз Ҳижрон,
Ўзгалар ҳам сизинг каби инсон.

Нега онлар ўқутмаюр боласин,
Бу ишингизга ман жуда ҳайрон.

О т а

Сен ўзингни бил, ўзгани қўявер,
Яхши кўрсанг болангни мактаб бер.
Хулқ, одоб, илм ўргансун,
Санга ҳам, манга ҳам халқ раҳмат дер.

1915

У кечаким шаби торик қилди истило,
 Бу саҳнада кўринур банго, бир ажиб рўё.
 Жаҳон юзини босиб қирмизи қизил тўфон,
 Фажеъ қутқуси вордурки, жирканур инсон.
 Вабоми, қаҳр-ал-ҳай ми-не боло, билмам,
 Ғазабми марги муфожатми — даҳо билмам.
 Фақат кўнгул, тараддуд, бир нэтироб малул.
 Қилур фажеъ бу шабни қачон сабоҳи ҳалул.
 Сукут ичинда шу қон-жона айлаюр йилон
 Фарроши хоба чекилмакда халқ бепоён
 Надур бу маърака майдонидур балойи ҳаёт
 Шу саҳна фожиаспдан бўлурми фавзи нажот
 Қилур шу денгиза инсон ўзини парвона.
 Кечуб ўғил-қизидан боқмаюр пулу жона
 Бунга замон ҳукамоси тополмаюр чора.
 Бутун жаҳон бу кечик тонгги бирла овора,
 Бу зулмат ичра жудо неча хонумониндан.
 Бу чархи кажрав ўтонмазми имтиҳониндан
 Шу аср эмиш маданият, шу — давр эмиш гўё.
 Жаҳон ичиндаги инсоният эмиш рўё.
 Сабоҳ умидида сескандим уйқудан Ҳижрон
 Тушумми ёки хаёлимми билмазам ал-он.

1915

ОҲ, БАҒРИ ҚОНИМ!

Айтсам ғамимни сизларда девоналар каби,
Енсам фироқи миллата парвоналар каби.
Йўқ бир кишики сўраса аҳволи зоримп,
Қилсам баён хотири вайроналар каби.

Оҳ, бағри қоним,
Ўртанди жоним,
Чекдим жафо —
Йўқтур вафо.
Инсонларда
Кайфу сафо.

Ҳосил жаҳонда кўнгли очиқ банда кўрмадим,
Инсон каби ўз аҳлини дарранда кўрмадим
Донанда-лолу, жоҳили шарманда — сарфароз,
Афсус тўғри одилу донанда кўрмадим.

Оҳ, бағри қоним,
Ўртанди жоним,
Чекдим жафо —
Йўқтур вафо.
Инсонларда
Кайфу сафо.

¹ Шарқий ҳаволардан «Рост» куйига солинув ёзилди.
(*Авлоний изоҳи.*)

Ҳар ким ўзини нафъи учун жонини берар,
Парвоси йўқ бўлаклара келса жаҳон зарар.
Кучсиэлар(и)и уруб сўкадур табъини қируб,
Кучликлара тавозе ила бел букуб турар.

Оҳ, бағри қоним,
Ўртанди жоним,
Чекдим жафо —
Йўқтур вафо.
Инсонларда
Кайфу сафо.

Суфрангда санга дўст бўлуб ғийбатинг қилур,
Дўстинг илож топса сани пўстинғи шилур.
Алдар тошини шилдиратиб қўлда ўйнатуб,
Тадбир-ҳийла дом қуруб, ким-нелар қилур.

Оҳ, бағри қоним,
Ўртанди жоним,
Чекдим жафо —
Йўқтур вафо.
Инсонларда
Кайфу сафо.

Тақво либоси эғнида зоҳидлиғин сотур,
Эл олдида ибодат учун жонини отур.
Хилватда хўбрўлар ила базми дилкушо,
Пинҳонда кўрсанг, айшу фароғат билан ётур.

Оҳ, бағри қоним,
Ўртанди жоним,
Чекдим жафо —
Йўқтур вафо.
Инсонларда
Кайфу сафо.

Афтодаларни ҳолина раҳм айламас ғани,
Алломаларни сўзина қулоқ солмаюр дами:
Ҳақ сўзни сўйлаган кишини халқ суймаюр,
Ҳижрон, гапурма, сўйлама қадринг кетар сани.

Оҳ, бағри қоним,
Уртанди жоним,
Чекдим жафо —
Йўқтур вафо.
Инсонларда
Кайфу сафо.

1915

ТУЙ ҲАҚИНДА

(«Реза»¹ куйига)

Ўғлингиэни ўқутмоқга бўласиз айёр-ўв,
Тўй қилсангиз ош бермоққа ақчангиз бисёр-ўв,

Қамбағал келуб тўйга кирса, кет, нари бор, бор-у
Бойлар келса, тўрга олуб, ошу тўн тайёр-ўв.

Бидъатми бу? Одатми бу?— Ноғора қоқмоғу,
Шавкатми бу том бошида сурнайин тортар-ўв.

Кулган бизнинг бу ишларга бошқа миллатлар-ўв,
Пул сарф этуб ҳажвий бўлмак бизга не даркор-ўв...

Бидъат учун сарф ўладур олтуну динор-ўв,
Мақтаб деса, пул йўқ, дерсиз бу нечук кирдор-ўв...

Эмди бизнинг бу ҳолингча бу замон қўймас-ўв,
Бош деворга тақ этган сўнг бўламиз ҳушёр-ўв...

¹ Миллай куйларимиздан бири:

«Отма мани тошлар билан ёр-ёр, ёр-ўв,

Учуб кетай қушлар билан ёр-ёр, ёр-ўв» дур.

Шул куйга солинуб, юқорида ёзилмиш миллий шеърдан бир байт бир киши тарафидан ўқулиб, сўнгидан кўб кишилар тарафидан хўр, созлар ила жўр қилуб, иккинчи байт ўқилур. (Авлоний изоҳи).

Әснә, тўйға сарф ўладур оқчалар, Ҳижрон-ўв
Илм уйидан қизғанадур пуллариш бойлор-ўв.

Қамбағал келуб тўйға кирса, кет, нари бор, бор-у
Бойлар келса, тўрга олуб, ошу тўн тайёр-ўв.

1915

МУСТАҲЗОД

Ҳасрат ила ҳар шаб кўрурам уйқудан озор,
ё раб, бу на кирдор!
То субҳа қадар тўлғанурам мисли касал мор,
билмам бу на асрор.
Ешуб, йиқилуб, гоҳ туриб, гоҳ ўтирурман,
ғамларга ботурман.
Ўртаб ёнурам ҳар кеча парвона каби зор,
ман бекасу беёр.
Борган сари чулғор бани авҳоми хаёлот,
тангримга муножот,
Бу дарду аламлар қиладур уйқуни бедор,
кўб қайғуларим бор.
Қонлар ютурам хоби хаёлимдан ўтондим,
жонимдан ўсондим,
Ялғон уламолардан ўлубман жуда безор,
шайтон каби маккор.
Инсоф ила виждондан уаф кўнгли қаролар
ул сўфинамолар,
Кофир қимоға муҳри ани ёнида тайёр
тасбиҳ санар айёр.
Ўз нафси учун ўзголари қилмада қурбон
қани ахват сўзи — қуръон,
Диндан хабари йўқ сонур ўзини диндор
ул мўъмини жиндор.
Нақдинан жон ҳадяи ҳаққоният ўлсун,
иғвоси йўқ ўлсун,

Бизларда қачон бўлгуси ўз айбига иқрор,
тоқайгача инкор.
Ҳосил ҳақу ҳаққоният аҳли топилирми
ё туғилирми?!
Ҳижронларинг аҳволидан олло хабардор,
ҳақ ўзи ғамхор.

1915

Ҳар кима ағёр бўлса, менга хўб дилдор ғам,
Кеча-кундуз ҳамдамим, ҳар ерда ҳамасрор ғам.
Шодлигини найларам, йўқтур вафоси бир замон,
Қайда бўлсам биргадур, менга анису ёр ғам.
Уйла хў қилмиш баним-ла бир нафас айрилмаюр,
Ўзгага озор бўлса, менга беозор ғам.
Ғам бошига келса ғам, қайгуларин сўйлар банга,
Кулбан аҳзоними равшан қилуб ҳар бор ғам.
Даҳр боғида бўлолмас ҳеч киши ғамдан раҳо,
Ҳар қаю гул жисмида бўлгай тизилган хор ғам,
Олиму жоҳил, фақир, шоҳу гадо яксонидур,
Борига борица ғам, йўғига йўқча вор ғам.
Ҳосили дунёда ғамсиз бўлмагай Хиэри ҳаёт,
Ҳар бирин бошида бордур минг туман осор ғам.
Холи эрмас ғам алиндан ҳар адибу порсо,
Истамас бўлсанг-да они ул сени истар ғам,
Бир нафас мендан жудолиқға ризоси йўқ ани,
Кетса ҳам бир онда келгай қошима такрор ғам.
Ёндулар, аммо бу оташлар каби ёқмас кишин,
У жаҳаннам норидек мағз—устихон ўртар ғам.
Сўзларим сизларни Ҳижрон этмасун деб қўрқарам,
Чунки доим мен била шому саҳар ғамхор ғам.

1916

ЖОҲИЛ НА БИЛУР

Билмагай жоҳил жаҳонда лаззати дунё надур,
Балки билмас, англамас, дунё надур, ақбо надур.
Оҳу фарёду фиғони инжитодур ўзини,
Билмаюр дунёга қилмоқдан қуруқ ғавғо надур.
Фақру ғурбатдан шикоят айлаюр саъй этмайин,
Қунчилик айлар бўлакға, билмас истиғно, надур...
Илмсиз ўсганлиғиндан илм қадрин билмагай,
Хат надур, ёзмоқ надур, билмоқ надур, имло надур.
Хору зор ўлгай ҳамиша бошқаларга қул бўлуб,
Меҳнату ғам шуъласига рўзу шаб парво надур.
Кулфати кун-кундан ортар, ҳеч бўлмаз роҳати,
Қайғу-ҳасрат оташига ёнадур, ўртонадур.
Мажлису суҳбатда бўлса бош қотургай сўзлари,
Ғоядан, мақсаддан ўлмас гаплари — афсонадур.
Яхши бўлмайдур ямон ҳаргиз насиҳат айласанг,
Жаҳл ғавғоси-ла мағрур, ақлдан бегонадур.
Жон надур, жонон надур, билмам зиёну судини,
Водин ҳайрат аро билмас ғами фардо надур.
Жаҳл агар жаҳли басит ўлса, давоси вордур,
Қолса ким жаҳли мураккабда дали девонадур.
Ҳосили жоҳил ғам-андуҳдан бўлмас халос,
Билмаюр роҳат надур, ҳасрат надур, Ҳижрон надур.

1916

МИЛЛАТА САЛОМ

Эй сабо, етур бу саломимн,
Илм куйида юран ҳабибим, дилраболара,
Тонг отибди, кўр, нур, ўлиб жаҳон,
Боқ, кўзинг очиб, азизим, рўшнолара.
Боқ зиёлара ҳам соялара,
Илм ила учар, азизим, боқ ҳаволара.

Бу замонада илмсиз залил,
Илм йўлида, оталар, бўлмангиз бахил,
Жаҳлдур бало, айлангиз ҳазар,
Илмлик етар, азизим, муддаолара.
Боқ зиёлара ҳам соялара,
Илм ила учар, азизим, боқ ҳаволара.

Саъй ила топар ҳар киши мурод,
Илм ила ўлур кишида ақл-ҳуш зиёд,
Ғофул уйқуда ясланиб ётур,
Бир назар айланг, азизим, ошнолара.
Боқ зиёлара ҳам соялара,
Илм ила учар, азизим, боқ ҳаволара.

Ким билур қачон, биз бўлур уёғ.
Хоби жаҳлдан бўламиз, оҳ, қачон узоғ.
На раво биза мубталойи азим,
Қолди бошимиз, азизим, кўб жафолара.

Боқ зиёлара ҳам соялара,
Илм ила учар, азизим, боқ ҳаволара.

Сўйла эй, сабо, миллата салом,
Бўлмасун дерам ҳеч бизда бир авом.
Мен, ғуломам, Ҳижрон, эй сабо,
Илм олан етар, азизим, ҳап сафолара.
Боқ зиёлара ҳам соялара,
Илм ила учар, азизим, боқ самолара.

1916

ИЛМА ТАРФИБ

«Лайли Мажнун» операсиндаги куйлардан шарқи
«Эй бекасу бечора» куйига солинуб ёзилди.

Эй, илмсиэ, аҳволи забун, ғофилу нодон миллат,
Афсуски, ҳар бир ишинг ўлди ғаму андуҳ.

На қ а р о т

Оҳ, жаҳл, жаҳл!— Балодур, балодур!
Жоҳил кишилар дарда мубталодур¹.

Мактабда эрур нури зиё, ҳосили урфон миллат,
Мактаб деганинг жаҳл балосини давоси...

Басдур бўйла ғафлат сенга, эй хотири вайрон, миллат,
Шояд топилур истаса, бу дардингни давоси.

Атрофинга боқ, кўзларинг оч, дийдаси гирён, миллат,
Боқ, диққат ила, илм ила пурнурдур олам...

Ҳар тоифа илм ила, саноеъ-ла қилур ҳар ери бўстон,
Бизлар эса ялқовлик ила жаҳлга қурбон.
миллат,

¹ Бу бир байт Кашкўкда ёзилмиш муаллим Осаф афанди-
нинг шеъриндан олинди. (*Авлоний изоҳи.*)

Ўйлаб кўринг, оламдами бор, биз каби Ҳижрон, миллат,
Оҳ, дангасалиқ, дангасалиқ бизни йиқодур.

Н а қ а р о т

Оҳ, жаҳл, жаҳл!— Балодур, балодур!
Жоҳил кишилар дарда мубталодур.

1916

САОДАТ ШУНДАДИР

Миллий куйларимиздан «кошғарча», «Анорхон ёрима»
куйига солинуб ёзилди.

Мулло бўлсанг, такрор қил-а
Деҳқон бўлсанг, шудгор қил-а
Ҳар ишга ғайрат керак ҳозирда.

Х ў р

Илма саъй-у ғайрат қил, олтулум, саодат шундадур.

Боғинг бўлса, мева қил-а
Ўғлинг бўлса, мулло қил-а
Ҳар илми билмак керак ҳозирда.

Х ў р

Илма саъй-у ғайрат қил, олтулум, саодат шундадур.

Боғ атрофи шафтолу-я
Билган ёзар дафтори-я
Жаҳлдан қочмак керак ҳозирда.

Х ў р

Илма саъй-у ғайрат қил, олтулум, саодат шундадур.

Ўқуган хушбахт ўлур-а
Жоҳил ишн сахт ўлур-а
Ўқумак, билмак керак ҳозирда.

Х ў р

Илма саъй-у ғайрат қил, олтунум, саодат шундадур.

Мусулмондур исминиз-а
Ўқув-ёзув билмаймиз-а
Билмак, ўрганмак керак ҳозирда.

Х ў р

Илма саъй-у ғайрат қил, олтунум, саодат шундадур.

Илму ҳунар устинда-я
Жоҳил оёқ остинда-я
Жаҳли тарк этмак керак ҳозирда.

Х ў р

Илма саъй-у ғайрат қил, олтунум, саодат шундадур.

Уқинғиз ўғлонларим,
Кетсун дилдан ғамларим.
Илма тиришмак керак ҳозирда.

Х ў р

Илма саъй-у ғайрат қил, олтунум, саодат шундадур.

1916

ЖАҲОЛАТ

Сабаб недур илм уйига бизлар кирмасмиз,
Бизга иўлди, илмнинг қадрин яхши билмасмиз
Ўқусакда чала-чулпа тамом қилмасмиз,
Қани олий таҳсил кўрган миллат доноси?

Н а қ а р о т

Оҳ, мунча жаҳолат, ўлмаз, ўлмаз!
Мундоқча касолат ўлмаз, ўлмаз!¹

Ҳар кимнинг бор жонидан азнз боласи,
Суюклуси, кўзининг оқу қораси,
Жигарпора, ширин, қимматбаҳоси,
Фарзандин ўқутмас ота-онаси.

Н а қ а р о т

Оҳ, мунча жаҳолат, ўлмаз, ўлмаз!
Мундоқча касолат ўлмаз, ўлмаз!

Дилларга ўрнашмуш буғзу адоват,
Илма йўқдур биза саъй ила ғайрат,
Хор ўлмиш, зор ўлмиш, бечора миллат!
Қани алломаси? Йўқ раҳнамоси!

¹ Бу байт Кашкўкда «Миллат навҳаси» сарлавҳаси-ла ёзилмиш шеърдан олинуб ёзилди. (Авлоний изоҳи.)

Н а қ а р о т

Оҳ, мунча жаҳолат, ўлмаз, ўлмаз!
Мундоқча касолат ўлмаз, ўлмаз!

Бизларнинг ишимиз кўб ямон ўлди,
Хотирлар паришон, бағир қон ўлди,
Миллатнинг боғининг гулларин сўлди.
Қолмади доноси, гули раъноси.

Н а қ а р о т

Оҳ, мунча жаҳолат, ўлмаз, ўлмаз!
Мундоқча касолат ўлмаз, ўлмаз!

Ғафлатда ётсамиз ўтар замонлар,
Замон бермас бизга сўнгра амонлар,
Жаҳолат нори-ла ўртанур жонлар,
Қани илма роғиб миллат боласи.

Н а қ а р о т

Оҳ, мунча жаҳолат, ўлмаз, ўлмаз!
Мундоқча касолат ўлмаз, ўлмаз!

Бизда йўқ ғайратдан, йўқдур қимматдан,
Савдо-тижоратдан, ҳунар, санъатдан,
Зироатдан маҳрум, фунун, сарватдан,
Барча миллатларнинг бўлдук гадоси.

Н а қ а р о т

Оҳ, мунча жаҳолат, ўлмаз, ўлмаз!
Мундоқча касолат ўлмаз, ўлмаз!

Ишлар бутун овора-саргардонлиғ,
Уйимизни йиқди бизни нодонлиғ,
Илмсизлиғ, оҳ Ҳижронлиғ, Ҳижронлиғ,
Қолмади миллатни руҳу зиёси.

Н а қ а р о т

Оҳ, мунча жаҳолат, ўлмаз, ўлмаз!
Мундоқча касолат ўлмаз, ўлмаз!

1916

МИЛЛИЙ НАҒМА

«Шоҳ Аббос» операсидаги шарқи куйлардан бирига —
«Тасниф»га солинув ёзилди.

Борми миллат хабаринг, қирилди болу паринг.
Улумсиз яшамоқдан сен ўлмишсан тақачи,
Фунунсиз яшамоқдан сен ўлмишсан подачи.

Х ў р

Яша, яша, яша миллат, заковатинг вордур?
Саодатинг сени илм иладур, кечурма замон,
Яшамоқинг сени илм иладур, бўлурсан омон.
Илм олмасанг — хатаринг, ҳеч қолмагай асаринг!

Улумсиз яшамоқдан сен ўлмишсан чақачи,
Фунунсиз яшамоқдан сен ўлмишсан ёқачи.

Х ў р

Яша, яша, яша миллат заковатинг вордур!
Саодатинг сени илм иладур, кечурма замон,
Яшамоқинг сени илм иладур, бўлурсан омон.
Илм олмасанг — хатаринг, ҳеч қолмагай асаринг!

Ялқовликда яшамоқдан сен ўлмишсан чегачи,
Илм олмайин яшамоқдан сен ўлмишсан бедачи.

Х ў р

Ортар ғаминг, аламинг, йўқтур қўлда қаламинг,
Ёзув билмай яшамоқдан сен ўлмишсан мозачи.
Уқумайин яшамоқдан сен ўлмишсан азочи.
Йўқдур ҳиссинг — сезаринг, тилсиз, қулоқ каринг!

Анқовликда яшамоқдан сен ўлмишсан кўзачи,
Бекорликда яшамоқдан сен ўлмишсан бўзачи.

Х ў р

Яша, яша, яша миллат, заковатинг вордур!
Саодатинг сени илм иладур, кечурма замон,
Яшамоқинг сени илм иладур, бўлурсан омон,
Кетди гулинг, чаманинг, вайронадур ватанинг!

Чойхонада яшамоқдан сен ўлмишсан болачи,
Майхонада яшамоқдан сен ўлмишсан модачи.

Х ў р

Яша, яша, яша миллат, заковатинг вордур!
Саодатинг сени илм иладур, кечурма замон,
Яшамоқинг сени илм иладур, бил ани Ҳижрон.

1916

Етушди муждаки, қайғули кунларинг қолмас,
Улайда қолмадигидек булайидағи қолмас.
Агарчи ман назари ёра хоксор ўлдим,
Рақибим манга ўхшаш шод ўла қолмас.
Қўтарса байроғини, урса ханжари бирлан
Ўю, уйи ичра турган бир киши омон қолмас.
Фақирларинг дилини овла, қўлга ол, эй бой,
Хазина-ю зару олтун, кумушларинг қолмас.
Сенга ғанимат, аё шамъи васлу парвона,
Булай муомалагиз субҳидамғача қолмас.
Хабар кетурди фаришта у олами ғайбдан,
Киши қарам эшикида умидсиз қолмас.
Равоқ узра забаржад била ёзилмиш бу
Қарам эгасини эҳсонидан бўлак қолмас.
Бу сўзни Жамшид у базминда шод ўлуб дедики,
Кетур пиёлада майни ки Жоми Жам қолмас.
Шикоятинг ери эрмас, ёзилгани бўладур,
Киши ҳамиша гирифтору ғам бўлуб қолмас.

¹ Девони Ҳофиздан таржима. Миллий куйларимиздан бири
«Баёти Шероз» куйидурким, куй шундан иборатдур:

Расид мужда, ки айёми ғам нахоҳад монд,

Чунон намонду чунин низ ҳам нахоҳад монд.

(Авлоний изоҳи.)

Нигор меҳр қўяр деб, тамаъ қи(л)ма, Ҳофиз,
Нишони меҳр йўқидек ситамлари қолмас.
Фалакни терс кетар деб бўлмағил Ҳижрон,
Қи бизни эзгани бирлан ўзи-да соғ қолмас.

1916

ЖАҲЛДАН НАФРАТ

Миллий куйларимиздан «Дугоҳ» куйига солунуб ёзилди.

Илм нури-ла бу кунда хўб ишқланди жаҳон,
Илму санъат ҳосил этганлар жаҳонда шодумон,
Жоҳилу нодон қутулмас дарду ғамдан бир замон.

Н а қ а р о т

Алъамон, ё раб, жаҳолат кулфатидан алъамон!

Илмликлар олдида беилм бўлгай шармсор.
Илмлик иззатда бўлгай, илмсиз хору зор,
Жоҳилу нодонларинг кўз ёши бўлгай шашқатор.

Н а қ а р о т

Алъамон, ё раб, жаҳолат кулфатидан алъамон!

Аҳли урфон қайда бўлса, иззату роҳатдадур,
Ўқуган, билган кишилар шон ила шавкатдадур,
Жоҳилу нодон ҳамиша меҳнату кулфатдадур.

Н а қ а р о т

Алъамон, ё раб, жаҳолат кулфатидан алъамон!

Соҳиби урфон кечургай дунёда беғам ҳаёт,
Илм ила мумкин фақат топмоқ жаҳолатдан нажот,
Жаҳл водийсида ётмоқлиқ уёт узра уёт.

На қ а р о т

Алъамон, ё раб, жаҳолат кулфатидан алъамон!

Илмдур ҳар бир замон касбу маншат тешаси.
Илм ўлан ерда қуруқ гафлат, жаҳолат решаси,
Илмсизларда бўлурму миллатинг андишаси.

На қ а р о т

Алъамон, ё раб, жаҳолат кулфатидан алъамон!

Ҳосили илм ўлмаса, дунёда кун кўрмак оғир,
Миллатин аҳволига Ҳижрон бўлуб ёнгай бағир,
Саъй-ғайрат бўлмаса, илм осмонданми ёғир?!

На қ а р о т

Алъамон, ё раб, жаҳолат кулфатидан алъамон!

1916

Танбур, дутор, англа, на тақрир қилурлар,
Авлоқда ичинг ичкуни, тақфир қилурлар.
Ушшоқларинг пардасини ишқ ўзи йиртар,
Ёшларни қариларни-да тақфир қилурлар.
Дилда хираликдан бўлак иш ҳосили йўқ-ку,
Янглиш бу хаёлиндака дилгир қилурлар.
Дерларки, эшитма, дема ҳам ишқ рамузин,
Қандоқча қийин қиссани таъбир қилурлар.
Ташвишга солуб вақтларим май кўтарубон,
Хилватда кўринг, пир-мурид «гир» қилурлар.
Юз мулк дили ёрти боқишда олинуркан,
Бу тўғрида хўблар нега тақсир қилурлар.
Биз ҳийласига алданубон ташқари қолдук,
Ичкарида онлар нима тадбир қилурлар.
Бир фирқа э(й)тар: «Саъйу жадал васла етургай»,
Бир фақира буни «соёи тақдир» қилурлар.
Бирдек туражақ дермусен аҳволи замонни,
Бу ишхонани ҳар кун тағйир қилурлар.
Майни ичавер! Сўфи-ю шайх, муфти, раислар,
Диққат ила боқ!— Ҳаммаси тазвир қилурлар!
Ўйлаб кўр ўзинг, ичкулик невога сабаб, чун
Шаръийларимиз бизлари танфир қилурлар.

1916

ЎЗ АҲВОЛИМИЗДАН

Бу Туркистонда зебо қиру сой кўб,
Ўсумлик туфроғи, кенг, яхши жой кўб,
Сигир, қўй, оту тева бирла той кўб,
Қимиз, қаймоқ, қатиқ ва эту мой кўб,
Бизим Тошканд элида онча лой кўб,
Ҳисобин билмагон бемаъни бой кўб.

Пулин сарф айлаюр тўю азога,
Йўқу бори кетар боду ҳавога,
Ўқурман, деса, пул бермас болога,
Даво борми бу дарду бедавога?
Бизим Тошканд элида онча лой кўб,
Ҳисобин билмаган бемаъни бой кўб.

Ҳавоси қарздордек зор йиғлар,
Экинсиз ер ётиб бемор, йиғлар,
Гулистон боғларида хор йиғлар,
Билимсизлар иши душвор йиғлар.
Бизим Тошканд элида онча лой кўб,
Ҳисобин билмаган бемаъни бой кўб.

Кўзи қиймас маориф йўлига пул,
Бу Туркистон элининг одати-шул,
Бу турмуш, бу яшовни бошига кул,
Билувчи билмагани айлагай қул.

Бизим Тошканд элида онча лой кўб,
Ҳисобин билмаган бемаъни бой кўб.

Харожотдин қочур боддек ғизиллаб,
Қелаберса, тўда ёқдан шариллаб,
Қўлидан учмаса бир пул пириллаб,
Чиқим ҳеч бўлмаса, келса гириллаб,
Бизим Тошканд элида онча лой кўб,
Ҳисобин билмаган бемаъни бой кўб.

Етиму беваю бечораларни,
Дилин шод айламас афтодаларни,
Вали дерлар бўшангу содаларни,
Қойирлар илмлик озодаларни.
Бизим Тошканд элида онча лой кўб,
Ҳисобин билмаган бемаъни бой кўб.

Терак яфроғидек титрар бизи халқ,
Қочар, қўйдек ҳоводисдан бизи халқ,
Илмсиз, тарбиятсиз — пўк, бизи халқ,
Юраксизлик билан Ҳижрон, бизи халқ.
Бизим Тошканд элида онча лой кўб,
Пули кўб, ақли кам бемаъни бой кўб.

1916

САДОҚАТ БИЗДА ЙЎҚДУР...

Садоқат бизда йўқдур, демаким, ялғонимиз бордур,
Улumu маърифатдан демаким, нуқсонимиз бордур.
Демаким, амри маъруф айламакка бизда йўқ бир кас,
Ки ҳар бир гўшан жомеъда машрабхонимиз бордур.
Мударрисларда йўқ ислоҳ, деб оҳ урма беҳуда,
Бўлур таҳсил ҳосил, деб далил ёзгонимиз бордур.
Табобат бобида биздан муқаддам ҳеч миллат йўқ,
Алафлардан даво қилғувчи бинг Луқмонимиз бордур.
Тижорат айламакда пасда қолдук, деб ема андуҳ,
Тамаъдан ақча тўплар миллиён эшонимиз бордур.
Ҳакимлик биздадур онжақ, буни ағёр билмас, оҳ,
Чибиқлар бирла жин қувлар қасидахонимиз бордир.
Бизим ҳам илму фандин беҳабар дсб, айлама таҳқир,
Трамвойдан тушолмай думбалоқ отқонимиз бордур.
Адаб бобида танҳо ўзгалар лоф урмасун, охир,
Ҳазил ўрнига бадному ҳақоратдонпмиз бордур.
Муҳандис бизда йўқ, деб норасо сўз демагил, нотиқ,
Шарорат¹ тоғида мино топиб олғонимиз бордур.
Сафони сўфида, обидни меҳробида кўр, доим,
Ибодатин риле айлар, бизим шайтонимиз бордур.
Таажжубланма Ҳижрон, сан тағофулпешадур кажрав,
Ётар, йиғлар, кулар, ишлар — ажаб давронимиз бордур.

¹ Майхонани(нг) исми. (Авлоний изоҳи.)

БИЗ, МИЛЛАТ

На хўрлик, на касолат?— Доимо афгор биз, миллат.
Ҳама гул даста қилса, не терармиз?— Хор, биз, миллат.
Жаҳолат қазияси дўндурди истиқболи рифъатдан,
Маъоз — иллоки, на иқдор, на иикор — биз, миллат.
Тутуб селоби ғафлат мавжи ғамга ташлади, ҳайҳот,
Жаҳон Жайхунлариға тўъмай тайёр — биз, миллат.
Тамаддунфешаликдан ўзгалар руҳи мужассамдур,
Ҳаёта қобил эрмас, сурати девор — биз, миллат.
Ҳама илму ҳунар асбобини олмоқни истарса,
Чафон, чалма, риё сотмоқға хўб тужжор — биз, миллат.
Тафаккур соясида ўзгалар шаҳду шаккар ерса,
Турурмиз бақрайиб ҳар гўшада бекор — биз, миллат.
Маю-миносини тарк айласа, ағёр, бизлар, оҳ,
Ичиб жоми жаҳолатдан, ҳамиша зор — биз, миллат.
Ҳама касбу камолат этса ҳосил, илм-фан бирла,
Шифиргучи, ямоқчи, хайрчи — кўб хор — биз, миллат.
Тақозойи замон, ҳар жинс кимса жисмиға лойиқ,
Қилиб қоф халтадин кўлмак, чопон — беор — биз,
миллат.
Ўзи билмас, сани душман, сани жоҳил билур, Ҳижрон.
Ҳаёту руҳ керакмас — жисмидан безор — биз, миллат.

ЖИГАРСҮЗ

Ҳар нафас дарди дилимдан доғи ҳижроним чиқар,
Чиқса жоним жисмдин, кўнглумдин армоним чиқар.

Сийнайи сўзоними ёрса агар, боқса табиб,
Шубҳасиз, бағри сиёҳимдан қаламдоним чиқар.

Таънайи инсонлара бўлмиш ҳадаф ҳижрон дилим,
Ҳар жароҳат ўрнидан бир оҳи афғоним чиқар.

Ошинолиғ кўрсатур қошимда юз найранғ ила
Ошино зан этдиким бир душмани жоним чиқар.

Ханжари тилдин дилимда ёролар турна қатор
Сўз эмас Ҳижрон дилимдан тирқираб қоним чиқар.

Эй адибо, яхши тадқиқ айлангиз ёзмишларим,
Сатрларда қора эрмас дийда гирёним чиқар.

Саҳфаларда сатр уланмиш хат ҳолимдур ёзуқ,
Ҳар паришон жумладин ҳоли паришоним чиқар.

Гар ҳаёти жовидоним тан ила қилса видоъ,
Дилдаги қайғуларимдан жони сўзоним чиқар.

Зоҳидо, тасбиҳ ўғурмам, сан кабн истаб беҳишт,
Дилдадур дийдори тилдаи зикри ҳамёним чиқар.
Истаса Ҳижронлиғимға ҳар киши менам дилил,
Сафҳан дилға ёзилмиш тўла бурҳоним чиқар.

1916

«МАРДИКОРЛАР АШУВЛАСИ»ДАН

БИР МАРДИКОРНИНГ ОТАСИ ЎҒЛИГА АЙТГАН СЎЗЛАРИ

Қанча меҳнатлар билан, ўғлим, сани боқгон эдим,
Ман сани деб ҳам ўтига жоними ёқгон эдим.

Сан кетарсан, ман қолурман кўзларим гирён бўлуб,
Бу жудолиғ оташига ўртануб, бирён бўлиб.

Дастёрим, ҳамдадим, оромижоним сен эдинг,
Белгинамнинг қуввати оромижоним сен эдинг.

Найлайин, кетдинг қошимдан, қолдим эмди айрилиб,
Сан кетарсан, ман ғарибга ким боқодур қайрилиб?!

Қўлда кучу белда қувват, танда дармон қолмади,
Кўзда нуру бошда ақлу сару сомон қолмади.

Ҳар ғаминг поёни бордур, ҳар аламнинг охири,
Шодлиққа айланодур ҳар фигоннинг охири.

Ғам ема, ўғлум, қаро кунлар кетуб оқ кун чиқар,
Ерга нам, қўрқунч булутлар даф ўлуб ойдин чиқар.

Ҳақ таолло манга сабру санга умр этсун ато,
Сог-саломат кел Ватанга, бўлмасун ўрнунг хато...

Меҳрибонлардан айилдинг, бўлма Ҳижрон, эй болам,
Ҳам Ватандан айрилиб сан днйда гирён, эй болам.

1916

ОНАСИНИНГ УҒЛИГА АЙТГАН СЎЗЛАРИ

Жон болам, жоним болам, олло сани ёринг бўсун,
Кеча-кундуз йўлда-чўлда тангри ғамхоринг бўсун.

Ман сани бағримга босиб ўстириб эрдим, болам,
Ким қаро кунда боқарсан сан мани дердим, болам.

Оҳ, найлай, бўшга чиқди бу мани хуш ниятим,
Сан кетар бўлдинг қошимдан ким қилур тарбиятим.

Найлайин, золим фалак аҳволима раҳм этмади,
Бу фалакнинг даврида кимга жудолиғ этмади.

Эй болам, найлай, жудолиғ ўти бағрим ёқадур,
Меҳрибоним, сан кетар бўлдинг, мани ким боқадур?!

Дилда сабрим, кўзда ёшим, танда жоним қолмади,
Ўртаниб ёндим, қимирлашга мажолим қолмади.

Ҳоли зорим ким нечук кечғуси сандин айрилиб,
Моҳи солим қандоқ ўтгай зор сандин айрилиб.

Ҳеч қайғу йўқ жаҳонда бу жудолиғдин ямон,
Сан кулуб ўйнаб юурсан, ман бўлуб ранги сомон.

Найлайин ман муштипар, бечора бахти қораман,
Кеча-кундуз ўз ғамим бирлан ўзим овораман.

На қилай, бу кўбга келгон тўй, мани чорам надур?!
Ман кимам? Бу оҳу воҳу нолап зорам надур?!

Чордевор ичра ётиб, йиглаб сани ёд этаман,
Қисмати ҳақ шул экап — ман кимга фарёд этаман?!

Эй болам, мандин дуодин бошқа ёрдам йўқ санга,
Қайда борсанг икки энлик хат ёзиб тургин манга.

Яхши бор жоним болам, келгил қошимга эртароқ,
Қилмасун олло сани соянгни бошимдан йироқ.

Тез кўрай жоним болам, тезликда дийдоринг сани.
Қайга борсанг ҳақ ўзи бўлсун мадакоринг сани.

Кўб узоқ кетма, ишингдан бўш бўсанг, кел қошима,
Раҳм қил, жоним болам, бу кўздан оқган ёшима.

Пинглатуб қўйма йўлунгда зори саргардон қилуб,
Гезгина кел қошима, юрма мани Ҳижрон қилуб.

1916

УҒЛИНИНГ ОНАСИГА АЙТГАН СУЗЛАРИ

Волидам, Маккам, Мадинам — меҳрибоним сен эдинг,
Ғамгузорим, мушфиқим, оромижоним сен эдинг.
Эй, вужудимга сабаб бўлган мени мушфиқ онам,
Жисмиминг руҳи — ҳаёти, жовидоним сен эдинг.
Оқ сутингга, оҳ лойиқ, санга хизмат қилмадим,
Марҳами жоним, муҳибби хонадоним сен эдинг.
Бошингиздан, эй она, парвонадек айланмадим,
Уртапурдинг ман учун шаъми шабоним сен эдинг
Бу фалак солди жудолиғ бошимизга, эй она,
Қайғулик вақтимда кайфу шодмоним сен эдинг.
Ман кетар бўлдим, қолурсан кўзларингдан ёш оқуб,

Ман гарибни катта қилган посбоним сен эдинг.
Қўлтуғингда тарбият топдим, яшаб, ўйнаб кулуб,
Билгучи дарду ғамим, сирру ниҳоним сен эдинг.
Пайлайин, эмди жудолғи пора айлар бағрими
Зор Ҳижронлиғ тунида ошғоним сен эдинг.

1916

ХОТУНИГА АЙТГАН СЎЗИ

Яхши қол, эй муниси ғамхор, кўрсам-кўрмасам,
Эй кўзимнинг нури пуранвор кўрсам-кўрмасам.
Найлайин, солди жудолғи бошимизга каж мурод,
Зулфи сунбул, кўзлари хуммор кўрсам-кўрмасам.
Айшимиз гулзорига ўт тушди барқи чархдан,
Маъзурам ман эй гули беҳор кўрсам-кўрмасам.
Ёлғиз уйларда рафиқи меҳрибоним сен эдинг,
Ёру жоним, ҳамдамим, такрор кўрсам-кўрмасам.
Бул эмас эрди умидим бошима солди қаао,
Сабр этарсан эй шакаргуфтор кўрсам-кўрмасам.
Ҳеч душвор иш бўлурму бу жудолғидан ёмон,
Хуш қол эмди қайтадан дийдор кўрсам-кўрмасам.
Бир-биримизга муҳаббат риштасин боғлаб эдук,
Тоқатим йўқ ҳажринга эй ёр кўрсам-кўрмасам.
Кеча-кундуз фикру зикрим, ой юзинг васли ўлур,
Кўзларим ё уйқу ё бедор кўрсам-кўрмасам.
Бир-биримиздан тирик золим фалак қилди жудо
Айрилиб сандин ўлум — бемор кўрсам-кўрмасам.
Ҳақ таолло манга тоқат, санга сабр этсун ато,
Гулъузорим яхши қол, ман зор, кўрсам-кўрмасам.
Ман кетарман, сан қолурсан, айрилиб, Ҳижрон бўлиб,
Кўз ёшингни тўкма, эй дилдор, кўрсам-кўрмасам.

1916

Афсус, бизим доғлади, ёндурди бу матлаб,
 На табъ, на матбаъмиз вор, на мактаб,
 На илму на таълим, қироат, на мартаб,
 Ҳайҳот, бизим қоплади кўр, жаҳли мураккаб,
 Овораи, саргаштаи зор оғладук оғлаб.

Ходимлик ўлубдир кеча-кундуз биза пеша,
 Ҳосидлик ўлуб, бир-биримиз бирла ҳамиша,
 Донандаи фаҳманда эрур миллата теша,
 Миллат шажаринда на қолуб шох, реша,
 Беҳосил ўлуб, ҳосил, хор оғладук оғлаб.

Қўй, зоҳид элин, гўшада қилсунлар ибодат,
 Уз нафсини оройиш ўлуб солсун аморат,
 Балки авзина топа маҳшар куни жаннат,
 Йўх онлари дахли туша гар чўллара миллат,
 Шахслик ила аксари кор оғладук оғлаб...

Ҳар ердаки, илма бизи тарғиб эта миллат,
 Таҳсилн улум этмака бизда қани мактаб?!
 Миллат боласи то ўқусун — ҳал ўла матлаб,
 Нокаслара Ҳижрон ўлубон, ўлма мухотаб.

БАТАН

Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдур.
Ҳар ким сенинг қадринг билмас — ақли пас(т) дур.
Сенинг туйгунг юракларга жавдо солур,
Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур.
Ернинг, сувинг бизни боқуб тўйдирадур,
Семиз-семиз қўйларингни сўйдирадур.
Олма-анор, анжир, узум — меваларинг,
Оту ҳўкуз, эчки, така, теваларинг
Бизлар учун хизмат қилур барчалари,
Ҳар бирлари нозу неъмат парчалари,
Сандан туғиб, катта бўлуб, қайтиб боруб,
Яна сенга кирадурмиз бағринг ёруб.
Онамизсан! Бизни(нг) мушфиқ онамизсан!
Жавлон уруб яшайдургон хонамизсан!
Сени сотмоқ мумкинмидур ўзинг ўйла,
Тилинг бўлса, ҳасратларинг тузук сўйла!
Бизлар сотмас бурун қилур эрдинг фарёд,
Биз сотган сўнг нега дерсан бизлардан дод.
Айб бизларда, сени соғуб эмолмадук,
Емуш бериб ем ўрнига ем олмадук.
Билолмадук кўксингдаги хазинани,
Биз билмасмиз тош-тарозу, мазинани.
Сотиб-сотиб қоладурмиз ғамга ботиб,
Бойқуш каби вайронада ётиб-ётиб.
Сени сотуб пул қилурмиз — кетур-қолур,
Бир йилдан сўнг баҳонг икки бўлуб олур.

Тарбиятсиз, илмсизлик жазосидур,
Жаҳолатнинг бошга солган азосидур.
Селоби ғам келмас бурун жадал бирлан,
Ту(в)ғонини тўхтатмаган бўлур Ҳижрон.

1916



ҲИЖРОН СУЗИ

Туғуб ўсдим бу Ватанда,
Ватаним мисли йўқ жаҳонда!
Туфроглари ўсумлукдур,
Манзараси кўрумлукдур.
Бир тарафда тоғлари бор,
Меваси мўл боғлари бор.
Тоғларидан конлар чиқар,
Ерларидан донлар чиқар.
Боғларидур ширин-шарбат,
Анжир, узим, анор, нашват.
Дарахтларни ўсар фирош,
Фалак узра кўтаруб бош.
Ҳавоси ўрта ёқимлик,
Чўллари бор тошлик, қумлик.
Тошканд эмас, тошқанд эрур,
Кесаклари гулқанд эрур.
Ишлаганга хазинадур,
Дангасага ҳаринадур.
Кеча-кундуз фарёд этуб,
Ишловчини ётур кутуб.
Ўтар кунлар, ўтар замон,
Эй, Ватаним, бўлма Ҳижрон!
Мен кетсам-да сен бўл омон!
Омон-Ватан, Ватан-омон!

1916

БАҲОР

Аввал баҳор бўлса, кулур чаманлар,
Баргак ёзур гуллар, гунча даҳанлар.
Барча қушлар учар, ўқур чаманда,
Боғу бўстон, тоғу саҳро, ўрмонда.
Яйловларда қўзичоқлар мағрашур,
Овозлари юракларни доғлашур.
Ҳар тарафдан сулар шилднраб оқар,
Шилдираган (тов(у)ши одамга ёқар.
Гир-гир шамол елпиллатур гулларни,
Гул тебрануб сайратур булбулларни.
Ҳар нарсада шодлиғ асар кўрилуру,
Кўкмак бўлуб беда-пичан ўрилуру.
Экинчилар ҳар хил ошлиқ экарлар,
Тухумларни ерни ҳайдаб тикарлар.
Дангасалар бўлар-кетар, деб ётур,
Қиш кунда оту тўнини сотур.
Кўб ишлаган кўб олур, оз ишлаган — оз,
Қиш кун роҳатдадур ким ишласа ёз.
Ҳар ким нима экса, албатта, шуни ўрадур,
Экмаганлар ўзгаларга муҳтож бўладур.
Келинг, биз ҳам экинимиш бошлаб экаминиз,
Имтиҳонда экганимиш ўриб йиғамиз.
Ҳар ким аввал баҳорини ўткарса бекор,
Ёз келганда Ҳижрон бўлуру, ул-тангри безор.

1916

Ёзда пишар барча экин, мевалар,
 Шод ўладур зор етим-бевалар.
 Ҳар ера борсанг, ҳама маъмурчилик:
 Ҳандалагу тарбузу қовун-тилик.
 Ер гушаша яқин ўлуб нур олур,
 Ерга муҳаббатли энёсин солур.
 Ҳар киши ўз нафси учун ишлагай,
 Ишламаган қишда нима тишлагай?
 Боғлари, бўстонлари ранг-баранг,
 Меваси-ю гулларига бир қаранг.
 Гуллари, булбуллари бор, боғлари,
 Қўйлари, қўзичоқлари бор, тоғлари,
 Сутлару қаймоғ-қимизлар сероб,
 Сувлар оқур сойлар аро шарқираб.
 Бир тараф(д)а экинчи — хирмончилар,
 Бир тараф(д)а ўроқчи, кетмончилар.
 Ғайратлилари ғамини ер вақтинда,
 Тиртишуб ишлайдур ғанимат кунда.
 Ишёқмаслар ёзда юрур гулдураб,
 Қиш келганда қолгай кўзи мўлдураб.

1916

Куз кунн кўзлара ямон кўринур,
 Яфроғи мисли заъфарон кўринур.
 Мева ўрнига боғу бўстонда
 Шалдираб қақшаган хазон кўринур.
 Гуллар ўрнида хор ила хашак,
 Булбул ўрнида зағизғон кўринур.
 Кетгай Одам Атони жаннатидек,
 Жўйлари бир совуқ йилон кўринур.
 Ёзни кўрдинг, кузни ҳам кўрасан,
 Шодлиғ ортидан фиғон кўринур.
 Ҳар киши фойда кўрмагай доим,
 Суд орқасидан зиён кўринур.
 Йиғлаган шод ўлур, кулан йиғлар,
 Ҳар дақиқа бўлак замон кўринур.
 Айлануб-жайлануб ўта(р) бу замон,
 Кетн аввалгидан ямон кўринур.
 Қиш келур бошинга қилич кўтаруб,
 Қалқоннинг пахталик чапон кўринур.
 Ёз ишламаднинг, сен ишەқмас,
 Йиғмадинг дон — похолу сомон кўринур.
 Кўзларинг жовдирар еганга боқиб,
 Ишчи олднида ошу нон кўринур.
 Ёз кўзнм, ёз хатинг(н)и, тез-тез ёз,
 Ёз—омон. куз—омон,— омон кўринур.

1916

ҚИШ

Келса қиш, бўлса совуқ, ҳар кимга меъёринча вор:
Йўқга-йўқча, борлара-боринча вор.
Бойлар ёғлиқ паловин танчада ғамсиз емас,
Қамбагаллар оч-ялангоч чекғон озоринча вор.
Ерлара тушган қировлар ҳам дарахтда булдуруқ
Ёзни яшнаб ўсадургон сабза гулзоринча вор.
Қиш кунинда ҳўл ўтуннинг аччиғи
Ёз кунининг мушки тоторинча вор.
Ул совуқни шиддатидин яхлаган музни кўринг,
Бойларнинг ойнабандлик сирли дево(р)инча вор.
Ҳар ким уйига йиғилган тўда қорларга қаранг,
Унфуруш ханнотларининг йиғган омборинча вор.
Сиз дарахт устидаги оқ қорлара айланг назар,
Муллаларнинг чулғабган бошига дасторинча вор.
Бир тарафда қалтираб турган тиланчига боқинг,
Кўзларининг ёши промоқларин(нг) асроринча вор.
Бу совуқ раҳм айламас бева-етимлар ҳолина,
Қим етар фарёдина?— Бу ҳол душворинча вор!
Кўрдингизми, яхши қушларни қувар ўз мулкидан,
Олти ой сургунда жон(и)вор, жони безоринча вор.
Ҳосили: қиш борни селоб, йўқлари Ҳижрон қилур —
Бу совуқнинг зулми зolimларнинг атворинча вор.

1916

БАҲОР КЕЛДИ

Гофил қолма, келди баҳор.
Экинларни экинги, ўсар,
Боғбон экар гул богига,
Булбул қўнар гул шохига.
Гул очилур, булбул сайрар,
Қўнгулларни масрур айлар,
Гул ишқида сайрар булбул,
Лекин муни билмайдур гул.
Кеча-кундуз айлар фиғон,
Гул фиғонин билмас бежон.
Булбул гулнинг исин суяр,
Чумаки-ла ҳар кун тўяр.
Ҳеч нарсага йўқ парвоси,
Бошида гулнинг савдоси.
Кеча-кундуз тинмай ўқур,
Хат ёзай деб гулни чўқур.
Баҳор ўтар, гуллар — хазон,
Булбул бўлур яна Ҳижрон.
Сиз ҳам ўқинг ёш чоғинда,
Умрингизнинг баҳоринда.
Жадал қилинг, вақт ўтмасун,
Хазоннинг вақти етмасун.
Сўнгги пушмон — жонга душмон,
Файрат қилинг, бўлманг Ҳижрон.

1916

БУЛБУЛ

Баҳор ўлди бу он булбул,
Очилди гулистон булбул.
Юрагинг бўлди қон булбул,
Ўқу оромнижон, булбул.

Баҳорнинг ҳусни гулдур, гул,
Бинафша, лолау сунбул,
Юзинг шайдосидур булбул,
Ўқу, ҳар бир замон, булбул.

Баҳор оворасидурсен,
Гулнинг парвонасидурсен,
Жаҳон афсонасидурсен,
Эрам тахтиша хон, булбул.

Чаман кулгай, гар ўлса ёз,
Гулистонлар бўлур хўб соз,
Гулнинг қадринг биланлар оз,
Сен ўл хўб қадрдон, булбул,

Ёз ўлмазса, гул ўлмазди,
Чаман ҳам булбул ўлмазди,
Ўқугон жоҳил ўлмазди,
Ўқу, эй хушфигон, булбул.

Ези суймас киши йўқдур,
Гули истор киши чўқдур,
Валек булбулда ортуқдур,
Гула энг меҳрибон — булбул.

Баҳор айёмидур айём
Демиш шоир Умар Хайём,
Кетур эй соқи, гулгун жом,
Бўлур Ҳижрон чунон булбул.

1916

ГУЛИСТОНДАН БИР МАНЗАРА

Саноеъ ўстуруб алвон ранг-баранг гуллар,
Қизилу оқу қаро турли-турли сунбуллар.
Буларни манзараси жонлара сафо верадур,
Бўлакча руҳ, бўлакча гўзал сабо верадур.
Яшилча барг ичинда қизилча гунчалари
Бўйин чўзиб чиқиши уйғотур душунчалари.
Оқ очилап гули оппоқ гўзал қизи юзидек,
Қизилча қирмизи гул барги юзинг руҳидек.
Сариғ гули кўрниюр ишқ эли каби Ҳижрон,
Юзи висоли тилаб ҳажр ўтида сарғайгон.
Нигоргул юзин устида қоша тортилгон
Мисоли ўсма каби барггулға ортилгон.
Бу манзара, бу тамошо, бу қудрат — бори —
Етушмаюр биза онжақ уяр ғамхори.

1916

ТОҒЛАРДАН БИР МАНЗАРА

Туркистон тоғлари тўла кон эмиш
Ичи тоши бутун ошу нон эмиш.
Нодонликдан бизлар они тош дердук,
Кумуш-олтун ичинда пинҳон эмиш,
Жуша, зинних, навшадил, олтинговут,
Тоғ ичинда тош каби қотган эмиш.
Нефту кўмур, пахта, собунлар тоғда,
Қўрғош(ин), қалай, мис, чўян чандон эмиш.
Ёвропо маъданларни искаб топур,
Афсус, биз фан илминни отган эмиш.
Бизга дунё илми керак эмас деб,
Охират дунёни биз сотган эмиш.
Кеча-кундуз бизлар дарду меҳнатда,
Илм ила ёврополик хандон эмиш.
Нонимизни тева қилуб берурлар,
Бизлар хўб бефаросат, нодон эмиш.
Онлар фақат илма ғайрат қилурлар,
Онлар—инсон, бизлар ҳам инсон эмиш.
Ҳар миллатнинг тараққийси илм ила
Нодон халқининг кўз ёши маржон эмиш,
Ўқумаса, билмаса ҳар бир миллат,
Ҳозирги замонда Ҳижрон эмиш.

1916

БОЛА ИЛА ГУЛ

Бир бола ёз кунда бир богда
Сайр этарди кезуб дил чоғда.

Қўрднким, богда гул турар очилиб,
Атрдек ислари чиқар сочилиб.

Гулни узмоқ учун узатди қўлин,
Узубон искамоқни тутди йўлин.

Эгди гул шохини у булбулу шўх,
Уйлаб эрди гулнинг тикони йўх.

Ботди нозик қўлига гул тикони,
Гул каби қўлидан чиқорди қони.

Боқди гулға кулиб, табассум ила:
— Йўқ экан сенда ҳеч раҳм, сийла.

Ёширибсан дилингда наштари тез,
Сувратинг яхши, наштаринг хупрез.

Зулм эрмасми бу ишинг, эй гул?
Қўнмасунми шохингга ҳеч булбул?

Қилмасунми фиғону фарёдин,
Қўрқмаюрсанми қаҳри оллодин?

Баҳраманд ўлмасунми сандин жон?
Сийратинг — заҳар, сувратинг — жонон

Қилмушингдан чекар ҳама озор,
Дилларозордан худо безор.

Ярашурми санга шу бадхулиқ,
Эсиэ, эй гул, санга у хушрўйлик.

От, чиқар дилдаги тиконларни,
Бўлма хунрез, сиқма жонларни.

Бу ишингдур бутун пушаймонлиғ,
Зулмининг сўнги доғи Ҳижроплиғ.

1916

МАКТАБ

Фирдавси жинон мактаб, нодонлара жон мактаб.
Билган кишига қадрин бир доруломон мактаб
Қўнгул ошини мактаб, руҳинг пишини мактаб,
Илму адаб ўргатгай, донанда, ко(р)дон мактаб.
Жоҳиллара ғам мактаб, ялқовлара кам мактаб,
Ҳусниҳат кишиларга чин руҳи равон мактаб.
Ҳар ким ўқуса мактаб, йўлдоши бў(л)са мактаб,
Қандоқча саодатдур, эй аҳли замон, мактаб...
Кимки ўқумас мактаб, кирмас-қарамас мактаб,
Қилгай бу кишилардан фарёду фигон мактаб.
Жоним, ўқунгиз мактаб, бору йўқингиз мактаб,
Сизлар учун авлодим, боғи гулистон мактаб.
Манбандур фан мактаб, энг яхши чаман мактаб,
Ахлоқу одобсизга олмоқлига кон мактаб.
Гулдастай гул мактаб, сунбулу жамбул мактаб,
Булбул каби толнбга гулзори жаҳон мактаб.
Миллий уйимиз мактаб, тўну тўйимиз мактаб,
Таълим уйндур, Ҳижрон, энг яхши макон мактаб.

1916

МАҚТАБ БОЛАСИ

Бир кунн гўдак, ширин ҳаракот,
(Берсин олло умрина баракот),

Жилдини бўйнига олиб осди.
Мактабга қараб қадам босди.

Йўлда бир ўртоғи анга учраб,
Сўйлади ўйнамақ учун кўп габ.

«Кел, букун борма мактабга»,— деди
Алдабон нонидан бир оз еди.

— Кел биродар, бугунча ўйнайлук,
Қатта сувлар бўйини бўйлайлук.

Ўртоғининг жавобини берди,
Сўз ила хўб одобини берди.

— Ман эмасман санинг каби аҳмақ,
Фикру зикрим эмас ўйин, кулмақ.

Ўйнасам ўйнарам озод бўлиб,
Ота-онамни хизматини қилиб.

Мактабга боруб сабақ олурам,
Ўқумасам, сан каби чафан қолурам.

Жур, санам бор баннм-ла мактабга,
Қўб ҳаваскор бўлмағил габга.

Йўлга солди тнл ила йўлдошин,
Мактаба мойнл айлади бошин.

Солди ўртоғининг сўзина қулоғ.
Босди ул ҳам ўқув йўлига оёғ.

Иккиси бирга бўлдилар мулло.
Чиқди хату савод ҳам имло.

Яхшилар яхшиликга бошлайдур,
Ямон ўртоғ яқонгдан ушлайдур.

1916

ЯЛҚОВ ШОГИРД ТИЛИДАН

Мен мактабга келмас эрдим,
Қирмас, ўқумас эрдим.
Мени зўрлаб юбордилар —
Ғариб онам йиғлаб қолди.

Ялло қилиб юрганларим,
Айшу ишрат қурғонларим
Эсимга тушиб, ёдимга тушиб
Фикрим-кўнглим бузилиб қолди.

.
Ўйин-кулги қандай яхши,
.
.
Қайфу сафом узилиб қолди.

Кетай десам юбормийлар,
Қочсам, дезетир қиларлар.
Касалман деб қутулмайман,
Қайғу-ҳасрат тизилиб қолди.

Келаман-да тўполон қиламан,
Тумтарайда эгри тураман,
Қоровулда ухлаб қолиб,
Нардудларим чизилиб қолди.

¹ Қўлёзмада ўчирилган.

Шогирдлар мени суймайдир,
Мени йўлимга юрмайдир,
Ўқуғин, ёзғин деб қистайлар,
Юрак-бағрим эзилб қолди.

Ўртоқларим туппа-тузук,
Ўзи ҳам тузук, сўзи ҳам тузук.
Биргина мени қора босқон
Ялқов мия суйилиб қолди.

Чаккам тиришиб қолди,
Ҳафалам буришиб қолди,
Ғайрат уришиб кетди,
Ялқовлик кўришиб қолди.

ЯЛҚОВ

Уёи гафлатдан, уйқудан,
Чўзилма, ётма қўрқувдан
Насиҳат тингла ҳақгўдан,
Қулоқ сол сўзима, ялқов.

Таша катта думоғингни,
Дароз этма қулоғингни,
Кечурма ёш чоғингни,
Дедурма ўзинга «ялқов».

Чолишмоқ жонга роҳатдур,
Чолишмаслик ҳамоқатдур,
Ҳам офатдур, қабоҳатдур,
Ҳазардур ўзинга, ялқов.

Жадал қил, илм учун саъй эт,
Муроду мақсадингга ет,
Улуғларнинг йўлидан кет,
Боқ, ўз аҳволингга, ялқов.

Ўқуб илму адаб ўрган,
Ёқил, илм ўтина ўртан,
Авом инсонмидур инсон,
Даво қил, дардинга, ялқов.

Ҳамиша хор—шалтоқлар,
Уқинг, эй дўст-ўртоқлар
Нодонлик ўйламаг, ёқлар
Жафодур жонинга, ялқов.

1916

ОЛЛО ТАОЛЛОНИНГ «ҚУДРАТИ»

Қодир олло, қодир олло тоғни яратди,
Тоғнинг ичи қоронғу деб ойни яратди.
Яйловларда ўтлар чорва ҳайвонлар
Бўронлардан сақлансун деб сойни яратди.
Қўю қўзи, тева-сигир ўтлар тоғларда
Минмак учун оту эшак, тойни яратди.
Қорлар эруб, оқар сувлар шовлаб-шалдираб
Шалоласи манзаралик жойни яратди.
Тоғу тошлар ҳавосидур гўзал, мусаффо,
Шаҳарларнинг туфроғи кўб — лойни яратди.
Қамбагални муҳтож қилди бир парча понга
Қатта-катта тўй қилсун деб бойни яратди.
Қамбағаллар мошхўрдани явғон ичадур
Ёғлиқ палов бой есун деб мойни яратди.
Бечоралар гўрдек тор уй-вайронда яшар
Бойлар учун сирлик уйлик жойни яратди.
Ҳар ким келди бу дунёга бўлғуси Ҳижрои,
Тангрим ҳар иш охирида войни яратди.

1916

Бир фақирам, куним ўтар куч ила
Ишқим йўқтур гўшт-ёғу гуруч ила.
Ўтун сотуб, зўрға авқот қилурман,
Ўзимдан ўтганин ўзим билурман.
Ҳеч ким огоҳ эмас ҳоли зоримдан,
Пушаймонман нодонлиғда коримдан.
Совуқ, сахар демай, тун-кун ишларам,
Меҳнат-машаққатда қоқ нон тишларам.
Кундузи оромим, кеч роҳатим йўқ,
Борган сари роҳат оз, кулфатим чўқ.
Билмам, бу меҳнатлар қайдан ёпишди?!
Қайга борсам, қайғу-ғамлар топишди.
Олимларни кўрам доим роҳатда,
Жоҳил қолиб мен бенаво меҳнатда.
Ёшлигимда отам ўқутган бўлса,
Олим бўлуб, қалбим нур илан тўлса,
Қаро кунлар тушмас эди бошимга,
Ранжу меҳнат келмас эди қошимга.
Қаро бахтим ибрат кўзимни очди.
Ҳижрон бўлур, ҳар кимки, ўқурдин қочди.
Шунинг учун ўқутурман Аҳмадни,
Аҳмад ўқур ман ўлган сўнг раҳматни.

1916

ЕЛҒОНЧИ ЧУПОН

Бир кунн бир Чўпон қилуб фарёд,
«Бўри келди!»— дебон чоқирди дод.

Қишлоқилар югурдилар бирдан,
Қўйлари асрамоқ учун бўридан.

Бунлари ҳолини кўруб Чўпон,
Қаҳқаҳа ила кулуб деди:— Ерон!

Алдабон сизларни чақирмиш эдим,
Синамоқға сизни бақирмиш эдим.

Алдануб қайитдилар алар ул он,
Эртасига яна чақирди Чўпон.

«Бўри келди!»— дебон фиғон этди.
Бўрилар қўйлара келуб етди.

Эшиданлар бунга ишонмадилар,
Доди фарёдига ишонмадилар.

Едилар бўрилар ҳама қўйини,
Мана жоним, ялончилик ўйини!

Кўрдингизми ялончилик зарарин,
Бир ялон сўз йўқ этди болу парин.

Бир ялончи бўлуб эди Чўпон,
Тўғри сўзласа ҳам кўрунди ялон.

Ўғлим, айтма ялон сўзи, асло,
Дўст тутмас ялончини олло.

Ҳамда эл ичра ҳурмати бўлмас,
Халқ аро қадру қиймати бўлмас.

Уйи куйса ялончини дедилар,
Анго ҳеч ким ишонмаюр эдилар.

Тўғри сўз қутқарур балолардан,
Доғи Ҳижрон ва можаролардан.

1916

ЗУЛУК ИЛА ИЛОН

Бир куни бир Илон Зулук кўрди,
Бу сўзини Зулукдан ул сўрди.
Деди:— Ҳайрон-да мен, бу ишга, ажаб,
Менга сувратда ўхшаюрсан ҳаб.
Нима учун сени сўяр инсон,
Мени кўрса, бўлур жони ларзон?
Нимага суймаюр мени бириси,
Сени силаб боқадур ҳар бириси?
Сен-да санчарсан одами, мен-да,
Не сабаб бор, билмазам мунда.
Сўзини соб қилуб эди у Илон,
Кулубон сўйлади Зулук чунон:
— Сўэларинг тўғридур, бориси — ҳақ,
Ҳаққини сўйлайин сенга онҳақ.
Мен табиатда санчарам сендек,
Наштар урмоқда иккимиз бирдек.
Қай замон санчсанг сен инсонни,
У замонда чиқар анинг жони.
Мен эса санчурам хўб оҳиста,
Соғолур тишласам қаю хаста.
Менга боқмай сенга боқарму киши?
Зулм ҳеч кимсага ёқарму киши?
Зулмдан донмо қочар инсон,
Наштаринг жонлари қилар Ҳижрон.

1916

ҚУШ ВА ИЛОН

Эру хотун бўлиб эди ики қуш,
Яшар эди ҳамиша вақти хуш.
Бир куни аввал баҳор ўлди.
Ер юзи сабза — лолазор ўлди.
Сув бўйида дарахт шохига,
Ин қўюб тухум учун бутогига.
Шод-хуррам учар-қўнар эдилар,
Сайрашуб, нағмалар қилар эдилар.
Ородан бир неча замон ўтди,
Тухумдан болалар чиқуб етди.
Бунлара бўлди рўзгор катта —
Бола боқмоқ керакдур, албатта.
Бирин авқот учун кетар эрди,
Бирин уй ишларин кутар эрди.
Бир куни инида отоси(з) эди.
Бир илон чирмашуб чиқуб келди.
Дод-фарёд қилди бечора,
Этмади раҳм анга юзи қора.
Азроил қуш болаларин ютди,
Отаси пола мотамин тутди.
Опаси келди, айлади фарёд:
— Дод, золимларинг алиндан дод!
Айди бу сўзни ўртануб Ҳижрон;
Уй бузувчи бўлур хонавайрон!

1916

ТУЛКИ ИЛА ҚАРҒА

Бир куни оч қолиб эди Тулки,
Очлиғшдан толиб эди Тулки.
Неча хил ҳийлаларни ўйлар эди,
Очлиғш ўз-ўзига сўйлар эди.
Ҳеч киши етмас эрди додига,
Бир қизиқ ҳийла тушди ёдига.
Бир чинорда бор эрди Лаклак инн,
Учта ёш боласи бор эрди инн.
Тулки қурди у доми тазвирин,
Ишлатур бўлди ҳийла-тадбирин.
Олди арра-тешасини кўтариб,
Кесмоқ учун чинор тубига бориб.
Лаклака айти:— Эй, узун бўйлук!
Бизни ерда бўлурмусан ўйлук?
Бу дарахт ер мерос менга отадан,
Ўзга жойида ин қўюб ётасан.
Кет бу ердан, бўлак ера ин сол.
Мен кесарман чинорими алҳол.
Лаклак айти:— Биродаржоним,
Ҳолима раҳм айла, жононим,
Бузуб уйимни, қилмағил гирён,
Ўйи йиққанлар бўлур хонавайрон.
Марҳамат қил бу ёш гўдакларима,
Монеъ ўлма бутун тилакларима.
Бир боламини берай, ебон тўйғил,

Хонавайрон қилмай, тинч қўйгил.
 Бир боласини Тулкига отди.
 Бўлди маънос қай(ғ) уга сотди.
 Тулки қорниини тўйғазуб кетди,
 Ҳийла бирлан муродига етди.
 Қарга воқиф эди бу ишлардан
 Лаклака ўргатай, деди бир фан:
 — Ҳўб узундур бўйингу ақлинг оз,
 Қишга йўқ тоқатинг, тиларсан ёз.
 Тулкининг кориму ўтин кесмоқ,
 Шунга ҳам етмас ақлинг, эй аҳмоқ.
 Йўқга бир бола айладинг қурбон,
 Бефаросат, тушунчасиз, нодон.
 Қарганинг сўзлари қилуб таъсир,
 Билди. Тулки сўзлари экан тадбир.
 Эртаси келди ҳийлагар Тулки
 Тамаъи қўзғалуб чу аввалги.
 Яна ости чинорига етди,
 Кет, дебон Лаклакка хитоб этди.
 Лаклак айтди:— Йўқол, аё хоин!
 Йшла, ҳийлангни, сен билуб жойини.
 Қарганинг панд берганин билди,
 Очлик бағрини яна тилди.
 Ҳийласин Қарга сарига бурди,
 Қаргани(нг) тутмога тузоғ қурди.
 Бир баланд ерда ётди ўлгандек,
 Қўзларин юмди мурда бўлгандек.
 Қарга Тулкини ўлук гумон айлаб,
 Қўнди бошининг устига пойлаб.
 Чўқумоқчи бўлуб эди кўзини,
 Ҳийлагар Тулки тишлади ўзини.
 Доди фарёдига назар солмай,
 Қаргани(нг) Тулки бошлади ялмай.
 Қарга чипдан ўларини билди,
 Бу-да бир яхши ҳийлани қилди.
 Тулкига:— Эй, биродаржоним!

Сенга бўлсун ҳалол эту қоним.
Бу байтни ўқуб, егил гўштим,
Бу васиятни сенга мен қўштим:
«Беватан, бегўру кафан Қарға,
Лаклак(к)а яхшилик эдан Қарға!»
Тулки бу байтни ўқумоқ учун
Шавқ ила йиғди танда бор кучин:
«Беватан, бегўру кафан Қарға,
Лаклак(к)а яхшилик эдан Қарға!»
Тулки «Қарға» деганда оғзин очиб,
Ўқ каби Қарға чиқти-кетди қочиб.
Тулки ҳайронда қолди ақли шошуб,
Бўлди Ҳижрон бўғумлари бўшашуб.
Ҳийлада мендан ўтди Қарға дебон,
Ўкунуб, хўрсунуб еди пушмон.
Қарға мақсуд-муродига етди,
Ҳийлагар Тулки оч қолуб кетди.

1916

ҚАМИШ ИЛА ҚОВҒА

Қовға ила Қамиш бўлуб ёндош,
Иккиси ҳам кўтарган эрди бош.
Қилдилар суҳбат иккиси бир кун,
Қизишуб кетди сўзлари ул кун.
Қамиша таън айлади Қовға:
— Турмушингдур сени бутун қовға.
Шалдираб лоф урмоға кетма,
Сен бўйингға ишонма, фахр этма.
Сўррайибсан, белинг букулмайдур,
Салла — бошда, бўйин эгилмайдур.
Кўк чопонингни енги шалбирлар,
Бойларинг тўнларича шалдирлар.
Савлатинг шайхдек, ичингдур бўш,
Ёқилурсан ўтун бўлиб хомуш.
Қоматинг тўғри, лек меванг йўқ,
Онинг учун дилингда қайгунг чўқ.
Тўғри сўзга Қамиш сукут этди.
Ородан бир неча замон ўтди.
Ногаҳон гулдураб шамол етди,
Қамишнинг бошини узуб кетди.
Қовға дўстнидап айрилиб ҳайрон,
Ким эгилмас, деди:— Ҳижрон.

1916

Қарға бир кун деди Зағизғонга:
 — Қоч, агар овчи дуч ке(л)са санга.
 Эҳтиёт эт ўзингни милтиғдан,
 Отса пойлаб, йиқилмағил бирдап.
 Қарғага Зағизғон деди:— Нодон!
 Гўштимизни емас бизи инсон.
 Сену бизга керак эмас қўрқмоқ,
 Нега қўрқарсан, эй боши тўқмоқ?
 Овчи аҳмоқ эмас, биза ўқ отиб,
 Бизи отмоқға бир ўқин йўқотиб.
 Гўштимиз онлара ҳалол эрмас,
 Муллолиғинг биза қараб келмас.
 Қарға бу сўзни айлади такрор:
 — Дермусан одам ўғлида раҳм вор?!
 Сен ажаб бир қизиқ сўзи айтасан,
 Сўзима кирмасанг, ўлуб кетасан.
 Боқмағайлар сени каломингға,
 Гўшт-мўшту ҳалол-ҳаромингға.
 Ишларидур аларни қон тўкмак,
 Тўғри келганни урмаку йиқмак.
 Тўғри келса, урар бирини бири.
 Ўқу найза уриш — алар ҳунари.
 Онлари йўқ иши флғонинг ила,
 Хонавайрону азиз жонинг ила.
 Кўрсатурлар санга ҳунаrlарини.

Бу ҳунардан чиқан унарларини.
Ҳосили: Қоч, кўранда инсон қоч!
Борма ёнига, гарчи эрсанг оч!
Онларинг кори — бори душманлиғ,
Ҳеч ярашмас оларга инсонлиғ, —
Деб сўзини тамом қилан йўқ эди.
Овчидан беҳабар, кўнгул тўқ эди.
«Тарс» этуб, овчи Қарғани отди,
Қарға, бечора тош каби қотди.
Зағизғон ҳам йиқилди бир ўқ ила
Иккиси ҳам кетишди чағ-чуғ ила.

1916

ҚУТУЛДИК

Қутулди барча миллат золими хунхор зулминдан,
Романов хонавайрон бўлди, бадкирдор зулминдан,
Асир ўлди, ҳақир ўлди ҳам ўлди хор зулминдан,
Қутулди қанча жонлар Распутин думдор зулминдан.
Бу ибратхонада золимлар этсуи ор зулминдан.

Гулистон ўлди олам, ҳар тарафда сайради булбул,
Асоратдан қутулди барча миллат, истаюр ҳур йўл,
Хазондан сақла, ё раб! Истаюр миллат тиконсиз гул,
Етушмоқ муддаога илмсиз ҳайҳот, эрур мушкул,
На меҳнатларини кўрдук, ҳар қаю агёр зулминдан.

Сиқарди ҳар тарафдан бизни ул золим ҳукуматлар,
Ўйлимизни кесарди беҳаё фосид табиатлар,
Тараққий йўлига сад боғлаюрди беҳамиятлар,
Ҳақиқат ишламасди, ишлаюрди бизда бидъатлар,
На кулфатлар чекардик, бир неча бадкор зулминдан.

Саодатга етушдик, лек бизда истиқомат йўқ,
Самарсиз иш, амалсиз бўлдимиз роҳи саломат йўқ,
Илм йўқ, ғоя йўқ, мақсадга етмакка аломат йўқ,
Адоват ўртамизда ҳукмфармо, яхши одат йўқ.
Қаён борсун бу миллат дод этарга ёр зулминдан.

Хаётингдан умидинг бўлса майли, илма рағбат қил,
Сиёсатдин, сишоатдин, ҳушардин иста, ғайрат қил,
Ўқувдан оқчани қизғонма, ташла тўши, ғайрат қил,
Уён Ҳижрон бу хобингдин, йўқот ашқингни, ғайрат қил,
Ки шояд қутулурсан бу чиёну мор зулминдан.

1917

:

ЁТМА

Эй миллати нажиб, чиқ эмди ниқобдин,
Уйғон, тур эмди, бир хабар ол офтобдин.
Ётмоқ замонн кечди, бу дам иш замонидур,
Чиқди, қуёшни кўр, қора зулмат саҳобдин!
Олам тўлубди нур ила сен беҳабар ҳануз,
Ётмоқда сенки, лаззат олубсан бу ҳасобдин.
Эй миллат, сенга бу касолат раво эмас,
Қўрқма, бу дамда мулла-ю, эшону жанобдин.
Аввалги замонда қўрқар эдинг хону бекдин,
Ўўқдур бу кунда сенга ўшал иқтисобдин.
Сўқир бошингга келмиш эди мустабиллар,
Кулфат етарди юзбоши, миршаб, миробдин.
Кетди алар, йўқ ўлди, бу кун ҳуррият бўлуб,
Ўузр эт, эмди ўз ҳаётингда ютма хунобдин.
Жаҳд ила қил, жадал, ўқи ҳар қайси илмдин,
Олғил сабоқи ҳиссани ҳар бир китобдин.
Ҳосили тараддуд ила югур, ел, замон учун,
Охирда бўлма пургаму чашму пуробдин.
Ҳижрон, зор ётма деб, эй, миллати нажиб,
Қалқинг! Қониб ичинг ҳуррият шаробдин!

1917

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Қўлдаги қирмизи қизил байроқ
Ишчи меҳнат элига жондур бу!
Мустабидларнинг офати жони,
Бойлара қип-қизил энсидур бу!

Тўпанинг барча олам ишчилари,
Бу муқаддас қизил алам тубина!
Бойларга дарду ғам, жафо-ю алам
Оч кишиларга ош-нондур бу!

Ола байроқ замонини ўйланг,
Сиза онлар налар қилар эдилар.
Бир тўп инсонга бир боқишда боқир,
Муттафиқликқа бир иишондур бу!

Зулм эли кўрса тоқати қолмас,
Чунки аларга раҳмсиз балодур бу!
Жумла мазлумлара мурувват этар
Камбағалларга меҳрибондур бу!

Маҳкам ушлов керак бу байроқни,
Чунки душманлар ҳамон чолишур,
Пикитолмас чолишгон билан,
Душман аҳдига қаҳрамондур бу!

Камбағал аҳли, тўпланинг тагина,
На гўзалдур бу қирмизи байроқ!
Сарват аҳли қоча нечун тубидан,
Онлара заҳарлик чаёндир бу!

Мақсади Иштирокиюн йўлдур
Меҳнат аҳлининг роҳати жони,
Уюшип, тўпланинг кўтармак учун,
Бутун оламга посибондур бу!

1918

ПАРТИЯ ДРУЖИНАЧИЛАРИГА

Келинг, киринг, югуринг фирқамиз олойларига,
Чопинг, елинг, югуринг олддаги саодат учун!
Ҳаёт учун куюнинг, тўғрилаб одимларингиз,
Фақат унутмангиз, авлодингиз ўқур раҳмат.
У нашъали у юрушлар баробар отланилар,
Қўянда ерга қадамлар садоси гумбурлар.
Бу кун отилган одимлар на суймали бир одим,
Тушунмай бу одимлар ҳозирлар эртасини!
Сиз, ўтли фирқамизнинг шонли отли отряди,
Агарда душманингиз кўрса-да, салом айлар,
Сизни кўрганда кулур дилдаги таманнолар.
Фақир халқ сизнинг орқангиздадур, билинглар,
Унутмангизки ҳақиқат сизнинг тарафда экан,
Буколмаюр бўйинингизни чолишса-да, душман.
Мароқ этинг, чолишинг, тўғрилиқ билан чолишинг,
Кўранда душманингизни бўғинлари бўшасин
Ўтанг ҳамиша мароқ ила ўз вазифангизни
Сиз ул халафлара оламда бир намуна бўлинг.
Сиз ўлсангиз-да, бу йўлда унутмаюр тарих,
Ҳамиша нашъали сатрлар(ла) ёд айлар.
Қизилдир байроғингиз, тўғридир йўлингиз — оқ,
Қора гуруҳ кўранда сизни кўзи қамашур.
Тароналар ўқийюрлар сизни кўриб қушлар
Чаманда, боғда, бўстонда, гулшанда.
Замона дарс берибдур, ҳуқуқ, қувватда,
Ҳуқуқ қуруқ қўл ила ўлмаюр, салоҳ иладур.

Етар, етар! Неча юз йил асирлик, хорлик,
Ўтиб азиз умрлар чурурди чойхонада,
Замола тўлқини гирдобдан чиқарди бу кун,
Бутун уюшмиш ўтганлар томирлари тепадир.
Вазифа сизникидир, саъй, эҳтимом сизинг,
Шу кунги шон сизингдир, ҳам интизом сизинг,
Букунги қор сизингдир, ҳам ихтиёр сизинг,
Хулоса, ғайрат этинг, барча йўқу бор сизинг.

1918

НАВБАТ СЕНГА ЕТДИ

Эй, коҳишн урфон, маориф очнл эмди,
Навбат сенга келди,
Раъно юзинг оч, вақти баҳорингнн унутма
Ғафлат йўл(н)н тутма.
Кел ғунчаларинг яшасун атроф чаманда,
Инсон сенга банда,
Атрофинг(г)а йнғ булбули шўридаларингнн,
Оч дийдаларингнн.
Ғараз айла висолингнн шу меҳнатзадаларга,
Бу ғамзадаларга.
Меҳнат эли хўн ташнаи дийдоринг эрди,
Эй, муписи дилхоҳ!
Шабнам каби гул юзларингга ёш тўкиларди,
Ағёр куларди.
Ҳижрон айди: зада эрди висолингга етолмай,
Инграрди ётолмай,
Раҳм айла, мурувват қила кўр энди етишди,
Санга кўзи тушди.
Сен ўйлама, эй, пури муқаддас, унутур деб
Ғамхўр турур деб,
Энди бутун сендан эрур оҳи маориф,
Сендан ўлуру ориф.
Лаб ташналаринг ҳолина боқ, меҳрингки тўла,
Ҳижронлари бўла.

1919

ҲУНАР ЗАМОНИ

Ҳар ким ўз касбидин маош ошасун,
Ўзгадин фойдаланмоғини ташасун.
Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун.
Меҳнат аҳли жаҳонда хор ўлмас,
Ўзгага ҳеч интизор ўлмас.
Бошқаларнинг нонига зор ўлмас,
Эмди йўқлиқга дучор ўлмас.

Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун
Эй ҳунар аҳли уйғонинг эмди,
Фафлат уйқусидан туринг, эмди.
Хўжалар ким эди? Бу қул ким эди?
Қўлингиз бандда, оғзингиз жим эди.

Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун.
Ҳар мақомга чолса дўмбирани,
Ўйнамоқ лозим эрди сизга ғани.
Қул каби ишлатурди сизни ғани,
Туфлаш, туртиш на ўлди, қани?

Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун.
Етар эмди, билинг ҳуқуқингизни,
Кимса билмайди оч-тўқингизни,
Ўқутинг, ўргатинг жўжуқингизни,
Сарф этинг илма бор-йўқингизни.

Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун.
Илму фандин узоқлашнб келдук,
Эмди кўзлар очилди, хўб билдук,
Асрлар ухладук, хато қилдук,
Қул бўлуб, умримиз адо қилдук.
Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун.
Даври олам бўлакча айланди,
Давлат ишчиларга сайланди,
Фуқаро иш бошига жойланди,
Буржуалар дўкони бойланди.
Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун.
Ушбу кун йўқсуллар чиқди майдона,
Ҳунаринг бўлса ишла мардона.
Қуллар озода, хўжа бегона,
Ишлатуб, оқча солма ҳамёна.
Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун.
Турмуш ўзгарди, бошқа бўлди замон,
Қасби йўқларни ҳоли бўлди ёмон,
Ишбилармон гўзал яшайди ҳамон,
Ҳунари йўқ киши бўлур Ҳижрон.
Яшамоқ дунёда керак бўлса,
Ҳар киши ўз кучи ила яшасун.

1919

ҲУРРИЯТ МАРШИ

Ҳур бўлуб яша, бир бўлуб яша,
Ҳамла жавобин эмди сан таша,
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Барча ишчилар — ҳуррият сизинг,
Жаҳл, зулмдан эмди сиз безинг.
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Матрифатинг қур, тезроқ эй, ўгил,
Илм онасида ҳур бўлиб тугил.
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Ётнинг, ухладнинг кўб замон стар,
Эмди бошингни уйқудан кўтар.
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Ташла уйқуни, ишга ҳозир ўл,
Ўққдамас ёринг — санда ҳозир ул.
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Бир куни келур, дунё қўзғалур,
Дўнда бойларинг кимсасиз қолур,
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Подшоҳ деган маҳв ўлуб битар,
Тахт-тожи ҳам йўқ бўлиб кетар.

Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Ушбу яхши уй — ишчилар уйи,
Тезгина бўлуб бу уйнинг тўйи,
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Барча ишчилар, тезда бирлашинг,
Қўлга-қўл бериб, бирга ишлашинг,
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!
Дўст шод ўлуб, душман оғласун,
Сизга қаршилар бағрини доғласун,
Шонли ҳуррият — Туркистонники!
Шонли Туркистон — ишлагонники!

1919

ЖАМИЯТЛАРГА АРАЛАШМАГАН ДАНГАСА ТИЛИНДАН

Ташқари чиқмам босиб остонадан
Кўчага чиқмам ўтурган хонадан.

Англамайман дард надур, ҳасрат надур,
Билмагайман ҳиммату гайрат надур,
Мажлис надур... жамият надур,
Нутқ сўйлаб элга насиҳат надур.
Тинч ўтурмоқ яхши минг афсонадан,
Тилни тиймоқ яхшидур сўзонадан.

Душён сел олса олсун, манга на?
Халқингиз тўфонда қолсун, манга на?
Ўзгалар оламни олсун, манга на?
Бошимизга нухта солсун, манга на?
Бошга тўқмоқ тушса шўр пешонадан
Келса кулфат кўрмали паймонадан.

Тинч тошдек ухларам ҳар кечаси,
Айшу-ишрат айларам кундуз баса,
Мунча роҳат йўқ жаҳонда ҳеч каси,
Йўқ бошимда жамият хархашаси
Бош кўтармам бул бузуқ вайронадан,
Камчилик йўқ теитагу девонадан.

Зоҳиду мулло билан йўқдур ишим,
Бой билан асло чиқишмайдур ҳушим.

Яширганни хоҳламайдур турмушим,
Ҳосили дунёда йўқ дўст бир кишим.
Ўртанурман ўрганиб парвонадан,
Бир машомман дўстдан, бегонадан.

Менча йўқ олам(ни) ишидни англагон,
Кимни кўрсанг ўз ҳуқуқин билмагон.
Бир киши йўқ ҳақ сўзингин тинглагон,
Бойлар ўлса ақчани минг-минглагон.
Чиқмаюрлар — рестуран майхонадан
Кўнглин узмас мадмазель, жононадан.

Ҳосили ҳар кимсадни озорман,
Ҳар бир инсон ўглини безорман.
Нотиқ инсондан кўйиб ман орман,
Ғайр нотиқларга улдан ёрман,
Кўнгли узмам кўкиру бедонадан,
Хўн зерикдим сурату афсонадан.

Ҳеч кишида тўғри шият кўрмадим,
Муллада ваъзи насиҳат кўрмадим,
Бойларингда меҳру шафқат кўрмадим,
Оилада истиқомат кўрмадим.
Йўқ, айш Туронда бир дурдонадан,
Бир киши йўқ мардуми мардонадан.

1919

ИШЧИЛАР ҚУЛОҒИГА

Ётма ишчи, ухлама,
Бойларга қул бўлурсан.
 Қўзларинг оч, **мудрама!**
 Хўрликдан қуртурсен!¹
Уйғон, ишчи, илгари бос, илгари бос, илгари!

Бор эди бир замонлар,
Тор эди сенга жаҳон.
 Чекиб оҳу фиғонлар,
 Раиғларинг эрди сомон,
Уйғон, ишчи, илгари бос, илгари бос, илгари!

Тинмайини ишлар эдинг,
Кеча-кундуз меҳнатда.
 Қул каби қақшар эдинг,
 Қайгу ҳасрат кулфатда.
Уйғон, ишчи, илгари бос, илгари бос, илгари!

Тугди ҳурлик қуёши,
Бўшалдинг асоратдан.
 Ишка кир эмди, ишчи,
 Қутулдинг ҳақоратдан.
Уйғон, ишчи, илгари бос, илгари бос, илгари!

¹ Қуртурсен — қутуласен.

Навбат етди, чиқ энди
Уюшма(га) уюш, ишчи!
Эскиликни йиқ энди!
Тўплап, ишла иш, ишчи!
Уйгон, ишчи, илгари бос, илгари бос, илгари!

Турмушни тузатиб туз!
Халқнинг умиди сенда!
Бойларнинг уйлари буз!
Шиква қилмасун сендан!
Уйгон, ишчи, илгари бос, илгари бос, илгари!

Отлап илгари, отлап!
Боқма соғу сўлингга!
Ишла халқ учун ишла!
Болгани ол қўлингга!
Уйгон, ишчи, илгари бос, илгари бос, илгари!

1921

ТУРЛИ ШЕЪРЛАР

КИМДАН ГИНА ҚИЛАМИЗ?

Уйланг ўртоқлар очуб кўзни, бир атрофа қаранг,
Илму урфон айлаюр бизни(нг) қулоқларни гаранг.
Биз ҳамон уйқуда — ғафлатда ўюи-кулги билан,
Бир ёғоч устосини(нг) исмин қўёдимиз фаранг.
Жондин ортиқ боламизга ўқумоқ бўлса агар,
Жондан узганлек берармиз бир ярим тапга аранг.
Биз билган келса деворга тақ этиб-да кўз юмуқ.
Билгисиз мия билан ҳар қайда борсанг, биз саранг.
Оз-моз иш билган киши ўртоғига қилмас кўмак,
Ёлборуб борса, қошига тўлгануб қилғай таранг.
Ўзини билмас кишига сўз тушунтирмоқ қийин,
Тошга таъсир айламас сўз кеча-кундуз валдиранг.
Бу билимсизлик билан борганда ҳолдан тоямиз
Ҳаққингизни билмасангиз манга деса галдиранг.
Бу билим деиғиз деюрлар, сиз оқин-оқин оқинг.
Аста оқмоқга қаноат қилмасангиз шалдиранг.
Бу маорифнинг тараққий даврида тек ётсангиз,
Мунқариз бўлгунча олам судралниг ҳам шалбиранг.

Ўринсиздур, ўғит бермапг, ўзим хўп ишни билғанман.
 Отам қилғоп пасиҳатини қулоққа яхши илғанман.
 Бутун тасдиқи иқроримни танҳо пулга қилғанман.
 Қўпайтирмоқға пулни ҳажрида бағримни тилғанман.
 Онам — оқча, тоғам — олтун, отам — чўнтакда
 червоним.

Ҳазил қилманг менинг бирлан бу пуллар менга
 аскардур,
 Бири — арслон, бири — қоплон, бириси мисли аждардур,
 Ишорат бирла дунё айши қошимға мусаххардур,
 Қошимда — ҳуру ғилмоним, шаробим ҳавзи кавсардур,
 Эшон-мулло эгилғайлар тўла бўлғонда кармоним.

Зериккан чоғларимда дафъи савдоға чиқарман хўб.
 Семиз оту каласка ғумбуру ёнимда бир маҳбуб,
 Бели нозик, кўзи ферузадек, қадди келишган хўб,
 Киши йўқ ерда юзу лабларидан ўнаман чўлп-чўлп,
 Қилиб хилватда айшимни юракда қолмас армоним.

Иўлуқсам сўзагу сифлису захма дам солур оқчам,

.¹

Баҳоваддин балогардон кўзига чўб солур оқчам,
 Сигинсам ҳар эшикға мени ёқлаб ёлборур оқчам,

.

Анисим, мунисим, жону таним, дорўйи дармоним.

¹ Қўлёзмада ўчирилган.

ОКТАБРЬ БАЙРАМИ

Эй ишчилар, Октябрь улуғ байрам күүнүгүз,
Қолманг орқада ишларда, илгарига жүрингүз!
Иўқсуллар ётманг энди, Октябрь тонги отди,
Елкангизга минганлар ернинг остига ботди.
Қизил-қирмизи байроқ қизил гулдек яшпайди,
Шарқдаги мазлумларни озодликка бошлайди.
Эзилмоқдан қутулдинг, эзарсан эзганларни,
Қутқармоқдур вазифаңг золимдан мазлумларни.
Эзилган Шарқ эллари озодликни излайди,
Хотин-қизлар ҳуқуқсиз, паноҳ тилаб йиглайди.
Сизлар байрам ясайсиз, улар тўкар қонли ёш,
Тўрт кўз билан кутарлар, қачон чиқар деб қуёш.
Сизлар куларсиз, ўйнарсиз Октябрь байрамида,
Онлар эзилмоқдалар золимлар панжасида.
Биласизми онларнинг умидлари кимдадир?
Октябрь инкилоби, қизил байроқ — Сиздадир.

1924

ВАҚТСИЗ КЕТДИНГ

(Ўртоқ Ленин вафотига)

Пўқсиз элиниг йўқловчиси сен эдинг,
Нега бундай вақтсиз кетдинг орадан?
Бутун дунё йўқсуллари бирлигин
Тузулгани нега кўролмай кетдинг?
Бошингдаги яшнаб турган ўйларни
Чор даврида турмаларда, сурғунда
Табиий куч ҳар тарафга тарқатди.
Томирингда учган қайнар қонларни
Секин-секин сусайтириб тўхтатди.
Қиличдан ҳам ўткур пўлат қаламинг
Йўқсул элни уйқусидан қўзғотди.
«Учқун»ингдан чиққан ёлқинли ўтлар
Ёврупонинг тожи-тахтин титратди.
Душманларга томон оққан ўтларинг,
Тўғри бориб иншолига тегарди.
Бир қўл билан йўқсул манглайин еийнаб
Бир қўл билан бойлар бағрин эзардинг.
Доҳилигинг, раҳбарлигинг кучи-ла
Русияни ост-устига келтирдинг.
Бутун дунё эли ўқиб офарин,
Душманлар-да қўрқиб чанак чаларди.
Мақсадингга қарши чиққан фирқалар
Бирин-кетин бош эгдилар қошингда.
Келгусини ўйлаб чизган планинг
Харитада олтин бўлиб чизилди.
Тарихларда сенинг қилган ишларинг

Йўқсулларнинг қони билан ёзилди.
Сен кетсанг-да йўқсулларинг тирикдир,
Қизил байроқ беш қитъада пилпиллар.
Сен кўрмайин кетган бўлсанг бугунни
Байналмилал маршин ўйнар дунёдаги
йўқсуллар!
Дунёдаги йўқсуллар!

1924 й, 27 январь.

Билим учун йўқсул элининг орасидан отилиб,
 Нозли-тотли турмушларни ташлаб чиқгон ботирлар!
 Мақсад буюк, манзил узоқ...¹ тўсиқ кўп,
 Чурук турмуш йўлингизга чуқур гўрлар ҳозирлар.
 Қизил юлдуз йўлбошчилик қилгусидур сизларга,
 Қизил Байроқ Искандарнинг тўсуқларин парчалар.
 Келгусидан кўз юммангиз,— ойдинлиқдир олдингиз!
 Шарқ дунёсин йўқсулларин кўзи сизга мўлтилар.
 Ўнутмангиз илҳақ бўлиб, инжиб ётган қулларни,
 Тоғ қўпариб, занжир қир(қ)иб, қутқармоқга урналар!

1924

¹ Қўлёзмада ўчирилган.

ҚИЗИЛ МАТБУОТ

Ўзбек элнн ўтмас қизил қалами
Олти йилда Олтой тоғин тебратди.
Хурофотлар қоплаганди бу элни,
Секин-секин туртиб-туртиб иргитди,
Эски қора кучлар билан курашиб
Аллақанча янгиликлар ўрнатди.
Ғафлат босиб ухлаб ётган ёш юзга
Янги ҳаёт сувиш сепиб уйғотди,
Сафҳасида кенг йўл бериб ёшларга
Эл қошида булбул каби сайратди.
Чор-деворда ётқон хотин-қизларга
Айта-айта ҳуқуқларини англатди.
Қизил гулдек қизил юзларини очиб
Кенг ҳаводан майдон бериб яйратди.
«Туркистон»у, «Зарафшон», «Фарғона»си
Эскиликнинг томирларини қақшатди.
Кўп кишини абжақ қилди «Муштум»и
«Жобилға»га кўп кишини ўйнатди.

1924

ПАХТА, ПАХТАНИ МАҚТА

Офарин денг янгича деҳқонни,
Пахтани берди ул хлопкэмга.
Оқчани тугди, солди кармонга,
Экмаганлар қолшди ҳайропга,
Ош қатиги уланди айропга,
Пахта қолди заводда деҳқон тўқ.
Ақча кўп, қайгу йўқ, чиқиб ҳордуқ,
Уйда маъмурчилигу тўкма, қўшиқ,
Мажлису мактабда ўрганур йўруқ,
Қўл кучи элитди ушбу давронга.

Пахта чиқди чигитидан айнилиб,
Кетди Масков томон қайилиб,
Ип бўлиб, чит тўқилди-ю ёйилиб,
Тикланиб, жойланиб, санаб сойилиб,
Қус¹, билан тақсим этди ҳар ёнга.

Неча минг ишчи баҳраманд бўлди
Ҳам ҳукумат хазинаси тўлди,
Чигити мою, кунжара бўлди,
Ишчи-деҳқон буни кўриб кулди,
Тўлди бойларнинг бағри ҳам қонга.

¹ Русча «кусок» сўзи шундай ёзилган.

Читу моли капаратифга жойланди,
Ишчи-деҳқонга тақсим айланди,
Меҳнат аҳли кийинди, мойланди.

Турли шўро ишига сайланди,
Тушди нарху навомиз арзонга.
Буржуволарнинг кафши лойланди,
Ўзи синди, дўкони бойланди.
Ғаму ғусса кўнглига жойланди,
Ҳар қаторда очрутга бўйланди,
Буруну тумшуқни тикди дўконга.

Нотавон кўнгилу қўтир жомошов;
«Оҳ» тортиб бу сўзни ул айтди:
«Пахтагон, пахтагон, эсин пахта»
Хўрсиниб, ўпкаси тўлиб, қичиниб,
Қопи қўлтиқда, кетди уй ёнға.

1925 а.

ТОВУШ

Алангалик, энг тўлқинлик бир товуш,
Саноатнинг энг қайнаган,
Энг кучайган,
Энг юксалган еридан,
Пролетариатнинг энг уюшган,
Энг қизиган еридан.
Социализмнинг уфқларига шуъла отган,
Ток тарқатган,
Чақмоқ чаққан еридан.
Капиталга исён қони қайнаб тошган,
Ҳаддан ошган,
Тўлқинлашган еридан.
Қизил Масков оқ олтинга боқадур —
Хитобан:
Капиталнинг ҳужумига,
келажакнинг курашига,
Енгилишга эмас —
енгишга
Тайёрлан!
Ҳозир бўл!
Қизил туғни юқори кўтар!
Қизил юлдузни тақ!
Арш!
Олдинга қараб арш!
Капитализм дунёси йўқолгунча,
бойлар синфи тугагунча

Ишчи-деҳқон болалари, ҳаммангиз—ҳаммангиз
Қизил қўшин сафига!
Кремлдан юсак чиққан
алангали,
энг тўлқинли бир товуш!

1926

ОКтябрь

Октябрь — тўфон,
 тўлқин!
Капиталга қарши тугён!
Октябрь — ҳаракат,
 жараён,
Бойларга зидлик,
 исён!
Октябрь — йиғноқ,
 уюшма,
Пўқсуллар бирлиги,
 бўрон!
Октябрь — даҳшатли ўт,
 ёнғин,
Душманларга ҳароратли вулқон!
Октябрь — пролетарнат оқими,
 фашизмга қарши қалқон!
Октябрь — коммунизм эшиги,
 социализм йўлида тўкилган қон!
Октябрь — маориф,
 маданият бешиги,
 миллатлар озодлиги учун
 мезон!

1926

ҚИЗИЛ ҚУШИН ШАРҚИЙСИ ОТЛАН!

Отға мин, ўртоқ,
Муסיқани чол!
Иўқсул эл кўруб
Сени қувонсун!
Арш! Арш! Отлан, орқадош!
Яроғингни тоқ, тоғлардан ош!

Қўрқма ёвингдан,
Сенда — куч-қувват!
Ишчи-деҳқонлар —
Сен билан бирга!
Арш! Арш! Отлан, орқадош!
Яроғингни тоқ, тоғлардан ош!

Эрта-кеч ўрган,
Янги машқларни!
Ортдир илмингни
Ёвға қўл келгай.
Арш! Арш! Отлан, орқадош!
Яроғингни тоқ, тоғлардан ош!

Доим ҳозир ўл,
Эй, қизил аскар!
Иўқсул элларни
Соқчиси — сен-сен!

Арш! Арш! Отлан, орқадеш!
Яроғинғни тоқ, тоғлардан ош!

Ер юзидаги
Ишчи-деҳқонлар,
Бир кунн келгай
Бирлашинб кетгай!
Арш! Арш! Отлан, орқадеш!
Яроғинғни тоқ, тоғлардан ош!

Енгилур бойлар
Ииғлар капитал,
Тож билан тахтлар
Бўлғувчи яксон!
Арш! Арш! Отлан, орқадеш!
Яроғинғни тоқ, тоғлардан ош!

1926

ҚИЗИЛ СОҚЧИЛАР!

(Қизил қўшиннинг 9 йиллик байрамига)

Табиат буларни кўрганда куладир,
Қуёш қизғин юзлар билан боқадир.
Ҳавода ҳам аллақандай бир сарир
Тўлқунлар, ўзгаришлар сезиладир.
Табиатнинг тақозоси шундайдир —
Биров йиғлайдир, биров куладир.
Бировда шодлик, бировда хўрсиниш.
Бировда мотам, бировда — ўйнаш.
Табиат, кўриниш — синфлар кўзгуси.
Бир синфда — тўй, бир синфда — аза.
Бир синфда — байрам, бир синфда — йиғи-сиғи,
Бир томонда «Байналмилал марши» чалинадир.
Ишчи-деҳқон қизил қўшуллари
Саф-саф, қатор-қатор тизилгон...
Қурол ва оёқ товушлари
Ер юзини дир-дир титратадир.
Заводлар бўкурмайди,
Ўртоқлар, болгалар дам оладир.
Ишчи-деҳқонлар байрам ясайди,
Иўқсул денгиз тўлқунланадир.
Қизил байроқлар остида тўплангон
Халқ тўлқуни ер юзини силкитадур.
Бу икки куч, икки замон аскарлари
Бир-бири билан тўқнашади.
Табриклар, нутқлар, шодликлар
Ерларни, кўкларни тўлқинлатадир.

Эзилган юраклар буларни кўриб,
Эски турмушга лаънатлар ўқийор.
Тожлар, тахтлар, гиштлик саройлар
Бу кўриниш, бу маъволар ҳозирлайдир.
Капитал бонканинг панжарасидан қараб,
Бу дабдабалик кучларни кўрган замон
Титрайдир, қақшайдир, чалқанча йиқиладир.
Зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлайдир.
Табиат бўлса бу манзара кўринишларни
Кўриб куладир, суюнадир, айтадир:
Кўрдингми? Бу — ер остидаги эзилган куч!
Энди юзага чиқди! Эскиликни йиқди!
Қизил Байроқ остида Қизил Қўшин тузиб,
9 йиллик байрамларини ўтказадир.

1927

ҚУРУЛТОЙ

(Ўзбекистон ўқитувчилар қурултойига бағишлаб)

Эй, йўқсул элнинг
билимликлари
—ўқитғувчилар!

Узоқ ерлардан
онг учун келиб

Бирга йиғилиб
Кенгаш қиларлар.
Кенгашлар ясаб,
Тўқтам қилалар.

Қўблардан бери
Орқада қолғон.
Хонлар даврида,
Чорлар даврида
Эзилиб келган,
Элга онг учун
Мажлис қиларлар.
Мажлислар қуруб,
Меҳнат қилалар.

Араб қулларини,
Форс таъсирларини,
Тилин йўқотғон,
Ётликқа ботғон
Соқов тилларини

Тузатмоқ учун
Уймоқлар¹ тузиб

Йиғиоқ қилалар.
Эскидан қолгон,
Арабдан олгон
Сертуртки, эгри,
Ўнгдан ёзилгон
Ҳарфлар устида
Тўхтаб не дерлар?
Қандай чиқиқлар
Чизиб кеталар?

Ақлга сиғмас
Хурофотларини
Мия чуритган
Талқинотларини
Орадан отмоқ.
Йўқотмоқ учун
Қандай чоралар
Излаб кеталар?

Социализм
Очқичи бўлгон
Қўшчи батрақлар
Қайчиси бўлгон
Ер ислоҳотини
Қўрганларида
Ўз фикрларини
Сўзлаб кеталар.

1926

¹ Секция (автор изоҳи.)

(Қизил қўшиннинг 10 йиллик байрамига бағишлаб)

Қўлда қизил алам —
байроқ, тур
Елпиллаган.
Гурсиллаган оёғ.
Оғизлардан чиқар буғ.
Манглай узра қизил юлдуз —
Пириллайди — шамчироғ.
Муסיқийлар байналмилал
Ҳазин, мунгли марш ўйнар.
Ёш аскарнинг кўзларида жовдираган қон ўйнар.
Елкаларда милтиқ; қилич, найзалар.
Аслаҳалар, шарқиллаган қуроллар,
Қўмандалар ўнгга, сўлга бурилиш
Душманларни хўрсинтирар.
Шижоатли буюриш:
Саф-саф бўлиб оёқ туз!!!
Отлиқ тўпчилар
Келгуси-чун отларини қамчилар.
Қизил майдон, ишчи-деҳқон йиғилгон.
Шавкат билан турган бошлиқ — қўмондон.
Парад. Кўприк. «Яша!», «Ура!» Қичқириқ!..
Ваъда. Ваъда! Йўқсулларни яшатиш!
Синфий кураш! Йўқдир яраш ёзу қиш!
Жаҳонгирлар дунёсини йўқ этиш!
Ер юзига йўқсулларни(нг) мафкурасин тарқатиш!
Йўқсул элининг шодлиқ кўпи — байрам.

Ҳар бир жонда, танда, руҳда бир севинч.
Эрта туриб тайёрланиш, тўпланиш.
Қайнагон бир ҳаёт, гўзал кўриниш.
Елпиллаган алам, туғ, қизил байроқ,
Гурсиллаган оёқ, шарқиллаган яроқ.
Очиқ юз, ёнгин кўзлар
Ҳар бири душманга бир ҳикоя сўзлар.
Йўқсулларнинг мафкурасин ер юзига тарқатиш.
Саноатни юксалтириш, иш соатин оз этиш —
Ҳар томонда ўтлик товуш, алаиғалик садолар.

1928

Қизил құшни билим олиб, қиличларин қайрасун,
Қизил байроқ пилпилласун, ер юзига яйрасун!
Еврупонинг қора кўнгил жаллодлари титрасун,
Бутун дунё йўқсулларин қўзғолонин кўрганда!
Бирин-бирин тожни, тахтни ағдаришиб, йиқитиб,
Ер юзида байналминал бир жамият яшасун!
Ишчи-деҳқон болалари қизил туғни кўтариб,
Беш қитъага беш бурчаклик қизил юлдуз қадасун!
Қизил ёшлар қизил байроқ орқасидан «Урра!» деб,
Фашистларни ер юзидан денгизларга ҳайдасун!
Бутун дунё капитални илдиридан қуритуб,
Ер шарида ишчи-деҳқон, қизил құшин яшасун!

ЕР ТАРИХИ

Эй, ернишг шарп,
Сен аллақанча
Минг йил илгарп,
Сонсиз-саноқсиз
Асрлар бурун.
Қуёшдан чақнаб
Чиқған ўт парча,
Енғин бўлаги.
Отилғон бир тўп
Ўқиға ўхшаш
Бир нарса эдинг.

Қуёш бағридан,
Ўтлар ичидан.
Тўфанг ўқидек
Юмалоқ бўлиб
Отилиб чиқдинг.
Ул қуёш сендан,
Сен ул қуёшдан
Мангу айрилдинг.

Икки ороға
Айрилиқ тушди.
Қайтадан қуёш
Сени ўзига
Тортмоқ истади —

Сен ноз қилдинг
Истиғно қилдинг.
Қочмоқ истадинг
Икки ороға
Совуқлик тушди.

Ўзбек қизидек
Ут денгизидан
Қутулғонингга,
Суюнғонингдан,
Қувонғонингдан,
Ўюнчи қиздек
Ўюнга тушдинг,
Ҳавода учдинг.

Очиқ ҳавода,
Ёруқ дунёда,
Ўз эркинг билан
Қувнаб-қувониб,
Пирилдоқ каби
Пир-пир айландинг!
Қувнаб яйрандинг!
Гир-гир яйландинг!

Ул ўтлик қуёш
Аждарҳо каби,
Оғизларидан
Оловлар сочиб,
Сени куйдирмак,
Ёндирмоқ бўлди.

Сен бўш келмадинг,
Тутқич бермадинг,
Пириллаб қочдинг!
Ғириллаб қочдинг!
Чунки ул сени

Куйдирмоқ эди.
Ўт қилмоқ эди.
Ёндирмоқ эди.
Ўз моддасига
Дўндирмоқ эди.

Сен бу паллада
Ўйнаб ялла-ла,
Қуёшдан кўнглинг
Совиғон эди.
Ёлғиз яшашга
Қўйиккан эдинг.

Сенинг илқингда
Ул ўт денгиз
Ҳамон куядир,
Ҳамон ёнадир.
Асло ўчмайдир,
Тинмай ёнадир,
Сен унга асло
Парво қилмайсан,
Раҳминг келмайдур.
Ўз меҳварингда
Ўйнай берасан.

Қуёш ҳажрингда
Йиғлай бошлайдир,
Қўзин ёшлайдир.
Ул йиғлағонча,
Сен ўйнағонча,
Селоб тўфонлар
Устингга тушиб,
Тавба ясайдир.
Қизгин бағрингга
Сувлар сепадир,
Йиллар ўтадир,

Ойлар ўтадир.
Мулойим кўнглинг
Муздек қотадир,
Тошдек қотадир.

Айланган саринг,
Ўйнаган саринг,
Совуб борасан,
Қотуб борасан.
Бошқа моддага
Ўтиб борасан.
Охир вужудинг
Совиб қотадир.
Ўстингда гуллар
Тўлқун отадир.
Ҳозирда энди
Сен бошқа олам...

«БАҲОР КЕЛДИ» ҚҰШИҒИ

Ёзувчиси уста шапалоқ,
Қуйга солувчи шалпонқулоқ,
Нўтага олгон мажмағил чўлоқ,
Тарқатувчиси чопони ямоқ,
Бостирувчиси «Муштум» юмалоқ.
Тарақ-тарақ, шарақ-шарақ.

Жағига тушур, жиғига тушур,
Фикри бузуқни лунжиға тушур,
Қулоқ тагида шовла қайнасуң,
Баҳор келди, қизлар куйласун.

Деҳқон тоғангиз омочин тутар,
Хўкузин қўшиб ерини титар,
Қичиган еринг қаерда деб,
Қулоқ тўрани йўлини кутар.
Таралло лала таралло лала.

Деҳқон тоғангиз омочин тутар,
Қулоқ «тўра»ни лунжига тушур.
Қулоқ тагидан шовла қайнасуң,
Баҳор келди — ўтлар ўйнасуң.

Бир пора деҳқон дангаса бўлур,
Иш ёқмас бўлиб, ялқовлик қилур,
Ишлаш вақтини ўтказиб қўйиб,
Аттанга вақтин етказиб қўюр.
Отни сотур, хўкузини сўюр.

Ана ҳангама, мана ҳангама,
Тахта-ўқлогни йиғиштирилган.
Қанда қоруқ, осуқ хурмача,
Қозон-товоқ, кўрпа-кўрпача —
Баҳор кепти, бозорда кўринг!

Баҳор келди, ўтлар кўкарур.
Ўтлар кўкарур, гуллар очилур,
Отлар кишнашур, қўйлар мағрашур.
Ғунажини бир дам кўзини сузар
Буқахон тўра чини узар.
Қушлар учишуб, чаҳ-чаҳ сайрашур.
Ишчи-деҳқонлар яйраб ишлашур.
Болға-ўроқ шарақ-шарақ.
Таралло лала таралло лала.

Ўюн-қўшуқ, ашувла-базм,
Еган ошларни тез бўлур ҳазм.
Булар югуруб, хўрсиниб қўяр.
Қорин катта боғ — Мулла Азим
Еяр-ичарга балойи азим.

Ўрта деҳқону батрак иккиси.
Ҳамжиҳат бўлиб яшар иккиси,
Ўчинчиси, тўртинчиси
Буларга душман билар иккиси.
Таралло лала таралло лала
Пешана боғлиқ, қўлларда кетмон.
Эски-туски ғимирлашуб ишлашур секин

Баҳор келди, кетмон ўйнасун,
Деҳқон томрин қони қайнасун,
Коллективга тўй ясасун,
Жамоа ўза ўтуб яйрасун.
Кўз қувониб, қушлар сайрасун!

* * *

Мушукни бўлса гар икки қаноти,
Қолурми дунёда чумчуқни зоти.
Эшак бўлса ҳўкиздек икки шохлик,
Берурми бошқа ҳайвонларга шодлик.

* * *

Афсуски, экинзорни сел олибдур,
Дехқонни фалокат босуб, уйқуда қолибдур.

* * *

Етса навбат ўлтурур бойқуш Сулаймон томига,
Урмағучлар ни қўяр Афросиёб айвониға.

* * *

Қаламим қорасидур огоҳ достонимдан,
Ҳазин қайғум эшитинг у таржумонимдан.

* * *

Яхши бирла юрса ҳар ким мақсуди ҳосил бўлур,
Юрса нодонлар била бир кун бориб қотил бўлур.

Шавкати инсон эрур илму адаб,
Эътибор этмас анга молу насяб.

1928

„БИРИНЧИ МУАЛЛИМ“ КИТОБИДАН



Бир кишининг Қосим исмли бир ўғли бор эди. Ота ва онасининг сўзига кирмасдан ҳар хил ямон ишларни қилур эди. Болалар бирла урушуб, яқолашуб, кийимларини йиртуб келур эди. Уйда онаси меҳмон учун асраб қўйган таомларини егон вақтда, онаси:

— «Қосим ўғлим! Таомни сен едингму?»—деса,—«Мен егоним йўқ, мушук егондур»,— дер эди. Бора-бора отасини пулини ҳам ўғурлаб оладургон бўлди. Отаси биллиб, «Ўғлим, пулини ким олди?»—деса,—«Онам олгандур»,—деб онасини ўғри қилур эди. Бир кун отаси устол устига бир танга пул қўюб, ўзи ухлаган киши бўлуб ётди. Қосим келуб, секин тангани олиб оғзига солди. Шул вақт отаси ушлаб олмоқчи бўлгонда тангани ютуб юборди. Танга боруб Қосимнинг халқумига тикилиб, жон берди.

Эй болалар! Қўрдингизми, ямоннинг ямонлиги ўз бошига етди.

ҚАНОАТ

Бир кишининг Али ва Вали исмли икки ўғли бор эди. Али қаноатли, Вали қаноатсиз эди. Бир кун отаси бозордан олма олуб келуб, болаларини синамоқ учун чақируб, мана, сизга олма бераман,— деди. Вали тезлик бирла келуб: «Отажон, менга ҳаммасини беринг»,— деди.

Али секингиша келуб, манга биргина олма берсангиз бўладур,— деди. Отаси Алининг қаноатиға офарин қилуб, қучоғига олуб, пешонасидан ўпуб, икки олма берди. Аммо Валига олма бермак қайда, балки қаноатсиз бўлма, деб адаб берди.

Қаноат бирла қорин тўйдиурсиз,
Қаноат бўлмаса, кўп оч бўлурсиз.
Қаноатсиз киши бағрини доғлар.
Қаноатлик киши оғзини ёғлар.

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛУР

Бир кун бечора Хрус аёғлари ила хашак аросини ахтаруб тургон замонда бир дона марварид топди. Ул марваридни чўқуб-чўқуб, нола қилуб: «Оҳ ақлсиз одам болалари! Ҳеч нарсасага ярамайдургон нарсаларни қадрлик билуб, энг қадрлик нарсаларни қадрин билмаслар. Ҳозирда ман буни тобғуича, бир дона буғдой тобсам эди менга овқат бўлур эди».

Ҳар киши ўз нафсига бир пул учун ғавғо қилур,
Бошқага минг сўм зарар келса, қачон парво қилур.
Ҳар ким ўз қорнин адосидур, агар эшондур,
Қушдур, инсондур, ўзининг қорниға қурбондур.

ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАС

Бир Ари сув устинда учиб борур эди. Бирдан сувга йиқилуб кетди. Қанотлари ҳўл бўлуб учарга кучи етмади. Улар ҳолатга етди. Буни бир Қабулар кўруб, Арига раҳми келуб, дарҳол бир чўбни тишлаб, сувга ташлади. Бечора Ари бу чўбни кема қилуб, сув балосидан қутулди. Ародан кўп ўтмади. Бир бола тузоқ қўуб, Қабуларни тутмоқчи бўлди. Ари буни кўргон замон келуб, болани қулоғини чоқди. Бола қулоғининг алаmidан тузоқ-

ни ташлаб, қулоғини ушлади. Кабутар вақтни ғанимат билуб, учуб кетуб ўлмудан қутулди.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшилпкдан ҳеч киши қилмас зиён.
Яхши сўз бирлан плон индан чиқар,
Сўз ямон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

ТУҒРИЛИК

Бир кампирнинг уйинда бир туп балх тути бор эрди. Ниҳоятда тўғри ўсган эди. Бечора кампирнинг шул тутдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Пишган вақтда қурутуб олуб, бордонга солуб, бойларга тортуқ қилуб, пул олуб, бутун авқотининг тут сотуб ўткарур эди. Бир кун ул шаҳарнинг подшоҳи бир айвон солмоқчи бўлуб, устун охтарганда кампирнинг тути тўғри келди. Подшоҳ тутни минг олтунга сотуб олди. Бечора кампир бой хотип бўлуб қолди. Бир кун тутни кўргали борди. Кўрдик, тути жаннат каби бир айвон ўртасинда турубдур. Кампир тутига қараб дедики:

Эй, тутим, тўғрилиғинг қилди бизн давлатга ёр,
Эгри бўлсанг, сан ўтун бўлғай эдинг, ман хор-зор.
Тўғрилар жаннатнинг айвониндадур.
Ўғрилар райжу алам кониндадур.

ИТТИФОҚ

Жониворлар ичинда энг кичиклари чумолдур. Лекин ўзлари кичик бўлсалар ҳам ниҳоятда ғайратлик, иттифоқ ҳайвонлардур. Ўзларича подшоҳлари, катталари аскарлари бўладур. Улуғлари нимани буюрса, шунини қилур. Иттифоқ ва ғайратлари соясинда ўзларидан катта-катта душманлардан қўрқмаслар. Агар Арп каби душман келуб, бирларига тегса, ҳамма-ҳаммалари бирдан

ёлушуб, бири қўлини, бири аёғини, бири қанотини қат-
тиқ тишлаб, ўзларидан неча баробар катта бўлса ҳам
тезгина қочурурлар.

Бирлашуб арқон бўлса, фил бойланур.
Иттифоқа куч-қувват кор айламас.
Иттифоқа жин ҳам озор айламас.

МАКТАБ

Мактаб уйи — доруломон,
Мактаб ҳаёти жовидон.
Мактаб сафойи қалби жон,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб эрур доруладаб,
Мактаб эрур эҳсони раб,
Мактаб эрур гулзор ажаб,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб дуру гавҳар сочар,
Мактаб сиза жашиат очар,
Мактаб жаҳолатдан қочар,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб сизн инсон қилур,
Мактаб ҳаё эҳсон қилур,
Мактаб гами вайрон қилур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!..

Мактаб ўқувин кўрсатур,
Мактаб ёзувин ўргатур,
Мактаб юқудан уйғотур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий хаёл,
Ғайрат қилуб ўқияг, ўғлон!

САҲИЙЛИК

Бир кишининг Саид исмли ўғли бор эди. Отаси ҳар кун мактабда таом олиб емак учун ўн тийин пул берур эди. Бир кун мактабга кетуб борганда, Бир фақир киши йўлуқуб:

— Ўғлим, икки кундан бери очман. Таом олиб ей десам устимдаги йиртиқ чакмондан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Бир оз оқчанг бўлса, берсанг, савоб топура эдинг,— деди.

Саид фақирнинг сўзига тоқатсиз бўлуб, ҳолига раҳми келуб, атаси берган ўн тийин пулни фақирга берди. Фақир бу ёш Саиднинг қилгон шафқату марҳаматига офарин қилуб, йиғлай-йиғлай дуолар қилуб кетди. Саид ул кун ўзи оч қолса ҳам, очлигини ҳеч кимга билдурмай сабру қаноат ила ўткарди. Мактабдан озод бўлуб, уйига борган замон қилгон ишини отосига сўзлади. Отаси ҳам «сахий Саидим», деб хурсанд бўлуб, дуо қилди ҳам бундан сўнг Саидга ҳар кун йигирма тийиндан берурга ваъда қилди. Саодатлик Саид отаси берган йигирма тийиннинг ўн тийинини еб, бешини фақирларга беруб, бешини йиғуб, тездан бой бўлуб кетди.

БАХИЛЛИК

Бир бахил кишининг уйига бир неча яқин дўстлари меҳмон бўлуб келди. Ул бахил меҳмонларнинг зиёфат

қилмак ўринга беҳуда сўзларнинг сўзлаб ўлтурди. Ардан кўн вақт ўтгандан сўнг хизматчисини чоқируб:

— Бор, таом пишган бўлса, олиб кел!— деди.

Шул вақт хизматчи бир табоқ устида пишган хўрозни олиб келган замон, бахил хизматчига боқуб:

— Бошини нима қилдинг?— деди. Хизматчи:— Афандим, нима қилур эдим, ташладим. Бахил:— Нодон! Киши хўрознинг бошини ҳам ташларми? Агар бир киши товукнинг аёғини ташласа, ман боруб олур эрдим.

Бош деган аъзоларининг хўжасидур. Ул боши ила қандай яхши қичқирар эди. Маржон каби тожи ҳам бошинда эди. Энг ширин аъзолариндан саналган тили, энг улуғ аъзолариндан мияси, икки шахло кўзлари барчаси бошинда эди. Бор, топиб кел! Биз емасак, меҳмонларга едурурмиз!— деди.

Кўрдингизми, бу бахил киши ҳеч нарсага арзимайдиган бир хўроз бошидан бир неча хосиятлар баён қилуб, ўзининг қандай киши эканлигини билдурди.

АХЛОҚИЙ ҲИКОЯ

Эшитдимки, машҳур Мажнунин зор,
Бўлуб мавти Лайлосидни беқарор.
Кетиб ҳушидин, бўлди ҳоли хароб.
Равон бўлди Лайлони қабрин сўроб.
Йўлуқди бир ўғлон — эди ҳушёр,
Замондан хабардор эди, ақли бор.
Деди: Эй ўғил, қабри Лайло қаён?
Ўғил кулди. Берди жавобин равон, —
Топар сўрмайини, ишқ кайфин суран.
Мазора боруб иста ҳар гўрдан.
Олиб ҳокини иска, мазкурдан.
На ердан ке(л)са ишқ савдо иси,
У туфроғ эрур Лайлининг турбаси.

АРСЛОН ИЛА АЙИҚ

Бир кун Арслон ила Айиқ иккисен дўст бўлуб, ов қилмоқчи бўлдилар. Сахрога чиқуб, югуриб-елуб бир кийикни тутдилар. Емакчи бўлуб тургон вақтларинда ароларинда уруш пайдо бўлди. Арслон:— Ман каттаман, манга кўброғ берурсан. Айиқ:— Ман кичик бўлсам ҳам сандан кўб ҳаракат қилдим, югурдим, елдим. Сан бир жойда қараб турдинг. Сергўшт ерни ман ерман, деб уруш бошладилар. Шул даражага етдиларки, иккисен ҳам ўлар ҳолатга етуб, ерга йиқилуб, қимирлашга мажол қолмади. Буларининг ҳолидан бир неча бўрилар хабардор бўлуб, келишуб тайёргина кийик гўштини еб, суягини кўюб кетдилар. Бу икки жапжол қилгон бечоралар бир-бирларига дер эдиларки, агар бизлар урушмагон бўлсак эди, иккимизнинг ҳам қоринимиз тўйгон бўлур эди. Мана, урушгонимиз учун иккимиз ҳам оғзиниздаги ошимиздан айрилдук, деб афсус қилуб, охирда сурголиб боруб, молнимизнинг сўлакайн деб, қуруқ суякни чайнадилар.

Урушгонлар суякни зўрга чайнар,
Тамошочи суякни этни пойлар.
Кетиб қаймоғи, сут қолгай ўзинга.
Сут ҳам ширин кўрингой оч кўзинга.

БУЛБУЛ ИЛА ЭШАК

Бир кун булбул ила бўлди эшак ўртоғлар.
Юрдилар айлаб тамошо, ҳар тараф гулбоғлар.
Бир замон Эшак дейди: Эй, булбули ширин забон,
Сайрагил, дўстим, бу дам, кетсун юракдан доғлар.
Ўлтуруб гул шоҳига Булбул чунон қилди фиғон,
Бўлди ҳайвонларда иш ташлаб қулоқ солмоғлар.
Барча қушлар офаринлар қилди Булбул товшига.
Гул бўлиб очди у дам гул ғунчаси яфроғлар.
Бир замон Булбул садосини(нг) қилиб эрди тамом,

Кўрди Эшак ул замон, ҳеч кимса йўқ гулзорда.
Ҳангради Эшак, ҳама қочди йиғилгон зоғлар.
Ерга оғлаб сочти бошига қуму туфроғлар.
Айтди: Эй булбул, ажойиб! Сайрашинг яхши экан,
Ман каби товшинг сани қилмас димоғ(н)и чоғлар.
Сайрашинг ишсиз кишиларга эшитмак яхшидур,
Ман бақирсам, ишларига қилдилар кетмоғлар.
Кўйлаги йўқлар, тизи йиртиқ кишилардан кулар,
Хоҳ ҳайвон, хоҳ инсондур — ўзини соғлар.
Ҳар киши ўз айбини кўрмас, киши айбин кўрар,
Ўзгани бир игнача айби кўрунгай тоғлар.

НАФСИ БУЗУҚ ҲАЙИТДА УЛАР

Бир қишлоқи тоғдан ўтун кесмак учун борди. Бир кў-
зала олиб борган сутини дарахт остига қўюб, ўзи ўтун
кесмак учун кетди. Шул вақт бир тулки келуб, кўзага
бошини суқуб, сутдан бир оз ичган замонда ақли де-
лики, бас, бундан нари борсанг, балога йўлуқурсан
Нафси айтдики, ичабер, камбағалнинг бир тўйғони —
чала бой бўлғони, деди. Тулки ақлин сўзига кирмасдан,
нафсин йўлига юрди. Бир вақт сут тамом бўлғондан
сўнг тезгина қочмоқчи бўлғон замонда, кўза бошини
маҳкам сиқуб қолди. Бечора тулки қанча ҳаракат қил-
са, кўза ҳам шунча сиқа бошлади. Югурди, елди, ёл-
борди, кўза асло яқосини бўшатмади. Охирда аччиғи
келуб,— сани сув ичинда бўғуб ўлдурмасам бўлмас
экан,— деб кўзани олиб боруб бир катта сувга суқғон
замонда, кўза тулкини тўғри сув остига олиб кируб
кетди. Тулки сув остинда дер эдики:

Балойи нафс учун, охир, сурундим.

Келуб сайёд домига илиндим.

Агар ақлим сўзига кирсам эрди,

Ғариз жоним саломат бўлгай эрди.

АҚЛЛИ ҚАРҒА

Кунлар ёз фасли ўлдиғиндан ҳар ерда сувлар қурумиш. Бечора Қарга сув йўқлиғиндан ниҳоятда сувсимиш эди. Тиллари осилуб, ҳар тарафдан сув ахтармоқда экан, бировнинг олдида тургон кўзанинг кўруб, ёнига келуб боқса, ичинда суйи бор. Лекин бўйинини суқуб ичай деса, бўйи етмайдн. Бир оз ўйлади-да тумшуги ила тошларни йиғуб, кўзанинг ичига ташлай бошлади. Оз вақт ичинда кўзанинг остиндаги сув устига чиқуб, тоша бошлади. Ақлли қарга сувдан ичуб, ташналик балосидан қутулуб, учуб кетди.

БОҒЧА

Боғчаларнинг хўб яхшидур ҳавоси,
Жонга роҳат верур завқу сафоси.
Яғочлар-да яшил яфроғ ичинда,
Ранг-баранг гулларинг яшнар зиёси.
Сабза ўтлар аросида очилган
Бинафшау қизил гулу раъноси.
Лекин гулнинг ёшлик каби умри оз,
Тез йўқ бўлур хуш қомати зебоси.
Яхши верур боғ, ишласа боғбон.
Чўнчокнида кўб бўлғуси ақчоси.
Ёшлигида кўб ўқуғон болани,
Қариганда обод ўлур дунёси.

ҲАСАД БАЛОСИ

Бир кун Зоғча инсонлар кабутарларнинг боқуб, аларга дон беруб, яхши уялар ясаб берганларига ҳасад қилуб, кўролмади. Бул ҳам кабутар бўлуб, текин донлардан еб, роҳатда яшамоқ бўлди. Ўзини оқ бўрға бўяб, кабутархонага келуб, кабутарлар ила бирга яшамоқга бошлади. Бир кун осмонда учуб борадурғон бир неча

зоғчаларни кўруб, бирдан «чағғ» деб қичқируб юборди. Ҳамма кабутарлар буни зоғча эконин билуб, ҳар тарафдан ёнишуб чўқий бошладилар. Бечора Зоғча кабутарлар аросидан зўрға қочуб, Зоғчалар аросига боруб қўшилди. Зоғчалар ҳам буни Зоғча эконига ишонмадилар. Ҳар қанча «чағ... чағғ...» деб ёлборса ҳам:— Ҳо нодон, бизнинг алдайман дерсанми? Бор, зоғча бўлсанг оқ чопонингни ешиб кел!— деб булар ҳам (анинг) бошларига чўқуб-чўқуб жўнатдилар.

Ҳисса: Бечора Зоғча ҳасад балосига йўлуқуб, икки жаҳон овораси бўлуб қолди.

АҚЛЛИ БОЛА

Бир бола қўшинининг уйига ўралмиш табақда таом олиб борур эди. Бир киши учраб:

— Эй ўғлим, табақда нима олиб борурсан?— деди.

Ақллик бола жавоб бериб:

— Эй отажон, табақ нчиндаги нарсанинг кишига айтмоқ ва кўрсатмоқ мумкин бўлса эди, усти ўралмаган, очиқ бўлур эди,— деди.

ҚАЛАНФИР ИЛА ЧУЛ ЯЛПИЗИ

Саҳрода ўсган Чул ялпизидан сўрдиларки: «Сан аввалда ярамас бир ўт эрдинг, бу хушбўй исни қайдан олдинг?»— деб. Ялпиз жавоб бердики, «Дуруст, ман аввалда ямон бир ўт эрдим. Лекин бир неча вақт қалампир ёнинда ўсуб, бирга яшадим. Аромизда дўстлик пайдо бўлди. Шул сабабли аввалги ямон исларим кетуб, дўстимнинг яхши ислари манга юқуб қолди», деди.

Яхшиларнинг суҳбати — жон роҳати,
Сўзлари—дарду аламнинг офати.

Бир бола мактабдан келуб, китобларини қўюб, таомларини еб, ўйнамоқ учун боғчага кируб, шул кун ўқугон сабақини қичқириб ўқугон замон қулогига қўшнининг девори тарафиндан бир боланинг ўқугон товуши келди. Бу овозни эшитган замон боғда мандан ҳам бошқа бола бор экан деб суюнуб:

«Кел ўртоғ! Иккимиз бирга ўқушуб, бирга ўйнаймиз», деса ул ҳам шул сўзни айтди. Боланинг бир оз аччиғи чиқуб, атрофни охтара бошлади. Қўб вақт излади, ўзидан бошқа ҳеч кимни кўрмади. Охирда жаҳли чиқуб, ямон сўзлар айтса, ул тарафдан ҳам ямон сўзлар эшитди. Бола ниҳоятда хафа бўлуб, йиғлаб, боруб опосига айтди: «Эй онажон! Боғда бир ямон бола бор экан, ман нимани сўзласам, шуни айтур. Манга ямон сўзлар сўзлади. Қанча изласам ҳам тополмадим», деди. Опаси боланинг ўзининг овози эканин билуб, «Эй ўғлим! Сан анга ямон сўз айтма. Яхши сўз айтсанг, ул ҳам санга яхши сўзлар ила жавоб берур», деди. Бола яна боғга боруб яхши сўзлар сўзласа, жавобига яхши сўзлар эшитди. Ақллик бола билдики, яхши сўзга инсонлар яхши жавоб, ямон сўзга ямон жавоб берурлар эмнш. Бундан сўнг бола ҳеч кишига ямон сўз айтмайдургон бўлди.

ЕЛҒОН ДҲСТ

Бир вақт икки киши дўст бўлуб сафарга чиқмишлар эди. Бир тоғ ичиндан кетуб боргонларинда узоғдан бир йўлбарсни кўрмишлар. Дўстларнинг бири дарҳол югуруб бир дарахт устига чиқмиш. Иккинчиси шошилуб қобул, нима қилишин билмай; ерга чўзулуб, ўлукга ўхшаб ётмиш. Йўлбарс келуб искаб-искаб ўлук гумон қилуб қайтур кетмиш. Ўртоғи дарахтдан тушуб: «Биродар, йўлбарс қулогингга нима деб сўзлаб кетди»,

деб сўрамиш. Йўлдош: «Оҳ, дўстим! Шодлиғингда ўртоғ бўлуб, ҳам вақтингда ташлаб қочадурғон номард кишилар ила йўлдош бўлма!» деб сўзлаб кетди, деб жавоб бермиш.

ХРУС ИЛА БҮРИ

Бир Бўри дарахт устинда ўлтургон Хрусни кўруб, тутуб емак учун дарахт остига келди. Ҳийла бирла бечора Хрусни дарахтдан тушурмақчи бўлуб: «Эй, Хрус ўртоғ! Ман санга бир яхши хабар кетурдим. Ҳайвонлар ила қушлар аросинда сулҳ бўлди. Бирин-бирига зулм қилмасга, бири иккинчисин тутуб емасга қарор верилди. Кел биродар, пастга туш! Бир-биримизга дўст бўлиб, бирга ўйнашайлук», деди. Хрус Бўрининг сўзига алданадурғон даражада нодон ва ахмақ бўлмадиғиндан бўрига боқуб, дедики:

— Дўстим, сўзинг ростдур, тўғридур. Лекин бир оз сабр қил. Сандан бошқа икки ит ҳам сулҳ хабарин кетурурлар. Алар ҳам келсулар. Ҳаммамиз бирга ўйнашурмиз,— деди. Бўри Хрусдан бу сўзни эшитган замон думини орқасига қўйуб қоча бошлади. Хрус: «Ҳо, биродар, нима учун қочурсан, арода сулҳ бор-ку?»— деса, Бўри:

— Оҳ дўстим! Бу золим итлар сулҳни бузгонга ўхшайдур,— деб қочуб кетди. Хрус орқасиндан «қуққ... қуриш... қуу...» деб қичқируб қолди.

Ақл эгаси ҳийлага алданмагай,
Ҳийлагарнинг ҳийласи бошини егай.
Дўст ила душман сўзининг фарқи бор,
Фаҳм этар ҳар кимки, ўлса ҳушёр.

ЖАНЖАЛЧИЛИК ЗАРАРИ

Бир сув устига кўпрук каби бир тахта қўйилмиш эди. Бу тахтанинг устиндан ўтмак учун икки эчки икки тараф-

дан келуб, бир-бирига йўлуқти. Бирн дедикн:— «Ман сандан каттаман, сан ёшсан, арқанга қайт, манга йўл бер»— деди. Иккинчиси:

— Сан катта бўлсанг, улуғлигинг ўзингга, ман сандан қувватли. Сан қайт. Мандан сўнгра ўтарсан,— деб ароларинда зўр гавго чиқди. Иккиси ҳам бўйинларин эгишуб, шохларин шохларига қўюшиб, чунон сузишдиларки, охирда сувга юмалаб тушуб, иккиси ҳам сувда гарқ бўлди.

ТАМА БАЛОСИ

Бир Сичқон қофқонни кўрган замон:

«Ёху, инсонлар қандай ҳийлакордурлар. Ажабо, мана ов учун ичига бир парча ёғ қўймишлар-да, мани алдаб қофқонга тушурмак истарлар. Амон, ё раб! Ман яхши билурамки, бу ов эмас, менинг учун қурилмиш бир тузоқдур. Хайр, бу ҳийла ила мани алдай олмас-сиз», деб қайтуб кетмак бўлди. Шул вақт бир оз ўйлаб, ўз-ўзига дедикн: «Бу ёгдан смасам ҳам бир оз искамак мумкин. Аммо ман ёғ исини кўб яхши кўраман. Кел, буни искамакда нима зарар бор», деди-да, қофқон ёнига келуб, ёғни искай бошлади. Ёғнинг исн думоғига хуш келуб, тез-тез искаб турган замон буриин ёғни туртиб юборуб, қофқон «шарт» этуб кетди. Бечора Сичқон тама балосига гирифтор бўлуб қолди.

Б а й т

Оз тама кўб зарарлари кетирур,
Нафсини тиймаган ўзин йитирур.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Иигитликда ўқувдан қолсанг ўғлон,
Қариганда пушаймонсан, пушаймон.

Улуғлик молу давлат бирла эрмас.
 Саломат бўлса ақлинг, санга шул бас.
 Гўзаллик юзда эрмас эй биродар.
 Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.
 Сўзинг оз ўлсину, кўб маъни ўлсун.
 Эшитганлар қулоғи дурга тўлсун.
 Такаббур бўлмағил, бўлғил мулойим,
 Бўлурсан шоду хуррамликда доим.
 Биров қилса ғазаб, сан сўкма они,
 Будур яхши кишиларнинг нишони.
 Ямонлик қилсалар, сан яхшилик қил.
 Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун.
 Миси чиқғай, сўзинг кўб бўлса бир кун.
 Кўпайган сўзни бўлгой тўғриси оз,
 Шакарнинг кўпидин ози бўлур соз.
 Бировдан бир нимарса сўрма элхор,
 Кишининг миннати санга на даркор...
 Жадал қил илм учун ўғлим ҳамиша,
 Кўчинг борида гайрат бирла пеша.
 Экин вақтида ухлаб ётса деҳқон,
 Уроқ вақтида бўлғай кўзлари қон.

ТАҚСИМ

Бир кун икки бола кўчада ўйнаб юрган замонда бир адад янғоқ топдилар. Бири айтди: «Ман олурман, аввал ман кўрдим». Иккинчиси: «Йўқ биродар, ман олурман, ердан ман олдим», деб, иккиси ғавго қилуб туруб, эдилар. Бир йигит келуб: «Эй чароғларим! Шошманг, талашманг, ман сизларга яхшилаб тақсим қилуб берурман», деб янғоқни қўлларида олуб, икки фалла қилуб, бир фалла пўчоғини биринчи болага, иккинчи фалла пўчоғини иккинчи болага беруб: «Мана, қолғони тақсим қилгон кишига», деб мағзини оғзинга солуб, жўнаб кетди. Болалар бўлса, пўчоғини ушлаб, бақраюшуб қолдилар.

Ҳисса: Озга қаноат қилмаган кўбдан қолур.

БОЛАРИ ИЛА ПАШША

Бир Пашша қир тарафдан учиб келмакда ўлан Ари-ни кўруб:

«Дўстим, қайдан келурсан?»— деди. Ари: «Қирдан келурман. Бир оз бол йиғдим. Уй ясамоқ учун мум ҳам ҳозирлаб келдим», деди. Пашша: «Оҳ биродар! Бир бо-шинг учун мунча ҳаракат қилурсан! Ийма бўлурки, сан ҳам ман каби роҳатда яшасанг. Чунки меннинг яша-моқимда ҳеч бир машаққат йўқ. Инсонлар тарафин-дан ҳозирланган дастурхонлардан ҳар хил таомларни еб-ичуб умр ўткарурман. Баъзи вақтларда сани ясаган бошингдан ҳам тўйганимча ерман. Мана! Яшамоқ мана! Умр кечурмақ учун оламда мундан яхши турмуш бў-лурми? На манда бол ҳозирламак машаққати ва на уя солмак кулфати бор», деди. Ари бу сўзларга жаво-бан дедик:

«Оҳ дўстим! Бу сани турмушнинг ўз бошингдан бери келмасун. Машаққатсиз таомда лаззат бўлурми?»

Инсонлар сани суфрадан қуварлар, урарлар, ўлди-рурлар. Сан оламда ўғриллар каби умр ўткарурсан. Охирда бир ўргумчак луқмаси бўлмакдан бошқа бир нарсга ярамазсан. Аммо манинг тайёрлаган мумим ҳамма ибодатхоналарни ёрутар. Болим дунёнинг ҳама ерида мақбулдур. Инсонларнинг оғизларини тотли қилур. Шу л сабабли инсонлар мани ўзлари тарбия қи-лурлар ва ҳар ерда мани мақтарлар, деди-да, қўй, би-родар, мани иним кўб, сан ила беҳуда сўзларни сўз-лашуб турурга вақтим йўқ», деб учуб кетди.

Ҳ и с с а: Меҳнат — охири роҳат, ялқовлик охири хорликдур.

Боқди гунаш¹ панжарадан бизлара,
 Етма! деюр барча ўғил-қизлара.
 Нолан фарёд қилиб барча қуш: —
 Мактабингиз вақти, деюр сизлара.
 Бошлади ҳар ким ўз ишин ишлара,
 Сиз-да, туринг мактабингиз излара.
 Учди ари боғчалара бол учун
 Бузов турур уйда чўкуб тизлара.
 Сиз-да, китобларинг олинг шавқ ила,
 Тез югуринг илм йўлин гезлара...

БҮРИ ИЛА ХОТУН

Бир оч Бўри таом охтаруб юргон замонда бир уйдан бир хотуннинг товшин эшитурки, боласига боқуб: «Пинглама, сани бўрига берурман», дер. Бечора Бўри қачон боласини менга чиқоруб берур экан, деб эшигинда ўлтирур эди. Ародан бир неча соат ўтар. Хотун яна боласига боқуб: «Пинглама, қўзим, ман сани бўрига бермасман. Бўрининг ўзи ҳам бу ерға келз олмас. Агар келуб қолса, ман ани бошига калтак бирла уруб, ўлдурурман», дер. Бўри хотундан бу сўзларни эшитуб, дер: «Оҳ, ёлгончи инсонлар, ҳеч бир тўгри сўзламас-сиз! Ҳозир бир хил сўзлаб туруб, бир нафасдан сўнг бошқа сўзга кўчурсиз! Оламда сиздан айёр жонивор йўқтур!» деб жўнаб кетди.

Ҳисса: Ҳар киши бу оламда ўз нафсин балосига қолмишдур.

¹ Г у н а ш — қуёш.

ИККИ ДЕВОНА

Ўткан замонда бир девона бир шаҳрга боруб, ҳар кимни уруб, сўқуб, нима учун одамлар ҳаммаси бир тарафга қараб юрмаслар. Бири бу тарафга кетса, бири у тарафга кетар, деди. Одамлар жавоб бердиларки, ҳар ким ўз иши бор тарафга борур. Бири бозорга борса, бири уйига қайтур, дедилар. Девона буларнинг сўзини қабул қилмади. Охирида ароларидан бири туруб, бу девонадур. Девонанинг сўзига шояд девона жавоб берса, деб бир девонани олиб келди. Биринчи девона сўрдики: «Ер юзидаги одамлар нимага бир тарафга қараб юрмаслар?» Иккинчи девона: «Ер кемага ўхшаш сув устида турадур. Агар одамлар ҳаммаси бир тарафга қараб юрсалар, барчамиз сувга оғдарилиб кетармиз», деб жавоб берди. Биринчи девона: «Балли, дўстим! Ҳаммадан сан яхши жавоб бердинг!» деб жўнаб кетди.

Ҳисса: Ҳар кишига ўз маслақдошининг сўзи мақбулдур.

БҮРИ ИЛА УЗУМ

Бир бўри боғни айланурди кириб,
Боқди ҳар ёнга кўзларини йириб
Қўрди: Бир бош узум ажаб пишгон,
Турланур қизил бўлуб тизилиб,
Нафси қилди анга қараб ҳаракат.
Оғзидан келди сувлари сизилиб.
Ирғиди, сакради, узумга қараб
Нафаси оғзи бурнига сиқилиб.
Бўйи етмай ололмади, жўнади,
Қайта-қайта боқиб-боқиб тикилиб.
Иўлда айтур Бўри узумга қараб,
— Хомсан ва ғўрасан, бўлмайди тегиб,
Тишласам, тишларим қамаштирасан.

Пишмагансан экан ҳануз, эзилиб.
Бўйи етмай узумга бечора,
Кетди навмид ўлуб суяк қидириб.

ОЧКУЗЛИК

Бир бола кўчада йнглаб ўлтуруб эди. Ўтуб-кетуб тургон кишилардан бири: «Ўғлим, санга нима бўлди? На учун мунча йнгларсан?» деб сўради. Бола: «Бир тийин оқчам бор эди, йўқотиб қўйдим. Шунинг учун йнгларман», деди. У кишининг болага раҳми келуб, «Мана, ўғлим, оқчанг йўқолган бўлса, ман санга бошқасини берурман», деб чўнтагидан бир тийин ақча чиқоруб берди. Бола ақчани олуб яна аввалгидан ортуқ йнгламоқга бошлади. Ул киши: «Дахи нимага йнгларсан?» деса, бола: «Оҳ, отажон! Агар ўз ақчам йўқолмаган бўлса эди, ҳозир ақчам икки тийин бўлур эди», деди.

Кўзнинг оч бўлмагун, ўғлим кўзнинг оч.
Қаноатсиз кишини ухлатуб қоч.

ИЛМСИЗЛИК БАЛОСИ

Бор эди бир киши, хат билмас эди бечора,
Бўлди бетоб, юрак бағрига чиқди ёра.
Эртаси ўғлини айтдики, аё тифл адиб,
Бор, кетур боқмоқ учун, қошима, бир яхши табиб.
Ўгли келтурди табибининг атосини қошига,
Ўлтуруб боқди табиб, ул дам, аёғу бошига.
Икки хил дору ёзиб берди ўшал бемора,
Бирини ичмак учун, бирини суртора,
Ўғли дору уйидан олди икки шиша даво:
Бирини шарбат эди, бирини оғуйи бало.
Шиша устинда давонинг бор эди таърифаси.
Уқумоқдан йўқ эди хастанинг ҳеч маърифаси.
Шишалардан бирини ушлади аввал қўлини,

Ичди шарбат дебди оғуни — сурарди дилина.
Ул замон бағри ёниб, айлади фарёду фиғон.
Бўлди бир неча нафас, сўнг танидан жонни равон.
Отаси ўлди, ўғли йиғлади фарёд айлаб,
Қўшниси олим эди, чиқди белни бойлаб.
Қилди ўғлони насихат, деди: эй, тифл забун.
Илмензликдан отанг жонидан айрилди бўлди.
Ўқумоқ, ёзмоқ билсайди отанг, эй ўғлон,
Балки бошига қазо келмас эди ушбу замон.
Қувватнинг борида хат билмоқ учун қил ҳаракат,
Сан жадал қилсанг ўзи, бергуси олло баракат.
Ибрат ол, ўғлим, отангдин, бўлмагил сан ярамас,
Қилмагил умринги зое, дема қиш-ёз, ўқу, ёз!

АҚЛЛИ БОҒБОН

Бир боғбоннинг уч ўғли бор эди. Учи ҳам дангаса ва иш ёқмас эдилар. Боғбон бир кун касал бўлди. Ўғилларини ишга солмак учун ёнига чоқируб: «Ўғлонларим, мени ажалим етган ўхшайдур. Ман сизларга васият қилуб кетайин. Боғнинг ичига бир кўза олтуи кўмуб қўйғонман. Мандан сўнгра ўзингиз кавлаб, топуб, бўлашуб олурсиз», деди. Ародаи бир неча кун ўтмай, боғбон дунёдан ўтди. Ўғиллари олтуи охторуб, боғни чунон қазидиларки, туфроғлари кул бўлиб кетди, лекин токнинг илдизидан бошқа ҳеч нарса тополмадилар. Аммо шу йил ток чунон узум қилдики, ақчаси неча кўзага тўладургон олтуи бўлди. Сўнгра бу ялқовлар билдиларки, олтуи ерда эмас, ишловда экан.

Ҳисса: Ҳамма ямонлиқларнинг оносини — дангасалик, Қўрқоқлик — отосидур.

БҮРИ ИЛА ҚҶЗИ

Бир Бўри сув ичмак учун сув бошига келди. Паст тарафда сув ичуб тургон бир Қўзини кўрди. Онинг бир

қийла билан тутуб емакчи бўлуб: «Эй ярамас, нима учун ман ичодургон сувни булғотурсан», деди. Қўзи: «Афандим, бу қандай сўз! Сиз сувнинг юқори ёғинда. ман қуйи ёғинда бўлсам, ман қандай сувни булғатурман?!» деса, Бўри яна қичқируб: «Ўтган йил сан манинг отамнинг ҳам сўккан эднинг, эмди манга ҳам қаршиллик қилурсан», деб келуб, Қўзига ёпушди. Бечора Қўзи:

«Афандим! Ман ўтган йил сизнинг отангизни сўкмак қайда, ўзим онадан ҳам туғилгоним йўқ эди», деса ҳам: «Ҳа, нодон, ҳоло ҳам адабсизлик қилурсан», деб бечора Қўзини парча-парча қилиб, сб қўйдп.

Ҳисса! Ямоннинг кучи япалоққа стар.

ҚЎРҚОҚ

Бир киши ғоят қўрқоқ ва юраксиз ўлуб, кечалари асло кўчага чиқмас эди. Бир куни ўртоғлариндан бири: «Биродар, сан ҳам кечаси кўчага чиқ, нимадан қўрқарсан. Агар бир киши санга қараб қорайиб келур бўлса, сан ҳам онинг устига босуб боравер. Сан қандоқ қўрқсанг, ул ҳам сандан шундоқ қўрқар. Саннинг юраклик ва ботирлигининг кўруб, сандан қочар», деб уни юраклик қилмак учун насиҳат қилса, бир оз ўйлаб туруб: «Оҳ дўстим, йўқ бу иш асло бўлмас. Агар бу насиҳатни ул одам ҳам эшитган бўлса, ул ҳам манинг устумга қараб бостуруб келса ман ул вақтда қайга қочуб қутулурман. Қўй биродар, саннинг билгонинг ўзинга, мени билгоним ўзимга», деди.

Тарбият қилгон била ноасл одам бўлмагай,
Ифтин юз авлон ила ранг этсалар бўлмас ифак.

ИТ ИЛА ГАДО

Бир Ит эгасининг эшигини пойлаб ётмиш эди. Елкасида хўржин, қўлида таёқ кўтарган бир Гадо кириб

келди. Ит буни кўргон замон вовуллай бошлади. Бечора Тиланчи Итга боқуб, ёлворуб: «Ҳе, жонивор, манга боқ, марҳамат қил. Икки кундан бери таом егоним йўқ. Очликдан ўлар ҳолатга етдим», деди. Ит Тиланчига боқуб: «Бу мани санга қилгон марҳаматим эмасму? Уйдаги кишилар мани товушимни эшитуб, чиқуб санинг қоринингни тўйғазурлар», деди.

Ҳисса: Баҳоси арзонни сўзи қимматли бўлур.

МАҚТАНЧОҚ ҒОЗ

Бир ғоз сувда сузуб юруб, ўзига ўзи мақтануб: «Оламда мандан ҳунарманд қуш йўқтур. Ерда югурарман, сувда сузарман, ҳавода учарман. Бир ўзимнинг уч хил ҳунарим бор», деди. Ғознинг бу сўзини бир Қурбақа эшитуб: «Биродар, сан мунча мақтанмасанг ҳам бўлур эди. Чунки балиқдек сузолмайсан, кийикдек югуролмайсан, лочиндек учолмайсан. Чалачулпа уч ҳунарни билгунча, бирини яхшилаб билгонинг яхши эди», деди.

Мақол: Мақтанма ғоз, ҳунаринг оз.

АЙИҚНИНГ ДЎСТЛИҒИ

Бир Қишлоқи Айиқ бирла йўлдош бўлуб, иккиси бирга яшар эдилар. Ҳар вақт Қишлоқи ухласа Айиқ тепасида, дўстимга бир нарсa зарар қилмасун, деб пойлаб ўлтирур эди. Бир кун Қишлоқи ухлаб ётканда бир пашша келуб пешонасига қўнди. Ҳар қанча қувса кетмади. Охирида аччиғи келуб: «Бу золимни уруб ўлдурмасам бўлмас», деб, бир катта тошни олиб келуб, қишлоқининг бошига чунон урдик, пашша учуб кетуб, Қишлоқи ўлуб қолди.

Ҳисса: Дўсти подондан душмани зийрак яхши.

КАЛАМУШ ИЛА СИЧҚОН

Бир кун Сичқон Қаламушнинг уйига боруб: «Қўшни, ман сизга бир яхши хабар кетурдим. Мушук Пўлбарснинг қўлига тушган эмиш. Йўлбарс бўлса ниҳоятда кучлик ҳайвондур, албатта мушукни саломат қўймас. Бизларга Мушук каби зolim душмандан қутулмоқ зўр шодлиғдур», деди. Қаламуш Сичқонга боқуб:

«Эй қўзим, сан холо ёшсан, ҳеч нарсадан хабарнинг йўқ. Пўлбарс Мушукни ўлдурур, деб ўйлайсанми? Йўқ, жоним, алданурсан. Бутун оламда Мушукдан зўр ҳайвон йўқдур. Ман бир икки марта синаганман. Оллоҳ ҳеч кимни онинг чанголига гирифтор қилмасун», деди.

Ҳисса: Ҳар киши ўз кушандасидан қўрқар.

Кесак қаноти синиқ қуш кўзига тош кўринур,
Элакда турса кефак, оч кўзига ош кўринур.

АҲМАД ИЛА ОТАСИ

Бир кишининг Аҳмад исмлиқ ўғли бор эди. Аҳмад бир кун мактабдан келурида бир бола бирла урушуб, бир мушт уруб, бошини ёруб қўйди. Ул бола келуб Аҳмаднинг отасига арз қилди. Отаси Аҳмадни чоқируб, маҳкам икки қулоғининг бураб: «Эй ўғлим, ман ҳам ёш вақтимда санга ўхшаш муштзўр эдим, чанголимга тушгон кишини амон қўймас эдим. Иттифоқо, бир кун ўзим ҳам бир муштзўрнинг қўлига тушуб, қолдим, чунон адабимни бердики, иккинчи ўзимдан кучсизларга асло муштзўрлик қилмайдургон бўлдим», деди.

Улуғларни адаб сақлаб, қил иззат,
Кичикларга мурувват қил, мурувват.
Ўқувни ёқасини қўйма зинҳор,
Кучинг етса, қаламининг бошини ёр.

СОҶИ ИЛА ОНАСИ

Соқи бир кун мактабдан келуб, оносидан таом сўради. Оноси олдига бир коса шўрбо келтуруб қўйди. Соқи шўрбодан бир қошуқ оғзига олуб: «Она ман бу мазасиз шўрбонини ичмасман», деди. Оноси: «Ичмасанг қўй, ўғлим, бошқа ипишируб берурман», деб олдидан олуб қўйди. Соқининг кечгача хазон тошитуб, ишлатди. Соқи ҳоруб, чарчаб, қорини очуб ўлтургон эди. Оноси яна шул шўрбонини иситуб олиб келуб, олдига қўйди. Соқи шўрбодан бир оз ичуб кўруб: «Мана, она-жон! Бу қандай тотли шўрбо бўлмиш. Умримда асло мундоғ ширин шўрбонини ичкониим йўқ», деди. Оноси кулуб: «Эй, ўғлим, бу бояги ўзинг ичмагон шўрбодур. Ҳозир сан ҳаракат қилдинг, ишладинг, қориниң очди, иштаҳаңг очилди. Шўрбо ҳам ширин бўлди», деди.

Ҳ и с с а:

Ишламак иштаҳа очар,
Дангаса ишдан қочар.
Аёғ югуруғи ошга элтар,
Тил югуруғи бошга стар.

ҚУР ИЛА ЧҲЛОҚ

Бир Қўр киши ила Чўлоқ иккиси бир катта сув лабидан борур эдилар. Буларга сув устига ташлангон яғочдан ўтмак лозим бўлди. Чўлоқ айтдики: «Биродар, бу яғоч устидан ўтарга мани аёғим ярамас». Қўр айтдики: «Агар машини кўзим бўлса эди, ўтардим», деди. Чўлоқ айтдики: «Бўлмаса сан орқанга офич, мани санга йўл кўрсатуб, аёқ қўядургон еринини айтуб турай, иккимиз ўтуб кетармиз», деди. Шундай қилуб бир-

бирларининг ёрдамлари ила икки ёрти бир бутун бў-
луб, сувдан ўтдилар.

Ҳ и с с а:

...Муҳтож вақтида қўлдан келганча бир-бирига ёр-
дам қилмак, ҳожат чиқормак лозимдур.

„МАҚТАБ ГУЛИСТОНИ“ КИТОБИДАН



ҒАЙРИЖИНСИЙ ИТТИФОҚ

(Крилуфдан таржима)

Бир кунн Тошбақа, Балиқ, Ўрдак,
Қилдилар маслаҳат учи бирдак,
Дедилар: Биз арбакаш бўламиз,
Тортармиз арбани ва ё ўламиз.
Ёпишуб бир арбага маҳкам,
Жон-дилдан чекурди уч ҳамдам,
Кучлари арбага етушмас эди.
Арба бунлар йўлга кетмас эди.
Ўрдак осмони сарига тортарди,
Балиқ эса ёнига тортарди,
Тошбақа судрар эрди орқа сори.
Пўқ эди иттифоқнинг осори.
Қилдилар қанча вақт бебаракат,
Арба ўрнида турди беҳаракат.
Мунда ким айб эгаси, ким айбсиз,
Бир ҳаводис бизим учун кайфсиз.
Бу иши бир киши гўзал биладур.
Арба ҳамин қимирламай турадур.

ТУЛКИ ИЛА СЕРКА

(Крилуфдан таржима)

Тулки сакраб юрар эди чўлда,
Бир қудуқ бор эди ўшал йўлда.
Погаҳон тушди-кетди гунбурлаб,
Чоҳ нчинда ўтирди гунғурлаб.

Ул қудуқ тор эди, чиқолмаз эди.
Тулкининг бахтига суйи оз эди.
Серка ўтлаб юрурди йироқда,
Сусабон сув қидирди шул чоқда.
Серка чоҳ бошига келиб оралаб,
Кўрди Тулкини тепадан мўралаб.
Тебратиб тўрбадек узун соқолин,
Сўрди Тулкининг ҳол-аҳволин.
Серкага Тулки мақтади сувни,
Сув деганда тошарди нафси уни.
«Сув десанг, туш, бу ерга, улфат бўл,
Сув деган бу қудуқда эркан мўл».
Серка отди ўзин қудуқ сори,
Тулкининг ҳийласи бўлиб бори,
«Гум» этиб тушди Серка сув ичиға,
Сувлари сачради қудуқ четиға.
Тулки айтди: «Аё, узун соқол!
Дузға етдинг энди сен яққол.
Сувни тўйганча ман ичуб эрдим
Қолганин бутун санга бердим».
Сакрабон Серка устига чиқди,
Андан иргиб юқорига чиқди.
Серканинг соҳибн неча муддат,
Ахтарубон бўлуб эди диққат.
Охири бу қудуқда кўрди уни,
Серканинг қолмиш эрди ёрти жоми,
Минг машаққат бирлан чиқарди базўр,
Серка бўлган эди чўлоқ ҳам кўр.
Соҳибн Серканинг кўриб ҳолин,
Айтди бошни силаб, тараб ёлин:
«Эй сақоли чўқ, ақли йўқ Серкам,
Қилди Ҳижрон соддалик, эркам.»

МАЙМУН ИЛА ҚҰЗОЙНАК

(Қрилуфдан таржима)

Жуда қартаймиш эрди бир Маймун,
Қўзин нури қолмаб эрди бутун.
Ул эшитди бу дард учун дармон —
Қўзойнак тутар эмиш инсон.
Пул йиғуб кўзгуни сотиб олди.
Ўзини қайтага заҳматга солди.
Гоҳ тутарди думига, гоҳ кўзига,
Фойда бермасди ойнаги ўзига.
Бўлди Маймун тақолмайин ҳайрон.
Деди: «Хўб ҳийлагар эрур инсон,
Маиға ким деди онн олғил деб,
Ким буюрди кўзингга солғил деб,
Қурсин ойнак кўзимин қилди хира.
Туф! Бу дунёни эътибори йўқ,
Оччи ҳолин биладурми тўқ?
Сарф этар пулни йўққа инсонлар,
Тақмазам ойнакини энди сира»
Қилмаюр кўр ва шолға эҳсонлар.
Қимға айтай бу дарду ҳасратни,
Қим эшитгай бу қайғу, кулфатни.
Кўзларим ожиз, ўзим қариман,
Мустаҳиқман, камина камтаринман.
Ҳеч киши сўрмаюр бу аҳволим,
Кетди қувват, мадорим, нқболим.
Кўзгу ҳам менга қилмади дармон,
Дилда ҳасрат, кўнгулда кўп армон.
Кўзгиннинг хайри йўқ экан мисқол».
Деб отиб тошга урди ул дарҳол.
Ойнагин парча-парча қилди ўзи,
Ўртануб дер эди ўзи бу сўзин:
«Ойнак олмоқ ўзи экан осон,
Мушкулн ани тақмогида экон».

Кимки ҳалдидан ошиб иш қилса,
Охири бўлур шулай, Ҳижрон.

ИТ ИЛА ИҶЛОВЧИ

(Қрилуфдан таржима)

Кечқурун йўл кетарди икки киши
Сўзлашувдан йўқ эрди ўзга иши.
Погаҳон бир кучук чиқиб боғдан —
Вовуллади бунлара сўл ва соғдан.
Ит овозин эшитди бошқалари —
Келдилар, жам бўлди ёшу қари.
Йиғулуб барчаси ҳужум этди.
Йўлчилар ақли бошидан кетди.
Йўлчилардан бири олиб бир тош,
Урмоқ ўлғонда айтди бир йўлдош:
«Қўй, қўлниң оғритиб инма қиласан,
Итларниңг феълини ўзиниң биласан.
Ҳамла қилганга бермаюр роҳат,
Ит гуруҳида бўйладур одат».
Итлари солмайини қулоғ онлар.
Тўғри кетурдилар икки жонлар.
Ур-йиқит, секин-секин ҳаммаси,
Тарқалуб кетди, қолмади бириси.
Ит дегап итлиғини қилаберадур,
Эътибор этмасанг кетаберадур.

ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ



Мен бу асари ночизонамни биринчи мактабларимизнинг юқори сифларида таълим бермак ила баробар улуг адабиёт муҳибларни, ахлоқ ҳаваскорларининг анзори олийларина тақдим қилдим.

Ҳар кун ўлурам, шомгача ғамга гирифтор,
Ҳар шаб ёнарам, оташа парвона каби зор.
Ҳеч кимса эмас, бу мени аҳволима воқиф,
Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор?!

АХЛОҚ

Инсонларнинг яхшиликга чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин... ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмин, уламонни, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билур, иқдор қилуб, тузатмакка саъй ва кўшини қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур..

Сўйласанг, сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса, жим турмоқнинг эрур яхши.

Ўйласанг, яхши фикрлар ўйла,
Пўқса, гунг бўлмоқинг эрур яхши.
Ишласанг, ишла яхши ишларин,
Пўқса, бекорлигинг эрур яхши.

ХУЛҚ

Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бирин жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор суврати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг суврати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўрунуб турадур. Аммо нафснинг суврати кўзга кўрунмайдургон, ақл ила ўлчанадургон бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшликдан нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлуб ўсдиму, «оллоху акбар», бундай кишилардан яхшилиқ кутмак ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабилдур...

«Бир тоғнинг ўрмидан кўчуб кетгонини эшитсангиз ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди деб эшитсангиз, ишонмангиз», демишдур.

Хулқи ёмон юз гўзалдан на суд,
Юз гўзали хулқни қилмас кашуд.
Хулқ маризига даво истасанг,
Марг давосин берилур — қистасанг.
Хулқи ёмонинг кетурар кўп зарар,
Хулқинг ўзи бошинга калтак урар.
Хулқи фано бўлса, дегил — алҳазар,
Хору залилликда қолур дарбадар.

ЯХШИ ХУЛҚ, ЁМОН ХУЛҚ

Ахлоқ уламоси инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар: Агар нафси тарбият топиб, яхши ишларни

қилурга одат қилса, яхшиликға тавсиф бўлуб «яхши хулқ», агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлар ишлайдургон бўлуб кетса, ёмонликға тавсиф бўлуб «ёмон хулқ» деб аталур... Инсондаги қобилиятни камонга еткурмак тарбия ила бўладур... «Қуш уясида кўргонни қиладур» Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақлануб, гўзал хулқларга одатлануб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқни бузулуб ўсса... ҳар хил бузуқ ишларни қиладургон, подон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб қолур...

Худонинг раҳмати, файзи ҳама инсонга яқсардур. Ва лекин тарбият бирла етушмак шарт акбардур. Туғуб ташлов била бўлмас бола, бўлгай бало сизга, Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга. Ғамурчининг боласи тарбият топса, бўлур олим, Бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлгуси золим. Ёмонларга қўшулди Нуҳнинг ўғли бўлди беимон, Юрурди Каҳф ити хўблар ила бўлди оти инсон.

ТАРБИЯ

Тарбия «педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдугиндан шул хусусда бир оз сўз сўзлаймиз. Боланинг санома-ти ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтиндан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан асраб ўсдурмакдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабилдурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгони каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига яхши хулқ деган давоини ичидан, поклик деган давоини устидан беруб, катта қилмак лозимдур...

Ахлоқимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур. Баъзилар «Тар-

биянинг таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас:

Ёмон хў тузалмайди дармон ила,
Ипак ўлмас ип, ранги алвон ила.
Боқинг бир дарахт мевасидур ёмон,
Бўлур яхши пайванд, парво билан.
Билур ҳар киши аслини рангидан
Ва ёким улангандаги зангидан». —

демишлар. Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоқга албатта таъсири бўладур. Орамизда масал борки, «Сут ила кирган жон ила чиқар», маана бу сўз тўғридур...

«Бешикдан то мазорга боргунча, илм ўрган» демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳукамолардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлидур», демиш.., Ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи аён, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур...

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,
Балки охирида эрур доруламони тарбият.
Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур ила ризвонлара,
Гар десам бўлмас хато, жаннат макони тарбият.
Моян зилли ҳумодир тарбиятнинг сояси,
Бизда анқо тухмидек, йўқ ошиёни тарбият.

ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ

Эмди очиқ маълум бўлдики, тарбияни туғулган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зеҳнимизни равшанландурмак лозим экан, тарбияни кимлар

қилур, қайда қилинур, дегон савол келадур. Бу саволга бириччи — уй тарбияси — бу она вазифасидур, иккинчи — мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур, — деб жавоб берсак, бир киши деюрки, «Қайси оналарни айтурсиз, билимсиз, беши пахмоқ, қўли тўқмоқ оналарми?» Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар?! — дер. Мана бу сўз кишини эзар, бағрини ёндурур. Отасига нима дерсиз? — десак, «Қайси ота! — Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмагон, илм учун бир пулни кўзлари қиймагон, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқутмак, тарбия қилмак лозимдур», дер. Мана бу сўзларни эшитгач, умид қўллари қўлтуқга урилур.

— Хайр, бўлмаса, муаллим-чи?! — десак, — Қайси муаллим? Мақсади пул, маслаги шуҳрат, юқори мактабларда ўқумагон, усули таълим кўрмагон муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари дорулмуаллимларда ўқумақлари, сўнгра даре бермақлари лозимдур», дер. Мана бу сўз инсонни ҳайрат дарёсига ғарқ қилур.

Мударрисларга на дерсиз десак, «Қайси мударрис? — мактаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмагон мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб нафеларидан кечуб, замонага мувофиқ равишда дарсларини ислоҳ қилуб, имтиҳон бирла ўқутмақлари лозимдур», дер. Мана бу сўз ҳар кимни «Алислоҳ» демакка мажбур қилур. Бўлмаса, ҳукумат-чи? — десак, «Хайр, ҳукумат ҳамманинг отасидур, ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмаги лозим». Шунинг учун бизнинг Русия ҳукумати ўғай бўлсак ҳам ҳар ерда бизлар учун ҳам мактаблар очуб, болаларимизни текки ўқутур. Лекин ўзимиз иш билмагон, ялқов, уйда она тарбияси, отадан пул тарбияси, муаллимдан ахлоқ тарбияси, мударрисдан фунун тарбияси кўрмагонимиздан, ҳукумат мактабларидан ҳам ўз ҳиссаларимизни ололмаймиз», дер. Мапа бу сўз бизларни

тарбиядан маҳрум, ҳуқуқнинг на экаини билмагонлиғи-
мизни билдурур.

Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё на
жот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидур...

Агар бир қушнинг ёш боласин олиб,

Бўлур тарбият бирла йўлга солиб.

Опасин олиб асрагон бирла ром

Қилолмас, киши сазй қилса мудом.

Керак тарбият ёшликдан демак,

Улуғ бўлса, лозим келур ғам емак.

Эгур бемашаққат киши наздани,

Тўғушчи эгур куйдириб кавдани.

БАДАН ТАРБИЯСИ

Баданининг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг
керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрган-
моқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад
лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалла-
ринда, ишларинда... камчилик қилурлар. Майшатимиз-
нинг роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмо-
ғига боғлидур. Биз сиҳатимизни сақламак ила амр
ўлинганимиз, шунинг учун вужудимизи ҳифзи сиҳатга
зид бўлгон ёмон одатлар ила чурутмакдан сақлап-
маклиғимиз лозимдур.

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами
бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чононнинг ўнг ила
терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийпатланмаса,
ёмон хулқлардан сақланмаса, чононни устини қўюб, ас-
тариини ювуб, овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устн-
даги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам
ва соғлом бир вужуд керакдур. Шунинг учун ота-
оналар болаларни касал бўлган замон бепарволик қил-
май, тезлик ила табиб ё дўхтурга боқизмак керак...

Ичкулик, кўкнор, паша, афюн, тарёк, чилим, нос, по-
пирус каби баданининг саломатлиғига зарарли, оғулик,

баъзиси ҳаром, баъзиси макруҳ, баъзиси иероф бўл-
ган нарсалардан қочмак, сақланмак шарнат, ақл, ҳик-
мат юзаендан лозимдур...

Саломатликни сақлов лозим ишдур,
Тунаҳдин сақла жисминг ёзу қишдур.
Қасал бўлсанг, бўлур дунё қоронғу,
Маишат талх ўлуб, ҳасрат чекишдур.
Ҳарому шубҳадан пок эт ўзингни,
Бу дунё айшу ишратдин кечишдур.
Ҳама ишратчи ҳижронликда кетди,
Бу оламдан бир иш ишлаб кетишдур.

ФИҚР ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилнуб келгон, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юклангон муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даражада муҳтождурки, фикринг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам инкиси бир-биридан айрилмайдургон, бирининг вужуди бирнга бойлангон жон ила тан кабудур. Масалан, жой солилмагон яхши бир уйининг ичиди ўтурмак мумкин ўлмадиги каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуруб зийнатлангон эски иморат ҳам ўлтурушга ярамайдур. Башарти ўлтурулса, инсонлар: «Эски уйга янги золдевор», «Қир кўйлакка жун жияк», «Мис қозонга лой тувоқ» каби ҳажв, кулги қилурлар.

Фикр агар яхши тарбият тонса,
Ханжар олмосдан бўлур ўткур.
Фикринг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшанзаминр ўлур бенур.

АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Инсонларга энг муҳим, энёда шараф, баланд даража бергувчи ахлоқ тарбиясидур. Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедук, чунки, дарс олувчи — билувчи, тарбия олувчи — амал қилувчи демакдур. Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлуб, шогирдларга ҳам бергон дарсларини амал ила чоқуштуруб ўргатмаклари лозимдур. Бу равиш таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилуб, муллоийи бо-амал бўлурлар.. Агар тарбия қилувчи муаллим ўзи олим бўлуб, амалсиз бўлса, бунинг ҳам шогирдларнинг ахлоқига зўр таъсири бўладур...

Б а й т

Минбар узра жинва айлаб, ваъз этарлар, қилма,
деб,
Ўзларни хилватда кўрсанг, они қилмоқда-эмиш.
Ичма сув, дерлар биза олтун-кумуш асбобда —
Билсамиз мақсудлари қўлтуқга урмоқда эмиш.

ЯХШИ ХУЛҚЛАР

Бир қисми ўз нафсимизга, бир қисмини бир-биримизга қаршу ишлатмак учун керакли бўлгон яхши хулқлар: фатонат, диёнат, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, иштизом, миқёси нафс, виждон, ватанин суймак, ҳаққоният, назри ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, муносилик, садоқат, муҳаббат ва афвдур. Мана шу ёздиғимиз, яхши хулқлар ақл ва шаръи шарифга мувофиқ.. Эмди бу яхши хулқларни қўлга олмак учун ота-она, муал-

лим-устодларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулогин бирла тинглаб, донм хотирда тутмоқ, ахлоқин яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоқин бузуқ, ёмон кишилардан қочмак лозимдур...

Б а й т

Яхши бирла юрса ҳар ким, мақсудин ҳосил бўлур,
Юрса подонлар ила бир кун бориб қотил бўлур.
Қатталар қилгон насиҳатни кичиклар олмаса,
Оқибат хулқин бузуқ, бир беадаб жоҳил бўлур.

ФАТОНАТ

Фатонат ақл эгасин бўлув демақдур. Ақл инсонларнинг бирин комили, муршидин яғонасидур. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир. Инсон ақли ила... эътиқодини маҳкам қилур... Жағнобин ҳақ инсонини ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ҳайвонлар ўзларинга бўлақлар тарафидан келадургон зулм ва жағрларини шох, тиш, тумшук ва тирноқларин ила қайтарурлар. Лоқин инсон... ақл ва идроқин соясида ўзинга келадургон зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидагин ҳайвонларини, аспир қилуб, бўйнидан бойлаб, инларининг учини қўлларинга берган инсонларнинг ақлидур.

Илм инсонларнинг мадорин, ҳаётин, раҳбарин нажотидур. Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим. Ақлсиз кишилар на мактабга кирар ва на муаллимин билар...

Ҳукамолардан бирин: «Агар ақлинингни қўли нафсининг ишловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар парса кўн бўлса, баҳосин арзон бўлур. Ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур», демиш:

Ақлдек зебо сифатин кўрди ҳақ инсонга эб,
Оқил инсонлар билан берди жаҳон-оламга зеб.

Ақл нури бирла тўлди дунёга илму ҳунар,
Ақлсиз инсон қачон билгусидур нафъу зарар.

НАЗОФАТ

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмоқни айтилур.

Поклик зеҳн ва идрокнинг кенг ва ўткур қилур. Халқ орасида эътибор ва шуҳратга сабаб бўлур. Поклик ила ҳар хил касаллардан қутулуб, жонимизнинг қадрини билгон бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадур... Ирттиқ, эски кийимлар киймак айб эмас, янги кийимларни кир қилуб, ёғини чиқоруб юрмак зўр айб ва гуноҳдур. Чунки бу иш шариятга терс, тарбияти баданга зид... Ҳам бир йилга етадургон кийимлар олти ойга етмай қирқилуб тамом бўладур. Бу исроф мол қадрини билмасликдур. Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак. Балиқнинг ҳаёти сув ила ўлдиғи каби, инсоннинг саломатлиғи ҳаво иладур. Агар таи пок бўлуб, ювилуб турмаса, қулоқ кир бўлса эшитмагонини каби бадан ҳам ўзинга керак бўлгон ҳавонини ичига ололмас, ичидан рутубат ҳам кирдан ўтуб чиқиб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзлукдур. Агар кўзи кир олса, ун туруб сув ҳам ўтмас. Шунинг учун тамизн бўлмаган кишилар кўрқинч касалларга тезгина грифтор бўлурлар. Шодлиқлари гамда, олтундан қадран умрлари касалхоналарда ўтар. Мана шуларни риоя қилуб, шариятимиз бизга покликни фарз қилмишдур...

Халқи олам суйгусидур тозалик ва покни,
Поклик орттургусидур фаҳм ила идрокни.
Ҳар кишининг кўксига поклик нишонни бўлмаса,
Тозалик майдонидан қувғайлар ул бебокни.

...Шариат ҳам ақл юзаендан ялқовлик қилуб, иш-сиз, бекор юрмак дуруст эмасдур... Дангасалик ҳар вақт инсонни хор, тама балосига гирифтор қилур. Бир ишга машғул бўлгон кишилар вақтиниг қандай ўтганини билмас. Ялқов кишилар учун бир соат вақт ўткармак қиёматдан қийиндур. Ғайрат вужудимизга қувват, масъуд ва бахтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз саӢи қилуб, ўз кучимиз ила машаққатимизга керак бўлгон нарсаларни тонуб, бошқаларга муҳтож бўлмай, роҳат-роҳат яшамоқимиз лозимдур. Сиҳратимиз, саодатимиз, сарватимиз, қааноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, алҳосил, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлидур. Ҳаракатлик кишилар тезгина мақсудларига етулар. Ялқов кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлуб, хорликда қолурлар.

Киши ёш вақтида илм ва маърифат, ҳунар ва санъатга бўйин қўймаса, тараддуд қилмаса, албатта, қора ишчи бўлуб қолур. Шариатга терс, қонунига зид бўлмагон хизматларни қилмак айб эмасдур. Агар бунга ҳам бўйин қўймай, бу кўмурчилик, бу темурчилик — манга муносиб иш эмас, деб дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдур...

РИЁЗАТ

Риёзат деб савоб ишларини қилуб, гуноҳ ишлардан сақланмоқни айтадилур. Риёзат адабнинг кони, руҳнинг дармонидур. Инсонларни тўғри йўлга солуб, эгри йўлдан қайтаргувчи риёзатдур. Шул сабабли риёзат қилгувчилар оқил ва фозил бўлурлар...

Ялқовлик, кўп ухламак, ёмон одамлар ила юрмак, вақтин бекор ўткармак, айшу ишрат қилмак, кўп ошамак, фойдасиз сўзлар сўзламак, савоҳарларда, кўча-

ларда азиз умрини бўш ўткармак каби ишларининг ҳаммаси риёзатга зид, умрининг эғови, худонинг газабидур...

Афлотун ҳаким: «Мен риёзатдаги лаззатни ҳеч нарсада кўрмадим, зероки, вужудимнинг саломати, руҳимнинг саодатини риёзатда тондим. Шунинг учун риёзат айни саодатдур, чунки фикрнинг, тилнинг ислоҳи бадашнинг риёзатига боғлидур», демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Тан риёзатидан кўпроқ руҳ риёзати лозимдур. Мард киши ўзини риёзат ва адаб ила кўрсатсун. Инсон ила ҳайвон орасидаги фарқ ёлғуз маишатда эмас, яхши ахлоқ касб қилмоқдадур», демиш.

Риёзат мевасидур асли бодом,
Юзи—қаттиғ, ичидур—ишта инъом.
Кишин мақсудина элтар риёзат,
Риёзатсиз иш ўлғай бесаранжом.
Агар сабру риёзат чексанг, эй жон,
Пишиб олдингга тушгай меван хом.

ШИЖОАТ

Шижоат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилуру. Шажин киши ҳеч нарсадан қўрқмайдургон ботир ва юракли бўлуру. Саъй ва гайратнинг зидди дангаса ва ялқовлик ўлдинги каби, шижоатнинг зидди қўрқоқликдур. Қўрқоқ киши ўзининг соясидан ҳуркар, ҳеч бир иш қилишга юраги бўлмас. Кўп кишилар ваҳима ва қўрқоқлик орқасидан молларидан, жонларидан, ватачларидан айрилурулар. Шунинг учун ҳар ишда шижоатни қўлдан бермаслик лозимдур. Шижоат инсониятнинг соф ойинаси, иффат, гайрат, истиқомат каби яхши хулқларнинг нуронийсидур. Шижоатнинг ҳақиқати қалбнинг матонатиндан, руҳнинг саломатиндан иборатдур. Ҳозирги замонда ботирлик, бойликда қайси

давлат ва миллатнинг давлати бўлса, шул устун бўлмакдадир. Чунки ҳукумат учун, халқ учун ҳунар, ҳунар учун илм, илм учун оқча лозимдур.

Сарватли миллатлар миллиятларини йўқотмас, роҳат ва саодатда яшар. Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айландурдилар ва бу сояда бир-бирларига галаба ва рақобат қила бошладилар. Сеҳргар ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгарлик ила чолишқон Ёвропо, Африқо ва Осиёни ўзинга асир ва мусаххар қилмакдадур.

Бу замонда фил ила жанг айламак, эрлик эмас,
Эр ўшалдурким, тутар илму ҳунарининг ёқасин.
Бешлаб, ўилаб сўм топишса илм ила агёрлар,
Биз бўлуб ҳаммол, оладурмиш тийинлаб чоқасин.
Бошқалар санъат, тижорат-ла тараққий айласа,
Бизни эл тортар аёғдан ўлган отининг тоқасин.

ИЛМ

Илм деб ўқумак, ёзмакни, яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилуру. Илм дунёнинг иззати... Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилтур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъул бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз даррахт кабидур... Илмнинг фойдаси шу қадар кўпдирки, таъриф қилган бирла адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни илм жаҳолат қоронғулигидан қутқарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ямон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳибни қилтур...

Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маншатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охирагимиз илмга боғлиқдур...

Илм бир дарё, ичи тўлмуш дуру гавҳар билан,
Қиймату қадри қачон билгай ани жоҳил илан.

АҚСОМИ ИЛМ

...Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таълими ёшларнинг илм ва маърифатига, ҳунар ва санъатига боғлиқдур...

«Илм ўқумақ ҳар бир мўъминни эру хотунга фарздур», демишлар. Бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, қимирламаймиз. Бошқа миллатларнинг ўғуллари, қизлари кеча демай, кундуз демай, қиш демай, ёз демай илм йўлида жонларини фидо қилуб, қувушуб, югурушуб, кўзларимизни қамашдируб турган бир замонда бизлар ҳамон уйқудан, гафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз. Пайғамбарларимиз: «Олим бўл, илм талаб қилувчи бўл, ёки илмни эшитувчи бўл. Ҳеч бўлмаса, шуларга муҳаббат қилувчи бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўлурсан», демадиларму?

Топар илм ила одам ўғли камол,
Етурмас камола жамол ила мол.
Қерак ўртанур илм учун шамъдек,
Танумоқ худони илмсиз маҳол.
Талабгор ўлур илмга оқил киши,
Сотар илм бозори молга ҳалол.
Талаб айламақ фарздур бизга илм,
Бу амр узрадур эр-хотун, ёшу чол.

САБР

Сабр деб бошимизга келган бало-қазоларга чидамли бўлмакни айтилуру. Ҳар бир ишда сабр ва совуққон ила ҳаракат қилмак лозимдур... Инсон ҳар бир ишини сабр ва матонат ила юритса, мақсудига тинч ва роҳатда боруб етар, ҳамини саодатда яшар.

Секин боргон киши мақсуда етгай,
Шошуб бесабрлар каж йўлга кетгай.
Агар сабринг бўса нафсини ёлғиз,
Сани тавфиқ раббонига элтгай.

Нафсини сабр ила ром қилгон киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, гурурдан сақлар. Сабр бир шундай кучли нарсадирки, шаҳватни ифбатга, ғазабни инжоотга, шиддатни ҳилмага, катталикини тавозеъга, ёмонликини яхшиликка айлантурмакга қуввати етар. Шул хусусда сўйланмиш бир ҳадиси шарифнинг маъноси — «Илм — имонли кишиларнинг муҳибби, ҳилм — ҳомийси, ақл — далили, яхши амал — сармояси, мулоимат — волиди, афв — ахви, сабр — ҳокими виждонидур» — дейилмиш. Араблар «Ас-сабр муфтоҳал-фараҳ — сабр шодлиғнинг калидидур», дейурлар.

Сабр ила ҳар мушкул иш зойил ўлур,
Сабр эдан мақсудини нойил ўлур.
Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил,
Нафе куйиша юруб сонл бўлур.
Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар,
Сабренлар ўз оёғидан йитар.

ҲИЛМ

Ҳилм деб бўлар-бўлмас ишга аччиғланайдургон, арслон юракли, юмшоқ табнатли бўлмоқни айтилуру.

Ҳилм инсонларнинг табиатидан хусумат, адоват, ғазаб, ҳиддат каби ёмон хулқларни йўл қиладургон ҳар кимча мақбул бир сифатдур.

Ҳилм илми ахлоқ юзасидан инсонга энг керакли нарсадур.

Нафсининг роҳати, қалбининг матонати, фикрининг саломати, виждонининг ҳаловати ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлур. Чунки ҳалим кишилар ҳар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомала қилмас. Фикри саломат кишиларининг қалби ҳалим, таъби карим ўлур. Зероки, вужудимиздан пайдо бўладургон афъол ва ҳарокатимизнинг манбаи ҳавас ва орзудур. Бу ҳавас ва орзуга фақат ҳилм ила ғолиб келурмиз. Ва бу васила ила тўғри йўлга кируб, яхши хулқ соҳиби... бўлурмиз. Дунёда чин инсон бўлмак учун ҳавасининг қўлига нафсининг жиловини бермайдургон, бўлар-бўлмас нарсалардан аччиғланмайдургон, совуққонли, юмшоқ табиатли, мулойим сўзли, ҳалим ва сабрли бўлмак лозимдур.

Зотига ҳилмияти мавсуф қилса, ҳар киши,
Икки оламда бўлур роҳат, ҳаловатда иши.

Суқрот ҳаким «Шиддат ила муомала қилган кишиларга ман виқор ва ҳалимлик ила муқобила қилтурман, чунки ҳалим шиддатни, хусумагни наст қилур. Лекин кишини ожиз ва хорлик даражасига тушурадургон ҳалимликдан ман безор», демиш. Бу сўзга қараганда саховатнинг ифроти исроф ўлдиги каби ўринсиз ерда ҳилм истеъмол қилмак инсоннинг виқор ва эътиборини поймол қилур. Шунинг учун ҳилмият худудидан чиқмай ғазаб, ҳиддат каби ерларда ҳилм истеъмол қилуб, нафсининг ҳароратини наст қилмолидур. Лекин тебса тебранмайдургон, туртса тингэтмайдиргон бўлуб, гайрат, шижоат ўринларига ҳам мулойимлик ишлатув

ҳалмлик ҳудудидан ошуб, бўшлик, анқовлик дуйёснга чиқмакдур. Бундай ҳалимликдан қочмак, ҳазар қилмак керак.

Ҳалимликни қилсанг агар ихтиёр,
Бўлур халқи олам санга дўст-ёр.
Бўлур мевалик шохнинг боши паст,
Ҳалим ўлғуси оқили ҳушёр.

ИНТИЗОМ

...Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини вақтида, низомдан чиқармай, тартиби ила юритмоқға боғлидур. Шогирдлар мактаб ва мадрасалардаги замонга мувофиқ равишда қурилмиш низом ва тартибларни риоя қилмаклари лозимдур. Чунки тартиб ва низомни риоя қилмагон кишиларнинг ишлари ҳамма вақт нотаом, ўзлари паришон бўлурлар. Аммо ишларини тартиб узра юриткон кишиларнинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўтқарурлар. Ҳозирги замонда бизнинг Туркистон бойларининг ишлари тўхтаб, синувларининг биринчи сабаби ишларини ахлоқсиз, билимсиз, мусриф, ялқов кишиларга топширувлари ила баробар ўзларининг замонга мувофиқ тартиб ва низомдан хабарсизликларининг емушидур...

Давлатнинг кони, манбаи,— тартиб-интизом,
Сарватнинг пайдори эрур иқтисоди том.
Муҳтожлик юзини кўрар деб гумон қилманг,
Тартиби бирла юрса кишининг иши мудом.

МИҚЕСИ НАФС

Миқёси нафс деб қиладургон амалларимизни, ишларимизни шарият, инсоният қонунига мувофиқ ўлуб-ўлмадигини виждонимиз ила ўлчаб кўрмакни айтилур.

Нафс ўлчови ҳақиқий бир ўлчовдирки, инсоннинг ўз нафсига лойиқ кўрмаган муомалани бошқалар ҳақида ижро этмоқга қўймас. Фикр эгалари, инсоф соҳиблари ҳар вақт нафс ўлчовидан ташқари ҳаракат қилмас. Агарда бир сабаб ила шарнат ҳукмидан, инсоният қонунидан чет кетса, бу қабоҳатини нафс ўлчови ила билуб, иккинчи мартаба қилмасга қасд ва ният қилуб, шарият низомидан, инсоният чизигидан чиқмасликга сазй ва ғайрат қилур.

Алҳосил, нафс ўлчови таърифдан ташқари инсонлар учун энг фойдали, ҳар кимча мақбул, буюк бир фазилатдур.

Буюк Искандар: «Дунёда энг ҳақиқий, тўғри ўлчов нафс ўлчовидирки, бу мезонда зарра нуқсон йўқдур», демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Инсоннинг фазлу камолининг ўлчови нафсининг ўлчови ила ўлчанур», демиш.

Дунёда ҳар нарсанинг махсус ўлчови бўлар,
Банда афъолини виждони ила тортиб кўрар,
Бир ишинга вазнда келса огир, ўз нафсига,
Ул ишинг қандоқ бўлакларга раво, лойиқ кўрар.

ВИЖДОН

Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладургон ҳиссиёт, яъни сезув туймакдан иборат маънавий қувватни айтилуру. Биз ҳар вақт афъол ва ҳаракотимизнинг яхши ва ёмонлигини, фойда ва зарарлигини онжақ виждонимиз ила билурмиз. Виждон инсоннинг ақл ва фикрини ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб билмак ила баробар, бошқаларнинг ҳам афъол ва ҳаракотини сезур. Агар ишлагон иши шарият, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қилур. Қабоҳат ва ёмон ишларни қилса, нафрат қилур...

Виждон яхши хулқларнинг манбаи ўлдиғиндан виждон соҳиблари ҳар бир ишни беғараз, ҳолис ният ила ишлар. Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суюкли бўлур.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида, ният ва амалларида, дўст ва ошнолиқларида ёширин бир ғаразлари ўлдиғиндан ҳар вақт ҳасрат ва надомат чекуб, виждон азобига гирифтор бўлурлар.

Ҳар бир инсоннинг ҳақиқий фоили виждонидур,
Меваси яхши амалдур, ҳосили виждонидур...

Алҳосил, виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракатининг кўрсатадургон мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгига чин назар қилгон киши ўз айбу камчиликларини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айб ва қусурларини охтармоқга вақти бўлмас...

Арасту ҳаким: «Руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз, фикримизга қувват бергувчи бир воситаи идрокия», деюр. Яъни, ҳиссиётимизнинг руҳимизга таъсир эттирғувчи бир робитаи электриқиясидур, демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Виждон руҳ ва фикримизнинг туйғун қилмакга биринчи воситадур», демиш.

Соф виждон каби ҳеч қомила мезон ўлмаз,
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмаз.
Шод-масрур ўлур инсоф ила виждонли киши,
Кимки виждонсиз эса, тўғри, чин инсон ўлмаз.

ВАТАННИ СУЙМАК

Ҳар бир кишининг туғулуб ўскон шаҳр ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилгон, ўскон ерини жонидан ортиқ сўяр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-

роҳат яшамас. Майшати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

Виз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиғ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар сўймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб, ҳижрат қилурлар эди.

Боболаримиз: «Қиши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», демишлар.

Мен айблик эмас, эй Ватаним, тоғларим,
Бевақт ташаб кетдим, аё, боғларим.
Ҳижрон қилодур мени жудолиғ,
Дўнди ғамга рўзу шаб чоғларим.

Ҳамага маълумдирки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб, ҳижрат қилгон ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларнинг тортуб кетургон қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру муҳаббатидур...

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банго на ғам қолур, авлодима ўю ватаним,
Губора дўнса ғамим, йўқ вужуди зери ваҳм,
Чароки, ўз ватаним хокндур гўру кафаним.
Туғуб ўсон ерим ушбу ватан, вужудим хок,
Ўлурса, аслина рожеъ ўлурми ман ғамнок?!

ҲАҚҚОНИЯТ

Ҳаққоният деб ишда тўғрилиқ, сўзда ростликни ай-тилур. Ишсон бўстони саломатга, гулзори саодатга

ҳаққоният йўли ила чиқар. Инсониятнинг илдири ўлап
рахмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаққониятдур...

Ақл эгалари, виждон соҳиблари ҳар вақт кўрган, қилгон ва билгонларининг ҳақиқатини ва тўғрисиини сўзларлар. Ишда тўғрилиқ, биронинг нафсига, молига хиёнат қилмов, сўзда тўғрилиқ ҳар вақт рост сўзламакликдур.

Ростлиғ ҳақнинг ризосини топар,
Тўғри йўлда йўқ бўлурму ҳеч чопар?
Ҳақшунос ўлмоқ шарофатдур жаҳонда одама,
Ҳақни изҳор айламак, бирла кўрук вер олама.
Ярашур инсона сидқу тўғрилиқ гар кўрса гирҳ,
Тўғрининг ёрдамчисидур ҳақ таолло, ғам ема.
Тўғриларнинг маскани фирдавс айвонидадур,
Эгрилар икки жаҳонда ғам-алам конидадур.

НАЗАРИ ИБРАТ

Назари ибрат деб ҳар бир нарсага синчиклаб боқуб, шундан ўзига бир ҳисса-ибрат олмоқни айтилар.

Хулқларнинг энг афзали, инсонлар учун энг кераклиси назари ибратдур. Инсон ибрат назари ила боқуб, дунё китобиндан ўз қадр-ҳиссасини билуб олмаги лозимдур. Маърифат соҳиби бўлмак учун аҳволи оламдан хабардор бўлмак керак. Шунинг учун ақл соҳиблари, фатонат эгалари ўзларига фойдаси бўлса-бўлмаса синчиклаб қарагон нарсаларидан бир ҳисса олмай қўймаслар. Ҳозирги замондаги тараққий қилгон миллатларнинг ҳунар ва санъатларининг борчаси илм ва назари ибрат соясида намоён ўлуб, оламни мунаввар ва мусаххар қилмишлар...

Ибрат кўзларининг нардаси очилмагон кишилар дунё китобида ёзилгон ҳақиқатни кўролмаслар. Қонот каби мукамал бир саҳнаи ибратдан фойдалана

олмаган киши, ҳеч бир муаллими ҳикматдан баҳраманд бўлолмас, демишлар.

Бир кўр Ҳазрати Луқмоннинг олдиларига келуб, «Агар кўзини очсангиз, ман сизга қул бўлурман», демиш. Ҳаким кўрнинг маърифат соҳибни экони билуб, «Жоним, кўзингни пардасини очмоқ мумкин, лекин назари ибратни очмоқ қўлимдан келмайдур», демишлар. Кўр: Ё Луқмон! Сизнинг шуқратингиз фақат парда очмоқдан ибрат бўлса, сизни ҳаким демай, табиб демак лозим экан», деб Ҳазрати Луқмоннинг ибрат кўзини очмишдур.

Оч кўзларингни, бас бу қадар ғафлат, эй кўзим,
Умринг ғанимат, оч назари ибрат, эй кўзим!
Ибрат кўзингни очмасанг, атрофинга боқуб,
Бир-бир кетар қўлингдан учиб давлат, эй, кўзим!

Мол ўлса, барча ҳамдам, ёр, биродаринг,
Қочгай уруғларинг йўқ эса сарват, эй кўзим!
Ҳосил, замонда илм ила давлатда эътибор,
Сармояи саодат ҳар миллат, эй кўзим.

ИФФАТ

Иффат деб нафсимизни гуноҳ ва бузуқ ишлардан сақламоқни айтилуру. Бизларни гуноҳ ва маъсиятдан сақлагувчи, ҳаром-ҳаришдан нафсимизни асрагувчи фақат иффатимиздур.

Ахлоқ соҳибни, иффат эгаси қалбини, виждонини поклаб, тилини ёлғон, ғийбат, бўҳтон ва моляъни каби ёмон сўзлардан сақлар. Чунки инсонга иффатидан кўброқ тил иффати лозимдур. Бошимизга келатургон кулфат ва заҳматларнинг аксари ёмон тилимиздан, андозадан ортуқ сўйлагонимиздан келур.

Ўйламай сўйлагон оғримай ўлар,
Фикр ила сўйлагон йиғламай кулар.

Иффат эрлардан кўпроқ хотунлар учун олмосдан қиммат, инжудан қадрли зийнат ва фазилатдур.

Иффатли киши ҳар вақт назари ибрат ила ҳаракат қилур. Кеча ва кундуз фикри-зикри ватандошларига, қариндошларига яхшилик, хайрихоҳликдан иборат бўлур. Сўзида, феълида содиқ бўлуб, виждонига терс, инсониятга келишмагон муомаладан ҳазар қилур...

Ҳазрати Луқмон «Иффат номуснинг энг маҳкам суянчиғидур. Нафсининг ҳужумига шул қувват ила муқобала қилинур», демишлар.

Афлотун ҳаким: «Иффат хотундан кўпроқ эрларга ярашадургон бир сифатдур. Хотун иффати адаб ва номусини сақловдур. Эрларнинг иффати бутун инсоният адабларига шомилдур. Иффатсиз инсон яланғоч жасад кабидур», демишлар.

Зотимга зийнат ўлан иффатни дилда сақлагил,
Шаҳвати нафсинг сани бўлғусидур ақлингга қул.
Ҳар кишининг дунёда йиртилса иффат пардаси,
Нафси шайтондек ани бир кун солур бўйинга ғул.

ҲАЁ

Ҳаё деб ишда, сўзда адабни риоя қилмакни айтилур. Ҳаё дилни равшан қиладургон бир нурдурки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождур. Шариат буюрмагон, одамлар суймагон ишларини ишламак — ғийбат, ҳажв, масхара, сафсата, сўкув каби одамларнинг нафсига, иффатига тегадургон адабсиз сўзларни сўзламак зўр ҳаёсизликдур. Иффатнинг пардаси, виждонининг ниқоби — ҳаёдур.

Шунинг учун ҳар бир ҳаракотимизда, сўзимизда ҳаёни қўлдан бермаслик лозимдур. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас ва бу чодир шундай муборакдурки, онча-мунча саҳв-хатоларни беркитуб, йўқ қилур.

Ибн Сино ҳаким: «Инсонда доим турадургон ҳусн ва латофат ҳаё ила иффатдур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабудур», демиш. Муҳидинг: «Инсоннинг суратидаги қизиллик секин-секин кетар, ҳаё қизиллиги асло кетмас. Ёшлик ҳуснининг қизил ранги ҳаё ила зийнат, латофатга эга бўлурлар», демишлар.

Ҳаё номусу имона далилдур,
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.
Уёлма маърифат ҳосил қилувдан,
Маорифсиз кишилар мурда дилдур.

ИДРОК ВА ЗАКО

Идрок ва зако деб очуқ фикрли, хуштабиат, зийрак бўлмакни айтилар. Идрок ва зако яхши хулқларнинг раъзи ризвони, ибрат кўзларининг нури раҳмонийсидур.

Чунки идрокли кишилар ҳар бир мақсадининг остида ёширин ўлгон замирларининг маънолари на ердан бориб чиқишини билур. Илму маърифат соҳиби бўлмак учун саъй ва ғайрат керак ўлдиги каби зеҳн ва идрокнинг ҳам саломат бўлмоғи шартдур. Шунинг учун ёшликдан бошлаб зеҳн ва идрокимизни қувватландурмак учун азиз умримизни ўйин-кулги, сафсата, моляъни каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, газета ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватландурмак лозимдур. Зеҳнсиз кишиларнинг ўлчовсиз сўзлари ўзларининг уялтиргони каби эшитувчининг ҳам зериктирур.

Ҳар кишининг фикр, идрокин сўзи билдурғуси,
Пистаи бемағз агар лаб очса, расво бўлғуси.

Идрок соҳиби ўзини фозил ва улўғ билуб, ҳамжинсларига ҳақорат кўз ила боқуб: «Биласанми? Ман қандай бой ва обрўли кишиман», деб мақтануб, ўзини катта қилуб кўрсатмас. Устига юклангон диний, миллий ва маиший вазифаларининг ҳар бирини ўз вақтида адо қилур. Мана шундай кишилар икки дунёда обрўлик бўлуб, ўлгонларидан сўнг «фалони хўб яхши зот эди, худо раҳмат қилсун, миллатга кўп хизмат қилди, халқга фойда еткурди», деб бошқалар тарафидан мақталурлар.

Ҳушёр ва зийрак кишилар куч ва қувватлари бор вақтида келадургон замонларни тушунуб, пул ва молларини ўринсиз ерларга тўй ва маъракаларга ҳаддан ортиқча исроф қилмаслар. Ўзларининг роҳати, болачақаларининг саодати учун керак бўладургон ер ва боғларини сотмаслар.

Замонага мувофиқ киши қилмак учун болаларини ўқитмак ва тарбия қилмак тўғрисида оқчаларини асло қизғонмаслар.

Идрок ила ақлинг-ла аюр яхши-ёмонни,
Беҳудага сарф этма шу қимматли замонни.
Саъй эт, жадал эт, илму фунуна ҳаракат қил,
Боқ, найладилар ҳикмат ила ушбу жаҳонни.

ҲИФЗИ ЛИСОН

Ҳифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тил ва адабиётининг сақламагини айтилуру. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадургон оинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур. Ҳайҳот, биз туркистонлилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-

кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиз. Дуруст, бизларга ҳукуматимиз бўлгон рус лисонин билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур. Зигир ёки солуб, мошкичирн каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак, тилнинг руҳини бузадур. Ёҳу, бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук! Яхши қўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир, демишлар. Боболаримизга етушгон ва ярагон муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва охтарсак, йўқолганларини ҳам топармиз. Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди, деб Ёвропо қалпоғини киюб, кулги бўлмак зўр айб ва уётдир...

Эй она тил, азиз қадрдоним,
Илтифоти руҳим, раҳмоним.
Туғдигим кундан айладинг улфат,
Ўлгунча айилма, эй жоним.
Менга илму адаб сан ўргатдинг,
Чин адиб, муаллимим, шоним.
Миллатинг руҳини кўтаргувчи сан,
Энг муқаддас карамли султоним.

Умумий миллий тилни сақламак ила баробар хусусий, оғиз орасидаги тилни ҳам сақламак лозимдур. Чунки сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадургон тарозусидур. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қийматини сўзлагон сўздан билурлар. «Қуруқ сўз қулоққа ёқмас», демишлар.

Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлуб, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқадаургон бўлмаса, асал арилари оросида гунгурлаб юрган қовоқари каби қу-

руқ ғуигурламоқ фақат бош оғриғидан бошқа бир нарса эмасдур. Бошимизга келадургон қаттиғ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун «Кўп ўйла, оз сўйла» демишлар.

Тилларнинг энг яхшиси — сўзга уста тил, сўзларнинг энг яхшиси — билуб, охирини ўйлаб сўзлагон сўздур.

Гўзаллик юзда эрмас, эй биродар,
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.
Сўзинг оз бўлсуну маъноли бўлсун,
Эшитгонлар қулоғи дурга тўлсун.
Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
Миси чиқгай сўзинг кўп бўлса, бир кун.
Қўпайган сўзнинг бўлгай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидан ози бўлур соз.

ИҚТИСОД

Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилар. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг энди бахиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг энди исрофдир...

Арилар қиш кунда емак учун бол йиғонидек, (одамлар) бошларига келадургон қора кунларни ўйлаб, оқ пул йиғурлар. «Тома-тома кўл бўлур», демишлар. Ҳар нарса оздан кўпаюр.

Кўпни озайтурғучи хотун киши,
Озни кўпайтурмак эрур эр иши.

Ҳозирги замонда мақсудга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халқга мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳама миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойлиқлари ила ўлчанадур. Ҳар ерда

бой миллатлар огир келуб, паллани босуб, хўжа ўлгонидек, фақирлари енгил келуб, қул ва асир бўлуб, осиблиб қоладур. Мол топмакнинг энг баракатли йўллари: экинчилик, ҳунарчилик, чорвачилик, савдогарликдур. Буларнинг ҳар бирнга ҳам бу замонамизда билим лозимдур. Боболаримизнинг «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «Билгон битар, билмагон йнтар» замони келди. Америкалилар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар. Еврполилар ўзимиздан олгон беш тийинлик пахтамизни кетуруб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар! Аммо биз осиелилар, хусусан туркистонлилар думба сотуб, чандир чайнаймиз. Қаймоқ беруб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз! Сўзнинг қисқаси, қозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас гайрат лозимдур...

Халқ ичипда мўътабар бир нарса йўқ давлат каби,
Бўлмагай давлат жаҳонда қуввату сиҳҳат каби.
Иқтисод, инсоф эйнатдур вужуди одама,
Яхши неъмат йўқ кишига саъй ила гайрат каби.

ВИҚОР

Виқор деб кибр ва гурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламакни айтилар. Виқор шаръ ва ҳикмат юзасидан инсон учун энг керакли яхши хулқларининг биридур. Виқорсиз одам эътиборсиз бойга, кибрли киши иллатлик фақирга ўхшайдур. Ҳар кимнинг қадри эътибори нафсининг виқори ила ўлчанадур. Вуқур кишилар кибр ва гуруга асло яқин юрмаслар. Чунки гурур, манманлик, такаббурлик кишини хор, халқ орасида беэътибор қилур. Ҳар қанча илм ва давлат соҳиби бўлса, ҳам, бир пулча қадр ва қиммати бўлмас. Мани билурсанми? Мундай қилурман, ундай са-

ховат қилурман деб ўзининг ўзи мақтамоқлик, риёкорлик зўр айб ва виқорсизлпкдур.

Виқорлик киши ёмон хулқлардан пок, адолатлик, ишида, сўзида тўғри, шафқат ва марҳаматли, ўз диндошларига хайрихоҳ, миллат фойдасига тиришувчи, соф қалбли, арслон юракли бўлур... Вуқур киши кибр ва ғурурдан пок бўлур. Виқор одамгарчиликнинг мадори, ифтихори, инсониятнинг ҳомийи эътиборидур. Лекин виқорнинг ҳақиқий даражасига етмак учун илм ва маърифат лозимдур...

Афсус, бу замонда бизим эътибор йўқ,
Ёшу қарида ғайрату номусу ор йўқ.
Фисқу фужур ила гирифтор барча жон,
Илму амалда бизда сабот, виқор йўқ.
Ўтмакда умр ҳою ҳавас бирла барҳапо.
Миллат ғамини ўйлағучи ҳушёр йўқ.

ХАВФ ВА РАЖО

Хавф ва ражо деб қўрқоқ ва умидвор бўлмоқни айтилур... Хавф ва ражо шундай бир яхши сифатдурки, бу хислатни ўзига ҳамроҳ қилгон киши энг фозил, ҳеч нарсадан қўрқмайдургон шер табиатли, арслон юракли бўлур...

Дунёда умиддан яхши нарса йўқдур. Ҳамма инсонлар умид орқасидан яшарлар. Ноумид шайтондур, умидсиз кун кечурмак мумкин эмасдур. Бойлар мол умидида, шогирдлар илм умидида кеча-кундуз тиришурлар. Агар бойлик, олимлик умиди бўлмаса эди, кеча-кундуз жонларини фидо қилуб, кўзларининг нурларини умид орқасида тўкмас эдилар.

Умид гар ўлмасайди, ҳеч ҳаётга қиймат ўлмазди,
Низому интизому тарбият ҳам давлат ўлмазди.

Жаҳон айвони бўйла зийнаторо бўлмағай эрди,
Ҳукумат, тахту бахту, саъйи бирлан(роҳат)
ўлмазди.

ИТОАТ

Итоат деб бўйинсуумакни айтилдур... Ота-она, устод, муаллим каби ўзидан улғу кишиларга бўйсунуб итоат қилмак энг яхши сифатлардандур. Бу сифатга эга бўлмак учун ҳар вақт буларнинг фойдалиқ кенгаши ва насиҳатларини тинглаб буйруқларини маҳкам тутмак лозимдур. Чунки онлар дунёга биздан илғари келганлар, биздан кўброқ тажриба ҳосил қилгонлар, ватан ва миллатнинг ҳолига ошно бўлгонлар. Табиблар дардларга даво ҳозирлагондек, булар ҳам турмуш ва яшамакнинг офати бўлгон фақирлик, ялқовлик, нодонлик каби вужудимизни чуритадургон маразларга даво ҳозирлагонлар. Шунинг учун бизга холисона, беғараз насиҳатлари ҳозирда оғир ва аччиғ кўринса ҳам охири роҳат ва тотли бўлуб чиқар.

Насиҳат бўлса холи гар ғараздан,
Ачиғ дору каби сақлар мараздан.
Биза лозим эрур билмоқ, эшитмоқ,
Зиёндин бошқа бир шай йўқ ғараздан.

ҲАҚШУНОСЛИК

Ҳақшунослик деб бир кишининг қилгон яхшилигини унутмасликни айтилдур. Бутун оламдаги инсонлар ҳақшунослик ва дўстлик орқасида яшарлар... Яхшилик қилгон кишига яхшилик қилмоқ вожибдур. Қарс икки қўлдан чиқар. Шариятда яхшилик қилгон кишига яхшилик қилмак лозимдур, дерлар. Ҳосил, яхшиликдан зарар кўргон, боши ёрилгон киши йўқдур.

Яхшиликдан дўстлик, меҳрибонлик туғар, икки кўнгил оросида улфат ва муҳаббат чўжуқларни югуришур, қувушурлар. Бу дўстлиқнинг жамол ва камолни ҳақшунос-

ликдирки, бировдан кўргон яхшиликин унутмай, шунинг баробарига биз ҳам ўз вазифамизни адо қилмак лозим экан, ҳеч бўлмаса, тақдир қилмак ила биродарлик ва дўстлик ҳурматини адо қилмагимиз лозимдур...

Дилдан дил узра очиладур икки хил йўли,
Меҳра меҳр йўли очилур, кина кин йўли.

Маълумдирки, ҳар бир миллатни тараққий ва таолийси ўз миллатига жон, мол, қалам ила ишлагон кишиларнинг хизматларини тақдир қилуб, вазифалар, ҳайкаллар, қаламлар ила ёд қилуб, ўтуб кетгон баҳодир, олим ва шоирларнинг руҳларини шод қилуб, ишловчи кишиларнинг ғайрат ва жасоратларини зиёда қилмакда экан, афсус, бизлар тақдир қилмак бир тарафда турсун, таҳқир, масхара, ҳатто такфир қилмак ила қаршу олурмиз.

Яхши ишдур ҳақни тақдир айламак ҳар хизмата,
Ҳақшунос ўлмак ҳақиқий бир қувватдур миллата...

ХАИРИХОҲЛИК

Хайрихоҳлик деб нима ила бўлса бўлсун, бир-биримизга фойда еткурмакни айтилар... Хайрихоҳлик бир-биримизга қарши ишлатиладургон бир вазифаи инсониядурки, киши ўз нафсига лойиқ кўрмагон бир ишни бошқа бир кишига муносиб кўрмасдан эгри йўллардан, ёмон ишлардан куч етганича қайтармак ва ёрдам қилмак лозимдур... Ер юзидаги инсонлар замонанинг қургон низом ва қонуни узра бири иккинчисининг ёрдами ила умр ўткарур. Бир киши ҳар қанча бой ва эътиборли бўлса ҳам, ҳеч вақт муҳтожлик балосидан қутул олмас...

Ҳаммолинг оғир бўлса юки, меҳнати ортур,
Ҳар кимки улуг бўлса, бўлур кулфати осон.

Бой фақирга, фақир бойга, муаллим шогирдга, шогирд муаллимга, ота-она фарзандга, фарзанд ота-онага муҳтождур. Шунинг учун ҳар ким ўз устига юкланган вазифасини тўғрилиқ ва хайрихоҳлик ила адо қилмаги лозимдур...

Хайрихоҳлик холисона бўлмаса бекордур,

Манфаат йўқ айлаган назру ниёзингдан сани.

Бир хўнгилни шод қилмак неъмат и эҳсон ила,

Яхшидур ҳар дамда минг рақъат намозингдан сани.

МУНИСЛИК

Мунислик деб ҳар ким ўз тенги, маслакдошини то-пуб, улфат бўлмакни айтилар. Дунёнинг лаззати содиқ дўстлар ила суҳбат қилмакдан иборатдур.

Илми ахлоқ юзасидан чин дўст ва ёри содиқ ила улфат қилмак лозимдур. Чунки баъзи касалларнинг юқиши бўлганига ўхшаш нодон ва аҳмоқ кишиларнинг урфу одатлари ва ёмон хулқларининг таъсири, сирояти юқиши муқаррардур. Баъзи дўст суратида кўринмиш иккиюзлама, мунофиқ, душманлар ҳам кўп бўлурлар. Шунинг учун ҳар бир кишига синамасдан, билмасдан дўстлик қилмак, сир айтмак зўр ақлсизликдур. Чин дўст бўлгон киши бошингга кулфат ва қайғу келган вақтларда сан билан баробар қайғурур, хотирангдаги қайғуни бўлушуб олур. Сирингни ноаҳил ва нодон кишиларга айтмас, айбингни орқангдан сўйламасдан юзингга айтур. Шодлик вақтингда сан ила баробар шодланур. Ёлғон дўст сандан бир фойда умидида ёки ўз бошига келган зарарни қайтармак учун мунофиқона дўстлик қилур. Сирингни ноаҳил кишиларга сўзлаб, қадру эътиборингни поймол қилур. Бундай кишиларга дўст бўлмакдан дўстсиз (ўтмоқ) яхшироқдур.

Яхши дўст айби ёр-дўстини,
Қўзгудек рўбарўсида сўзлар.
Ёмон ўртоғ тароғча минг тил ила
Орқадан бирмалаб териб сўзлар.

САДОҚАТ

Садоқат деб киши ўз вазифасини тўғрилиқ ила ишламакни айтилуру. Содиқ киши.. миллатига, ватанга ва давлатига тўғрилиқ ила хизмат қилуб, обрў ва мукофотлар олур. Садоқат гулшани саломат, бўстони нажотдур. Садафдан инжу, илондан заҳар ҳосил бўлдуғи каби, ростликдан фойда, хиёнатдан зарар ҳосил бўлуру...

Тўғрилиқдан йўқолган киши йўқ, хиёнатдан йўқолганлар чўқдур. Ростлик ила хиёнат иккиси жам келмас.

Агар бир кишининг дилига тўғрилиқ тухми экилса, ҳар қанча оч ва сувсиз бўлса ҳам тўғрилиқ ўсар. Хиёнат кўкармас. Ахлоқ юзасидан тўғри фақир, ёлғончи бойдан эътиборлидур. Чунки содиқ киши аҳдиға вафо қилур. Ёлғончи эса ваъдасида турмай, ўзини хижолат, бошқаларни свора қилур.

Садоқат бир файзи маънавийдурки, у файздан ҳисасни олмак ҳар бир кишининг муқаддас вазифасидур... Агарчи ҳалокат каби кўринса ҳам, нажот тўғрилиқдадур. Ҳар қанча нажот каби кўринса ҳам ёлғондан сақланингиз, зероки оқибати ҳалокатдур...

Сидқу сафойи ростлиғ ўлса қаробатинг,
Шулдур жаҳонда роҳат, файз саодатинг.
Оламда тўғрилиқча йўқ одамнинг зийнати,
Қалбинг алифдек ўлдим, айни шарофатинг.

АДОЛАТ

Адолат деб бошқаларнинг мол ва номусини риоя қилмакни айтилуру.

Адолат яхши хулқларнинг фойли, зулмининг муқобилидур. Адолат ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмагон бир ишни ўзгаларга раво кўрмас. Киши адолат ва инсоният вазифасини ёлғуз ўзи бузуқ ишлардан сақланмак ила адо қилолмас. Балки, ўзи билан баробар жинсдошларнинг хато ва фанолиқларини тутатмак ва яхши йўлга саъй қилмак ила адо қила билур. Адолатни риоя қилгон кишилар ҳеч бир кишига жабру зулми хоҳламас ва жонлик нарсаларга бекорга озор бермас. Ақл ва шарнатга мувофиқ равишда ҳаракат қилур. Жабру зулм ила бошқаларнинг дилни озор қилгон кишиларнинг ёқаларни жазо қўлидан қутулолмас...

Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси, давлат ва ҳукуматларининг узун яшамоғи адолатга боғлидир. Адолатдан айрилгон подшоҳларнинг давлатлари йўқ бўлуб, тарих саҳифаларида фақат исмлари қолгонлиги ҳаммага билгулидур.

Адл ўлса подшоҳинг, оёқ остида палос,
Бошингда бўлғусидур онинг тожи барқарор.
Голиб бўлурга чиқса агар енгидан қўли,
Бўлғой насиб гарданига ҳийладан тумор.

МУҲАББАТ

Муҳаббат деб бир нарсани суймакни айтилар. Дунёдаги инсонлар меҳр ва муҳаббат соясида яшарлар. Ҳар бир ишни муҳаббат орқасида ишларлар. Муҳаббатсиз киши ҳеч бир ишни ишламакга ғайрат ва жасорат қилолмас, дунё неъматидан лаззат ололмас. Агар бир шогирд илм ва муаллимни суймаса, иштаҳо ила ўқумаса, мақсудга етолмас. Ер юзидаги инсонларни урушма-талошмаларга қовушдургон, сийналарини душман ўқиға иншоно қилдургон нарса.. миллатларининг, ватан ва давлатларнинг муҳаббатидур. Кишининг кеча ва кундүз тиндурмасдан қул каби меҳ-

пат ва машаққатларга кўкрак беруб ишлатадургон
нарсa вaтaн вa бoлa-чaқaлaршнннг мeҳру мұхaббaтн
эмaсмн? Қуш яхшн кўргон дoнaснгa қнзнқуб, тузoқгa
нлнннб қoлғoнн кaбн, ннсoн суюкaн нaрсaснгa бoйлa-
нуб, aснр бўлуб қoлмoғн тaбнннйдур...

Мұхaббaтлнк бaқoрнннг куз ҳусулн ҳeч oз ўлмaс,
Мұхaббaтснз кншннннг кўнғлн қншдур, aслo ёз
ўлмaс.

Суюб нлму фунун тaҳснл oдaн учғай ҳaвoлaргa,
Қaю бaхтн қaрo жoқнл қoлур, дaстн дaрoз ўлмaс.

ОЛИҲИММАТ

...Ҳнммaт шундaй бнр oлнжaнoб фaзнлaтдуркн, нн-
соннaтнннг кoнн яхшн хулқлaрннннг пoсбoнн дeмaк
жoнздур. Ҳнммaт соҳнблaрн кaрнмснфaтлнк, рaҳнмтa-
бнaтлнк бўлур. Ўз жннсннннг aвлoдндaн ҳaр вaқт ёр-
дaмннн aямaс. Хaйру сaхoвaтлнк ншлaрдaн ўзнн тoрт-
мaс. Пул вa мoлннн мнллaт йўлдa сaрф этмaкдaн
қнзғoнмaс. Олнҳнммaт кншн сoясн лaтнф, мeвaсн лa-
знз дaрaхт кaбндуркн, бу сoягa яқнн бўлгoн кншплaр
ҳaр вaқт фoйдaлaнурлaр.

Ҳнммaтлнк ннсoн лутфу мaрҳaмaтн нлa дунё юзндa
жнлвaгaр ўлур. Олaмнннг рaвшaн қнлғувчн-гунaшнннг
қуввaт вa фaйзнгa зaрaр eтмaғoнн кaбн ҳнммaт
aрбoбннннг ҳaм сaрф вa хaрaжaт нлa шaън вa мoлнгa
зaррaчa хaлaл eтмaс. Ннсoннннг мoҳнaтн внждoнндaн
бнлннур. Внждoн эсa фaқaт oлнҳнммaт кншнлaрдaн
тoпнлур. Алҳoснл, ҳнммaт ннсoннннг кaмoлoтн, тaрaқ-
қнй вa мaдaннaтннннг oлoтндур. Ҳaр нш ҳнммaт сoя-
сндa юзaгa чнқaр. Олнйҳнммaт вa хoлнс ннaт нлa
нш ншлaғoн кншнлaр тaвфнқн рaббoннгa рaфнқ, рaҳ-
мaтн рaҳмoннгa шaфнъ бўлурлaр.

Нўшнрaвoн: «Ннсoн oлнҳнммaт вaзнфaсн нлa мукaл-
лнфдур. Олнжaнoб ўлaн бнр ҳaкнм кўргaн бeмoрнн
дaвoйн ҳнммaт нлa дaрмoнлaюр. Жaҳoннннг кaсoб-
умрoшнннн oлнҳнммaтлaр сoясндaдур», дeмншлaр...

Журъат-ла музайян ўлур олам, яшар инсон,
Ҳимматли қўлинг суйғуси ҳар ерда харидор.

АФВ

Афв деб кечурмакни айтидур. Бир киши қилгон камчиликларини бўйнига олуб, ўқунуб, кечурмакни сўраса, афв қилмак лозимдур. Чунки афв яхши хулқларнинг афзали, инсониятнинг акмалидур... Олижаноб кишилар узрини қабул қилур. Бир киши қусур ва қабоҳатини бўйнига олуб узр этса, афв қилур, кечирур. Катталик ва улугликнинг лаззати бировдан ўч олмакда эмас, балки афв қилмакдадур. Масалан, Аҳмад Маҳмудга бир ёмон иш қилуб, дилини оғритди. Маҳмуд Аҳмаддан ўчини олди. Бас, Аҳмад ила Маҳмуднинг оросидаги ёмонликдаги фарқ на ўлди? Ҳолбуки ҳар иккиси ҳам бир-бирига ёмонлик қилди. Ҳар иккиси ҳам ғамлик ва паришон бўлди. Бир ёмонлик икки бўлди. Агарда Аҳмаднинг қабоҳатига Маҳмуд афв мукофотини берса, иккиси ҳам шоду масрур ўлур... эди. Нўширавон: «Бир гуноҳкорни афв қилмакдан қандай лаззат олганимни ҳеч кимга айтмайман», демиш.

Улуғларнинг иши афв айламакдур,
Кичиклар узр учун бел бойламакдур.
Бизим ишлар ҳасад, баъд аз хусумат
Ҳудуддан чиб-чиқуб чет пойламакдур.
Бутун афъолимиз бир-бирга зидлик,
Уруб, тортиб оғизни мойламакдур.

ЁМОН ХУЛҚЛАР

Инсонларнинг саодати абадиядан маҳрум қиладургон... халқ назарида мазмун, ҳаёти жовидонимиз учун маснун бўлгон ахлоқни замималар: ғазаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат, ҳамоқат, атолат, хасосат, раҳоват, аноният, адоват, наминат, ғийбат, ҳақорат, жибонат, ҳасад, нифоқ, тамаъ, зулмдур.

Бу санагон ёмон хулқларнинг фанолиқларини, юқорида санагон яхши хулқларнинг гўзаллигини инсоф мувозанаси ила ўлчаб, виждон муҳокамаси ила таҳқиқлаб, яхшиларини тинглаб амал қилмак, ёмонларини онглаб ҳазар қилмак лозимдур. Зероки инсоннинг иззати, дунёнинг лаззати яхши сўзларни эшитуб ва кўруб ҳисса олмак, ёмон ва зарарликларини ўқуб билуб ўзини тиймак, қўлдан келгунча халқ ва миллат фойдасига тиртишмак ва бу фано дунёдан яхшилик отини олуб кетмакдадур. Чунки ҳар нарсани ҳаддан ортуқчаси исрофдур. Лекин яхшилик ва яхши сифат қанча кўп бўлса, шунча мамдуҳ ва мақбулдур...

Яхшилик бозоридур доруламон,
Яхшилик қил, яхшилик қилмас зиён.
Мактаб, дунёда касб эт яхши хулқ,
Фарз, вожиб, суннат, истиҳбобдан бер имтиҳон.
Қилма макруҳу ҳаром, кибру ғурур манманлиғинг,
Чақма инсон жисмини ё мор, ё мисли чаён.
Яхшилик, адлу саҳоватлар санинг ёринг эса,
Ғибта айларлар санга инсу малак, ҳуру жиннон.

ҒАЗАБ

Ғазаб деб бир киши иккинчи ила шиддат ва ҳиддат ила муомала қилишмакни айтилар. Ғазаб инсонга махсус бир қувваи мудофаадурки, табиатда мавжуд ўлаи ғазаб туйғуси ила бошқалар тарафидан келадуригон зарар ва ҳалокатдан ўз нафсини фақат шу сояда сақлар. Лекин ғазабнинг жабр ва зулм тариқи-ла ишлатмакдан ниҳоятда эҳтиёт бўлмак лозимдур. Нафсининг ғуруридан пайдо бўлгон ғазаб инсоннинг аламлик азобларга гирифтор қиладур. Чунки бу шиддат ва ҳароратнинг таъсири вужуддаги қонни бузуб, ҳаракат қилдуруб, димоғига ҳужум қилуб, ақлни паришон қилур-да, кишининг ихтиёрини қўлидан олур. Бу сояда

Ўзини ёхуд бошқа бир кишини ҳасрат ва надоматга дучор қилур. Ғазаблик кишилар қанча ақл ва идрок соҳиби бўлса ҳам ғазаб қони қўзғолган замонда ўзини тўхтатолмас. Ақл ва идрокдан айрилуб, бир ёмон ишни қилуб қўяр-да, сўнгидан пушаймон бўлур. Суқрот ҳаким: «Ғазабнинг аввали жунун, охири надоматдур» демиш... Афлотун: «Ҳаяжон ила пайдо бўлгон бир ҳол, албатта, пушаймонлик ила тамом бўлур. Ғазаб, ғазаб қилинувчидан кўпроқ ғазаб қилувчига зарар қилур. Ақлни ғазабга солувчи инсон нафсини ҳароратлик ўтга ёқмиш ўлур. Надоматдан аввал матонатни ихтиёр қилувчилар ҳеч бир таҳлика ва азобга дучор ўлмаслар», демиш. Суютий: «Ғазаб ва шиддат вужуд иқлимининг даҳшатли бир офатидур. Бунинг дафъи ва чораси топилмаса, у иқлимни хароб қилур. Ғазаб бир иллати муҳликадурки, ягона давоси сабр ва таҳаммулдан иборатдур. Тадови этилмагон бир мараз инсоннинг ҳаётини маҳв ва барбод этар, ҳазар килмак лозимдур», демиш.

Ғазаблик бўлмағил, бўлғил мулойим,
Бўлурсан шоду хуррамликда дойим.
Ғазаб ўтдур, ёқодур жисму жонинг,
Ғазаб барбод этодур хонумонинг.
Ғазаблик ўтни бўш сув паст қилғой,
Ғазабни жинни ёки маст қилғой.

ШАҲВАТ

Шаҳват нафсининг таайю шиндан, тааддисиндап ҳосил бўладиргон бир қувватдур. Ҳикмати табиийя қонунининг аҳкоми азалиясида қараганда, ҳиссиёти шаҳвония бақойи ҳаётга маҳсус бир қувват фатриядур. Шаҳват инсоннинг ҳазинайи зар қиймати ўлдиғи учун сурати машруада сарф қилинса, вужуднинг закоти, балки бани башар наслнинг мадори ҳаётидур. Ҳар

ишда ифрот ва тафрит мақбул бўлмагани каби бу хусусда ҳам ҳасеблик ила исрофдан сақланмак лозимдур. Агар шаҳватни ғайри машруъ бир йўлда суниетемол қилинса, амонатга хиёнат қилингон бўладур. Зеро емак учун яратилган бир неъматнинг қадр ва қийматини билмасдан хорлаб, ўринсиз ерларга ташламоқ, оёқ ости қилмоқ зўр куфрони неъматдур. Яхши хулқларнинг ичида фаришталарнинг ғибта қиладургонлари шаҳватнинг машруъ ерларга сарф қилмакни риоятдан иборатдур. Шаҳват иinson учун яратилмиш бир салоҳдурки, агар ўрнига истемол қилинса, вужудимизни ҳар хил тааррузлардан сақлар. Ўринсиз ерларга сарф бўлса, иinsonнинг иффатини барбод қилмак ила баробар ҳаётини хароб қилур. Бир киши қўлидаги асбобига мағрур бўлуб, нобоб ерга урса, ул асбобини ўтмас қилғони каби, масъулиятдан нафсини ҳам қутқаролмас. Афсус, бизим ёшларимизнинг аксарлари шаҳват галабасила нафси аммораларина мубтало бўлуб, сифлис—захм маразларина гирифтор бўлурлар. Қанча меҳнат ва машаққат ила топкон олтинларини боқизмак учун сарф қилуб, олтиндан қадрли азиз умрларини касалхоналарда исроф қилурлар...

Агар шаҳватга дил берсанг, бўлур қалбинг қаро кам-кам, Кетар наслинг ўқи, бел қуввати, кўздан эиё кам-кам.

АҚСОМИ ЖАҲОЛАТ

Жаҳолат икки қисмдурки, бирининг жаҳли басит, иккинчисининг жаҳли мураккаб дейилур. Жаҳли басит маразига мубтало бўлгон кишилар бир нарсани билмасалар ҳам билмагонликларини иқрор ва эътироф қилурлар. Шунинг учун бунинг давоси осон: фақат билмак ва ўрганмак йўлида жаҳду жадал қилмак ила бўлур. Жаҳли мураккаб маразига мутбало бўлгон кишилар бир нарсани билмас, билмагонини ҳам билмасдан

биламан, деб даъво қилур. Бизда бундай кишиларга ўзбошиғмча ва ўзбилармон исмини берурлар...

ЖАҲОЛАТ

Жаҳолат деб ўкумагон, билимсиз, ҳеч нарсага тушунмайдургон нодонлиғни айтилар. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душманн ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур. Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолгон халқ жаҳолат панжаларинн оросида ҳамир каби эзилгондек, афъоли замимадан ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшатоилмас. Илм ва маърифат соҳиблари фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсанинг моҳиятини мушоҳада қилурга ақл ва фаросатлари етмас. Чунки жаҳл худбин ва зоҳирпарастдан нбо-ратдур. Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати ақлу урфон, илму дониш соҳибларина махсус бир мазийят, жоҳил ва нодонлара зўр азийятдур. Жаҳолат арбоби қаю ерда бўлса бўлсун, лойиқи эътибор ўлмак шарафиндан маҳрумдур. Моддий жиҳатдан қанча бой ва сарватдор бўлса, маънавий жиҳатдан шунча фақир ва залил ҳисобланур. Зероки, жаҳолат энг қўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур. Ақл ила илмнинг яхшилиғи ва фазилати қанча баланд бўлса, жаҳолатдан туғуладургон ёмонликлар балоларн шунча остин ва хорликдур...

Б а й т

Суймагай фазл эгаси жоҳилни,
Жоҳил аҳли улума душмандур.

Суқрот ҳаким: «Дунёда энг ҳазар қилшнадургон иллат жаҳлдур. Мен жоҳилга ачингонимдек, кўрга ачинмайман, зероки, жоҳилнинг ўз ихтиёри ила қилгон ҳаракати аъмонинг ихтиёрсиз қилгон ҳаракотидан ме-

нинг назаримда хунук», демиш. Араблар: «Ажжоҳилу маййитул-аҳё» — нодон киши тирик ўлук», деюрлар. Бизлар эса «Дўсти нодондан, душмани зийрак яхши», деймиз. Баъзи оқил душманлар бўлурки, кетургон зарарлари нодон дўстларининг фойдаларидан натижада яхши ва фойдалиқ бўлиб чиқадур.

Афлотун ҳаким: «Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан зарарлироқдур. Инсон энг юқишлиқ бир касалдан сақлангани каби жаҳлдан ҳазар қилмаги лозимдур», демиш.

Алҳосил, жаҳолат инсоният номина ярашмагон бир сифат ўлдиғиндан баҳарҳол илм йўлида ҳаракат қилмак, ақли салим соҳибларининг ҳикматли сўзларидан ҳиссаланмак, азиз жонимиздан азизроқ (авлодларимизни) жаҳолат ва нодонлик балоларидан қутқормак учун жонимиз борича, кучимиз еткунча чолишмоқимиз лозим ва лобиддир.

Эй, жаҳолат нори бирла ёнди жисми покимиз,
Илмсиз қолдук оёғ остида мисли хокмиз.
Ўсди илму маърифат-ла бошқалар ар-ар каби,
Тарбиятсиз мужмаил монанди занги токмиз.
Жисмин, ахлоқин тузатди нослар, таппослар,
Қир чопон, кўкрак очуқ, яхтак яқоси чокмиз.
Ғайрилар ташлаб жаҳолат бодасин, ғамдан халос,
Биз эса масти жаҳолат, кўкнори, тарёқмиз.
Айшу ишрат бўлса, ҳар қанча қилурмиз, бемалол,
Диний ишлардан, ибодатдан қочар, бебоқмиз.
Дорн дунё илм ила пурнур ўлан бир вақтда,
Жаҳл водийсинда ёткондур хотун, эркокмиз...
Жоҳилон билгаймн нафъи, судини, эй олимон,
Тобакай яхши-ёмонга етмагай идрокимиз.
Илм яхшимн, жаҳолатмн — тушунмаймиз ҳануз,
Ақлимиз йўқми бизим, мажнунмн ё тентокмиз?..
Басдур, эй Ҳижрон, жаҳолатдан гапурмак шунчалар
Тўғри сўз туғанга ёқмай-дур деган ўрноқмиз.

Сафоҳат деб бузук ва ғайри машруъ ерларга сарфи умр ва мол қилмакни айтилуру. Сафоҳат энг ёмон хулқлардан саналгон бир сифати замимадурки, кишини дучори яъсу надомат этмакдан бошқа шуҳрат ва эътиборини ер ила яксон қилуру ва ўринсиз ерга сарф қилингон нарсанинг қийматини қайтариб олмоқ мумкин ўлмадиги (каби) сафоҳат дунёсига исроф қилингон азиз умр ва ҳаётнингда нодасининг нмқони йўқдур. Инсон ҳар ҳолда ўз нафсининг идорасини таъмин қилуб, бахтиёрона бир маишатга қодир бўлса, ҳақиқатан масъулияти инсониясини йўлга солгон бўлуру. Сафоҳат ёлгуз бир оиланинг эмас, бутун бир қавмининг мол ва сарватини маҳв этмакга қодирдур. Ҳатто номус ва фазилатига махсус бўлгон ҳурмат ва риоятини ҳам барбод қилуру. Шунинг учун инсон кўрпасига қараб оёғ узатмаса, даромадига қараб харожат қилмаса, иқтисод йўлини риоят қилмаса, нафсининг ёқосини сафоҳат қўлидан қутқаролмас. Мол ва ҳаёт қадрини билмагон ва кўрнамаклик қилгон бўладуру. Сафоҳат балосига мубтало бўлгон кишиларнинг бошларига шундай бир қаро кунлар келадурки, «Оҳ сафоҳат, офатижон, балойи мол экансан!»—деб фиғон қилмак фойда бермайдур. Афсуски, манбаи вужудимиз бўлгон, ёхуд ҳақиқий ономиз бўлган ватанимиз, яъни тулроғимизни озгина баҳога сотуб, пучак пуллар олғонимизга ўхшаш, осори атиқаларимизнинг эвазига сохта ашёлар молик ўлдимиз каби бисотимизда бор илм ва маърифатимиз, мол ва сарватимизнинг ҳавойи нафсониямиз учун гардкам уруб, бой беруб, кўзимизга зийнатлик либосга ўралмиш фоҳиша хотун каби жилвагар ўлуб кўрингон сафоҳат бозоридан бузук ва фасод ншларни сотуб олурмиз.

Ҳосили калом, инсон умридан бир дақиқасини, молиндан биргиса чақасини ўринсиз ва ғайри машруъ

ерлардан бирига сарф қилса, бу дунёда хор..., алам-лик... бўлишида шубҳа йўқдур.

Б а й т

Сафоҳат офати жондур жаҳонда,
Сафоҳат биздадур ушбу замонда.
Юқумлик бир мараздандур сафоҳат,
Юқуб ондан туғилур ҳар фалокат.
Сафоҳат маҳв этар умринг, ҳаётинг,
Умид этма сафоҳатдан нажотинг.
Сафоҳат айлагай молингни торож,
Бўлурсан охири номарда муҳтож...
Азиз умрингни гафлатда кечурма,
Сафоҳат жомини нафса ичурма...
Сафоҳат ўйлама ороми жондур,
Бутун виждон ила жонга зиёндур.
Фақирлиқни пула сотуб олурсан,
Душунгил, душмана муҳтож қолурсан.
Сафоҳат душмани номусу шонинг,
Буюк бир офати руҳи равонинг.
На Ҳижронлиғ фалокатдур сафоҳат.
Қабоҳатдур, сафолатдур сафоҳат,

ҲАМОҚАТ

Сафоҳат ақл ва маърифатнинг камлигиндан ҳосил бўладургон энг ёмон хулқларнинг биридур. Ҳамоқатнинг маънийи луғавийси балоҳатга яқин ўлдиғиндан баъзи ҳукамо: «Аҳмақларнинг жаҳли мураккаб ас-ҳобиндиндур», демишлар. Аҳмақ кишиларнинг бир ишда ақлий ва нақлий далиллар ила кўндуруб бўлмас, ҳамон ўзбилармонлиғитаридан айрилмаслар.

Ибн Сино ҳаким: «Очуқ ва моддий далил ила исбот қилинмағон бир нарсани инкор қилмак асари ҳамоқатдур. Оқил инсон бир масаланинг ҳар бир жиҳатини

Ўйлар, тадқиқ ва тафтиш қилур, қатъий ҳукм қилмоқда шошмас, маънавий жиҳатини ҳам тушунур. Далилсиз, ҳужжатсиз бир жумланинг қиёсини рад ё қабул қилмак аҳмақликдан ҳисобланур», демиш. Аҳмақлик давосини топмак мушкул бўлгон бир иллатдур. Луқмони ҳаким: «Ҳар бир маразнинг дафъини ва чорасини топдим, фақат аҳмақлик давосини тополмадим», демиш.

Ҳар бир касалнинг давоси вордур,
Аҳмақ касалининг йўқ давоси.

Суқрот ҳаким: «Аҳмақ киши сукут ила аҳмақлиғини ёпса, ўртача оқиллардан ҳисобланур эди. Лекин аҳмақлик ила сукут иккиси бир одамда жам келмас», демиш.

Ахлоқ уламолари қошинда ҳамоқат жаҳолатдан ёмонроқдур. Зероки, жоҳилда фақат бир жаҳл бор. Аммо аҳмақда бир неча соҳиб ақлни алдайдургон ёлгон-яшиғ сўзлар бўлурки, кўп кишиларни алдаб йўлдан чиқарадур. Жаҳолатнинг давоси илм ўлдиғи каби ҳамоқатнинг дармони ақл ва фикрдур. Инсон ўз нафсига жабр этуб бўлса ҳам назари диққат ила ибрат кўзини очмак учун саъй ва ғайрат қилса, аҳмақлик балосидан қутилур. Тарбия назаридан маҳрум бўлгон инсон ҳар вақт фалокат ва ҳасрат тузоғига тутилур.

Доруси йўқ, деди ҳукамолар ҳамоқатинг,
Суду зиёни билмағай аблаҳ қиёфатинг.
Ҳар ким ўзини билмаса, билгайми ўзгани,
Қайғусина тушунмағай афроди миллатинг.
Жаҳл ўлса бир балодиру, аҳмақ бедаво,
Ҳар иккисидур очғучи аламу ғурбатинг...

Атолат деб дангаса ва ялқовликни айтилуру. Атолат инсоннинг саодатлигининг зўр офатидур. Танпарварликдан пайдо бўладургон ёмонлик маишат жиҳатидан наслга ҳам таъсир қиладур. Ҳар хил файз ва камолотдан маҳрум қилуб, кишини хор ва залил яшатмак ила баробар умри сафолат чуқурига иргитадур. Киши ҳаёти борича, кучи етканча чолишмақға мукаллифдур. Лекин дунёда ҳар бир саъйдан мақсуд бўлган самара дарҳол ҳосил бўлмайдур. Ҳалво дегон ила оғиз сучи-майдуру. Шунинг учун саъй ва гайрат асҳоби ҳар вақт жиддий ҳаракатда бўлуб, доимо саъй, машруъада, сабот ва матонатда шавқ ва завқ ила давом қилурлар. Ҳар бир саъйнинг мукофот ва натижасини кўрмак мумкин бўлса ҳам, ул мукофотнинг зоҳир бўлиши, кўриниши етушгон вақтда маълум бўладур. Масалан, бир дарахтнинг меваси тўрт-беш йил тарбия қилгондан сўнг, мева етушдургони каби бир шогирднинг мактаб ва мадрасада саккиз-ўн сана доимий саъй қилгонидан сўнг емиш ва ҳосилоти илмияси зоҳир ва мушоҳида ўлунур. Шунга ўхшаш ҳар ишнинг самараси бир неча вақт чолишмоқ ва саъй қилмак сўнгидан зоҳир ва ҳувайдо бўлур. Алҳосил, ялқов ва ишсизликга хўй қилгон кишилар дунё ва охиратда моддий ва маънавий саодати инсониядан маҳрум ва бебаҳра қолурлар...

Атолат душмани жондур, ёмондур,
 Чақар жисмигғи бир афъи йилондур.
 Магас қувғин еғой ялқовлиғидан.
 Ари меҳнат қилур ороми жондур.
 Бу дунёга киши ишловга келгон,
 Тузук тикмаса косибға зиёндур.

ХАСОСАТ

Хасосат деб тамаъ ва зиллатни бўйнига юклаб ортуқча ҳирсини дунёга қўймакни айтилу. Ҳарис ва тамаъга ифрот даражада юз тубан кетгон бахил, қанча шаъну шараф соҳиб бўлса ҳам нафсининг ёқасини фақирона бир мазаллатдан ва хорликдан қутқаролмас.

Фақир ва муҳтожликдан сақланмак фикри ила бахил ва хасислик йўлини тутгон кишилар ақл ва урфон соҳиб саналмаслар. Зероки, хасислик соясинда... зўр хатоларга дучор ўлурлар. Хасис ўлан инсон қанча зиллат ила жам қилгон сарватиндан закот ва ушрини адо қилмакдан ожиз, саодати инсониядан маҳрум бўлуб, жазойи абадияга маҳкум бўлу. Ипак қурти пилла ичида ўралуб, ҳаётини маҳв қилур. Қанча меҳнат ва машаққат ила ҳосил қилгон ипагидан бошқалар фойдаланурлар. Шунга ўхшаш хасис инсон мол ва дунё жам қилмак ила ўралуб, овора ва саргардон бўлуб, азиз жонини бошқалар учун фидо қилур. Дунё иззатидан, ҳаёт лаззатидан бебаҳра кеткони каби вафот вақтидаги надоматидан ҳам фойда йўқдур...

Хасислик бирла йиғгон мулку молинг
Ҳамаждек тўплагон ашё, манолинг
Лаҳад кирсанг қолур ворисларингга,
Нечук кечкой сени ул кунда ҳолинг
Қитобингдап ҳисобни сан берурсан,
Ҳалос ўлмак баъиди эҳтимолинг.

РАХОВАТ

Раховат деб танпарварлик, ғайратсизликни айтилу. Ўмид ва сазйнинг энг зўр душмани раховатдурки, ҳиссиёт, ғайратпарваронамизни маҳв ва барбод этар. Ва бир неча маъюсона фикр ва хаёлларга дучор ва гирифтор этар.

Ибн Сино ҳаким: «Саъй ва ҳаракат ила ўлмак, мавти мусаммодур. Раховат ила жон бермак, ажали қазодур. Ғайратсизлик тирик ўлукдан пборатдур. Ўлукларнинг макони тириклар оросида эмас, тупроқ оросидадур», демиш.

Луқмон ҳаким: «Таппарварлик умид ва муваффақиятнинг қувватини кесадургон бир мараздур. Саода-ти инсониядан маҳрум бўлуб маъюсона яшамак, раховат, ғайратсизлик асаридур», демиш...

Кишига дангасалик шаън-шарофатми верар,
Ялқов инсон кишига хайру саховатми верар?
«Бўлмагонларга бўлишма», дейдилар боболариз,
Бўлса ғайратсиз агар миллата хизматми верар?

АНОНИЙЯТ

Анонийят деб худбин, мутакаббир ва манманликни айтилуру. Манманлик жоҳилона кибру ғурудан пайдо бўладургон энг ёмон хулқларнинг биридурки, кишини ҳар ерда маъюс ва маҳжуб қилуру. Керак инсон ўзини оламга тонутмасун, керак бўлса олам ўзини тонуб олсун. Бу сифат эса ёмон хулқлардан ҳазар қилгон кишиларгагина муяссар бўладур. Кеккаюб ўсуб кетгон дарахт яхши мева қилмагони каби кибр ва манманликдан фазилат ҳосил бўлмас. Ахлоқи яхши инсонлар ўзларидаги фазли камолот асариини халойиқга хуш хулқлик ва тавозе ила жүрсатурлар... Алҳосил, кибр ва манманлик балосига гирифтор бўлгон кишилар қаю ерда бўлса бўлсун, дучори ажзу ҳақорат бўлурлар.

Азозил кибр қилди, бўлди шайтон,
Такаббурли қилурми оқил инсон?
Тавозеъ пеша қил, аслигини қил ёд,
Вужуднинг хок эрур, эй одамизод!

АДОВАТ

Адоват деб бировга хусумат ва душманлик қилмакни айтилуру. Адоват виждонни беҳузур қиладургон энг ёмон хулқлардан ўлдигини инсон яхши билса эди, ҳеч вақт азиз жонини аламлик азобга гирифтор қилмас эди.

Суқрот ҳаким: «Ман душманам бўлгон бир одамга адоват қилмайман. Зероки, менинг адоватим душманнинг хусуматини зиёда қиладур. Ман адоватга қарши дўстлик ила муқобала қилуб, хусуматнинг мувадатга айландуруб, душман кишиларни ўзимга эл қиламан», демиш.

Афлотун ҳаким: «Дилдаги адоват темирдаги зангга ўхшар. Занг темирнинг егони каби адоват қалбни азобга соладур», демиш. Ҳазрати Муҳиддин: «Хусумат ва адоватдан қутулмак, бировга жабру зулм бўладургон ишдан эҳтиёт бўлмак, душман пайдо қиладургон ҳаракотдан эҳтироз қилмак ила бўладур. Ман ҳеч кимга адоват қилмоқга лузум кўрмадим, чунки ҳозиргача ман ҳеч душманга учрамадим», демиш.

Алҳосил, ёмон хулқларнинг ёмони бўлгон адоват шундай бир ёмон сифатдурки, барча бузуқ ишларнинг туғуб, катта бўлуб чиқадургон ери адоватдур. Адоват эса нафсониятдан пайдо бўлуру.

...Адоват ила нафсоният иккиси тарбиясиз дилга ҳосил бўладургон бир иллати жисмониядурки, бунинг биринчи иложи виждон ва инсоф узра ҳакимона тадбир ва ҳаракотимизга боғлидур. Ҳамага очуқ ва ойдиндурки, адоват дарахти хусумат мевасини чиқорур. Агар адоватни кесуб ташлаб, ўрнига мухоласат новдаси уланса ва бу сояда муҳаббат ва улфат меваси нишона қилуру...

Адоват балоси бизларни нетди,
Адоват қилма деб ҳақ бизга айтди.

Зидлик қилдук, мол ва давлатлар кетди,
Молдан ўтуб, охир жонларга етди.

НАМИМАТ

Намнмат деб сўз юрутмак, чақимчиликни айти-
лур.

Наммомлик фасоди ахлоқдан туғуладургон ёмон
хулқларнинг биридур. Наммомлик нифоқ ва фасоднинг
асоси ўлдинг учун бу ёмон сифатни ўзинга маслак қил-
гон кишилар халқ назарида мунофиқед ўлунурлар.
Икки мўъмин оросида сўз юрутуб, бирининг бирига
душман қилуб, икки арога нифоқ ва адоват оташла-
рининг солуб, бир-биридан жудо ва хонавайрон қилмак-
ни дилида зарра қадар имон ва инсонияти бор инсон-
ларнинг виждонлари асло қабул қилмаса керак. Баъ-
зи адоват ва ҳасадчи кишилар бировнинг шаънида йўқ
сўзларни ифтиро ва бўҳтон қилуб, ул кишини қадр ва
обрўсини тўкмак ва эътибордан тушурмак ниятида
ҳар кимга сўзлаб юрурлар. Мундай кишиларнинг ша-
риатда шаҳодатлари мақбул эмасдур, ҳамда уйдурма
сўзларини ҳақиқати билинуб қолуб, бировга қозигон
чуқурларига ўзлари йиқилуб, халқ оросида чақимчи-
лик исми ила ёд ўлунуб, тезгина қадр ва эътибордан
тушуб қолур. Қалби пок, виждони саломат ўлан ин-
сон бу каби ҳийла ва тазвирдан тиллини тиёр. Чунки
мундай фасод ахлоқга мубтало бўлгон арбоби нифоқ
фақат халқ қошида эмас, жаноби ҳақ назарида ҳам
суюмсиздур.

Наммом ва ғийбатчи кишилар дарахт илдизига туш-
кон бузоғбош каби оросида иттифоқ ва улфатнинг
ковокини кемуруб, умумий халқ ва миллатнинг яша-
моғи учун лозим бўлгон муҳаббат дарахтини емурур-
лар. Бировни ёмонламак, ёлгон сўйламак, ҳақиқатни
беркитмак, мудоҳана йўлига кетмак, шаръан ҳаром
бўлгон ғийбатни иртикоб қилмак бўладур. Шахсий

гараз ёҳуд манфаати шахсиян учун бир кишидан эшиткон сўзини ўз мақсадига мувофиқ бир неча турли маънолар ила бузуб сўйламак зўр айб ва гуноҳдур.

Ҳосили калом, ўз жинсига ёмонлик қилмак ва ёмон сўзлар ила ёд қилмакни одат қилгон кишилардан қочмак ва ҳазар қилмак лозимдур...

Ҳукамолардан бири: «Мол ва ашё ўғриларида кўчроқ одамлар орасидан дўстлик, улфат, муҳаббатни ўғирлайдургон одамлардан сақланмак лозимдур», демиш.

Б а й т

Чақимчилар бузар улфат ҳисорин,
Нинфоқа ўғратур миллатни корин.
Чақимчи тил ёмон аждар тилидан,
Солур жонга аламлик заҳри морин.
Ёмон тил минг тилим бўлғони яхши,
Сочар уммат аро кину ниқорин.
Ёмон тил соҳибининг душманидур,
Йўқотгай шаъну шавкат эътиборин.

ҒИЙБАТ

Ғийбат деб бир кишининг кәмчилик ва қусурини орқасидан сўйламакни айтилар. Ғийбатни сўйламак ҳаром ўлдиғи каби эшитмак ҳам ҳаромдур. Киши ўз нафсига лаззат умиди ила бировни ғийбат қилуб, этини чайнамак гуноҳ, қам инсоният номитна ярашмагач энг ёмон ахлоқий замималардандур.

Инсон бошқа гуноҳларни нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиб нафсига ўрнига ўз бошига ёки бир бошқа кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки сўз боруб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ғазаб қони ҳаракатга кирар. Ғийбат-

чидан ўч олмак фурсатини пойлар. Шундай қилуб, ғийбат соясида икки мусулмон оросига зўр душманлик тушар. Охири ўлумгача боруб тиралур. Шул тариқа ғийбатдан туғулгон адоват чўзулмаққа онд бўлуб, душманлик зўраюб, ўз ороларидаги хусусий жанжоллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадургон миллий ишлардан маҳрум бўлмаклари ила баробар аҳолининг оросидан иттифоқнинг йўқолувига сабаб бўлурлар.

Алҳосил, қайси бир миллатнинг оросида бирлик кўтарилуб, нифоқ ва адоват ҳукм сургон бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзлангонлиги тарих саҳифаларидан маълумдур.

Агар журму гунаҳ бўлсун десанг оз,
Тилингни сақла ғийбатдан қишу ёз.
Қулоққа пахта тик, ғийбат эшитма,
Шикоятчи кишига бўлма дамсоз.

ҲАҚОРАТ

Ҳақорат деб бир кишининг нафсига, иффатига тегадургон сўзлар ила қадр ва эътиборини тушурмак ниятида ёмон муомала қилмакни айтилур. Уламолар: «Бировни ҳақорат қилмак улўф гуноҳлардандур», демишлар. Лекин бизларнинг оромизда хотун-қизга борушуб, бир-биримизни ҳақорат қилмак одат ҳукмига кирмишдур. Бунинг сабаби ахлоқсизлик, гуноҳ ва савобни фарқ қилмалиқимизнинг самарасидур. Ҳақорат таҳқир қилингон кишининг дилига ўрнашуб, шундай ёмон жароҳатларни очурки, фурсатни ғанимат топуб, ўч ва интиқом олмагунча тузалмайдур...

Шул хусусда Мирзо Бедил:

Зи қарфи но мулојим заҳмати дилҳо машав Бедил,
Ки ҳар жо жинси санги ҳаст, бошад душмани айно.

Ёмон сўзлар илан дилларга заҳмат бермагил, Бедил,
На ерда тошни жинси бўлса, бўлғай шишага душман,—

деб инсонларнинг дилини шишага, ҳақорат ва ёмон сўзларни тошга ташбеҳ қилуб, ёмон сўз кишининг шиша каби нозук дилини парча-парча қиладур, демишлар.

Мол ва дунёга мағрур бўлиб, ҳар кимга ҳақорат кўзи ила қарагон кишилар тезгина ўзлари ҳам хор ва ҳақоратга дучор бўлулар. Ҳақорат ва бировни хорламак, сўз ва иш ила ўлдиги каби қалам ва ёзув ила ҳам бўладур. Баъзи адаб ва тарбиядан маҳрум муҳаррир ва шоирлар бўладурки, дилларига келгон нарсаларни қайтармасдан, ахлоқ ва одобни риоя қилмасдан, халқдан ибo қилмасдан бачча ва жувонлар шаънига мувашшахми ёки бир мўмин биродарларининг ҳақида ҳажм ва истеҳзоми ёзуб, матбуот ва адабиёт дунёсини ифлос ва мулаввас қилмак ила баробар ўзларига ҳамсуҳбат бўладургон ёшларнинг ахлоқини бузулмоғига сабаб ва намуна бўлулар.

Кўп ўтурма ёмоннинг суҳбатида,
Пок бўлсанг, сени қилур ифлос.
Кўр, начук офтоб равшандур,
Хира қилса булут, кўруб бўлмас.

ЖИБОНАТ

Жибонат деб қўрқоқ ва юраксизликни айтилу. Қўрқоқ кишилар ваҳм ва ҳаёлот асири бўлуб, бир ишни ишламакга жасорат қилолмаслар. Қўрқоқлик энг ёмон хулқларнинг биридур. Чунки қўрқоқ кишиларнинг сўз ва ваъдаларига ишонуб бўлмагани каби йўл ва сафарда ҳам ҳамроҳ бўлмоқ хотодур. Зероки юраксиз ки-

шиларда сабр ва сабот, журъат ва матонат каби яхши сифатлар бўлмайду.

Қўрқоқликнинг боши тарбиясизлик ўлдиги каби охири ўлумду. Бирдан бир нарсадан қўрқуб, юраги ёрилуб ўлуб қолган қўрқоқлар ҳам бўлади. Шул хусусга биз туркистонликлар ҳеч аҳамият бермаймиз. Болаларимизни яхши тарбия қилмаймиз. «Ана ола бўжи келвотди» деб қўрқоқ ва юраксиз қилуб ўстурамыз. Шунинг учун бизларнинг болаларимиз ҳеч нарсага жасорат қилолмайдургон, кеч бўлса уйдан эшикга чиқолмайдургон, ҳатто ўзининг соясидан қўрқодургон, юраксиз бўлуб, ўсадур. Булар киши бўлгонда ҳам фойдали ишларни ишловдан маҳрум бўлуб, фақир ва муҳтожликда қолурлар. Бас, қўрқоқлик соясида ўзларига енг бўлмагон юраксиз кишилар дин ва миллатга бўй бўлотмасликлари табиийду...

ҲАСАД

Ҳасад деб бир одамга... берилгон неъмат ва давлатнинг заволини тиламакни айтилу. Гийбат, бўҳтон, суъизан каби ёмон хулқлар ҳасаддан туғулу...

Ҳасад ахлоқи замималарнинг энг зарарлигидур.. Ҳукамолар ҳасаднинг оташка ўхшатмишлар: «Оташ ўзидан-ўзи ёнуб кул бўлгони каби хусудларнинг жасади ҳасад ўти ила эруб, маҳв ва барбод бўлу», демишлар...

Алҳосил, хусуд доимо яъс ва ҳасрат оросида умргузаронлиғ қилур. Қанча мол ва дунёга молик бўлса, яна ҳасадиндан фароғат ва роҳат юзини кўрмасдан дунёдан кетар...

Ғибта деб бир одамнинг даража ва молини заволини орзу қилмай «кошки мен ҳам шундай бўлсам эди» орзусида бўлмоқни айтилу. Ғибта эса мазмун эмас, мамдуҳ бир сифатду.

Иисон дунёда яхши ишларга гийбат қилуб, ўрнат олуб, ўзини саодати абадияга эришдирур...

Суқрот ҳақим: «Ҳасадчи киши бир он ва бир замон роҳат ва фароғат юзини кўрмас. Дунёда қанча меҳнат ва мусабат бўлса, барчаси ул бечорани ўраб олмиш-дур», демиш.

Арасту ҳақим: «Дунёда ҳаммадан ҳосиднинг юки оғирдур, чунки ул бечора бутун дунёдаги шод ва мас-рур одамларнинг қайгуларини ўз устига юклаб юрий-дур», демиш...

Б а й т

Бутун бўлмас ҳосиднинг парча нони,
Куяр ҳосиднинг доим жисму жони.
Ҳасадчи хоҳ фақир ўлсун ва ё бой,
Ҳасад норила ёнғай устухони.
Очар доим куюб маҳсуда ҳосид,
Чиқар тандан азиз руҳи равони.

Қ И З Б

Кизб деб ёлгон сўзни айтилуру. Ёлгончи кишиларни каззоб дейилуру...

Оқил ва диёнатлик кишиларга ёлгон сўзлардан тил-ларини сақламак ила баробар, авлодларини ёлгонга одат қилдурмасдан тарбия қилмаклари энг муқаддас вазифани инсонияларидур.

Баъзи ўғрилиққа одат қилгон ўғрилар бўлуру эмиш-ки, бировнинг молининг ўғирламоққа қодир бўлмаса-лар, ўз молларининг ўғирлар эмишлар. Шунга ўхшаш ёшлиқдан ёлгонга ҳўй қилгон ва ёлгондан лаззат ол-гон кишилар бировни алдамак гуноҳлигини билсалар ҳам «тарки одат — амри маҳол» мафхуминча тиллари-ни ёлгондан тиелмаслар.

Баъзи вақтларда ўз оилаларини ҳам вайрон ва па-ришон қилмакдан тортинмаслар. Ҳеч бўлмаса нам-

момлик ва муҳофизат йўлларига икки мўъмин оросига
нифоқ ва адоват солуб, ҳатто бутун бир оиланинг бу-
зулишига сабаб бўлурлар..

Б а й т

Агар қилсак иши ёлғонга одат,
Разолатда яшаб чекғой надомат.
Халойиқ ичра бўлмас эътибори,
Тегар бошига чўқ санги маломат.
Қиминг бўлса агар ёлғончи исми,
Бу исми ўзга бўлмас то қиёмат.
Ишонмас эл ялончининг сўзига,
Агар бўлса сўзи кашфу каромат.

НИФОҚ

Нифоқ деб кишининг олдига бир хил, орқасидан
бошқа хил сўзланадургон сўзни айтилур. Мундай сўз-
ларни сўзловни икки юзлама кишиларни мунофиқ дейн-
лур. Баъзи ҳийлакор, кўрнамак, ёлғончи мунофиқлар бў-
лурки, манфаати шахсияларни учун сизни қурбон қилур.
Ош ва нонингизни емак учун олдингизда изҳори дўстлик
ва миннатдорлик қилуб, орқангиздан сирру асрорин-
гизни душманларингизга элтуб, ғийбат ва шикоятин-
гизни қилуб, алардан ҳам ўз нафсига бир ҳисса чиқо-
рур. Мундай мунофиқлар дўстлик ва иттифоқнинг
душмани ўлдиригидан дунёда иззат, охирада роҳат
юзини кўрмаслар. Ҳар вақт инсонлар оросида тўғри
сўзлик, оқ кўнгиллик яхши кишилар ўлдири каби му-
нофиқ, икки юзлик кишиларнинг бўлиши табиийдур.
Шунинг учун ҳар ҳолда ақл ва тажриба соясида эҳ-
тиёт узра ҳаракат қилмак, оқ ила қоронги, яхши ила
ёмонин, дўст ила душманни ажурмак. қалби пок, ҳушқ
тоза, ахлоқи яхши кишилар ила ҳамнишини бўлмак, ик-
ки юзлама, ахлоқсиз, ҳаром-ҳаринини фарқ қилмайдур.

гон мунофиқлардан ҳазар қилмак ва жирканмак лозимдур...

Б а й т

Мунофиқ ёд ўлунса исми покинги,
Жаҳон бўлгай жаҳим ҳавлнокинги.
Ҳаётинг ранжишу кулфатда барбод,
Тузалмас то қиёмат бағри чокинги.
Кезарсан дарбадар гурбат чокиб зор,
Белинга етмагай асло этокинги.

ТАМА

Тама деб бировдан бир нарса умидвор бўлмакни айтилар. Аъзо ва жавориҳлари саломат, куч ва қувватлик кишиларга тама қилмак ҳаром, ожиз ва нота-вон, кучсиз кишиларга мубоҳдур.

Тама балосига гирифтор бўлгон кишиларда номус ва ҳаё дегон яхши сифатлар бўлмайду. Ҳозирги замонда орамизда тама нони бирла қорин тўйғузадургон кишиларнинг ҳисоби йўқдур. Агар буларнинг биридан «биродар, сани оёғ-қўлинг бутун, танинг соғ, тама қилмак сенга ҳаром эмасми?» деб савол қилинса, қандоғ қилай, ота-бобомнинг касби тиланчилик эди, ман ҳам тама орқасидан овқот қилурман» деб тамани касбга иснод бўруб, турлук-турлук баҳоналар баён қилур...

Алҳосил, тама нони ила суяги қоткон, иш ва касбга бўйин қўймай, дангаса ва ялқовликка ўргангон ва одат қилгон кишиларнинг ўзларидан яхшилик умиди ўлмадиги каби болаларидан ҳам яхшилик кўриб бўлмайду...

Б а й т

Бўлмагил мубтало дучор тама,
Айлар инсони хору зор тама.

Йўқ қилуб ҳиммату қаноатин,
Оладур алдан ихтиёр тама.
Нони миннат учун эгур бўйнинг,
Қиладур кўзни интизор тама.
Юздан откой ҳаёу шармингни,
Ғайратинг куйдурар нор тама.
Ҳирси дунё қилади Қорундек,
Ҳотам исминг ютар мор тама.

ЗУЛМ

Зулм деб бировнинг жонига ёки молига зарар ет-
курмакни айтилар..

Мансаб ва давлатга, куч ва қувватга мағрур бўлиб,
биронинг ҳақиға таарруз ва тажовуз қилмак зулм-
дур.

Катталикнинг иззати зулм ва тааддида эмас, шаф-
қат ва марҳаматдадур. Кичикликнинг лаzzати нафрат
ва қаршуликда эмас, садоқат ва ҳурматдадур. Шул
хусусда Шайх Саъдий:

Ғами зери дастон беҳўр зинҳор,
Бетарс аз забардасти рўзгор.

Таржима:

Қувватсизлар ғамин еб юр ҳамиша,
Қувватлиқлардан этгил хавф пеша,—

деб кичикларни иззат қил, катталарни ҳурмат қил,
аъмолиндаги ҳикмат ва ибратлик шеъри балиғасини
сўйламишлар.

Дунёда мазлумнинг оҳидан ўткур нарса йўқдур.
Мазлумнинг дуоиси ижобатга яқиндур. Қўрқмак ва ҳа-
зар қилмак лозимдур. Боболаримиз «пичоқни ўзинга
ур, огримаса, бошқага ур», демишлар.

Бир киши зулмнинг ёмонлигини билмак учун бошқа бир одам тарафидан ўз нафсига қилинса, чекадургон азобини ўйласа, ёмон фанолики очиқ маълум бўладур. Ўткон замонлардаги ҳукуматларнинг барпоси адолат ила пойдор ўлдиғи каби, инқироzi ва барбоди ҳам зулм ила пойтахтга етуб ва ул золим ҳукуматларнинг тарих саҳифаларида фақат исмлари қолгонлиғи ҳаманинг маълумотидур...

Б а й т

Адолат оби ҳаёту ситам эрур зулмот,
Бу зулмат ичра киранларга йўқ ҳаёту нажот.
Хазон замони келса, гулистон йўқ ўлгондек,
На ерда ҳукм сураб зулм, маҳв ўлур баракот.
Харобазора дўнур зулм ила билоди обод,
Яшар у манзили вайронада бойқуш, ҳашарот.
Агарчи, шоҳу гадо инкиси ўлур бир гўр,
Қафандан ўзгага етмас бутун кучу ҳаракот.
Ўзингдан ожизу кучсизлара ситам қилма,
Қимикки золим эрур, кўрмагай улуг даражот.
Ҳазар қил оҳидан, афғонидан у мазлуми(нг),
Бир оҳ бирла солур бошинга бутун арасот...

Котиб:

*Абдулманнон ибн Абдулмажид
(Уйғур)*

Бан бу асари нечизонамни бир неча муаллим биродарларимнинг илтижолари ила ёзмақ ва нашр қилмақга гайрат ва жасорат қилмиш эдим. Алҳамдулилло вал-минна иккинчи таъйини-да муваффақ бўлдум.

Чунки Туркистон мактабларида ўз шевамизда ёзилмиш мукаммал «Ахлоқ» китобининг йўқлиғи афроди миллатнинг шундай бир асарга ташна ва муҳтож эканлиғи, ўзум муаллимлар жумласидан ўлдиғимдан, манга ҳам очиқ маълум ўлди. Шунинг учун кўп вақтлар тажриба сўнгидан адиби муҳтарам шайх Саъдий усулинда ёзмақни гарчи оғир иш бўлса ҳам, ўзимга муқаддас бир вазифа адо қилароқ ва бу камчиликни ародин кўтармакни муносиб кўрдим.

Ва шул мақсадга мубаййин ҳар бир сўзнинг охирига, икки-уч банд шеър ҳам ёздим ва бу ёзгон шеъримнинг орасида баъзи арабий, форсий шеърларнинг таржима ва мазмуни ҳам кўрилур.

Маорифпарвар муаллим биродарларим мани бу асари ожизонамни илтифотсиз қолдурмай, бу хизмати но-чизонамни кўздан кечуруб ва бундан сўнг ҳам баним қаламим ила нашр ўлипажак китобларни лутфан майдони таълима қўймақ ила баробар табиий ўлан нуқсонларини танбеҳ ва танқид қилмакда ҳиммати маорифпарвароналарни бандадан дариг тутмасалар эди.

*Тошканд, Абдулла Авлоний —
тахаллус «Ҳижрон».*

ДРАМАЛАР

АДВОКАТЛИК ОСОНМИ?

(Бир пардалик кулги)

Туркистон турмушидан олинуб ёзилмишдур.

ЎЙНОВЧИЛАР

Давронбек — мусулмон адвокат, 24 ёшинда.

Худойберди — ер сотгон, чол, қулоғи кар, 55 ёшинда.

Ўшвақт — от йўқотган тожик, 30 ёшинда.

Ҳайдарали — мол йўқотган дудуғ, 24 ёшинда

Рапоил — насияға мол сотгон, 60 ёшинда.

Эгамберди — тўй қилуб қарздор бўлгон аробакаш, 35 ёшинда.

Меҳринисо — эри билан урушуб, чиқмоқчи бўлгон хотун. 32 ёшинда.

Абдужаббор — хизматчи, қизик, 22 ёшинда.

Парда очилур, мукаммал европача бежалгон уй. Бир тарафда қозуқларда осилгон камзул, шим, шлафалар турар. Устол-устуллар мукаммал суратда тузалгон бўлур.

Давронбек, Ман бу дунёдан хабарсиз мусулмоиларнинг аҳволига жуда ҳайронман. Ман бу ердан ўқумоқға кетгонимға етти йил бўлди. Ман Европода ўқуб юргонимда Туркистондан чиқгон ғазиталарни(нг) кўруб яхшигина хурсанд бўлур эдим. Бизнинг халқларнинг ҳам кўзлари очилуб, дунёдан хабардор бўлгонлардур деб ўйлар эдим. Лекин келуб кўраманки, яна эски ҳаммом, эски тос, турган еридан зигирча ҳам қимирламагон, илгари босмагон, илм ва маорифдан асар йўқ. Эл бутун тошдек қотгон, тараққиёт, маданиятдан нишон ҳам йўқ. Халқ таассуб чуқурига қараб юз тубан кетгон. Оҳ... Кошки мен қайтуб келмогон бўлсам эди. Бу қайғулик ҳолларни кўрмагон бўлар эдим. *(Эшик тақиллар.)* Абдужаббор, чиқиб қара, ким келди.

Абдужаббор (*масхара қилиб, кулиб*). Бир чол келибдур, кирсунми?

Давронбек. Чақир, кирсун.

Худойберди эшикдан кируб адвокат ила кўришур.
узуяндан-узоқ дуо қилур.

Давронбек. Бўлди-бўлди, отажон, кўб чўзманг.
(*Жой кўрсатур.*) Қани, отажон, нима хизмат?

Худойберди. Эй.. Болам, қўй. Мани қилган ишимни асти сўрама. (*Чўнтагини ковлаб, васиқасун чиқаруб, ўқумоқға бошлар.*) «Зикру ҳудуди яки қитъ-аз Мир дармурғ дам ориқ думахона дафтаринда 182 рақамда шарқан тамоман пайваста бамулки Додажонбой 479 газ аршин ва ғарбан тамоман пайваста бамулки Абдулкарим оқсоқол 596 газ аршин, жанубан тамоман пайваста бамулки варасан Абдумавлонбой 484 газ аршин, шимолан тамоман пайваста ба ҳақира ҳан оима 487 газ аршин чаҳор тарафаш маълум шуд».

Давронбек. Жуда яхши маълум шуд, отажон. Манга бу васиқани(нг) нимага ўқуб бервотсиз? Ман бу ўқуғонларингиздан бир нарсa ҳам англамадм. Мақсадингиз нима? Мақсадга келинг. Фақат «Маълум шуд» деган сўздан бошқасига тушунганим йўқ.

Худойберди. Шошма, болам, ҳамма мақсад шул-да васиқанинг ичида. Ман ўқуб тамом қилай, сан яхшилаб қулоқ солуб тур. «Чаҳор тарафаш маълум шуд...»

Давронбек. Отажон! Манга бу васиқани(нг) ўқуб берганингиздан ҳеч бир фойда йўқ. Ман бу сизнинг «маълум шуд — паълум шуд»ларингизга тушунмайман. Мақсадга келинг! Бу ерга келмогингиздан мақсадингиз нима?

Худойберди. Болам, ман шўри қайнағонман. Шул санга ўқуб бергон васиқадаги отамдан қолгон нкки таноб жойимнинг бир танобин тўрт юз сўмга

бир бойга сотгон эдим. Олти ойда «купчук» қилиб бераман, деб нотарусда «олдим-сотдим» хат қилуб, икки юз сўм биғ пули олуб, агарда вақтида «купчук» қилуб беролмасам, тўрт юз сўм қилуб қайтараман, деб ўзим хат билмаганим учун нотарусни(нг) мирзосига қўл қўйдируб кетган эдим. Эй... болам, жон... болам! Ман қурғур «тана-маи», деб бепарволик қилуб, олти ой муҳлат ўтуб кетуб, энди бойнинг олдига борсам, манга дағдагалар қилур. Нотарусга келсам, тезлик ила олгон икки юз сўмни(г) тўрт юз сўм қилуб олуб келуб бермасанг, еринг хатлануб, сўтда сотиладур, дейдур. Яқинда судья-пристўф боруб ерингни хатлаб келадур, дейдур. Жон болам, оппог болам, сан шунга бир илож қилмасанг, бошим говлаб, жуда довдираб қолдим.

Давронбек. Ман мусулмонларни ишига жуда ҳайронман. Иш билмаганликдан, дунёдан хабарсизликдан ишни пачава қилуб қўядур-да, эшикма-эшик судралуб юрадур. Хўш, энди нима қилмоқчи бўласиз? Мани олдимга нима учун келдингиз!

Худойберди. Жон болам, оппоқ болам, тупроғ олсанг, олтун бўлсун, мендан қайтмаса, бола-чақаларингдан қайтсун. Шунини бир иложини қилгил.

Давронбек. Отажон, бунини иложини фақат икки юз сўм олгон оқчангизни тўрт юз сўм қилуб қайтарасиз. Бўлмаса ерингиз сўтда сотиладур. Мундан бошқа иложини йўқ.

Худойберди. Йўқ, болам, бунини иложини сан қиласан. (*Чўнтагини ковлар.*) Пулим ҳам уйда қолибдур. Жон болам, бир сўлкавой бераман. Сан манга бир яхшилаб ариза ёзуб берасан. Шу аризада айта-санки, Худойберди Топиллибой ўглига судья-пристўп яна олти ой сурук берсун. Ана унда кейин маи бу олти ой ичинда «купчук» кирфичини битқазуб бераман.

Давронбек. Отажон, мени ҳозир борадурган жоним бор. Пешинлап кейин соат 3 да келинг.

Худойберди. Жон болам, оппоғ болам, ҳозир ёзиб бера қолсанг бўлмасми? Наки мўсафид ҳолимча овора қилуб юрмасанг? Жоним болам, тупроғ олсанг, олтун бўлсун, ҳозир ёзуб бера қол.

Давронбек. Отажон, ман сизга айтвотман-ку, ҳозир вақтим йўқ. Бир жойга борадургон зарур ишим бор. Соат 3 да келинг.

Худойберди (*ўрнидан туриб, аччиғ ила*). Ҳммм.. болам! Нимага мунча зарда қиласан? Ман санга текинга ариза ёзуб бер девотманми? Ёзганда пулга ёзуб берасан. Жаҳлинг чиқадургон бўлса, адвокатлик қилма!.. Ҳммм... болам, адвокатлик осонми? (*Кетар.*)

Абдужаббор (*орқасидан кулуб*).— Ҳммм... ота! Урисга ер сотуб, хат қилуб бермоқ осонми? (*Давронга қараб*) Қалай, хўжайин, кар қулоқ чолни(нг) хўб кузатуб юбордимми? Чўнчагини кавлавотувди, бир нарсаси бердимми?

Давронбек. Бор, ишингга, кўн гапурма. (*Ўрнидан туриб юруб.*) Ман мунда келуб иш бошлагонимга 7—8 ой бўлди. Қелган кишиларнинг ҳаммаси мана шунга ўхшаган кишилар. Булар билан сўйлашмоқга бир қоп жон керак. Иш билмагон ва сўзумга тушунмагон одамга жигарингни хун қилуб, бир соат-икки соат вақтингни бекор ўткармоқдан бошқа буларнинг аҳволига куюб, сил бўлишдан бошқа натижа чиқмай-дур. Буларнинг назарида адвокат бир ариза ёзувчи киши (деб ўйлайди). Ҳар кун мунақанги одамлардан 20—25 келуб, йўқ ерга мнянгни ачитуб, қонингни бузуб, жигарингни эзуб, чиқуб кетадур. Бул ҳам камлик қилуб, бир соат умр ёшин фотнҳа билан ўтқарадур.

Эшикнинг қўнғироғи шинғирлар.

Абдужаббор, чиқуб қара, тагин қайси бир дарди бедаво келди.

Абдужаббор (*келуб*). Хўжайин, бир салласи

катта, жуда бир қизиқ (*кулар*), жуда бир ғалати то-
жик келли. Валдир-вулдур қилади. Тилига тушунма-
дим, кирсинми?

Д а в р о н б е к. Чақир, кирсун.

Х у ш в а қ т (*кирар*). Ассалому алайкум, хўжайин,
акунки санга эбдивакат бўлгонсан, биз санинг олдинг-
га келонмуз. Акунки, хўжайин, маники от йўқотгон.
Сан билганки, тавоқдек яғри(нг) бор. Яғрингни ус-
тингга, зангар, ёгингдан сургонсан. Буку... кун уч кун
бўлди, қайси гўрга кетгонингни билмаймуз. Қидирасан,
қидирасан,— топилмайсан. Агар топиб берасан, беш
танга суюнчи берасан.

А б д у ж а б б о р. Суюнчини ким беради? Сан бера-
санми, хўжайин берадими?

Д а в р о н б е к (*кулур*). Отни ким йўқотгон, ким қи-
диргон? Суюнчини ким беради?

Х у ш в а қ т (*аччиғ ила*). Акунки, адвокат бўлгонсан,
гапга тушунмайсан. Отингни ман йўқотгонсан, ман
қидиргонсан, сан суюнчи берасан.

А б д у ж а б б о р (*кулиб*). Қим суюнчи беради? Хў-
жайин сапга берадими, сан хўжайинга берасанми?

Х у ш в а қ т (*Жабборнинг ёқасидан тутуб, ҳар ик-
киси бўғишур*). Акунки, санки, абдувакат йўқсанки,
юрмайсан. Сан билан ишинг йўқсан, акунки сан мас-
харабози қиласан, куласан.

Д а в р о н б е к (*ўрнидан туруб иккисин ажратуб
қўяр*). Қани, шо почча, гапур! Мунда нима учун кел-
динг? Ўтуруб гапур!

Х у ш в а қ т. Акунки хўжайин, ман кеча фолбинга,
аюзойимкашга боргонсанки, кафтингга бир сўлкавой
қайтаргонман. Китобингни варақлаб-варақлаб айтгон-
санки, отинг арусни қўлига балнитсага тушгон. Сан
букун балнитсага боргонмуз. Сан арусни тилинга
билмагонсан. Балнитсахонада арус айгонсанки, арус
тилини биладургон одам олиб гапласан ёки ариза ёзуб
олуб гапласан, дегансан.

Абдужаббор. Ҳали қараб туринг, отни кейпиндан иккингииз ҳам касалхонага борасиз.

Давронбек. Жуда яхши бўлбдур, отинг балнитсага тушган бўлса. Боруб унда дўхтурликни ўрганишвоткандур.

Хушвақт. Акунки хўжайин, отинг дўхтар йўқсан ойгур (айғир).

Давронбек. Яхши, дўхтурхонадан боруб, отингни хабарини олдингми? Отинг бор эканми?

Хушвақт (оччиғлануб). Дўхтурхонага ман борасан, сан бормаймуз, касал бўлгонинг йўқсан.

Абдужаббор (кулуб). Дўхтурхонага иккалангиз бирга борасиз. Икковиингизни ҳам боқизмоқ керак.

Хушвақт. Сан ҳаромзодага гапурмаймиз. Сан нимага бизнинг сўзишга аралаш бўласан. (Жабборга қараб югурар.)

Абдужаббор қочар.

Давронбек (Хушвақтни қўлудан ушлаб келуб, ўтқузуб). Қани, шо поччо, уни қўябер, гапургинчи, мунда нимага келдинг? Нима қилмоқчисан? Мақсадинг нима?

Хушвақт. Акунки хўжайин, мунда гаплаганга мақсадинг шўл бўлгонсан. Ман арус тилингни билмаймуз. Бир сўлкавой хизмат ҳақингни берамуз. Мани ила бирга балнитсага боруб отингни арусни қўлидан гаплашуб олиб берамуз.

Абдужаббор (кулур). Мана энди иккингииз балнитсага борадингон бўлдингиз. Тезроқ-тезроқ бормасаларингиз касалингиз зўраюб кетадур.

Давронбек. Шо поччо, биз тилмочликни ташлаб юборгонмиз. Тезроқ бор. Бир одам топуб балнитсага боргин, отингни тезроқ ажратуб олғил.

Хушвақт. Акунки хўжайин, ўзинг бормайсал, хизматкорингни буюрасан, бирга боруб отингни арусни(нг) қўлидан олуб бермасанг бўлмайсан.

Абдужаббор (*кулур*). Шо поччо, балинтсага ман бормайман, ўзинг бора бер, ман касал бўлганим йўқ.

Давронбек (*оччиғлануб*). Шо поччо, мени зарур ишим бор. Бир жойга бораман. Сан ҳам тезроқ боруб, отингни ажратуб ол. Кўп гапуруб мунда майнабозлик қилуб ўлтурма.

Хушвақт. Акунки хўжайин, санки абдувакот бўлгонсан, ман сани арус тилингни билмаймуз, бўлмаса бир яхши ариза ёзуб берасан. Арусингга олуб боруб берамуз. Отингни балнитсахонадан ажратуб оламуз. (*Ёнидан белбоғидан ҳамёинини олуб бир сўм чиқоруб бермоқчи бўлар*)

Давронбек. Шо поччо, пулинг ёнингда турсун. Ҳозир-да мени бир ерда зарур ишим бор. Соат учда келгил, жуда яхшилаб ариза ёзуб бераман. Боруб отингни ажратуб оласан.

Хушвақт (*оччиғлануб*). Гапурасан, гапурасан, иш қилмайсан. Жуда дангаса бўлгонсан. Ҳозир ёзуб бермайсан. Одамни овора қиласан (*ўрнидан туруб*). Ҳмм... Абдувакот бўлгонинг осонми? Соат учда кела-муз, ёзуб берасан, алдамайсан! (*Чиқуб кетар*.)

Абдужаббор (*яқун келуб*). Хўжайин, ҳамёинини ковлаватган эди, пул-мул бердимми? Бизга икки ойдан бери мояпа тегмай ётипти. Кеча укам келган эди. Отам тайинлаб юборгон экан, уйимизда гўшт, ёғ, гурич, совзи, пиёз, ўтун-кўмур, туз, чироғ бутун одош бўлгон эмиш. Шунга пул керак эди, пул. Хўжайин, бир ни-марса қилуб, бир иложини қилмасангиз, улай-булай қилуб, у ёғ-бу ёғингизни ковлаб, амал-тақал қилуб бир оз оқчан(нг) тадорикни қилуб, лоақол икки ойликни беролмасангиз ҳам бирор ойликни марҳамат қилмасангиз бўбойдан балога қоламиз.

Давронбек. Бир оз сабр қил, санга нима бўлса-да, оқча топуб берурман. Шояд бирор-бир дурустрёқ иш келуб қолса. Жуда бўлмаса ишкоф-фишкофлардан

бирортасини сотуб сени ҳаққингни берурман. Бор, хо-
бар ол, чой тайёр бўлгон бўлса олиб кел. (*Абдужаб-
бор кетар.*)

Оҳ, кошки мен адвокат бўлгунча дўқтурлик нлмин
тамом қилуб, дўқтур бўлгон бўлса(м) эдим. Ўзим
учун ҳам яхши бўлуб, халқ учун ҳам фойдалиқ бўлур
эди. Мен жигаримни хун қилуб ўқуб ётгон вақтимда
баъзи ёр-дўстларим менга айтган эдилар: «Сен адво-
катликдан кўра дўқтурлиқга ўқугил». Ман ўйлагон
эдим, ҳуқуқдан маҳрум, аҳволн оламдан хабарсиз му-
сулмонларнинг оз-моз бўлса-да, қўлимдан келгонча
ҳуқуқларин ҳимоя қилсам. Халқга манфаат еткурсам,
деган эдим. Мени ул умидларим бўшга чиқди. Мана
кўрасиз, халқ мандан, ман халқдан безор бўлдим.
Энди очуқ манга маълум бўлдики, умуман халқ ора-
синда илм ва маърифат томир ёюб, маданият тарақ-
қий қилмагунча манга ўхшаш бир-икки одам халқ
орасида ишлаб, халқни кўзин очамиз, ҳуқуқин мудо-
фаа қиламиз, демак, ердан туруб юлдузларга қўл
узатмоқга ўхшаш хаёлий бир нимарса эканлиғи энди
очиқ ва аниқ маълум бўлди. Мана кўрасиз, ёнимга
келгон кишиларнинг ҳаммаси бир-биридан баттар саҳ-
ройи ва бақироқ, қуруқ фотиҳадан бошқа бир нарса
йўқ. Етти-саккиз ой ичинда бор-йўқни еб битирдим,
эмди новбат уй асбоблариға етди. Яхшиси шулки,
эсинг борида этагингни ёп деғандек, тахта-ўқлоғини
йигиштируб бирор кантурға кируб хизмат қилмасам,
бу йўлда борганда сил бўлмоқдан бошқа натижа чиқ-
майдургонга ўхшайдур. (*Абдужаббор чой келтирар.*)

А б д у ж а б б о р. Хўжайин, ҳеч ким келгани йўқми?
(Эшик қўнгироғи чингирлар.)

Д а в р о п б е к. Жабборқул, чинқуб қара, қайси оли-
ҳиммат келдййкин?

А б д у ж а б б о р (*кируб, зўр беруб келир*). Ола-
верасиз, хўжайини, бир гарчча ёғ, бир жуда соқоли
узун жуҳут келубти, кирсунми?

Р а п о и л эшикдан кирар. Салом берар. Д а в р о н б е к алик олар, ер кўрсатур. Ултирар. Енидан вексел олуб, устол устига кўяр.

Р а п о и л. Гарамжон, ман бир одамга бир йил ваъдага юз сўмга насияга мол сотиб эдим. Гарамжон ақун жуда муттаҳам одам экан. Ҳозирда икки йил яқин бўлдики, мани пулимни бермайдур. Гарамжон, вексилим оқ вексил эди, нотарусга борсам ариза билан қўшуб берғил дейдур. Гарамжон, бир сўм пул берайин, яхшилаб бир ариза ёзиб берсангиз, шу муттаҳамдан пулимни ундируб олсам.

Д а в р о н б е к. Қарздор одам қарзидан оз-моз тўлаганми ёки бутун ҳаммасини талаб қиласизми?

Р а п о и л. Гарамжон, бир-икки карра беш-ўн сўмдан берган. Қирқ сўм тўлаган, олтмиш сўм қолган.

Д а в р о н б е к. Сиз бир одамга агарда молни насияга сотадурғон бўлсангиз, олтмиш сўмлик молни юз сўмга берсангиз яхши. Энди нима қилмоқчи бўласиз? Шу вексил юзасидан юз сўм талаб қиласизми, ёки қолган олтмиш сўмни сўрайсизми?

Р а п о и л. Гарамжон, жуда муттаҳам одам экан, мани овора қилди. Албатта шу вексилдаги юз сўмнинг бераберадур.

Д а в р о н б е к. Ман бундай ишга ариза ёзмайман. Сиз бошқа бир одамга боруб ёздирингиз. Оласининг олтмиш сўм қолғон бир камбағал бечорани куйдуруб юз сўм олмоқчи бўласизми?

Р а п о и л. Гарамжон, сиз баъзи бойларнинг қиладиғон ишиндан хабарингиз йўқ экан. Бир бошпутга икки қат ҳужжат қилуб оладурлар. Масалан, бир вексил олуб, яна бир тилхат қилдируб оладурлар. Агар вақтида тўлай олмаса ҳам вексилга, ҳам ҳужжатга оқча оладурлар. Бир одам бир юз сўм қарздор бўлса икки юз сўм тўлайдур. Яна элик сўм харажат тўласа,

икки юз эллик сўм тўлайдур. Ман, гарамжон, унақа қилвотгоним йўқ-ку? Ниҳоят олтиш сўмни юз сўм қилуб оламан. Ёзаберинг, хизмат ҳақингизни яхши бераман. гарамжон.

Давронбек. Йўқ, ман мундай хиёнат аралашадургон ишларга очдан ўлсам ҳам аралашмайман. Сиз боруб бир бошқа одамга ёздиринг. Агарда хоҳласангиз ман фақат олтиш сўмнинг ўзигагина ёзаман.

Рапоил. Хайр... хайр... гарамжон. Сиз хафа бўлманг. (*Чўнтагини ковлар, пул олиб бермоқчи бўлур.*) Мана, гарамжон, як сўм, аризани жуда яхшилаб ёзингиз.

Давронбек. Ҳозирда мени зарур юмуш билан борадургон ерим бор, соат тўртда келинг.

Рапоил. Гарамжон, мани овора қилманг, соат учда мани ҳам ишим бор. Дўконим очиқ қолади. Ҳозир ёзиб берасиз, мўйсафид ҳолим билан мани овора қилманг.

Давронбек. Ака домулло, сўз деган битта бўлади. Ҳозир мани ариза ёзмоқға ватқим йўқ, судға борадургон ишим бор.

Рапоил. (*ўрнидан туруб*). Гарамжон хафа бўлманг, бўлмаса соат учда келаман. Тоғин ваъдангизга хилоф қилманг. Албатта соат учға келаман. Сиз ҳам боргон ерингиздан соат учдан кеч қолмай келинг.

Давронбек. Сўзни кўп чўзманг, гап деган битта бўлади.

Рапоил. Гарамжон, ҳмм... адвокатлик осонми? Ман сизга бекорга ариза ёзиб беринг девамманми? (*Чиқиб кетар.*)

Абдужаббор орқасидан масхара қилуб, кулуб қолур.

Давронбек. Бирни кўруб, фикр қил, бирни кўруб шукр қил демишлар. Тўғри сўздур. Ман мусулмонларнинг ҳол-аҳволларин кўруб хафа бўлсам, жу-

худларнинг орасида ҳам шунақа эзма кишилар боғ экан. Албатта дунёдан хабарсиз, илму маорифдан хабарсиз қавмларнинг ҳол-аҳволлари шундай бўладур. Фақат буларнинг ишлари бир-бирларин алдамоқ ва бир-бирларин тузоқ қўюб тутуб ошамоқдур. Буларнинг орасига илм ва маданият нурлари ёйилуб, илсон қаторига кирмагунча ўзлари эшикма-эшик овора бўлганлари бир сари, манга ўхшагон ўз элимға, халқимға фойда еткурармукинман, деган кишиларнинг миясини қоқуб қўлига беруб оз фурсатда жинни қилишлари табиийдур. (*Эшик қўнғироғи чинғирлар.*) Абдужаббор, чиқуб қара, тагин қанақа дардисар келгап экан.

Абду жа б бор (*чиқиб кирар, суюнган ҳолда*). Хўжайин, дамишгизни чиқарманг, бир жуда ясангон хотун, бир жуда катта бойни хотуниға ўхшайди.

Давронбек. Бор кўп сергап бўлма, чақир, кирсун.

Меҳринисо (*эшикдан кирар, сўрашур. Адвокат жой кўрсатур, ўлтирар*). Жонгинам, опагинанг айлансун, сани дарагингни эшитуб олдингға келдим. Бизани маҳаллани яқинидаги Рустамбекни ўғли экансан. Опагинанг айлансун, ман бошимдан ўтган саргузаштларимни санга бирин-бирин сўйлаб берайин, сан яхшигина қулоқ солуб, тинглаб, хатга ёзуб тургин. Опагинанг айлансун, қўлингға қалам-қоғозингни ол.

Давронбек. Холажон, аввал гапирадургон гапингизни чўзмасдан қисқагина қилуб гапирунг. Қоғоз, қаламға навбат кейин келадур.

Меҳринисо. Опагинанг айлансун, дунёда мани ҳасратимға қулоқ соладургон одам ҳам бор экан. Додфарёдимға етадургон кишини энди топдим. Ўн беш йилдан бери ман бахти қаро шўрлик...¹ деган бир қиморбозни қўлига тушуб, ўтга ёқилуб, тошға чақилдим.

¹ Ўқиб бўлмади.

Куюб-ўртануб чўб-устухон бўлуб кетдим. Раҳматлик ота-онам бор вақтида бу йигит ўлгур эрим манга мунча зулм қилолмас эди. Улар (ўл)гандан кейин айниқса бу шўрлик бошим тўқмоқ остида қолди. Ҳар кун ичғон ошим заҳар-заққум, кўрғон кунимни ит ҳам кўрмасун. Мани муттаҳам эрим қургур бир кун қиморга ютқизуб келуб, аламини мендан олса, бир кун маст бўлуб келуб, ман шўрликни бошига қиёмат кунини солади. Ичғон ошим — заҳар-заққум, кўрган куним — жаҳаннам!

Давронбек. Холажон, бу ерга келишдан мақсадингиз нима — шундан гапурпиг, гапни кўб чўзмамиз.

Меҳринисо. Опагинанг айлансун, жонгинамни қоқай. Мани ҳасратларим жуда кўп. Бир бошидан санга тушунтирмасам, мақсадимга етмайман, аламиндан чиқмайман. «Этни тутоғи бит» — дегандек, мани қиморбоз окам қўярда-қўймасдан, ота-оналарим мунга бермаймиз, десалар ҳам ёлгон-яшиқларни гапуруб, мақтаб, шу золимни қўлига мани асир қилуб қўйди. Ун беш йилдан бери ит азобин тортаман, дарду ҳасратларимни айтайин, десам ҳеч бир жонкуярим йўқ. Бир неча мартаба қозиға боруб арз қилгон эдим, йигитгина ўлгур эрим маърузми, ривоятми, алланима балолар қилуб, яна уйнга ҳайдаб олиб келди. Маига йўл-йўруқ кўрсатадургон бир жонкуяр бўлмадики, у золимнинг қўлидан ман муштипарни озод қилса!

Давронбек. Холажон, энди нима қилмоқчи бўласиз, эрингиздан чиқмоқчимисиз?

Меҳринисо. Опагинанг айлансун, иложини топсам ул золимни уйда бир нафас ҳам турмайман.

Давронбек. Эрингизни сизга жабр-зулм қилишга маҳаллангизни домла-имом, элликбошилари сизни(нг) тарафингиздан гувоҳлик берадиларми?

Меҳринисо. Опагинанг айлансун, ижорахўримом ила порахўр элликбоши қачон ман муштипарни тарафи бўлади дейсан. Қозихонага борганда ҳамма-

ҳаллалари муттаҳам эримни тарафи бўлиб кетдилар.

Давронбек. Бўлмаса энди эрингиз урган вақтида қўни-қўшилариңгиздан икки кишини гувоҳ қилиб манга келинг, ман иложини қиламан.

Меҳринисо (бошини очуб, ярасини кўрсатур). Опагинанг айлансун. Мана ўтган куни урган. Ярасн ҳали ҳам тузалгани йўқ.

Давронбек. Мана, ман сизга катта кўчадаги дўхтурхонага қоғоз ёзуб бераман. Олиб борсапгиз, қўлингизга гувоҳнома қилуб берадур. Соат учда шу гувоҳномани олуб келинг, ман сизга тегишлик жойга ариза ёзуб бераман. Тез фурсатда золим эрингиздан қутулурсиз.

Меҳринисо. Опагинанг айлансун (ўрнидан туруб), адвокатлик осон иш эмас, манга ўхшагон ғариб-бенаволарни(нг) додига етмоқ керак (чиқиб кетар).

Абдужаббор (орқасидан). Қиморбоз эрга тегуб, калтакини еб, бошларни ёруб юрмоқ ҳам осон эмас.

Давронбек (ўрнидан туруб жиддият ила). Оҳ, золим маданият, бизим туркистонликларнинг орасига қачон келуб томир ёясан?! Қачон бизим бу жаҳолат зиндонидан халос қиласан?! Бизда уй тарбияси бошлануб, хотун-қизларимиз илму маориф ила нурланмагунча бизнинг орамызда шундай кўнгилсиз ҳоллар давом этса керак. Мана бу хотун бечорани эрга бергон вақтларида ўз хоҳиши билан, ўзининг ризолиғи билан, ўзи кўруб хоҳлагон эрига бермасдан ҳайвон каби кучлаб, қўлидан тутуб бир золимнинг қўлига берганлар. Бу муштипар маъсуманинг бутун умри азоб-меҳнатда, қайғу ва кулфатда ўтуб дунёга келғонига-да минг маротабадан пушмон еб ғам зиндонда яшагон. Мана бизнинг орамыздан мундай кўнгилсиз ҳолларни(нг) йўқ қилмоқ учун бутун куч-қувватимизни(нг) хотун-қизларимизни(нг) ўқутмоқ, маориф ва маданият ила ошно қилмоқ йўлинда сарф қилмоғимиз лозимдур.

Шундагина бизлар ҳам бошқа қавмлар орасинда ўртоқчасига яшамоғимиз мумкиндур. (*Эшик қўнғироғи жинғирлар.*) Абдужаббор, чиқуб қара, яна ким келди.

Абдужаббор (*эйр беруб кулур*). Хўжайин, бўлиб қолдингиз, ғарчча мой, белига қамчин қистурғон бир аравакаш, кирсунми?

Давронбек. Чақир, кирсун.

Эгамберди (*кируб, адвокат билан кўришуб ўлатирур*). Мулло ака, ман бечора жуда оғир кунга қолдим. Баракаллачиларнинг сўзига кируб, ўз ҳолимга қарамасдан катта тўй қилуб, қарздор бўлуб, бир парча ҳовлим қарзимга хатлануб, яқинда сотнладургон бўлиб қолди. Хотуним тўрт адад ёш гўдак болаларим ила кўчада қоладигон бўлдим.

Давронбек. «Эна — ўлтиришингга қараб чена» дегандек, камбағал одам нима учун ўз ҳолингизга қараб тўй қилмадингиз, нима учун кўрпангизга қараб оёқ узатмадингиз?

Эгамберди. Мулла ака, асло қўяверинг, «жин чарчаганни урар, дев тегирмончини»,— дегандек ман шўрликни жин урмаса кўчадаги «баракаллачи»ларнинг сўзига кирармидим. Тўй қиладигон вақтимда қариндош-уругим, ёр-дўстим жуда кўпауб кетди. Ҳар бири манга тўйни катта қилмоқ учун насихатлар қила бошладилар. Уларнинг сўзларига учуб, мани қарасангиз хотамтой бўлиб кетдим. Ўзимча бир қозончада ош қилуб кесдирмоқчи эдим. Бетаҳорат бенамозни бўйнига қўйгандек икки кун ош беришни гарданимга қўйдилар. Ундан қарасангиз, хотун «ака» жанжал қилуб, бир кун «хотун оши»ни бўйинга қўйди. Шунақанги қилуб Амнжон бойни неваралари уч кун ош бердиларда, кафангадо бўлдилар.

Давронбек. Ўзингиз туппа-тузуккина тушунадиргон одам экансиз, нима қилуб уларнинг сўзига алдандингиз? Тўйни ўз ўйлаганингизча қила қолмадингиз?

Эгамберди. Эй, мулла ака, ман-ку ман, уларнинг

гапургон гапига сиз бўлсангиз ҳам алданар эдингиз. Қўйнимни пуч ёнғоқга шундай тўлғаздиларки, бор-йў-гимдан айрилгандан кейин кўзим мошдек очилди.

Давронбек. Боболаримизнинг «ўтган ишга ўқин-ма», «кейинги пушмон жонингга душман» дегон ҳик-матли сўзлари бор. Энди нима бўлса бўлиб ўтмишдур. Асосий мақсадга келинг. Мунда келмоқдан мақсадин-гиз нима? Ҳовлингиз хатланган экан, энди нима қил-моқчи бўласиз?

Эгамберди. Мулла ака, нима қилмоқчи бўлар эдим. Ман бир аравакаш одам мунақанги ишларга ақлим етади дейсизми? Мияени еган аҳмоқ бўлмасам, «баракаллаци»ларнинг сўзига кируб шу ҳолга тушар-мидим. Энди бу хусусда маслаҳатни ўзингиз берасиз. Шул тўй тўғрисида маҳалламиздаги Орифжон бойдан вексил бериб пул қарз олгон эдим. Вақтида тўлолма-дим. Беш-олти куп бўлди, ҳовлимни, уй асбобларимни, хотунимни молларигача судя-пристўв олуб келуб хат-лаб кетди. Шўрлик бошим, нима қилишимни билмай сизинг қошингизга келдим. Энди сиздан ёрдам бўл-маса, мани ҳеч бир жонкуяр, йўл кўрсататургон ки-шим йўқ.

Давронбек. Ҳовлингиз ўзи неча саржин?

Эгамберди. Ҳовлим қирқ саржинча бор.

Давронбек. Йигирма саржинни хотунингизни маҳри деб кўрсатмоқ мумкин. Онангиз борми?

Эгамберди. Етмуш яшар бир муштипар онам ҳам бор.

Давронбек. Қолган йигирма саржинини онан-гизнинг маҳри деб кўрсатиладур. Бошқа хатлангон молларингизнинг ҳам хотунингизнинг моли деб кўр-сатмоқ мумкин. Бой сиздан ҳеч нарса ололмайдур.

Эгамберди. Жон мулла ака, бу ишларни(иг) ни-ма бўлса ҳам ўзингиз тўғрилайсиз, мунақа нарсаларга менинг ақлим етмайди.

Давронбек. Сиз бўлмаса соат учда келинг, ях-

шилаб ман сизга ариза ёзиб бераман. Шул ариза билан ҳовлингиз сотилишдан тўхталадур.

Эгамберди. Худо хайр берсун мадан қайтмаса бола-чақаларингиздан қайтсун. Манга ўхшаган йўлда қолгон одамларга сиздек ўқигон-билгон кишилар дастгирлик қилмаса ким қиладур. Адвокатликам осон иш эмас. Манга ўхшагон ғариб-бенаволарга раҳнамолик қилмоғингиз керак. *(Ўрнидан туруб.)* Бўлмаса соат учда келайми? *(Кета туруб.)* Албатта соат учда келаман. Жон мулла ака, аризани жуда яхшилаб ёзиб берасиз *(чиқиб кетар).*

Давронбек *(Абдужабборни чақируб).* Бир истакон чой олиб кел, чойим ҳам совуб қолди.

Абдужаббор *(Истаконда чой олуб келуб қўяр).* Хўжайин, ҳеч нарса чиқдимми? Бу келадигон сирри-вал-қайроғлардан лоақал бизнинг моянага етадургон пул-мул келса эди, яхши бўлар эди.

Давронбек. Кўп серган бўлма, гап деган битта бўлади. Ҳар нарса қилсам ҳам сани бугун бўлмаса эрта ўзимни ҳиндиға гаров қўйсам ҳам оқча топуб бераман. Бор, ўз ишингга бор.

Абдужаббор чиқиб кетар.

Мана кўрасанки, бу дунёдан хабарсиз, илму маорифдан маҳрум, маданиятдан узоқ яшаган бизнинг халқимиз ҳали қандай қизгонч, қандай қўрқинч, қандай таҳликали эканлиги офтобдан ҳам равшан кўриниб турадур. Бир камбағал аробакаш нодонлик соясида бидъат тўй учун бутун бор-йўғидан айрилиб кафангадо бўлган. Бир неча йилдан бери топган болаларин ўқитмак учун керак бўладургон оқчасидан айрилмоқ ила баробар бир парча ҳовлиси ила мол ва рўзгоридан ҳам бутун маҳрум бўлуб жаҳолат ва нодонлик йўлида бутун оиласи ила қурбон бўлгон. Мундай бидъат ва исрофларнинг йўқ бўлмоғи халқимиз-

нинг маориф ва маданият ила тараққий қилмоғига боғлиқдур. Агарда биз ҳозирги илм ва урфон тараққий қилуб, бутун дунёга нур сочиб тургон бир замонда энг муҳим вақтларимизни ана шундай бидъат, қуруқ ўйин-кулги, тортиш ва талашлар бирла ўткарсак, дунё юзиндан инқироз оламига қараб кетмоғимизга шак ва шубҳа йўқдур. Мундай бидъат ва исрофларни(нг) оромиздан йўқотмак ~~чун~~ ёшларимиз бутун куч ва қувватларини(нг) илм ва маориф йўлига сарф қилмоқ ила баробар тиш ва тирноқлари ила бутун қувватларини(нг) бу бидъат ишларини(нг) йўқ қи(л)моқ йўлида тиришмоқлари лозимдур. (*Эшик кўнғироғи жинғирлар.*) Абдужаббор, чиқуб боқ, тагин қайси бир бош оғриғи келди.

Абдужаббор (*келуб, зўр беруб кулар*). Хўжайин, хўжайин мен... жуда бир қизиқ... жуда бир ғала-ти... ҳали келса кўрарсиз, кула-кула ўларсиз,

Давронбек. Кўп серган бўлма, бор чақир, кир-сун.

Ҳайдарали (*кирар*). Аааассалом алайкум!

Давронбек. Ваалайкум ассалом, хуш келинг, ўтиринг. Қани, нима хизмат?

Ҳайдарали. Мммм...ан ббббукун уууууч икки...ул ббб...ўлди. Ууу...йимдан мол ўғурлатгон эээ...дим. Бугун дарагини ттопдим. Мммани молимни олган одам қозоғ экан. Энди югуриб сизинг олдингизга кккелдим. Ииилож қилиб шул одамдан мани молимни олуб бера-сиз.

Давронбек. Яхши, ўртоқ, маълум бўлдики, сиз мол йўқотган экансиз. Молингизни олган одам қозоғ экан. Дарагини топибсиз. Мунда нимага келдингиз? Энди нима қилмоқчи бўласиз?

Ҳайдарали. Ннн...има қилмоқчи ббб...бўлардим, шшш...ул одамдан мммани ммм...олимни олиб бера-сиз.

Давронбек. Ман қози эмасман, ёки бир амал-

дор эмасман. Бировни молини бировга олиб бермоқга мани кучим етмайди. Сиз молингэни олгон одамни топсангиз, қозига чақиртиринг, қози ҳукм қилуб, молингизни олуб берадур.

Ҳайдарали. Ммман ул одамни тттонимайман, лллекин бббир одамдан эээшитдим, дддарагини тттопдим.

Давронбек. Бир одамни(нг) ўғри қилмоқ учун бировдан эшитган гап кифоя қилмайдур. Мол ила ушламоқ керак ёки кўргон-билгон гувоҳ-исбот керак бўладур. Мунақангиз кўрма-кўраки бир одамни(нг) ўғри қилуб бўлмайдур.

Ҳайдарали. Гггувоҳларим бббор, бббўлмаса сиз манга қққозига бир ариза ёзуб беринг.

Давронбек. Гувоҳларингизни отини, отасини(нг) отини биласизми?

Ҳайдарали. Йийўқ, ббббилмайман.

Давронбек. Бўлмаса боруб гувоҳларингизни номларини, отасини отини ҳам турадургон жойларини, ҳамда молингизни олгон одамнинг отини ва турадургон жойини яхшилаб билуб келинг.

Ҳайдарали. Ммман хххат билмасам, ҳхҳаммасини отини эсимдан чиқаруб қўяман. Ммманга шшогирдингизни қўшасиз. Ммман билан ббборуб ёзуб олуб кккеладур.

Давронбек. Шогирдим сиздан ҳам баттар, хат ёзишни билмайди.

Ҳайдарали. Бббўлмаса ўўўзингиз ббборасиз, бббиз сари қадам ббборганингизга сизни қққуруқ қўймайман.

Абдужаббор. Хўжайин, бўб қолдингиз, бора қолинг, ўзингиз ҳам жуда зеркиб ўтуруб эдингиз, ўйнаб келасиз, ҳам пул топасиз.

Давронбек. Уртоқ (кулуб) мани жуда ишим кўб, сиз билан бормоқга қўлим тегмайдур. Кўб гапни чўзмамг. Боруб гувоҳларингизни яхшилаб билуб соат

учда келинг. Ман сизга жуда яхшилаб ариза ёзуб бераман, молинингиз тезда қўлингизга кирадур.

Ҳайдарали. Нинимага бормайсиз, ҳммм... адвокатлик осонми? Ҳаҳаммавақт бббир жойда ўлтируб, ппиул топуб ўрганўб қолган, бизда бу юришга тобингиз йўқ (*ўрнидан туруб*), бббўлмаса сссоат учда келаман. Албатта, албатта, албатта. (*Чиқиб кетар.*)

Абдужаббор (*орқасидан*). Ариза ҳам албатта-балбатта, булбатта ёзилуб бериладур.

Давронбек (*жиддият ила ўрнидан туруб*). Мана кўрасиз, бизнинг халқнинг ҳоли! Ҳаммасини(нг) йиғиштириб келсангиз бир пичоқга сон бўлмайдур. Бир тарафдан буларнинг нодонликларига ва аҳволи оламдин хабарсизликларига ич-ичингдан ёнсанг, иккинчи тарафдан буларнинг яна кетаётган вақтларида ҳам «...адвокатлик осонми?» деб масхара қилуб кетишлари жигаримни бошини эзади. Ёўқ, ҳали ҳам бўлса тезда жинни бўлмасдан илгари бу тахта-ўқлоғини йиғиштируб бирорта кантўрға хизматга кирмасам, яқин фурсатда бу жоҳил ва нодон, ўз ҳақ ва ҳуқуқини англамаган халқларга фойда еткураман, деб ўз жонимга жабр қилмоқ ҳам дуруст эмас. Шул тўғрида боболаримизнинг ҳикматли сўзлари бор: «Қаромуг донаси бўлгунча буғдойнинг сомони бўл, ямоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ямони бўл». Албатта, бу сўз тўғри сўздир. (*Ойнага қараб, у ёғ-бу ёғини тузатуб, соатиға қараб.*) Соат бир бўлуб қолубдур. Ҳар нима бўлса ҳам бир дафъи савдо учун шаҳардан ташқари бирорта ўртоғимнинг боғига боруб юрагимни чигилини ёзуб келмасам, сил бўлншумга сағал қолур. (*Уёғ-бу ёғини тузатуб, Абдужабборни чақируб.*) Абдужаббор, сан ҳеч ёқга қимиллама, бояги шкки одам ғувоҳнома олиб келса, олиб қол. бошқалари келса айтгилки, адвокат бугун жула узоқ бир жойга меҳмон бўлуб кетди, эртага келинг деб жўпатиб юбор. Тағин эшикда мани пойлашуб ўтирмасун. Ман кечқурун соат бешда келаман (*чиқиб кетар*).

Абдужаббор. Бу бизни адвокат хўжайинимизни ўзи ишни кўзини яхши билмайди. Халқни аллаб пулни олиш(ни) илмини ўрганган (ҳам) эмас. «Пулни эшагини сўғор, пулни ол» деган эски замондан қолгон гапга ҳам ақли етмайдур. Олдига келгон одамларнинг бариға унақа қил, мунақа қилуб кел (деб), ҳаммасини олдидан қуруқ чиқаруб юборадур. Уларга тўғрисиини гапураман деб, унақанги-мунақанги деб эрталабдан-кечгача бошларини қотируб ўтирадур. Бизнинг одамларга унақа-мунақа деб фалсафа сотиш керак эмас, иш қилмоқ керак, иш кўрсатмоқ керак, йўл топмоқ керак. Пул, эй қурбонинг бўлай оқчажон, тўрам, сира пул бечора Абжаббор акангга ҳам юзингни кўрсатасанми, йўқми?.. Шошманг, мана, ман ҳозир пул топишни ҳийласини топдим. Кўрасиз, ман адвокат бўлсам пулни нишобиини қандай ўзимга огдирар эдим. Бизнинг адвокат тоғомиз ўзи ишнинг кўзини билмайдур. Мана ман ҳозир адвокат бўламан, кўрасиз; ман қандай пул топаман (*югуриб боруб осиглиқ тургон адвокатнинг эски кийимларин киюб, адвокат бўлуб ўлтируб, папирос чакур*).

Юқорида зикр қилинмиш кишилар бирин-кетин келуб, ариза ёздирурлар. Ҳар бирларининг аризаларин жузъий чариқ қилуб, чизуб конвертга солуб, қўлларига беруб, жўнатуб, ҳар бирларидан бир-икки, уч, тўрт сўмдан пул олур.

Абдужаббор (*ўзидан-ўзи кулуб, суюниб*). Мана кўрдингизми, бизнинг адвокат ўзи ишнинг кўзини билмайдур. Ул эрталабдан берп жигарини хун қилуб, бир тийин ҳам топгани йўқ эди. Ман ярим соат ичида йигирма сўмга яқин пул топдим. Ҳар парсага ҳам ҳунар керак, ҳунар!

Шул вақт эшикдан ҳамма ариза ёздиргонлар келуб адвокатнинг хизматчиси эканини англаб, яхшилаб урурлар.

Парда тушар.

1914

ПИНАК

Бир пардали Туркистон турмушиндан ёзилмиш кулги.

ЎЙНОВЧИЛАР

Турсун — кўкнори, 62 яшар.
Толиб — қиморбоз, 25 яшар.
Фулод — кўкнори, 60 яшар.
Отажон — кўкнори, 45 яшар.
Додабой — кўкнори, 35 яшар.
Сониб — қиморбоз, 30 яшар.
Эшвой — қиморбоз, 25 яшар.
Ҳайдар — қиморбоз, 28 яшар
Вали — Турсуннинг ўғли, 16 яшар.

САҲНАГА ҚЕРАҚЛИ НАРСАЛАР

Бир қора қумғон, бир чойнак, бир эски фаднус, уч адад пиёла, тоғора, лаган, қозон.

Бир эски наMAT, кўрфа, кўрфача, сандуқ.

Бир тарафда бир ош ўчоғи, бир чойжўш ўчоқ.

Бир тарафда қозикларга осилғон эски-туски чофонлар.

Бир шамдон, қозуғда салла.

Саҳна бир уйдан иборат ўлур. Турсуннинг олдида тоғорада кўкнори, фаднусда нон, қанд, майиз, чойнакда чой. Кўкнори эзуб ўлтурғон ҳолда парда очилур.

Турсун (*халққа қарата*). Алҳамдулилло, бугун чаҳор ишкал бут. Тоғорамда кўкнорим, олдимда қанд-магизим, бир ёнимда чойнакда чойим... (*Кулимсираб*.) Бугун ўзим ўнг ёним ила турғон эканман. (*Бир пиёла кўкнори қуюб ичар*.) Оҳ, оҳ, оҳ... Ҳар ким бу кўкноридан ичмабдур, дунёга келмабдур. (*Бир пиёла чойдан қуюб, қанд, майиз бирла ичур*.) Оҳ, оҳ... Бу Мас-

ковдан мазор босуб келгон ўрисвойни чойндан атир иси келади-я. Ўрисвойни отаси кўрган-да, биздек камбагалларни гамини еб, шундай тамли чойларни чиқоруб қўюбдур. Агар бу чойларни самоварда қайнатуб, дамлаб ичсангиз, вой-бўй, худди одамни маст қилади-де. *(Чой ичар. Кайф қилуб финакга кетуб, энкаюб-энкаюб, кўзларини сузуб йтирар.)*

Т о л и б крар. Саҳна орқасидан секин келуб, қозуғдан фаднусни олуб сандуқга бир урар. Узи сандуқ орқасига беркинур.

Т у р с у и *(бирдан чўчуб кетуб)*. Ло ҳавла ва ло куввато... Финаги ҳам қурсун-ей! *(Одамларга қараб.)* Ҳой мусулмонлар! Бу қандай гулдурос! Кўчада бомба отилдими? *(Ўрнидан туруб, эшикга чиқмоқчи бўлуб, у ёғ-бу ёғига қараб, қўрқгон киши бўлуб, яна келуб йтирар. Одамларга қараб.)* Эй, мусулмонлар, мен кўкпори, қўрқоқ одамман. Битта одам йўқки, чиқуб қараса. Тагини ёв-мов келуб қолгон бўлмасун. Уҳ, кайфимдан битта қолмади. Кафалагим учуб кетди. Яна янги кайф қилмасам, бўлмайдур. *(Кўкноридан бир пиёла ичар.)* Оҳ-оҳ-оҳ... Мана энди қуюғи чиқди. *(Бир пиёла чойдан қуюб, қанд-магиз бирла ичар.)* Мана бу қанд Масковдан келгон, магиз бўлса Каттақўргондан келгон, кўкнори бўлса Бухоройи шарифдан келгон табаррук. Олло-таоллонинг дунёда бандаларига марҳамат қилгон қандай поз-несматлари бор. Бири ширин, бири лаззатлик, бири очғи бўлса ҳам кайф қилади. *(Кўзлари сузилуб финакга кетар.)*

Т о л и б яна ўрни орқасидан фаднусни аввалгидан қаттиғроқ тақиллатур.

(Турсун чўчуб орқасига қараб, ағнаб кетар, ётгон ҳолда.) Субҳонолло алҳамдулилло, субҳонолло, алҳамдуллилло, вой, финаги қурсун-ей. *(Секин ўрнидан*

туруб ўтуруб.) Эй мусулмонлар, ер қимирладими? Бу қандоғ гулдурос? Асло манн тинч қўядими? Қўймай-дими? Момақалдироқ десам, ҳали ташқариға чиқганим-да ҳаво очиг эди. Ер қимирлади, десам, қозиндаги нарсалар қимирлаётганин йўқ. Одам қилвотди, десам, одам фарзандининг ичиди мундай гулдуросин қилурга кучи етадирғони йўқ. Ажабо, ман қандай балога қолдим. Бу — жинми, шайтонми? Ўзим янгигина кайф қилгон эдим. Кайф ҳам кетди. Қўрқгонимдан ўтим ҳам ёрилуб кетди. Ҳаққисин учгача, яна бир кайф қилмасам бўлмас. *(Яна кўкнори ичар.)* Оҳ-ҳо!.. Ҳамма кайфи остида ётгон экан. Агар худо тинчликни берса мунн кайфи худди уч кунга етади. *(Чой ичар. Кўзларини сузуб кўброқ финакга кетубтурғон ҳолда.)*

То ли б *(секин орқасига келуб, қаттуғ овоз ила).* Ҳой! Турсун ока!

Турсун *(бир юмалаб туриб).* Вой, финаги курсун! Эй, теги паст, қилиғнинг курсун, одам деган ҳам шунақа бемаза бўладими? Салом йўқ, алик йўқ, илдам-май-синдамай келуб, вагонин хуштагидек чиққирлаб бақирасан. Одам деган ҳам шунақа беодоб бўладими. Бировни уйига киргон кишин ул эшикни тақиллатади, чақиради, индан кейин уйга киради-де. Илдамай кирганинг бир сарн, тағин тедамга келуб бақирганинг нимаси?

То ли б. Эшикни бир эмас, икки марта тақиллатдим, ўзингиз ҳеч овоз бермадингиз. Индан кейин кирдим. Кируб қарасам, тоғорага қараб, энгашуб кетвотган экансиз. Бошингизни тоғорага уруб ёриб қўйманг, деб, «Ҳой, Турсун ока!»— дедим. Мен сизга яхшилиқ қилсам, сиз мандан яна хафа бўласиз-а.

Турсун. Бўри қўшнисига ямон соғинмас, деган гап бор. Кўздек қўшни бўлуб туруб, сан манга доим аллақайғдаги масхарабозликларни қиласан. Ҳали ман тўф отилдими, ер қимирладими, десам, сан бадбахтни эшик тақиллатганинг эдими? Эшик тақиллатган одам шуна-

қа қаттиғ тақиллатадими? Қайфимдап битта қолмади! Оз бўлмаса юрагим қинидап чиқуб кетар эди. Турсун окамни ўзи қўрқоқ, юраги ёрилуб кетарам демайсан-а...

Т о л и б. Ўзининг эр билсанг, бошқани шер бил, деган гап бор. Ҳар ким бошқаларни ўзига ўхшатади. Ман сизни ўзимга ўхшаган юраклик деб, ўйлайман. Ҳали шу юракминнам одамман, деб юрубсизми? Тағин Мусулмоновотда аскар бўлуб урушга борганман, деб шу ҳолингизминнам мақтаганингизга ўлайми?

Т у р с у н. Қўй, уруш қуруб кетсун. Урушдан гапурма. Мусулмоновотдаги урушлар болаларни ўйинчуғи эди. Қўкнорхонада Тош хаёл деган бир газит ўқийдургон одам бор. Шу айтадики, ҳозирги урушларда ҳар бир катта тўфлар борки, дейди, нчидан худди ҳўкуздек-ҳўкуздек ўқлар чиқади, дейди. Қўй, уруш қурсун, уруш одамларни бошига битган бир бало бўлдику! Урушдан гапурма! Намоздан гапур, рўзадан гапур, ошдан гапур, пондан гапур. Ўтур болам. Мана чой, пои...

Т о л и б ўтуруб, ҳадеб нон-мағизлардан еб, пккита-учта қанд солиб чойни ича берар.

Т у р с у н. Бугун қаёқга борган эдинг, жуда қорнинг очиб қолибдир?

Т о л и б. Эй, Турсун ока, қиморхонага борган эдим. Беш-олти танга буд-шудимни ютқазуб, сирри-вал-қайроқ бўлуб келдим.

Т у р с у н. Санга қимордан бошқа гап қуриб қолдими? Ўламолардан эшитамизки, қимор ўйнамоқ ҳаром деб. Сан ҳар кун қиморхонага борасан, ютқазасан, келасан мани бетинч қиласан, келасан мани бетинч қиласан. Нима, ўйнамасанг, ўласанми?

Т о л и б. Эй, Турсун ока, тарки одат амримаҳол, деган гап бор. Киши ёшлиқда нимани ўрганса, шунга хў қилуб, одатлануб қолур экаи. Онам бечора, раҳ-

матлик, отамга доим айтардики, ўғлиниги ўқут, ўглиниги ўқут, деб. Раҳматлик отам онамга айтардики, ўглиниги ўқуб имом, мударрис бўлармиди. Қайси масжид имомсиз қолвотди, дейсан. Фисибозорга чиқуб «ташишка» қилсун, пул топишни ўргансун. Муллоларни кўрасанми, ҳаммаси камбагал. Аксари бой бўлган одамлар аввалда «ташишка» қилуб, ўрсини тилини ўргануб, бой бўлуб кетгон, деб мани ўқутмай, «ташишка»га чиқарди. Мана энди, ман бўлсам, ямон одамларга қўшилиб, саёғ бўлуб кетдим. Пул топишни ўрганаман, деб қимор ўйнашни ўргандим. Топган пулимни қиморга бой бериб, бир парча понга зор бўлуб, расвойи олам бўлиб қолдим. Шунинг учун сизга ҳар вақт айтаманки, ўғлинигини аввал ўқутинг, пулга ўргатманг деб.

Турсун. Ҳалиям сани сўзингга кируб ўғлимини ўқитвотман-ку. Мундан ортуғ тагини нима қилай?

Толиб. Тузук, ўқутвотсиз, кўкноридан нимага ўглинигизга ичирвоссиз?

Турсун. Кўб ичмайди, оз-моз ичади. Бир уйда туруб, ман ичганда ўғлим қараб тургани яхшими.

Толиб. Боя ўзингиз манга пасиҳат қилдингизки, қиморни ўйнамасанг бўлмайдими (деб). Мана, ўзингиз нимага кўкнори ичасиз? Бу қимордан ҳам ёмон(ку)? Қимордан бир кун ютқузгон киши бир кун ютади. Аммо бу кўкнорингизга пул дод деб кетади. Ўзи—заҳар. Бора-бора ичган одамни бадаини заҳарлаб, бўйинини қилтируғдек қилуб, пас(т) назар қилуб, одамни одамгарчиликдан чиқоруб қўядир.

Турсун. Кўйлаги йўқ тиззаси йиртиқга кулар, дегандек, сани одамгарчиликни билганингга ўлайми?! Шунчалик ақлинг билан қимор ўйнаганингга ҳайронман...

Толиб. Кўп гапти чўзуб ўлтурманг, манга бир сўм қарз беринг. Ман сизга эрта беш ярим танга қилуб бераман.

Турсун. Аввалги олган пулларингни ҳали берганинг йўқ. Тагин санга нима деб пул бераман... Мани саррофхона қоқуб қўйибди, деб ўйлайсанми. Ҳадеб санга пулни қаёғдан топаман.

Толиб. Хайр бермасангиз берманг. Ўзим билуб ишимни қиламан.

Турсун. Тагин нима иш қилмоқчисан? Қўрқутпи бўлса хўб қўрқутдинг, ўтакамдан битта қолмади. Жон болам, бир кун туз ичгон (жой)га қирқ кун салом, деган гап бор. Чойини ичдинг, понини единг. Худо хайр берсун, энди мани тинч қўй. Пулни бошқа ердан топарсан.

Толиб. Кўздек қўшни бўлуб туруб, сиз бермасангиз, менга ким беради, дейсиз. *(Секин фаднусни олуб орқа томонидан бирдан тарақлатуб юб-рар.)*

Турсун. Войдод! *(Бирдан юмалаб кетар. Бир оз ётгандан сўнг секин ўрнидан туруб.)* Уҳ... Жон-понини чиқоруб юбординг, жон болам. Ҳазил деганам шунақанги совуқ бўладими. Турсун акам ўзи қўрқоқ, юраги ёрилиб ўларам, демайсан-а...

Толиб. Ман сизни юрагингиз ёрилгани билан неча пуллик ишим бор. Манга пул керак, пул!

Турсун. Пулингам қурсун, галвангам қурсун. Бировдан пул сўраган одам шунақанги ўтини ёруб оладими?! Мулойим сўзлар била ийдуруб олади-де. Шунақа қиласан-де, одамни энсаси қотиб, пул бергиси келмайди.

Толиб. Сонб қиморбоз қанча деса, берасиз, аммо манга қолганда энсангиз қотади.

Турсун. Сонб санга ўхшагон бадмуомала эмас, бешни олтига олади ҳам ваъдасига етказуб беради. Аммо сан бешни беш яримга олуб ҳам бир ой-икки ой сургаб кетасан. Мана, ҳозир аввалги олганларингни тўламасдан яна пул сўрайсан. Кошки, тагим тўғрилиқминам сўрасангам гўрга эди. Эшикдан мўмақалди-

роғдек гулдуросминнам келасан. Одам фарзанди ҳам шунақанги бадхулқ бўладими?

Толиб (*оччиғлануб*). Келинг, кўп гапурманг. Ўзим ютқузуб, аламзада бўлуб келгонман. Пул(ни) бера-сизми, бермайсизми?

Турсун (*одимларга қараб*). Ямондан ё қоч қутул, ё тон қутул, дегандек, бериб қутулмасам, бу ма-ни қўядиғонга ўхшамайди. (*Толибга қараб.*) Хайр, берсам, берайин, қачон берасан?

Толиб. Худо хоҳласа ютсам, шу бугун келтуруб бераман. Агар ютқузуб қўйсам, кейинроқ бераман.

Турсун. Кейинроғинг қачон? Кейинроқ деб тағим қиёматгача судраб кетмагин. Бир кунга ваъда қил-де.

Толиб. Қиморвозни ваъдаси бўладими?.. Бир кун-га ваъда қилолмайман. Қачонки, ютсам, олдидан сиз-ни пулларингизни кетуруб бераман. Келинг, тезроқ бўлинг, манга кеч бўлмасун.

Турсун (*ёнидан беш танга чиқоруб Толибга бе-рар*). Ма, ўғлим, кўб кечуктурма, олти танга қилуб берасан.

Толиб. Хўб, Турсун ака. Агар ютсам, бир танга, ярим танга манга чўт эмас. Ютқузуб қўйсам, тағим ол-дингизга келаман...

Турсун. Қадамнинг қирқилсун, ютқузуб қўйсанг келма, пул деб тағим бошимни қотирасан. Эмди бир тийин ҳам пул қолмади. Бошқа ердан топурсан. (*Ма, деб бир сўмни қўлига берар.*)

Толиб (*пулни олуб суюна-суюна*). Балли, Турсун ака, ўғлингиз муллоин боамал бўлсун. (*Чиқуб кетар.*)

Турсун. Дуойинг қурсун. Тагин дуо қиласанки, ҳа дийдорингни тахтада кўрай. Ғалванг бошингда қол-сун. (*Эшик тақиллар.*) Оббо, худо урди. Дарров ют-қузуб Толиб тағим пул деб келди. (*Секин-секин бо-риб эшикни очар.*)

Фўлод эшикдан кирар.

Фўлод. Ассалому алайкум, Турсун ака, қалайсиз? Саломат, баофият? (Турсун ака ила иккиси кўрушар.)

Турсун. Қани, ўтур, Фўлод ўртоғ.

Фўлод (*ўтирар*). Қадам етди бало етмасун. Оллоҳу акбар. Қалайсиз, Турсун ака, саломат бормисиз? Бу кунларда кўкпорхонага ҳам кам борасиз. Шунинг учун сизни бир кўриб кетай деб келдим.

Турсун. Хуш келибсан, ўртоқ. Мани асти қўявергин. Худо манга бир ямон қўшнини берган, на кечаси тинч қўяди ва на кундузи. На уйқумда ҳаловат бор ва на еган таомим ичимга тушади, на кайф қилдиргани қўяди. Кеча демайди, кундуз демайди, вақт демайди, бевақт демайди. Қиморга бой бериб келади-дс, Турсун ака, пул бер, пул, деб жонимдан безор қилади.

Фўлод. Ким ул? Қайси қиморбоз. Ман тонийманми?

Турсун. Эсонбой акани ўғли Толиб қиморбоз-чи? Уша.

Фўлод. Эй, Турсун ака, сизни юрагингиз бор бў-сун. Ҳали ўшандан қўрқуб ўтурубсизми? Гиринг-фиринг деса, қулочкаш қилуб, қулогини тегига тўрт(т)а тушурмайсизми? Иккинчи сизни даргоҳингизга қадам босмасдан бадар кетсун. Қиморбоз халқига бўш келсангиз, миянгиз чиқуб кетвуради-де.

Турсун. Эй ўртоғ, сан ўзинг уни ҳунарларини кўрмасдан чиранивотсан. Агар мани ўрнимда сан бўлсанг эди, ҳовлингни ташаб бошқа ёқга кўчуб кетардинг. (*Эшик тақиллар. Турсун ака титраб-қақшаб эшикни очар.*) Кел, ўғлим, кел. Санмудинг?

В а л и крар.

В а л и. Ассалому алайкум.

Фўлод. Ваалайкум ассалом, балли ўғлим, балли. Муллоин боамал бўлинг.

В а л и. Ота, Толиб акам пулни қимор ютқузуб, бировминам ўлгунча ёқалашди.

Т у р с у н (*Фўлодга қараб*). Ана, ўртоғ, айтмадимми? Ҳозир келиб тағим мани тумов қилади. Кошки, пулим бўлсаям майлийди. Йўқ деганимга ишонмасдан жонимдан басир қилади.

Ф ў л о д. Эй, Турсун ака, сиз жуда қўрқоқ одам экансиз. Нима, сизга уни отасини мероси қоптимн? Сиздан ҳадеб пул сўрайвурати. Қани кесин-чи?! Қўрқсангиз, ёнингиз(да) ман бор-ку?!

Шул вақт шошилуб Т о л и б эшикдан киради.

Т у р с у н. Кел, болам, кел.

Т о л и б (*ўтирар*). Эй, Турсун ака! Қори бад қурсун. Ҳалиги сиз берган бир сўмни ютқузуб, яна ўн танга банди бўлуб келдим. «Ҳозир нес(т) деб, қисталанч қилуб, ўзимам муштзўрликминам, муштлаб қутулиб келдим. Энди, жон Турсун ака, яна бир оз оқча топиб бермасангиз, асло иложи йўқ. Муттаҳамга бир эшик ёфуқ бўлса, бир эшик очик. Бошқа қиморхонага бориб ўйнасам, шояд ютсам, сизни ҳам ҳамма пуллариңизни берсам. Ҳалиги қизталоқдан ҳам қутулсам.

Ф ў л о д. Сан болам, ажаб бир бегам бола экансан. Турсун ака ким, сан ким? Сани отанг бўлмаса, отангини моли Турсун ака(га) қолгон бўлмаса, Турсун ака ўзи бир бадавлат, бой ошиб-тошиб ётган одам бўлмаса, нима, ҳадеб бу бечорани пул деб бошини қотирвурсан? Турсун акани сандан бошқа касали йўқми?

Т о л и б (*Фўлодга қараб*). Хўб, яхши бой ота. Сўзлариңизга тушундим. Қиёмат куни қўшпидап деган гап бор. Турсун акадан бошқа мани ҳеч кимим йўқ. Ман сиздан сўравотганим йўқ. Турсун акамдан сўравотман. Агар Турсун акамга малол келса, иккинчи сўрамайман. Токн ўзлари мана, деб бермагунларича. Қа-

ни, Турсун ака, хафа бўлманг. Сизла бўлмаса, мана, бой отам бор эканлар. Қани, бир кайф қилайлук. (Чўнтагидан ичида керосин тўла нос шишани олиб ёнига қўяр, яна бир чўнтагидан бир қути фофирус олиб, Турсун ака ила Фўлод акага тутар.) Қани олин-гиз, бир кайф қилайлук.

Турсун. Чаксакмукин, бу ўрисвойни фофирусини асло чекгоним йўқ эди. Қани, бир чакиб кўрай.лук-чи, кайфи қанақа бўларкин?

Фўлод. Қайфи қурсун. Муни кайфи нима бўларди, дейсиз. Минг қиганда ҳам чилимдек бўлмайди. Хайр, Толибжонни сазоси ўлмасун, чексак чекпийлук.

Ҳар иккиси оғзига фофирусни тишлаб турар.

Толиб. Сизлар фофирус чексангиз, ман аввал бир нос чакуб олайин. Фофирусни кейин чакарман. (Нос шишадан оғзига нос қўйган киши бўлуб, керосин со-луб олур, сўнгга гугурт чоқуб, оларнинг оғзиларидаги фофирусларга тутуб, туруб бирдан оғзидаги мойдан гугурт ўтига фуфлаб юборур. Турсун ила Фўлод чунон қўрқушуб, титрашуб, саҳнанинг у ёғ-бу ёғига қоч-ишурлар. Толиб қўл ила ишорат қилуб, пул бер, дейор. Фўлод шошилуб ҳамёнини ковлаб бир сўм берур. Қўч-мас. Икки сўм берур. Қўнмас. Уч сўм берур. Толиб оқ-чани олиб чиқуб кетар. Турсун ила Фўлод иккиси бир-бирига қараб титраша-тираша ўтурушур.)

Турсун (Фўлодга қараб). Қалай ўртоғ, мани айт-ганимча бор эканми? Боя гафурганимда мани сўзимга ишонмадинг. Толиб келганда қулочкаш қилуб уруб, қулоғини тагидан шавла қайнатмоқчи бўлдинг. Аммо у бадзот ўгли бадзот келуб, жодугарлик қилганда, қуёни боласидек олдиға тушуб қочдинг. Итдан қўрқ-гон гадодек олдиға тушуб қоча-қоча уч сўм пулни бе-риб, зўрға қутулдинг.

Фўлод. Турсун ака, ўзингизам бўридан қочгон қўй-

дек олдиға тушуб қочдингиз. Ман қайдан билайин ул ҳаромзодани(нг) мундай жодугарлигини. Бизларға меҳрибон бўлуб Фифирус бериб говут чақди-ю, бпрдан ҳамани ўт олиб кетди. Оз бўлмаса соқол-мўйлонларимдан битта қолмас эди. Уч сўм пулни олиб йўқолгонигаам шукур. Агарда тағим бир жодугарлик қилса, иккичизни ҳам афт-башараларимиз куюб, қошқифриқларимиздан битта (қолмай) қип-қизил мохов бўлардук. Худо сизга тўзум берсун, Турсун ака. Мундоғ жодугар ҳаромзодаминам қўшни бўлуб умр ўткарганингизға балли. Юрагингиз тоғ экан. Тегирмон тошдек бардошингиз бор экан. Мандек одам мундай ҳавлини бир кунда сотуб кетардим. Сан тинч, қўшнинг тинч, дегандек, ёмон қўшни ёруғ дунёни дўзахи, деб шуни айтадилар-де.

Турсун. Фўлод, энди икковимиз бориб зўр-зўр кўкнори ўртогимиздан олиб келиб, тездан муни чорасига киришайлук.

Фўлод. Журунг, бўлмаса.

Турсун. Тўхта, чирогни ўчуруб қўяй. (*Чирогни ўчураб*). (Чиқиб кетар.)

Бир оздан сўнг Толиб беш орайнисини бошлаб кирур.

Толиб. Ўртоқлар, Турсун акамни уйи, бемалол! (*Ултурушар*.) Ичиндан бир қиморбоз — Эшвой сандуқ устидаги понни кўруб, «вой худо берди-ку», дея нонни олиб қўюб, ҳаммалари талашуб ерлар. Ўртоқлар, Турсун акани ови келибдур, худди беш-олтисини бошлаб келадур. Мани устумга чопонни ёпуб қўюнглар. Ман бу ерда ётай. Сизлар сандуқни орқасинда кўрунмасдан ётинглар. (*Етар, Турсунлар келишар*.)

Турсун. Эй ўртоғлар, сизларни хабарларингиз йўқ. худо менга бир жодугар қўшни бергон. Кундузи ҳам қутулмайман, кечаси ҳам. Шунинг учун ман сизларни чоқриб келдим.

Бир кўкнори. Турсун ака, қиморбоз халқи кўб зўр келади-р-ку.

Т (урсун). Беш-олти киши бир кишига кучларинг етмайдурми?

Ф (ўлод). Манга минг қиморбозни олиб келийла, якка (ўзим) минг қиморбозни ураман.

О т а ж о н. Фўлод, сенга қачон юрак берди?

Тур(сун). Қани олинглар кўкнордан, ҳали кучларингини синаймиз. *(Ҳаммаларига қуюб берар. Фўлодга қараб.)* Фўлод, сан буларга кўкнордан қуюб беруб ўлтур. Ман бориб қўлбола қилиб чой дамлаб келай, бу ерда дилкашлик қилиб ўлтурамиз, лаббай?

Ф (ўлод). Шундога(м), олиб кел чойни, жуда чарчадим.

Т (урсун) *(ўрнидан туруб)*. Бисмиллоҳи... *(Бирдан Толибни тефасига йиқилиб тушар, ўлтурганлар титрашуб турар.)*

Ф ўлод. Эй Турсун ака, бизларни қандоқа жойга олиб келдингиз?

Т (урсун). Фўлод, бу ҳаромзодани ўлугими?..

Ф ўлод. Ўлуги қурсун, Турсун ака!

Т (урсун). Кел, Фўлод, бу ҳаромзодани ўлугини эшикка олиб чиқиб ташлайлик.

Ф (ўлод). Тўғри, олиб чиқиб ташлайлик.

Турсун. Фўлод, бўлмаса, сан бошидан кўтар, ман оёғидан.

Ф ўлод. Қўй, ака, бошни қурсун. Ман қўрқаман, сен кўтарақо.

Т (урсун). Кел бўлмаса. *(Кўкнориларга қараб шиддат ила.)* Ҳаммаларинг титраб ўласанми? *(Ҳаммалари кўблашуб кўтаришуб чиқуб кетар. Бир кўкнори, қиморбоз ётуб олар.)*

О т а ж о н. Ўв, ўйинг қурсун, шунақа ажинахонада ўлтурасанми?

Ф (ўлод). Уф! Ҳаромзоланинг ўлуги салкам бир ботмон экан.

Турсун). Қуй, кайфлардан бирта қолмади, яна бир бошқатдан кайф қилайлик, лаббай?

Кўкиорилар. Шундай, шундай... (*Ҳаммасига биртадан қуюб берар.*)

Турсун. Ўртоқлар, ҳали қўлбола қилиб чой олиб келаман, деб эдим, у ҳам эсдан чиқибди-ку.

Отажон. Ўртоқ, бизлар кетамиз, вахлироқ олиб кел.

Турсун. Тузук, бўлмаса. (*Ўрнидан туруб, бориб қоқулар.*)

Отажон. Войдод! Бизларга жин урди!

Фўлод. Уйинг қурсун, Турсун ака!

Турсун. Ҳаромзоданинг ўлуғи жуда чофқур экан, биздан аввал етуб келубдур.

Фўлод. Турсун, мунн олиб чиқуб ташлайлук.

Турсун. Рост айтасан, тагин фолиска-прустуб келуб қолмасун.

Отажон. Қафанни чўзмасаларинг, ҳозир келиб қоладур.

Турсун). Келийлар! (*Кўтаришганда орқасидан ҳуштак чалар, улар қочарлар.*)

Парда тушар.

1915 йил, 25 февраль.

БИЗ (ВА) СИЗ

Туркистон турмушиндан олннуб ёзилгон 4 пардалик фожиа.

Биринчи парда

Туркистон турмушига мувофиқ бежалган уйда кўринур.
Уйнинг бир чеккасида бир этажеркада китоблар, уч устул,
бир устол қўйилгон бўлур.

УЙНОВЧИЛАР

К а м о л — Ёврупода ўқуб келгон йигит, 25 ёшинда.

К а р и м б о й — йигитнинг отаси, эски фикр, 50 ёшинда.

Ж а м о л — йигитнинг онаси, эски фикр, 45 ёшинда.

А л и — йигитнинг укаси, чапани, 21 ёшинда.

Ҳ а б и б а — йигитнинг синглиси, 16 ёшинда.

С а р в а р — даллол хотун, совчи, 50 ёшинда.

М у л л а Ғ у л о м — йигитнинг тоғаси, мутаасиб мулла —
40 ёшинда.

А ҳ м а д — йигитнинг ҳамфикр ўртоғи, 23 ёшинда.

К а м о л устунда ўлтуруб, китоб муталаа қилуб тургон ҳолда
парда очилур.

К а м о л (*Китобни ёнуб, ўрнидан туруб, у ёқ-бу ёқ-ға юруб*). Ажабо! Мен қандай бир қизиқ ҳолларга қолдим. Тўрт томоним ҳам ўт. Кеча-кундуз ўртаниш, ёнишдан бошқа бир нарсa йўқ. Бу жаҳаннам тешигиндан бошқа янгилик тешиғи ҳеч томондан кўринмай-дур. Кўрунмоқ эҳтимоли ҳам йўқ. Кошки боргон еримдан бу мотамхона элимга, юртимга келмагон бўлсам эди. Бу хурофотлар уяси бўлуб, чуруб, билжираб кетгон эски турмушни кўрмагон бўлур эдим. Ўн йил ичинда Ёврупода ўқуб юргон вақтимда Туркистон аллақанча ўзгаргон (унда) маданий ҳаёт ўрнашгон деб эшитгон

эдим. Африқо, Амриқоннинг ваҳшийлари маданият, янги турмуш орқасидан чолишгон ҳолда бизнинг Туркистон болалари ҳам унча-мунча йўлга киргон, ўзгаришлар орқасида тараққийга қадам босгондур деб ўйлагон эдим. Ҳайҳот, бу фикримда зўр янглишгонман, хато ўйлагонман. Ўзгариш бизнинг элнинг кўчасида ўтгон. Фақат ўзгариш кўчадагина бўлгон. Аммо турмушда, уй ичида энгирча ҳам ўзгариш йўқ. Ҳамон эски ҳаммом, эски тос. (*Устолга йлтуруб.*) Оҳ... Мен қайғуларимни, дардимни, ҳасратимни ким(га) айтай, ким(га) сўйлай?! Бечора Фузулий демниш:

Дўст бепарво, фалак бераҳм, даврои бесукун,
Дард чўх, ҳамдард йўх, душман қавий, толеъ забун.

Мен Европада тургон вақтимда тарбия кўрган оналар ичинда маданий турмушга ўргануб, одат қилуб қолгон эдим. Эмди мунда келуб, бу хурофотга ботгон, чуригон турмуш ичида ўралиб қолдим. Бутун бир онла ичинда ўзимдан бошқа менга ҳамфикр киши йўқ. Фикр ва маслак жиҳатидан отам, онам, укам, қариндош-уруғим — ҳаммаси менга душман. Турмушда, ишда, сўзда орамиздаги алоқа ўт билан сувдек бир-бирига эид, тескари. Мен тегирмондан келсам, булар дўлдан келадур, мен осмондан савол қилсам, булар арқондан жавоб берадур. Бутун сўзларимизда ав(б)оннинг кафшига ўхшаш пойма-пой. Турмушимизга ўрнашгон хурофотларни тушундурмоққа қаттугроқ киришсам, ҳаммалари бирдан хахолашуб мени масхара қилуб кулишалар. Келинг, мана бу ўз фойдасин билмагон, гапга тушунмагон, келажакни куйламагон кайбаҳс одамлар билан сўйлашуб кўринг — минг жонингиздан бир жонингизни ҳам қўймас, ҳар қандай зўр ва ақллик миянгиз бўлса ҳам қоқиштируб қўлингизга берар. Булар билан кўброқ алоқада бўлсангиз, ё ўзларига ўхшаш тўқумтабнат, ё миянгизни айнатуб, жини-

ни қилуб, оёғингизга кишан солуб, қараб ўлтурушдан ҳам тоймаслар. Шонр демиш:

Эй табъи позукат, ки ту бар ман боло шуди.
Тўқум табнатон ҳамна дар айшу ишратаст.

Эмди, нима қилмоқ керак? Бурунни сассуғ деб кесиб ташлаб бўлмайду. Мен ўзимга лозим билдим, жазм қилдим, булар билан турмушда қатъий кураш яшашга. Бу курашда ё мен енгармен, ё улар. Агарда мен енгсам, бутун бир оилани тузатғо(н) бўлурмен. Агар улар менга ғолиб кесалар, бўладурғони бўлар. Шонр демиш:

Бир-икки кунда муродингча фалак айланмаса,
Доимо бир йўл билан кетмас бу даврон чекма ғам.
Гарчи манзилдур хатарлик ҳам йироқ мақсудимиз,
Хеч йўл йўқдурки бўлмас унда поён, чекма ғам.
Ҳар кишида бир ғараздур, ҳар кўнгулда бир хаёл,
Ҳар ким ўз уммидининг қурбони, Ҳижрон, чекма ғам.

Ҳар ҳолда умидсизланув ўринсиз. Қўлдан келгунча булар билан тортишувга тўғри келаду. Тортишмоқ керак. Ёвропо олимлари «дунёда мумкин эмас иш йўқ», дерлар. Инсон дунёга емак-ичмак учун келмайду. Ҳақ йўлда ишламак, ҳақиқатни юзага чиқармак учун келаду. Мана бизнинг орамиздаги курашлардан бири, биринчиси ҳам энг зўридан бир шингил эшитинг: Мен эмиш, ўн йил Ёвропода ўқуб келгон бир йигит, ўқумагон, кўзум билан кўрмагон бир қизни олар эмушман. Бориб кўришуб келуб, менга лўли эшагини мақтагондек мақаташаду. Ким билсун, ул қиз ҳур ё пари каби чиройликду, ё дев шаклда сигир каби бир махлуқду. Ҳозирда менинг қошимда бу уйланув масаласи ҳаёт-мамот қаторида тураду. Уйланмайман десам, ўз йўлимга қўймайдулар. Билган-кўрганларимни олиб бериш десам, бирини отаси йўқсул, бирини ўпоқ, бирини сўпоқ дейдулар. Ишқилуб кўблашуб

кўмаклашуб ўз дўмбираларига мени ўйнатмоқчи бўладурлар. Қисқаси, бир нодон, жоҳила қизни менга олиб беруб ёш умримни хазон, турмушимни тўзон қилмоқчи бўладурлар. Хайр, боқолим, галаба кимнинг томонида бўлур.

Қ а р и м б о й (эшикдан кируб, кўрфачага ўлтируб). Қани, ўғлум, бери келинг, курсидан тушинг. Мени ёнимга келинг. Қўб ўзбошимчалик қилманг. Ота-она деган ганимат. Бизни(нг) сизга бойлаб қўйгани йўқ. Кечаги гапга узил-кесил жавоб беринг.

Қ а м о л келиб отасининг ёнида тиз чўкиб ўлтирар.

Ўғлум, боядан бери ёлғуз уйда ўзингиз билан ўзингиз, жиши кишчдек нималарни сўйлаватган эдингиз? Одамларнинг «ўқуғон кишилар ақлдан адашар» деган сўзлари тўғри экан. Бизнинг халқ мундай қоронғу уйга кириб олуб ўзи билан ўзи сўлашадургон кишиларни «овсар, тентак» деб айтадурлар. Қани гапуринг, ўғлум. Бугун эрта бирлан онангиз ҳолангиз бирлан Ортқўбойнинг қизига боруб унашуб, оқ ўраб келгони ош-сув қилиб кетди. Ҳозир келишуб қолса керак. Аввалги фикрингиздан қайтинг. Юрт-эл ичинда отангизни гарданани хам қилуб, шарманда қилманг, ўғлум.

Қ а м о л. Отажон, кеча мен сизга айтмадимми, кўзим билан кўрмагон, билмагон, синамагон қизни олмайман. Тагин нима қилиб бекорга овора бўлуб оқча-чиқим қилуб онамни юбордингиз?

Қ а р и м б о й. Мен биламен, подшоҳни ҳуши қурбақага тушгандек сени ҳушинг амакинг Салим қурумсоқнинг қизига тушибдур. Мен Еврупода ўқудим, деб кўнглингга келган номаъқулчиликни қила берасанми? Шариатда ҳам тавфиқ деган гап бор. Боболаримиз тенг тенги билан, тезак қопи бирлан демишлар. Ул камбағал Салим қуруқ билан бизнинг оромизда ер би-

ла осмонча фарқ бор. Хотун деган нарсa эрнинг чўри-
си бўладур. Мана шул чаҳор девор ичида ўлтуруб ош-
сувга, эрнинг йиртиқ-ямоғига яраса бўладур.

К а м о л. Отажон! Сизнинг назарингизда хотун биз-
га чўри бўлса, менинг назаримда эрдан хотуннинг
мартабаси улуғ. Бутун бир оиланинг тарбияси, ёзмуш
саодати уй бошлуғи бўлгон хотун қўлида бўладур.
Боболаримиз «хотуннинг яхшиси Хитойнинг божишги-
ри» демишлар. Сўзнинг қисқаси, нима қилсангиз қи-
линг, мен синамаган қизни олмайман.

Шул вақт эшикдан Ж а м о л, С а л о м а т, С а р в а р кирар.
Фаранжиларин қўйишуб қаторга ўлтиришурлар.

Ж а м о л. Отаси, суюнчи беринг, худога шукур, Сар-
вар хола Ортиқбойни ҳар хил гаплар билан зўрға
унатди. Мана, оқ ўрашуб келдук. (*Қўли билан боши-
даги дока рўмолини кўрсатур.*) Отаси, нучук худо
ярлақаб кесакдан ўт чиқғондек ўғлингиз бирлан гап-
лашиб ўтирубсиз?

С а р в а р. Бой энди бизни хизматни тўла қиласиз.
Ортуқбой пирга қўл берган мўмин, мусулмонни комил
одам экан. Қизни бўлса қўй оғзидан чўп олмагон, ёв-
вош, мулойим, беш вақт намозини канда қилмайдур-
гон жуда яхши бола экан. Бир оз тикиш-чатишга, ош-
сувга камроқ уннаган, нўноқроқ экан. Ўзи ҳали ёш,
энди 18 га киргон экан. Эрка ўскон, бойвучча қиз-де,
сизнинг даргоҳингизга келса, қайин онасини турткиси-
ни еб, билмаган ишларини ўрганиб кетар. Ишқилиб
қўша қарнсун.

С а л о м а т. Ортуқбой, Каримбойнинг ўзи яхши
одам. Мусулмонни комил, локин ўғли Ёврүпода ўқу-
гон, калтадум, баришналар билан қўлтуғлашиб юриш-
га ўргангон, намоз-ниёздан узоқроқ деб эшитаман,
менинг қизим билан умри муроса қилолмас, деб кўб
тихирлик қилуб, бизларни кўб қийнади. Сарвар хола

билап иккпмиз ёлгон-яшуглар билан қўйини пуч ён-
гоқға тўлдириб, йўқ, Камол зурриётига тортган, беш
вақт намозини тарк қилмайди, шалп-шулп юрмайди,
мўмин-қовул, ҳуснига боқса, одам тўймадугон, жуда
яхши бола деб Ортукбойни аранг унатдук. Катта тўй-
ни ҳам тездан жўнатадигон бўлиб, кечқурун никоҳ
бўладугон қилуб келдук. Бой, энди худо сизни ҳам-
ёнингизга қувват берсун. Ортукбойни гапини мазмуни-
га қарагонда тўйни катта оладигонга ўхшайдур. Нима
қилади дейсиз, бой. Сизга ҳовуздан бир челақ сув ол-
гандек габ, кори хайрга худо ўзи еткузади. Ишқилуб,
айтинг-айтинг, қўша қарисун, туп қўюб, фалак ёз-
сун, увалик-жувалик бўлсун.

Али Мулла Фулом билан бирга саломлашуб кирурлар.
Мулло Фулом бой ҳам жияни билан кўришуб ўлтирар.

Али. Ота, тоғамни уйларида тополмай, бориб дў-
конларидан айтиб келдим.

Каримбой. Жуда яхши, бор, отларга хашак сол,
бориб гузардан гўш, сабзи олиб кел.

Али хўб деб чиқиб кетар.

Мулла Фулом. Бой, тўйлариңиз муборак бўл-
сун. Алидан эшитуб, кўб хурсанд бўлдим. Ортукбойга
қуда бўлибсиз, жуда яхши бўлибдур. Худо зиёда қил-
сун.

Каримбой. Қуда бўлишга бўлдук, аммо яхши
бўлдим, ёмон бўлдим, уни мана бу жиянингиздан
сўранг. Билмадим, жиянингиз Ёвропада ўқуб келуб,
ота-бобомиздан қолгон урф-одатларимизнинг ҳеч би-
рин ёқтурмайдур. Бутун бир шаҳарнинг қизи бул жа-
нобга маъқул эмас. Аммо жиянингизни ройига қўй-
сангиз уйимизни жиннихона қилмоқчи. Ул Салим қу-
руқнинг қизи Марямни олмоқчи. Ўзингиз ўйлаб кўринг.

ул бизни теңгимизми? Бу ўзбошимча жиянингиз мени бутун обрўйимни ер билан яксон қилмоқчи. Мана, опаларингиз бугун бориб Ортуқбойга қуда бўлуб, оқ ўрашуб келди. Локин масала ҳали жиянингиз назаринда ҳал бўлгани йўқ. Ул ҳали узил-кесил жавоб бергани йўқ. Бул кажбаҳс жиянингизни сиз кўндурмасангиз биз асло кўндуролмадук.

Ҳ а б и б а патнусда нон, дастурхон, чой олиб кируб **қўюб** кетар. **Ж а м о л** чой қуюб, нон ушатншуб, еб-ичуб ўлтурарлар.

Ғ у л о м. Қаши, жиян, гапуринг-чи, Ортуқбойни қизини Салимбойни қизидан қай ери кам? Ортуқбой бўлса, бутун юртга, элга маълум. Дастархонлик, обрўйлик, қизига бор-йўғини сарф қилуб мол қилгон. Аммо Салимнинг қизининг бошидаги сочидан, оғзидаги тишидан бошқа бир нарсаси йўқ.

К а м о л. Тоғажон, сизлар кўблашуб менга хотун олиб беришмоқчимусиз ёки дастархон, обрў, мол олиб беришмоқчимусиз? Меннинг қошимда давлат, мол, обрўнинг уч пуллик қиммати йўқ. Йигит бир уйланадур, қиз бир чиқаду, дерлар. Бу умр савдосидур. Бу савдони, менча, қиз билан йигит тонишуб, билишуб ясалмоғи керак. Уртада сизлар каби даллоллар билан битгон савдо турли-турли ёлгон мақтовлар билан ясалгон никоҳ бирикуви ўргумчак иши каби елга дош бермайдургон айрилиқ — жудолик уяси деб биламан.

Қ а р и м б о й. Мулла Ғулом, сиз биласизми, бу киши Ёврупода кўкраги очуқ, болдири очуқ, чиккабел қизлар билан кўлтуқлашуб юруб ўрганган. Мундаги қизлар ҳур-пари бўлса ҳам маъқул бўлмайду. Бул отаини сўзига кирмайду, шайтонни сўзига кираду.

Ж а м о л. Отаси, қўйинг, ўғлимни кўб турткиламай. Тўйингизни қила беринг. Ортуқбойни қизи Жамилани кўргандан кейин бошқаларни унутиб, кўрмагандек бўлиб кетар.

С а л о м а т. Бой хафа бўлманг, Жамила жуда ақллик қиз. Қамолни боғлаб-ушлаб ўз домига солиб, қумтошдек бўлиб кетишса керак.

С а р в а р. Қизнинг нози, йигитнинг истигноси бўладур дерлар. Мунақанги уйланмайман, деган йигитларнинг кўбин кўрганмиз. Уйланмасдан аввал шундай нозу истигно қилуб, уйлангандан сўнг хотунга қул ва асир бўлиб қолгонлар. Бой тўйни қила беринг. Зоелик тортсангиз ман зомин!

Ғ у л о м. Жиян! Ақлингни бир оз бошингга йиғ, хаёлингни паришон қилма. Эсингни ўзингга ол. Шайтонни сўзига кирма. Ота-онангни қартайган чоғида хафа қилма. Сен Европода юруб, эсингни йўқотуб, ақлингдан адашуб келубсан.

Қ а р и м б о й. Эй Мулла Ғулом, бунга гапурмоқ доволга гапирмоқ билан баробар. Мунга гап таъсир қиладур, деб ўйлайсизми?

Қ а м о л. Боядан бери ҳаммангизни сўзингизга қулоқ солиб турубман. Барчангиз бир фикрда, бир уйда, бир хаёлдасиз. Ҳаммангиз ҳам ҳозирги-ҳузурги деб фақат олдингиздагини кўрасиз, узогни тушунмайсиз, келажакни ўйламайсиз. Менга сиз хотун олиб бермоқчисиз. Бозордан бир ҳайвон сотиб олгон киши ҳам у ёғ-бу ёғини кўруб оладур. Агарда ул олиб берадургон хотунингиз бирлан ўзларингиз бирга яшайдургон бўлсангиз, ўзларингизни ўлчовингиз бирлан ўлчаб оладургон бўлсангиз, ола беринг. Мен рози, сизга рухсат, ижозат. Аммо мен онинг бирлан гаплашмайман, бирга ўлтурмайман, юзини ҳам кўрмайман, кўрмоқни ҳам истамайман. Агарда ул қизни менга хотунликга оладургон бўлсангиз, онинг билан бирга мен яшайдургон бўлсам, қўйинг мени ўз ҳолимга. Менга рухсат беринг. Мен ўз хоҳлаган қизимни, кўруб-билуб олайин. Сўзимнинг қисқаси, узил-кесил жавоб сизга — шул. Кўрмагон-билмагон қизни олмайман, ёш жонимни ёнар ўтга солмайман, вассалом.

К а р и м б о й (*аччиғлануб, ўрнидан туруб*). Мана, Мулла Ғулом, боя сизга айтмадимми, бу кажбаҳс асло одам боласини сўзига кирмайдур. Қирқ киши ҳам бир, қинғир киши ҳам бир. Қўйинг, уйланмаса, уйланмасун, тўйни одам юборуб тўхтатаман, дунёдан тоқ ўтсун.

Ғ у л о м (*аччиғлануб ўрнидан турур*). Ҳой, жиян, менга қара, сенга айтаман. Агарда сен шундай отангини норози қилуб, бизни ранжитадурғон бўлсанг, уйингга ҳам келмайман, тўйингга ҳам аралашмайман, юзингга ҳам кўрмайман.

Ж а м о л. Ҳой болам, қўй, бир оз аччиғингдан туш, отангини ҳам мени қариган чоғимда куйдурма.

К а м о л (*ўрнидан туруб*). Онажон, отажон! Сиз мендан хафа бўлмангиз, турмушдан хафа бўлингиз. Бу орамиздаги тортишувлар — турмуш тортишувлари. (*Жиддий.*) Сиз!.. Оҳ... Сиз! Эски турмушга ўргангансиз! Шул ўз турмушингизни яхши кўрасиз, суясиз. Шул эскирган, чуриган турмушингиздан ажралдингиз келмайдур. Мен яхши биламан, сиз бу турмушдан фақат ўлуб ажраласиз, аммо мен... Мен бу сизнинг бузуқ хурофотлар билан тўлғон турмушингизни истамайман. Янги турмуш истайман! Янги ҳаёт истайман! Мана шул янги турмушга менга раҳбарлик қилғудек, онла бошлугу бўлғудек йўлдош истайман!

О... Мен ўзга ҳаёт ва сиз ўзга ҳаёт. Мен янги ҳаёл ва сиз эски ҳаёл. Оҳ, кошки сиз мени бу гапларимнинг аслига, маънисига, тегига тушунсангиз эди, ҳаммангиз ҳам менинг фикримга қўшилур эдингиз.

Ғ у л о м. Хўш, қани, очиқ сўйла, сени фикринг нима?

К а м о л. О, сиз! Сиз ҳаммангиз бир бўлуб мени эскилик чуқурига, гўрига етаклаб олиб бориб, тирик ҳолимда кўймоқчи бўласиз. Оҳ... сиз! Сиз Ҳиндистон ваҳшийларидек бир тирик кишини бир ўлук бирлан қўшуб кўймоқчи бўласиз.

К а р и м б о й (*аччиғлануб*). Астағфурулло, астағ-

фурулло... Сени бу гапларингга тушуполмадук-ку? Сенга ўлук қиз олиб берамиз дегон киши йўқ-ку?

Қ а м о л. Отажон! Мен қандай қилсам, сизларга ўз мақсадимни тушунтира оламан. Оҳ... сиз! Сиз менга бир ўқумагон, билимсиз, дунёдан хабарсиз, ахлоқсиз ўлук бир қизни олиб беруб, бутун умримни ғам ва алам ичида ўтказуб, саодатимга сад чекуб, турмушимга тўсуқ, оёғимга кишан, бўйнимга ғул солиб, бир дев, дажжол, офала, олбости билан бир уйга қамаб қўймоқчи бўласиз! Бу бўладургон иш эмас! Мана энди тушунгандурсиз? Мени кўзимга кўринадургон тасвир сизни қиладургон тўйингиздан, олиб берадургон хотунингиздан чиқадургон натижа шул.

Ғ у л о м. Жиян, сен жинни-минни бўлдингми? Олбости деган сўзинг нима деган сўзинг? Бошингга бир оз ҳаво келуб қолгонга ўхшайдур. Зўр бир азойимхонга ўзингни ўқут.

Қ а м о л. Оҳ... сиз. Сиз, қўйинг, мени ўз ҳолимга қўйинг! Ёш умримни ёнар ўтга солманг. Хотун олмайман. Уйланмайман. Азиз жонимни азобга солманг! Сиз... Сиз ҳаммагиз менга хайрихоҳ бўлсангиз, мени ўз ҳолимга қўйинг.

Қ а р и м (б о й). Журинг, мулло Ғулом, бу кажбаҳсга гап таъсир қилмайдигонга ўхшайдур. Уйланмаса уйланмасун. Билган помаъқулчилигини қилсун.

Ҳаммаси чиқуб кетар, Ж а м о л ҳаммадан кейин қолур.

Қ а м о л. Онажон, Алини менга айтиб юборинг, ишим бор.

Ж а м о л. Хўб, онагинанг айлансун, ҳозир айтиб юбораман. Жон болам, сен отангни қартайган чоғида кўб хафа қилма. Ортуқбойни қизи сенга маъқул бўлмаса ҳам хўб деб олавер. Ҳозир отангни ундан қайтариб бўлмайдур. Кейин унниг устига ўзингни иста-

ган қизинг Марямни ҳам олиб берурмиз. Бир эмас, икки хотунлик бўлурсен. Хотун олиб бериш отанга қийин иш эмас — оғзининг ели, жон болам, индамасдан ола бер.

К а м о л. Онажон! Укамни тез айтиб юборинг.

Ж а м о л. Хўб болам. (*Чиқиб кетар.*)

А л и (*кирар*). Ока, манда нима ишингиз бор?

К а м о л. Сен бориб Аҳмад окангни олдинга солиб олиб кел. У ҳозир хизматдан уйига қайтган бўлса керак.

А л и. Аҳмад окам уйда йўқ бўлса нима қилайин, пойлаб ўтурайинми?

К а м о л. Йўқ, кутуб ўлтурма. Йўқ бўлса уйига тайинлаб кел.

А л и. Хўб. (*Чиқиб кетар.*)

К а м о л (*ёлғуз у ёғ-бу ёғга юруб*). Оҳ... Кошки мен бу мотамхонага, хурофот уясига Европодан қайтмаган бўлсам эди. Бу бало, бу кулфат, бу қайғуларни кўрмагон, ёш жонимни ёнар ўтга солмагон бўлур эдим.

Ўзимни куйганим бир сори эрди.

Мун и дарди менга ортуқча бўлди.

Дард устига чиққон, ўлгани устига қўмгон, дегандек, дунёдан хабарсиз онамининг менга ҳаммадан кейин қолуб бергон ўгут-насиҳатин кўринг. Бир эмас, икки хотун олиб бериб, яна ғам лойига ботирмоқчи, ёш умримни эғовламоқчи, ҳаётдан бездирмоқчи, турмушнинг тўзон, очилгон гулимин хазон қилмоқчи бўладур. Йўқ! Йўқ!.. Минг мартаба йўқ! Бўлмас! Сизнинг айтганингиз асло бўлмас! (*Жиддий, саҳнага қараб.*) Оҳ. сиз! Сиз, эски турмуш асирлари, хурофот қурбонлари, менга ўхшаш минглаб ёш ўсбрунларни бошига етасиз. Аллақанча ўқумиш, позанин қизларни аблаҳ, жоҳил, ахлоқсиз йиғитлар қўлида асир қиласиз, калтаклатуб ўлдиртирасиз. Сиз! Сиз муҳаббат

нима, севги нима, тенглик нима, онла нима, турмуш нима, гоя нима, амал нима, юксалиш нима, маданият нима — тушунмайсиз! Тушунмоқни ҳам истамайсиз!

Сиз!.. Сиз, жаҳолат қурбонлари, билимсизлик асирлари, бизни ҳам ўзингиз ила биргалаштириб, эргаштириб, етаклаб инқироз оламига, йўқлик дунёсига, жаҳолат майдонига, асорат зиндонига тирик ҳолимизда кўймоқчи бўласиз!

Сиз!.. Сиз гулдан тоза танларимизни, гунашдан порлоқ туйғуларимизни, болдан тотли севгиларимизни энг қоронғу зулумот, энг қўрқинч, даҳшатлик хурофот горларига, мафорларига кўймоқчи бўласиз!

Сиз!.. Сиз, биласизми, бизни нима қилмоқчи бўласиз?!

Мундан икки аср илгариги Арабистон ваҳшийларикаби бизни кўзларимиздан қонли ёшларимиз оқизуб туруб, тирик ҳолимизда қабрга, мазорга, гўрга кўймоқчи бўласиз!..

Сиз!.. Сиз, биз биламиз, нима қиласиз! Ҳиндистон ваҳшийлари каби бир тирик кишини бир ўлук билан қўшуб даҳшатлик хурофот ўтига ёқмоқчи, куйдурмоқчи бўласиз!..

Сиз!.. Биласизми кимсиз?! Йўқ, билмайсиз! Билмоқни ҳам билмайдургон, жаҳли мураккабда қолгон, ўз болаларин қонларин тўкувчи ваҳший жаллодлар, жонли сувратлар, тирик ўлукларсиз!

Йўқ, янғилиш айтдим, хато сўйладим. Сиз... сиз бизни мураббийларимиз, раҳнамоларимиз, йўлбошчиларимиз, туғдирувчи, ўлдирувчи, катта қилувчи оталаримиз, оналаримизсиз. Йўқ! Йўқ!.. Минг мартаба йўқ! Айб сизда эмас, жаҳолатда, нодонликда, билимсизликда, келажакни тушуимовликда, оламдан хабарсизликда, тараққиёт-маданиятдан қочувингиздадур.

Йўқ!.. Йўқ!.. Уйланг, тушунинг, эсингизни бошингизга йиғинг!

Сиз... Сиз қочган билан қутула олмайсиз! Бир кун ке-

лур, бу қилғон ишларингиздан, хатоларингиздан ўқунарсиз, пушаймон бўларсиз, хафа бўлурсиз, йиғларсиз. Қон-йиринг йиғларсиз! Фойда бермас, чунки вақт ўтгон, иш қўлдан кетгон бўлур.

Эшик тақирлар.

Қ а м о л (*эшик томонга бориб*). Қани-қани буюринг, ичкари.

А ҳ м а д салом бериб эшикдан кирар.
Қўришуб ўриндиқга ўлтирурлар.

А ҳ м а д. Хўш, қани ўртоқ, нима янги хабарлар бор?

Қ а м о л. Хабар, энг қора хабар, фожиали хабар!

А ҳ м а д. Хўш, нима бўлди? Нимага бунча хафасан? Қайгуликсан?

Қ а м о л. Менча, энг қайгулик аза, бошқаларча энг севинчлик тўй.

А ҳ м а д. Хўш, қанақа тўй, уйланвотсанми?

Қ а м о л. Ҳм... Бошқаларча уйланвотмиз, бизча ас-фаласофилинга кетвотмиз.

А ҳ м а д. Қўйсанг-чи, ўртоқ. Мундай пойма-пой гапириб, одамни табъини тирриқ қилма, тўғрисини сўйла.

Қ а м о л. Сўзининг тўғриси шулки, ўртогинг ўрага йи қилди. Ҳангамани уч-тўрт кундан сўнг кўрарсан, дўм-бириани тўйдан сўнг эшитарсан.

А ҳ м а д. Хўш, ўртоқ, қайдан уйландинг? Қимни қизини олвотсан?

Қ а м о л. Қоратош маҳаллалик Ортуқбойнинг қизин эмиш, чиройлик эмиш, намозхон эмиш, эмиш, эмиш...

А ҳ м а д. Ўртоқ, «яхшн эмиш»ларни қўй. Қизни кўриб-билиб олвотсанми?

Қ а м о л. Ҳм... Бошқаларнинг кўзи билан кўриб, онларининг ўлчови билан ўлчаниб олинвотти.

Аҳмад. Менга илгарн амакингни қизн Марямни оламан деб эдинг-ку?

Қамол. Деб эдим, локин менинг деганим сўзим, гапим, тилагим, истагим, ихтиёрим бошқаларнинг қўлида экан. Билмаган эканман. Товба қилдим. Оҳ... Эй, қани ул мени севдигим — Марямим!. Онлар—золимлар, жаллодлар, ёш юрак азобчилари, дўзах раҳбонийлари, эски турмуш асирлари мени ул нозанинимдан, ҳуримдан, паризодимдан, маҳвашимдан ойируб, бир жин, олбости билан бириктируб абадий азоб ичинда инжитмоқчи бўладурлар. Йўқ, бул бўлмас. Асло бўлмас!

Аҳмад. Нима учун Марямни олишга ота-онангни рози қила олмадинг?

Қамол. Ўртоқ, сен ҳам меши ярамга туз сепма. Оҳ, ул мени севдигим Марям... Унда ҳеч гуноҳ йўқ. Ул фаришта, ул адиба, ул шоира, лекин...

Аҳмад. Нима лекин бор, очиқ сўйла.

Қамол. Оҳ... Лекини ул хурофот бандалари, эски турмуш асирлари назарида онинг тарбияси, ахлоқи, билими уч пул. Отаси йўқсул, фақир эмиш. Обрўси йўқ эмиш. Эй ўртоқ, бир ҳафтадан бери орамиздаги жанжал, ғалва, тортишувлар тариқча менга фойда бермади. Масала менинг фойдамга ҳал бўлмади. Бу турмуш тортишувинда менинг тарафимда ўзимдан бошқа бир киши йўқ. Мана шунинг учун сендан бирор маслаҳат чиқармукин, деб чоқиргон эдим.

Али қўлида мактуб кирар.

Али. Мана бу хатни бир мактаб боласи сизга бериб кетди. *(Окасини қўлига бериб чиқиб кетар.)*

Қамол *(шошиллуб, конвертни йиртуб, хатга боқур, қалтираган ҳолда)*. Оҳ... Мана боқ!.. Ўртоқ Аҳмад, қандай бир жигарсўз мактуб. *(Титраган ҳолда мактубни ўқур.)*

Эй, мени оромижоним, суюклим Қамол! Менинг

эшитувимга қарагонда золим фалак сени мендан, мени сендан тирик ҳолимизда ажратмиш. Йўқ!.. Сен ажралсанг-да, мен ажрамам. Тирик бормен, сен ташласанг-да, мен ташламам. Сендан бошқасин севмам, истамам, асло истамам. Чиндан сендан ажраладурғон бўлсам, билиб ишимни қилурман. Суюклинг Марям.

Қ а м о л (*мактубни устулға қўюб, ўрнидан туруб у ёғ-бу ёқға юриб*). Ўртоқ Аҳмад, боқ бу қандай ёнигли мактуб, мана шундай мактуб ёзишга қодир, ўз кўзим билан кўрғон, ахлоқ ва камолда пазири-тенги йўқ бир қиз қолсун-де (*йиғлар*), бир билимсиз, ахлоқсиз қизга уйланайин. Йўқ, ул мендан ажралса ўзини ҳалок қилади, унинг ўлимига мен сабабчи бўламан, мен золим, қонхўр, жаллод, раҳмсиз, шафқатсиз бевафолардан ҳисобланаман (*оёқ-қўллариға титроқ пайдо бўлур*). Оҳ... Зулм, зулм... Менга-да зулм, унга-да зулм. Оҳ... Аҳмад ўртоқ!.. Бошим айлануб, кўзум тинуб, атрофимни қоронғулиқ ўраб олиб, кўзимга қон кўрина бошлади. Қон, қон, оҳ... Қон! (*Ўзидан кетуб, ерга йиқилур.*)

А ҳ м а д (*шошилуб*). Ҳозир мен бориб тилифўн билан дўқтур чақирайин. (*Чиқиб кетар.*)

Парда тушар.

Иккинчи парда

Туркистон турмушига мувофиқ мукаммал бежалган, келин тушган уй. Никоҳ куни иккинчи кечасин кўрсатур.

ЎИ Н О В Ч И Л А Р

К а м о л — куёв, касал, овсар, жинлангон.

Ж а м и л а — келин, жуда кўримсиз, чўтур, ахлоқсиз қиз, 18 ёшинда.

С а л и м а — қизнинг янгаси, 25 ёшинда

Ж а м о л — йигитнинг онаси.

С а л о м а т — йигитнинг холаси.

С а р в а р — даллол хотин.

Ж а м и л а, С а л и м а. С а л о м а т. Ўртада дастурхон.

Чой ичишуб, сўйлашуб ўлтургон ҳолларида парда очилур.

С а р в а р билан Ж а м о л, К а м о лни суяб олиб кирурлар.

К а м о л. Онажон, ерда ўлтурушга дармоним йўқ, менга бир ўриндиқ олиб келинг.

Ж а м о л. Хўб, мен ҳозир олиб келай. (С а р в а р суяб турар. Ж а м о л чиқуб ўриндиқ олиб келуб, К а м о лни ўтқизур. К а м о л бир оз бошини солинтириб ўлтуруб қизга боқуб, бирдан жинлануб кетар.)

К а м о л. Сиз!.. Сиз, оналар, холалар, янгалар мени бу ҳолга солдингиз. Ана боқинг, қаранг, кўринг, инсоф кўзингиз билан кўринг. Ул (қўли билан кўрсатур) одам сувратида ясалгон ҳайвон, дев, жин, олвости. Сиз!.. Сиз менга лўли эшшагини мақтагандек мақтаб олиб берган қизингиз шулми? Ёки сизга бошқа қизни кўрсатуб, бу бадбараша афритсани бериб юбордиларми? Қаранг сиз, инсоф кўзи билан қаранг. Унда одам бо-ласидан асар кўринмайдур-ку. Оҳ... Кошки мен ихтиёрим ўзимда бўлса эди, соғ бўлсам эди, сиз билан

мунда кирмагон бўлур эдим. Ул оловстини кўрмагон бўлур эдим. Оҳ... Сиз!.. Сизлардап нима қилсам қутуламан. Уйланмайман десам қўймадингиз. Энди касал бўлсам ҳам қўймайсиз. Сиз!.. Сизлардан ўлуб қутулмасам тирик(лайн) қутула оладиғонга ўхшайман.

Сарвар. Жон болам, йигит деган бардошлик бўлади. Ҳозирда иситмани алаҳиси билан мундай алмо-йи-алжойи сўзлавогсан. Ўзингни зўр бир азайим топиб ўқутуб ташла. (*Жамолга қараб.*) Ҳай, Жамолбиби, бо-лангиз ўқутадиғон бўлибдур, тез ўқутинг.

Саломат. Опа, ўглингиз иситма бўлгонга ўхшай-дур. Безгагини зўр бир дуохон топуб бойлатинг. Му-ноқанги бепарво бўлманг.

Жамол. Жон болам, сен мени қуда-андалар олди-да жуда уятга қўйдинг. Кеча бўлса гўшангадан ҳам чиқуб кетдинг. Эл-халқ ичида мени шарманда қил-динг, болам. Бугун ҳам шундай тўполон қилуб мени шарманда қилмоқчимусан?

Камол (*кулур*). Ҳо-ҳо-ҳо!.. (*Ашула қила бошлар.*)

Қўйларини ҳайдар эркан бир довои бирлан.
Бир яхшини қийнар эркан бир ямон бирлан.

Салима. Қуда хола, ўглингизни биров сеҳри жоду қилгонга ўхшайдур. Зўр бир домла топуб қайтарти-руб ташланг. Ул хотунига кўнгилсиз бўлди.

Камол. Оҳ... Мана, мана, сиз топдингиз. Мени бир кўзлари жоду, сўзлари сеҳр ақл-ҳушимни банд қил-гон. (*Ашула қилур.*)

Кўриб гул юзингни боғда бандадур
Едингдаман токай жоним тандадур.
Ўзим ҳар жойдаман. кўнглим сандадур.

* * *

Ўўқ санингдак париларнинг париси.
Сенга садқа париларнинг бариси.
Соғиниб-соғиниб кўргим келадур.

С а л и м а. Жамолбиби, нима бало, бу ўглингизни алмойи-алжойи ашувлаларидан бировга хуштор, кўнгли бошқада ўхшайдур.

Ж а м о л. Қ а й д а н билай, ўғлим туппа-тузук, ақли-хуши ўзида эди. Икки-уч куйдан бери шунақа талмов-спирайдигон бўлиб қолди.

К а м о л (*аччиғлануб*). Ўғлингизни талмовспирайдир-гон қилгон ким? (Ўрнидан туруб.) Сиз! Сиз! Мени бошимга савдо кетургон, савдойи қилгон ким? Сиз! Сиз! Эски турмуш бандалари, хурофот асирлари! Оҳ, кошки ёшлигимда ўлуб кетгон бўлсам эди. Мундай ғамларни, кулфатларни кўрмагон бўлур эдим. Оҳ.. Кошки ўқумагон, дунёдан хабарсиз бўлуб ўсгон бўлсам эди. Бу ҳайвонлар орасида ҳўкузга ўхшаб яшар эдим. (*Ўрин-дуққа ўтурар.*)

С а л и м а. Қуда, ўглингизни савдоси жуда қўзғолиб кетди. Қўйинг, олиб чиқуб кетинг. Эзгуликпи кечи йўқ. Бугун бўлмаса эртага кирар. Мунақанги майпа-бозликга кимни тоби бор.

К а м о л (*аччиғлануб*). Бу майпабозлик эмас, ҳай-воибозлик. Ана, ёниигизда йўгон, қора, чўтир бир ҳай-вонни олиб келуб ўтирибсиз-ку. Бу ўйинлар ўшани ўйини, ўшани бозлиғи.

С а л и м а. Қуда, ўглингизни олиб чиқуб кетинг. Мунақанги жиннихонага кимни тоби бор? Эртага қизни онаси келади. Ўғлингиз яхши бўлгунча қизни уйига олиб кетамиз.

К а м о л. Жон янга, кошки эртага қўймасдан ул девни ҳозир олиб кетсангиз эди. Мени жоним анча роҳатланур эди. Кўзимга кўринмаса, жиним отланмас эди. Булар ҳам мени ўз ҳолимга қўймасдан судраб олиб кирмасалар эди. Сиздан ҳам рози бўлур эдим. Анув ёниигиздаги олвостининг отини Жамила қўйгансиз. Қўз билан кўрмаган бир йнгит Жамила отини эшитган замон назарига, ҳаёлига жуда бир чиройлик, хушсуврат, пари, ҳур келиб гавдаланадур. Оҳ... Қўз би-

лан кўргонда мана шундай жин афритса, оловостн бўлиб чиқадур. Оҳ... Кошки мундай хушук, бедаво қизининг отини Жамила қўйгунча ажал, азройил, қора бало қўйсангиз эди. Менга ўхшаш бир печа фалокатзадалар исмин эшитгон замон сақлануб, ўзин мундай фожиалик балолардан халос қила олур эди.

Жамол. Жон болам, бировни боласини мунақа кўб хўрлама... қўнгуз боласини оффогим, типратикон боласини юмшоғим демиш.

Сарвар. Ўғлим, овулга келгани ит қопмас. Бировни қизини мунақа кўб хўрлама, ҳар кимники ўзига, ой кўринур кўзига демишлар.

Жамол. Холажон! Ул ой эмас, қора илон. Онам тўғри айтди, ул... қўнгуз, типратикон, бутун унинг вужуди сеҳр, жоду, заҳар. Мана кўрмайсизми, мени вужудимни ким заҳарлади? Ана унинг тикони, унинг ниши заҳар. Оҳ... Ул мени суюклим, ул қандай зот. Пўқ! Ул одам зотиндан эмас, паризод, фаришта, хур. Унинг зоти жаннатдан, уни узоғдин кўрган оним димоғимга қора сочлариндан сочилгон уду анбар, мушку тотори келуб тегуб, вужудимга оҳанрабо каби обиҳаёг берар эди. Сиз!.. Сиз нима десангиз денг, ул мени ҳаётим, руҳим, жоним, таним, вужудим... Суюкли маҳбубам, Лайлом, Шириним!

Саломат. Опа, мунақа алпи-салпи гаплашуб ўтургон билан бўлмайду. Икки тарафни охори тўкуладур. Шерикчилик бир йилчилик, қудачилик минг йилчилик. Ўртадан парда кўтарилмасун. Бугун бўлмаса эрта, эрта бўлмаса индин-де. Қани туринглар.

Жамол. Саломат, Сарвар ўринларидан туришур.

Жамол. Қани жур, ўғлим, бўлмаса, меҳмонхонага чиқуб ёт.

Жамол. Ўтуринг, қани, тур деганда туринг. Сиз ҳали мендан қутулиб қайга борасиз? Сиз билан қиладургон ҳисобим бор. Орани очиб кетингиз!

С а л и м а. Вой, худо ў.лум берсун, энди ҳисобга тушди. Тўйга қилғон харажатини ҳисобини қиладигонга ўхшайдур.

К а м о л. Янгажон, бу ҳисобни сизга дахли йўқ. Ўзаро бўладигон ҳисоб, сиз қўрқманг.

Ж а м о л. Вой ўлай, жон болам, жур кетавуз. Мени қула-анда ичида шарманда қилдинг. Ҳисобинг борми, китобинг борми, ҳар қанча гап-сўзинг бўлса меҳмонхонага чиқиб гаплашамиз. Жур, жон болам. (*Ўғлини қўлидан тутуб, олиб кетмоқчи бўлур.*)

К а м о л (*онасини қўлини силтаб*). Сиз мени кўб қийнаманг, ўтуринг деганда ўтуринг. (*Ҳаммаси ўтирур.*)

Ж а м о л. Мана, ўтурдук. Қани, нима дейсан? Нима сўрайсан?

К а м о л. Сиздан сўрайдурғон сўзим шулки, ану (*қўли билан*) алвостини бориб, ўз кўзларингиз билан кўруб келуб манга мақтағонмидингиз?

Ж а м и л а. Ҳув ўлум берсун мунақанги жинни эрга (*йиғлар, юзини урар*)!

С а л и м а. Жим тур, қизим, ҳали ҳеч нарса бўлган йўқ. Жонон пиёла синган йўқ. Отанг бу майнабозликни эшитса, бир соат ҳам сени мунда қўймас. Эртагача сабр қил.

К а м о л. Янгам рост айтадур. Сабр қил. Сенинг ёнингга борадурғо(н) одам йўқ. Ўзингга ўхшағон инсон сувратидаги бир киши билан қўшга қўшилурсан. Гуноҳ сенда эмас, мана бу ёлғончиларда, алдамчиларда, эски турмуш асрларида, хурофот бандаларида. Яхши қилдинг, юзингни ўрадинг. Жоним анча ором топди. (*Онасига қараб.*) Она, қани гапиринг, кўриб келуб менга мақтағон қизингиз шулми? Ё бошқа қизмиди?

Ж а м о л. Болам, қайдам билай, менга ўша кунни бир қизни кўрсатувдилар. Кўзимга бежиримгина, чиройликгина, тўтидакгина, истараси иссиқгина кўрнн-

гон эди. Жудаям мунақанги бадбашара, хунук эмас эди.

С а л о м а т. Бу гапни яхши очдинг. Ман ҳам кўруб эдим. Шу вақтгача гапургани кўрқуб, дамим ичимда эди. Бу ер юткур одам ўғрилариининг кўрсатган қизлари бул эмас. Бизга қумридек бир қизни кўрсат(иш)-увди.

С а р в а р. Қўйила, мунақанги ётгон илони бошини қўзгамайла. Бугун бўлмаса эрта бир-бири билла топишуб, кўрмагандек бўлуб кетар. Огир-енгил гаплашганилай қолар.

С а л о м а (т). Ҳуғ ўлим берсун, сан яллачи даллолга. Ҳамма(си)ни қилдинг, сан қилдинг. Шўрлик укамни бу ҳолга тушишига сан сабаб бўлдинг.

Ж а м о л. Уйгинасн куйсун Ортиқбойни, лўлидак бадбашара қизини бизга алдаб сотди. Бизни хонавайрон қилди. Туппа-тузук ўйлаб-кулиб юрган болагинам бу шумқадам қизини келиши билан талмовсирайдиғон бўлиб қолди.

С а л и м а. Ҳезалакка арпа уни баҳона. Ҳув ўлим берсун, сизни жинни ўғлингизга. Бизни қизимизни сизни савдойи ўғлингиздан қай ери кам? Қўйпнг, бизни тинч қўйинг! Эртага тонг отсун, Ортиқбойга одам юбурб орани узил-кесил қиламиз.

К а м о л (жиддий). Мана кўрдингизми, сизни бу эски турмушингиздан қандай фожнали натижалар келуб чиқадур. Қани, ул Ортиқбойни обрўси, дастархони яхшилиги, бойлиги, инсофлиги... Оҳ.. Инсоф қайда унда! Инсоф бўлса, бировни қизини ўз қизим, деб кўрсатиб, бировга сотиб, бировни хонавайрон қилурмиди?! Йўқ, йўқ! Ҳеч кимда инсоф йўқ! Йўқ!..

Сиз!.. Сиз билмайсиз, ҳаммангиз маккорсиз, алдамчисиз! Ёлғончисиз, одам ўғирловчи, бола сотувчи жаллодларсиз, қонхўрларсиз! Золимларсиз! Сиз, биласизми, кимсиз? Инсофсиз, виждонсиз, меҳрсиз, шафқатсиз, инсон қиёфасидаги ҳайвонларсиз! Йўқ, йўқ, янг-

лиш сўйладим, хато гапирдим. Сиз! Сиз бизни(нг) оналаримизсиз, бизни боқиб катта қилувчи мураббияларимизсиз! Йўқ, йўқ... Айб сизда эмас, хато сизда эмас, гуноҳ сизда эмас — билимсизликда, жаҳолатда, нодонликда, эски турмушда! Оҳ, мени бу ҳолга солгон ким? Оҳ... жаҳолат, жаҳолат! Нодоилик! Билимсизлик! Эскилик! Эскилик!.. Чуригон турмуш!.. *(Уриндуқдан гумбурлаб ерга йиқилуб тушар. Хотунлар шошилуб сув олиб келишади.)*

Парда тушар.

Учинчи парда

Турмушга мувофиқ тузулган бечораҳол кишининг уйи.
Уйнинг бир тарафига устол, устуллар қўйилган бўлур.

УНОВЧИЛАР

Марям — Камолини яхши кўрувчи, ўқугон, ахлоқлик, чиройли қиз, 16 ёшида.

Салим ака — Марямнинг отаси, бир оз ўқугон, маданият суювчи, фақир киши, 42 ёшида.

Фотима — қизнинг онаси, жўялик хотун, 38 ёшида.

Искандар — қизнинг укаси, мактаб шогирди, 14 ёшида.

Хосият — қизнинг ҳамфикр ўртоғи, 18 ёшида.

Қиз ёлгуз, китоб ўқуб ўтурган ҳолда парда очилур.

Марям (*бирдан аччиғу ила китобни ёпиб, шеър ўқур*).

Фарёд ин замонау бад меҳру каж хиром,

Хунрез, жонситону бадангиз, бенизом.

Ин даҳр бесутун наравад ҳеч кас баком,

Ҳар рӯз меҳўрам ғами андуҳ жом-жом.

(*Жиддий.*) Эй, золим фалак, йиқил! Бузил! Йўқ бўл! Юлдузларинг тўкулсун. Ойинг, қуёшинг ер билан яксон бўлсун! Сен ҳам бизлар каби хонавайрон бўл! (*Ииғлар.*) Оҳ! Эй, золим фалак! Мана, уч-тўрт кул ичида икки оилани барбод, хонавайрон қилдинг. Ошларимизни заҳарга, уйларимизни мотамхонага айлантирдинг. Гулистонларимизни хазон, рангларимизни заъфарон қилдинг. Гулдан гўзал туйғуларимизни, ҳиссиётларимизни, севгиларимизни бошимиздан қочирдинг. Энг суюкку, истакку булбулларимизни зиндонга, қафасга қамаб, қарға-қузғунлар билан йўлдош қилдинг. Оҳ... бевафосан, золимсан! Сенинг қиладургон ишинг вафо ўрнига жафо, адолат ўрнига зулм, оҳ зулм! Оҳ... бу золим Фалакни ер юзиндаги тарбият қилган инсонларда золим, золим ваҳший, қонхўр, жаллод, раҳмсиз,

шафқатсиз. Бу ваҳший жаллодлар орасида яшамоқ учун ўзлариға ўхшаш жаллод, золим, билимсиз, дунёдан хабарсиз бўлмоқ керак. Ўзлариға ўхшамагон, эски турмушлариға тиз чўкмагон кишиларни ичларидан уч кунда иккинчи дунёга узатадурлар. Оҳ, кошки онодан туғмагон бўлсам эди, бу қайғу, бу аламларни кўрмагон бў(лу)р эдим. Оҳ... кошки ўқумагон, оқ-қорани тонимагон, бўлсам эди, менам ўшал қонхўр, жаллодлар орасида яшагон бўлур эдим. Оҳ... мени суюклум Қамол, ҳуснунгга етмасуи завол. Сени ҳолинг нима кечди? Кеча никоҳлаб олгон ёринг билан қандай алоқада бўлдинг? Сени истагон, суйгон Марямнинг эсингдан чиқориб, сен ҳам ваҳший ҳайвонлар тўдасига кирдингми? Албатта, шаксиз, шубҳасиз кирдинг. Йўқ, йўқ! Сен ўз истагинг билан кирмадинг. Сени кучлаб, зўрлаб киритдилар. Золимни куни туқгон, касофат ғолиб, деюрлар, тўғри сўздур. Сен бечорани секин-секин ўз домларига солурлар. Кирма санамнинг уйига, санам солур ўз куйига, деб сени ўз дўмбиралариға ўйнатурлар. Сен бечора, ёлғуз ўзинг улар билан кураша олмасан. Оҳ... кошки иккимиз бир бўлганимизда эди. Онларнинг эски, чургон турмушларин кулларин кўкларға совурар эдук. Ер билан яксон қила олар эдук. Афсус, локин ёлғузсен, ёлғузлик қиласен. Менча, сени(нг) асло ғолиб бўлув эҳтимолнинг йўқ. Фақат сенинг олдингда икки йўл турадур. Бирини—онлар билан қўшилуб сен ҳам эскилик денгизига ғарқ бўлиб кетасен. Еки менга ўхшаш тездан бу бевафо дунёга алвидо қиласен. (*Ўрнидан туруб юрур.*)

Х о с и я т к и р а р.

Х о с и я т. Марям ўртоқ, сенга нима бўлди? Ўзингдан ўзинг жинни кишидек гаплашвотсан?

М а р я м. Оҳ, олажон! Нима қилар эдим, ўлимга ҳозирланботман. Менча, ўлимга ҳозирланмоқ керак.

Бу тотғисиз, мазасиз, лаззатсиз, вафосиз дунёда турув-
дан зиғирча фойда йўқ. Фойда умиди ҳам йўқ. Бу
жаҳолатга чўмгон инсонларнинг қилғон мантиқсиз иш-
ларини кўрсангиз, ҳушингиз бошингиздан учуб кетадур.
Булар ишқ нима, муҳаббат нима, севги нима, турмуш
нима, саодат нима, тушунмасалар, тушунмоқни ҳам
истамасалар! Истаганини истаганга қовуштирмасалар!
Бир-биридан турли-турли баҳона, ҳийлалар билан
ойирсалар, гулдек очилган ёш умрларини хазон, тур-
мушларини тўзон қилсалар. *(Келуб ўтулар.)*

Хосият. Марям, кўп хафа бўлма. Қамол уйланган
бўлса ҳам ул билимсиз қиз билан бирга туролмас.

Марям. Оҳ, Қамолим, соҳиб жамолим! Қани ул
бизни ёшлик вақтларимиздаги ўйнашуб-кулишуб юр-
ган чоғларимиз? Бир-биримизга боғлашган муҳабба-
тимиз? Сени менга қилган аҳд-паймонларинг. Ул ши-
рин, лаззатли, тотли ҳаёлларимизнинг барчаси бўшга
чиқди. Ҳавога кетди. Барбод бўлди. Ғойиб бўлди. На-
зардан йўқолди. Кўздан инҳон ўлди...

Хосият. Марям, кўб қайғурма. Қамол сени таш-
ламас.

Марям. Оҳ, опажон! Мен яхши биламан, унда гу-
ноҳ йўқ. Уни(нг) юрагинда мени истаги бўлмаса эди
Евруподан қайтмас эди. Йўқ! Гуноҳ эски турмуш бан-
даларида. Оиларда инсоф бўлса эди, уни менидан аж-
ратуб бир ахлоқсиз ёввойи қизнинг қўлида асир қилуб
қўймаслар эди. Хайр, бу менинг ўринсиз шикоятла-
римни яратганимдан бошқа бу тўрт қанотлик давол
ичида эшитадургон киши йўқ. Эшитганда ҳам инсоф
қиладургон, ҳолимга раҳм этадургон киши топиламас.
Эшиттирмоқ ҳам мумкин эмас. Сиз бўлсангиз менга
ўхшаш муштипар, бировни чўрисисиз. Бас, шундай бўл-
гондан сўнг, булардан ўлиб қутулмаса, тирик қутулиб
бўлмайдур.

Хосият. Марям, қўй, мунақанги ноумид бўлма.
Ёш жонингга жабр қилма. Шайтонни сўзига кирма!

Марям. Оҳ, суюклум Камолни бир ваҳший қизга қўшиб қўйгандек, эрта-индин меши ҳам, сиэни ҳам бир ҳўкуз полвои билан кураштирадурлар. Ундан кўра эсинг борида этагингин ёп, дегондек ҳозирдан чорасин кўриш керак.

Хосият. Жон укам, ҳар нарса бўлса ҳам сабр қил. Сабр теги раҳмон. Яхши қол. Сани бир кўриб кетай, деб келиб эдим. (*Чиқиб кетар.*)

Марям. Мани бу балодан фақат ўлим қутқарадур. (*Уридан туруб, бур бурчакга беркитуб қўйғон захарни олиб келуб устол устига қўяр.*) Мана бу обихаёт бутун қайғуларга, кулфатларга хулоса, етмуш икки иллатга хотима берадургон, менга ўхшаш мазлумаларнинг додига стадургон даво! (*Эшик тақирлар. Доруни беркитар.*)

Фотима кирар

Фотима. Жон болам, боядан бери ўзингдан ўзинг нималарни гапирвотсан? (*Ўтурар.*)

Марям. Опажон, Хосият опам келгон эди. Бирпас гаплашиб ўтириб янги чиқиб кетди. Шунинг эшитгандурсиз. Оламда нима янги хабарлар бор?

Фотима. Нима хабар бўлур эди. Амакингни ўгли бечора Камол кеча гўшангага киришда жинни бўлиб қолгон эмиш.

Марям (*ҳаяжон ила*). Нима қилиб жинни бўлибдур?

Фотима. Қайдан билай, хотунлар орасида ҳар хил гап. Бир хиллари Ортуқбойни қизига қўнгилсиз бўлибдур, дейдур. Бир хиллари биров сеҳр-жоду қилиб, олдинин бойлаб қўйибдур, девотти. Бир хиллари бошқа бир қизга хуштор экан, шунинг учун Мажнун бўлибдур, дейдур. Бир хиллари кўб ўқиғон одам шунақанги мияси айнаб, савдойи бўлиб қолади, дер. Бир хиллари жини тегубдур, кишанга тушадигон бўлибдур, девотти. Ишқилуб, шунақанги ҳар хил ган кўб.

Марям. Табибгами, дўхтургами боқизишмаптим?
Фотима. Қаримбойни ўзинг биласанми, дўхтур дегон жойда жонин халқумига чиқаdur. Онаси Жамол бўлса, ундан ҳам баттар. Уларни топиб олгани полвин, қушноч, азоймхон.

Салим кирар. Марям отасига ўридан туруб ўтурар.

Салим. Қизим, нима бўлди, жуда рангинг учуб турубdur. Ут-бўтинг оғривотдими?

Марям. Йўқ, отажон! Ҳеч қатим оғривотгани йўқ. Камолин жинин бўлганини эшитиб қўрқуб кетдим.

Салим. Қўрқма, қизим, қўрқма! Ман ҳали эшитуб, намоздан чиқуб, кўргани бориб эдим. Меҳмонхонада туппа-тузук, эси ўзида ётибdur. Аммо кеча кечаси гўшаида ҳам, бу кечаси янгаларни олдида ҳам жуда кўб алмойи-алжойи гапларни гапиргон эмиш. Ким билсун, бола бечорага нима ҳодиса бўлганикин. Аммо жуда ранги кетуб қолибdur.

Марям. Дўхтурга кўрсатибдими?

Салим. Дўхтур? Уша сени амакинг дўхтурга кўрсатадими? Ўглини от миндириб Сағпонга азаймхонга юборди.

Фотима. Отаси, гузардан чиқуб гўш олиб қелинг, ош қиламан.

Салим. Хўб. Сабзи ҳам олиб келайми? *(Чиқиб кетар.)*

Фотима. Йўқ, сабзи керак эмас, мошхўрда қиламан. Жаз олиб келсангиз бўлади. Манам қозон-товонимга қарай. *(Чиқиб кетар.)*

Марям. Онажон, Искандарни менга айтиб юборинг. Ишим бор. *(Қўлига қогоз-қалам олиб хат ёзар. Канвертга солиб ёфуштурар.)* Мана, эй суюклум, Камол! Бу сенга энг сўнгги ёзгон хатим. Мундан сўнг хатин ул дунёда кўрарсан.

Искандар кирар.

Искандар. Опа, манда нима ишингиз бор?

Марям. Мана бу хатни секингина амакингни уйига бориб, ўйнаб юргин-де, ҳеч ким йўғида Камол окангини ўз қўлига бергин.

Искандар (*хатни қўлига олиб, чўнтагига солур*).
Олдиларида одам бўлса, кетмаса, нима қиламан?

Марям. Кетгунча пойлаб, ўшатда ўйнаб юр.

Искандар. Хўб, опа. (*Чиқиб кетар.*)

Марям ўрнидан туруб, эшикни беркитуб занжирлаб келур.
Шиншадаги заҳарни қўйган жойидан олур. Шеър ўқур.

Ажални элчиси келди, қочайлук боғу бўстонга,
Қоч(г)ан билан қутулмассен, тамошо қил гўристонга.

Оҳ... Ман нима қилуб шайтонни сўзига кирвотман.
Нима қилуб ёш жонимга жабр қилвотман.
Йўқ! Йўқ!.. Киши дунёда ўз суйганига, истаганига
етушмоқ учун яшайдур. Қачон бўлса ҳам бандани
бошида бу ўлум бор. Қийналуб, азоблануб юргандан
кўра ўлуб қутулмоқ осон. Йўқ, йўқ! Бўлмас! Шундай
меҳрибон отам, шафқатли онамни зор қақшатуб ўзим-
ни ўзим ўлдирмоғим зўр гуноҳ. Онлар мандан сўнг
тирик ўладурлар. Оҳ... мени бу кўксумдаги муҳаб-
бат ўти, ёнғуни, барибир, бугун бўлмаса эрта куйди-
риб кул қиладур. (*Шеър ўқур.*)

Гулим кетди, гулим кетди, қўлимдан булбулим кетди,
Мени гамхонага ташлаб, ўзи сайри чаман кетди.

(*Қўлига шиншадаги заҳарни олиб, титраган ҳолда шиншани оғзини очар.*) Эй, суюклум Камол, хайр яхши қол! Мен борадургон жойга олдинма-кейин сен ҳам борарсан! Хайр, эй... (*Ниглар.*) Шафқатлик, меҳрибон отам! Хайр, эй мени тарбия қилуб, дўппилар тикуб ўқутувчи онам! Хайр, эй жонимдан суюклу укам! Яхши қолдинг! Мен кетдим! (*Заҳарни ичар. Ҳаракат қилуб, йиқилуб жон берар.*)

Парда тушар.

Т ў р т и н ч и п а р д а

Турмушга мувофиқ тузилгон ёврополанигон меҳмонхонани
кўрсатур.

ЎЙНОВЧИЛАР.

К а м о л — савдойи бўлгон.

К а р и м (б о й) — йигитнинг отаси.

Ж а м о л — онаси.

Х у м о р х о л а — кинначи, 50 ёшинда.

П а р и-д о м л а — азайимхон, 35 ёшинда.

И с к а н д а р — хат олиб келувчи бола, 14 ёшинда.

Ҳ а м д а м — табиб, 40 ёшинда.

С у л т о н б е к — дўқтур, 45 ёшинда.

А ҳ м а д — йигитнинг дўсти.

Ҳ а б и б а — йигитнинг синглиси.

Ш а й т о н — ёш йигит сувратинда, 30 ёшинда.

М а р я м — пари, малак сувратинда (кўринур), 16 ёшинда.

Йигитнинг ҳамма қариндошлари (кўринур).

К а м о л оёғида кишан, калавот устида газит ўқуб ётган
ҳолда парда очилур. Камол бирдан ўрнидан туруб,
калавотда ўтуруб, шеър ўқур.

Оҳ!.. Жаҳолат бир тараф, ғам бир тараф — ёндурди, куйдурди,
Бу икки золими хунхордан ортуқча озорам.
Муҳаббат бир тараф, мен бир тараф — тортиш давом этди,
Енгилдим, маҳв бўлдим, ўлмакка иқроор, тайёрам.
Мени ул позаниним, ёру жонимдин ойирдилар,
Керакмаз менга жаннат, ҳур, эмди толиби норам.
Бу дунёда қовушмоқ, бирлашувга қўймади турмуш,
Ўлиб ҳам кўрмасам дийдорини бундан-да ҳам унда-дан безорам.

Оҳ!.. Мени бу ҳолга солгон ким? Сен! Сен! Йўқ, йўқ!
Сен эмас! Сени(нг) муҳаббатинг, ишқинг. Йўқ, йўқ!
Ишқ ҳам эмас, жаҳолат, подонлик, эскилик.

Ж а м о л (*Хумор холани бирга олиб кирар*). Мана,

онагинанг айлансун, санга қоқимчи олиб келдим. Хумор хола жуда қўли эм хотун. Ими-думи қи(л)са, худо хоҳласа яхши бўлиб қоласан.

К а м о л. Онажон, мени дардим, касалим бошқа, сиз билмайсиз. Менга кўб озор берманг, ўз ҳолимга қўйинг.

Ж а м о л. Хола, туринг, ими-думингизни қила беринг. Болани гапига қулоқ солманг. Муни ўзини мияси айшаб қолган.

Х у м о р хола ўрнидан туруб «аффу-», «афф-у» деб, кекируб, К а м о л н и уқалаб, орқа елкаларига гурс-гурс қоқар. Елкасидан нина олиб, нина билан тилни қонатуб, қулоқларидан чўзур, пешонасига икки чаккасига, эпгагига қўли билан тилидан қон олиб суркар. От ўюндаги масхарабоздек тасқара қилуб бўлуб, қўлини очуб, узун дуо қилуб чиқиб кетар.

Ж а м о л. Ўғлим, Хумор холани қўли эм бў(л)сун. Худо дардингга дарман берсун. Энди тинчгина ўралуб ёт. Телласанг яхши бўлиб қоласан. (*Чиқуб кетар.*)

К а м о л (*ўрнидан туруб боруб, ойнага боқиб*). Мана энди, мени тоза жинни қилдилар. Соғ вақтимда бу хурофот бандалари билан кураша олмадим. Энди оёғимга кишан солиб, жонимдан тўйғузиб, ўз турмушларига асир қилуб олгонларида нима қила олардим. Нима бўлса бўладигони бўлди. (*Келиб калаватга ўту-рар.*) Оҳ!.. Бу мотамхонадан, жиннихонадан тезроқ қочмоқ керак. Булар мени жинни ҳукм қилуб ўтируб-дурлар. Йўқ! Улар билмайдилар! Мен жинни эмас- (ман)! Лайлисидан айрилган Мажнунман! Мана, кўрасиз ўзларинг, қиладурғон ишлари бутун хурофот... ҳеч бир...¹ мантиқга сизгайдургон ваҳшийлик, жиннилик, масхарабозлик. Жиннини жинни десангиз арфа бўйи қўшилгандек, «бу қиладургон ишларингиз — жин-

¹ Учиб кетган. Ўқиб бўлмади.

пилик», деб балога қолдим, енгилдим. Охирида ҳам-малари бир бўлуб, кўблашуб, кўмаклашуб, мен бечорани жиннига чиқордила-қўйдилар. Тўғри сўз тугонга ҳам ёқмас экан, ҳақ сўзни ҳақиқатни тушунадигон кишиларга гапурмоқ керак экан. Бу гапга тушунмагон жаҳолат қурбонлари билан олиша-олиша, «зўри бе-худа миён машиканад», деб ёш жонимга жабр қилдим. Узимни ўзим ҳалокатга солдим. Ҳали кўрасиз, мени бу шўрлик бошимга қанақанги қизик қангамалар солур-лар.

К а р и м (б о й). Қани киравернинг, тақсир қочади-гон киши йўқ. *(Карим олдин, пари-домла кейин келуб ўтиришур. Пари домла қўлин фотиҳага очуб, узундан-узоғ қаттуғ овоз била дуолар ўқуб, фотиҳани бетига тортар.)*

К а м о л юзини тескари қилуб ётур.

П а р и-д о м л а. Қани, бой афанди, бу бола бечора-га нима бўлди?

К а р и м (б о й). Нима бўлар эди, жин тегуб жинни бўлди.

П а р и-д о м л а. Худо хоҳласа, уч кун ўқусам, жинни қоқиб оламен. Яхши бўлиб, кўрмагандек бўлиб кетадур. Назрии яхши берасиз. Хизматни тўла қила-сиз. Туринг, чиқуб бир тутам хифчин олиб келинг.

К а р и м (б о й). Нафаснигиз муборак бўлсун. Бола яхши бўлса, топгон-таянганимиз — сизники. *(Чиқуб кетар, бир тутам ҳўл новда олиб келуб домлага берар. Домла новдани қисимлаб олуб, касал ёнига чўкка ту-шуб, ўтуруб ўқур. Камолни устин очуб, ора-сира дам солуб, қўлидаги хифчинлар билан бутун аъзосига шарт-шарт уриб қўяр. Узоғ ўқуғондан сўнг қўлин кўтаруб, узоғ дуо қилуб, қўлин юзига тортар.)*

П а р и-д о м л а. Бой, энди менга рухсат берасиз. Ўйимда бир печа ўқийдургон кишиларим бор эди. Сиз-

ни қиёлмагандан ташлаб келдим. Менн жўнатиинг. Ху-
до сизга сабр берсун. Болангизга шифо берсун.

К а р и м чўнтағидан пул чиқоруб берур. Пари-домла
олиб чўнтағига солур.

К а р и м (б о й). Хуш кўрдук, хуш кўрдук. Эртага
ҳам келасиз.

П а р и - д о м л а. Хайр, хайр. Албатта келамиз. (Чи-
қишиб кетарлар.)

К а м о л (ўтуруб). Оҳ... вой жоним!.. Бутун таним
оғримоқға бошлади. Парвадигор! Бу қандай зулм?!
Бу қандай жафо?! Яқингинада биттаси келуб, заиф ба-
данимни шапалоғлаб, қулоғларимдан чўзуб, қанча азоб
беруб, юзимни тасқара қилуб кетуб эди. Худо урган-
ни пайғамбар ҳассаси билан туртар, деб, буниси ҳам
ҳўл новда билан савалаб кетди. Хайр, бунисига ҳам
шукур. Ёмондан ё қоч қутул, ё тон қу(т)ул. Бу дард
билмагон дарди бедаволардан вақтида қочуб қутула
олмадим. Ўз жонимга ўзим жабр қилдим. Энди тониб
қутулиш керак. Ўлиб қутулиш керак. Бошқа илож йўқ!
Боқалим, тағим нима жафоларни, найрангларни кў-
рамиз.

К а р и м, Ҳ а м д а м кирар.

К а р и м (б о й). Қани, мулло Ҳамдам, кела беринг,
қочадуғон киши йўқ.

Ҳ а м д а м, К а р и м ўтурушар. Узун дуо қилур.

Ҳ а м д а м. Бой қани, айтинг-чи? Болангизни қаери
оғрийди?

К а р и м (б о й). Мулло Ҳамдам, болани ҳеч ери оғ-
римайди. Фақат савдойи бўлгон. Ундан кейин, яқинда
уйлангиргон эдим. Хотунига ҳам қарамайдур. Шундан

бошқа касали йўқ. Шунга қараб бир дору қилиб берсангиз, шояд инфо топса.

Ҳ а м д а м (*ўрнидан туруб бориб, Қамолни томирин тутуб, қайтиб келуб, ўрнига ўтируб, бошин лақирлатур*). Воҳ.. Воҳ.. бола бечорани вақтинин ўтқазиб юборибсиз. Нима учун шунча кундан бери тайибга кўрсатмадингиз? Қасали жуда огир. Томири ёнига урвотди. Вақти ўтибдур. Энди тузалғонда ҳам фақат дорини зўри билан тузаладур.

Қ а р и м (б о й). Мулло Ҳамдам, ишқилуб тузаладигон бўлса, бизни пулдан, харажатда(н) тортипади, деб ўйламанг. (*Чўнтагидан пул чиқоруб.*) Мана бу, ўзингизни хизмат ҳақингиз, мана бу — дорин пули. Яна хизматингизни алоҳида қиламиз.

Ҳ а м д а м (*пулларни олиб, чўнтагига солуб*). Уғлингиздан шиша бериб юборинг. Мен шарват дори тайёр қилиб бераман. Уни ҳар кун уч маҳал уч қошукдан ичсун. Бу дори болани ичидаги қўзғолғон сафрони камайтиради. Болани жуда сафроси қолиб бўлиб кетубдур. Мундан бошқа яна сурги дори бераман. Ул иччи сурадур. Бола бечорани жуда ичи қабзят бўлиб кетубдур. Булардан бошқа яна ҳаф дори бериб юбораман. Уни ҳар кун икки донадан ичсун. Бу ҳаф (дори) болани суслангон томирларини қўзғотуб, қувватга киргизади. Мунда жуда қимматбаҳо қувватбоҳам аралашғон. Шу дорини еб тамомлагандан кейин болани хотушинин олдига қўйиб юборуб, ўзингиз четда томоша қила берасиз. Энди, менга жавоб берасиз, бой. (*Ўрнидан туруб*). Хайр бой, хайр. (*Чиқиб кетар.*)

Қ а р и м (б о й). Хуш кўрдук, хуш кўрдук. (*Чиқиб кетар.*)

Қ а м о л (*ўтируб шеър ўқур*).

Ёр, кўрмасмен сени, бу ҳоли зоримни десам,
Ҳажридан чекгон бу дардим-бағри қонимни десам.

Эй табибо, ишқ дардининг давоси васлдур.
Сен топалмасен даво, жисми харобимни десам.

Оҳ... танаси бошқа дард билмас, дерлар. Тўғри сўз-
дур. Луқмон тирилуб келса ҳам мени бу дардимга даво
тополмас. Бу жаҳолат, хаёлот бандалари ўзлари бе-
корга овора бўлиб, мени ўринсиз ерга инжитмоқдан
бошқа натижа чиқара олмаслар. Бу жаҳолат қурбон-
лари, хурфот мажнунлари билмасларки, мени бу
дардимдан фақат икки нарса халос қила оладур. Ё
васл, ё ўлим! Бошқа чора йўқ!

А х м а д. д ў қ т у р кирар.

А х м а д. Қани, буюринг дўқтур афанди, ўриндикга
ўтиринг.

Д ў қ т у р. А х м а д касал ёнига ўриндиқ олиб келуб
ўтиришурлар. Д ў қ т у р касалин кўриш усулин ижро қилур.

(*Камолга.*) Ўртоқ, сени касал деб эшитиб, атайлаб
бориб дўқтур афандини олиб келдим. Қалай тузукми-
сан?

К а м о л. Жуда яхши қилубсан, ўртоқ. Худо хайр
берсун.

А х м а д. Дўқтур афанди, касали қалай?

Д ў қ т у р. Манча, ҳеч касали йўқ. Танида оғрийдур-
гон ери бўлмаса керак. Фақат дилида бир ҳаяжон, из-
тироб, қўрқувга ўхшагон бир нарса борлиғи сезила-
дур. (*Оёғини очиб, кишанни кўруб, пешонасидаги сур-
калган қонга боқиб*). Ажабо, оёғингизга нимага кишан
солиб қўйибдурлар. Ҳозир очиш керак. Юзларингизга
нима(га) қон суркаб тасқара қилдилар.

К а м о л. Эй, дўқтур биродар! Дамингизни чиқор-
масдан муолижангизни қилуб чиқуб кета беринг. Бу
кишанни калити отамда. Бетимдаги қонни сабабин
онамдан сўранг. Агар улар сизни мунда келгонлигинг-
изни билса, уруб калтаклаб ҳайдаб чиқорадур.

Дўқтур. Нима учун солгонлар. Буни нима фойдаси бор? Бу сизнинг касалингизга бутун зиён.

Камол. Буни фойда-зиёнин улар ўзлари яхши биладурлар. Уларча, мунда зўр хосият бор. Бу жуда улуг, табаррук парса. Сиз билан биз унга тушунмай-миз.

Дўқтур. Йўқ! Нима бўлса бўлсун, мен ҳозирда ҳифзи снҳҳат қонунин юзасидан соғлиққа зарарлик нарсани оёғингиздан ешдирмай, туруб кетмасман.

Камол. Сиз ортуқча қайғурманг. Мунини мен оёғимдан тушадурғон вақтининг соати—минутининг сўкиши яқин қолди. Табиий ул ўзидан-ўзи тушуб қоладур.

Дўқтур. Мен сизнинг бу муғолаталик муаммога ўхшаган сўзингизга тушуна олмадим.

Камол. Мен сизга ҳали айтмадимми, бунинг ҳақиқатига улар тушунадурлар.

Аҳмад. Дўқтур афанди, мен сиздан кейин қолуб ешдириб ташлайман, хотиржам бўлинг.

Дўқтур. Мен эртага соат 9 да яна келаман. Агарда бу кишан оёғидан ешилмаса, ҳукумат воситаси-ла ешдираман.

Камол. Сиз ешдирмасангиз ҳам бу кишан масаласи бир соатга қолмасдан ҳал бўладур.

Дўқтур (*устулга ўтуруб, рессеи ёзуб*). Мана, икки хил дори ёздим. Бирини—суюқ, бирини—фаращўк. Устидаги ёзилғон вақтига қараб, эртагача ичируб туринш керак. (*Хайрлашуб чиқиб кетар*.)

Аҳмад кузатуб қайтуб келур.

Аҳмад. Хўш, ўртоқ, сенга нима бўлди? Нима учун бу ҳолга тушдинг?

Камол. Ўртоқжон! Мени касалимни, дардимни бир чеккасини ўзинг биласен. Сўраб нима қиласен?

Аҳмад. Ақлинг, ҳушинг ўзингда туруб, кишанга тушуб ётганингга ҳайронман.

Камол. Қўй ўртоқ, дўқтурга ўхшаб сен ҳам кишан масаласин қўзғама. Унинг мени оёғимда бир соатлик умри қолган.

Аҳмад. Эртага эрталаб келуб хабар оларман. Ҳозирча хайр. *(Чиқуб кетар.)*

Камол. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, дерлар, тўғридур. Менн бу дардимни дўқтур бўлмоқ тугул, Афлотун, Абу Али Сино бўлса ҳам билолмайдур, даво қилолмайдур. Давоси осонгина ўлум, ажал. Одамлар мундан қўрқадур. Аммо мен чақирамен, истаймен, орзу қиламен.

Шеър ўқур!

Дунё, турмуш — бир шатранжбозлик...

Юз йил пиеда суруб, пил минуб от ўйнатсам,

Ажал ўйинчи бўлиб, бир кунн қилур мени мот.

Искандар *(кирар, чўнтагидан хатни олиб)*. Мана бу хатни опам сизга бериб юборди. *(Хатни узатуб чиқуб кетур.)*

Камол *(шошилуб, хатни очуб, титрагон ҳолда ўрнидан туруб, қалтираб ўқур.)*

Мактуб.

Эй, мени суюклу Камолим! Бу санго энг сўнгги ёзгон мактубим. Мундан сўнгги мактубни сенго энди нариги дунёдан ёзурмен. Сенинг тарафингдан келгон қора хабарлар, қисқаси, ишқ ва муҳаббат балоси мени жонимдан тўйғузди. Бу ёруғ дунёда турмоқдан қоронғу гўрга кирмоқни авло билдим. Бу мактубим орқасидан эшигинг ол(ди)дан суюкли Марямингни товутиг ўтгонин кўрурсан. Сен, яша Камол! Мен кетдим! Марям.

Қўлларни қалтираб, мактубни гижимлаб ерга ташлар. *(Қаттиқ товуш билан.)* Эй, золимлар! Қотиллар! Жалоллар! Дунёдан хабарсенлар! Эски турмуш асирлари!

Бизларни бошимизга бу балоларни келтурғон, ёш умрларимизни хазон қилғон, ёруғ дунёда яшамоқдан тўйдурғон — сиз! Сиз! Сиз! Сиз!!! (*Ерга йиқилур.*)

Қаттуғ товуш эшитиб Қ а р и м, Ж а м о л, Х а б и б а к и р а р.
Қ а м о л н и кўтариб калавотга ётқузурлар.

Ж а м о л. Жон болам, санга нима бўлди? Мунча қаттуғ бўкурвотсан?

Қ а м о л. Опажон, бўкирвотганим йўқ. Ёлғузликдач, зерикгонимдан ашувла айтиётман. Ҳофизлик қилвотман.

Ж а м о л. Жон болам, мунақанги қўрқадигон бўлсанг, ёнингга келуб ишмин қилуб ўтурайми?

Қ а м о л. Йўқ, онажон, мени ўз ҳолимга қўйинг. Сизни жиним ёқтирмайди.

Қ а р и м (б о й). (*шиддат билан*). Ёлғузликдан зерикадигон бўлсанг, бор! Ана, ўйда санга қанча пул харажат қилуб хотун олиб бериб қўйибман, ёнига кириб ўтур! Йўқ, ҳали ҳам сани фикринг, хаёлинг Салим қуруқни қизи Марямда. Бор! Бўлмаса, ана, Марямни ёнига бор! Ул ҳозир заҳар ичуб ўлди.

Қ а м о л. Отажон, ўлган бўлса яхши бўлибдур. Сиз ҳам, биз ҳам қутулибмиз.

Қ а р и м (б о й). Жим ёт! Мунақанги ғалва қиладурғон бўлсанг, арқон олиб келуб, калавотга бойлаб қўяман.

Қ а м о л. Отажон, жуда яхши қиласиз. Бойлаб қўйсангиз зора тиш ётсам, алаҳлаб ўрнимдан туруб кетвотман.

Ж а м о л. Қўйинг, отаси боламини бойламанг.

Қ а р и м (б о й). Жинни бойламаса тузалмайди, дедилар. (*Чиқиб кетар.*)

Қ а м о л. Ҳабиба, синглим, сен менга бир пиёла совуқ сув олиб келиб бер. Юрагим ёниб кетди.

Х а б и б а. Хўб, окажон. Ҳамиша қайнаган сув ичардингизу? Энди нимага совуқ сув ичаман, девогсиз?

К а м о л. Майли, қайнаганми, қайнамаганми, ишқп-
луб совуқ сув бўлсун.

Ҳ а б и б а. Хўб. (*Қўлига пиёла олиб чиқуб кетар.*)

К а р и м арқон олиб келуб, калавотга Қамолни белидан
айлантуруб боғлаб қўяр.

К а р и м (б о й). Жур, хотун, мени сандугдан беқа-
сам чопонимни олиб бер. Комилжон бойникига зиёфат-
га бораман. (*Чиқишуб кетар.*)

Ҳ а б и б а. (*сув олиб келур*). Ока, мана, сув ичи
сизми?

К а м о л. Йўқ, синглим. Устолни устига қўй. Сал ту-
риб ичамен. Кел, синглим, отам мени жуда қаттуқ
тортуб бойлаб кетдилар. У ёғ-бу ёғимга аганолмай
ётибмап. Арқонни ешиб қўй.

Ҳ а б и б а. Ешсам, мени отам уришмасмукилар?

К а м о л. Қўрқма, синглим, қўрқма. Манга нима бў-
либдур. Бировни урмасам, сўкмасам, бекордан бекорга
бойлаб, овора бўлиб юриптилар. Сан қараб тур, ман
энди тинч ётаман. Бирпасдан кейин жуда ҳам тинч
ётаман. Асло қимирламайдиган бўлиб ётаман.

Ҳ а б и б а. Тинч ётадигон бўлсангиз ешаман. Худоё
тинч ётинг. Қум-тошдек ётинг. (*Арқонни ешар.*)

К а м о л. Синглим, жуда топуб ганурдинг. Ман энди
қум-тошдек бўлиб ётаман.

Ҳ а б и б а. Худоё қум-тошдек тинчиб ётинг. (*Чиқуб
кетар.*)

К а м о л (*туруб ўтуруб, шеър ўқур.*)

На қилдинг, эй фалак, ул моҳи тоби олам орони?
Нечук қизғонмадинг ер қўйнидан ул дурри яктони?
Хароб этсун, йиқитсун, мотами бу эски дунёни!
Қиёматлар қўпарсун кўк юзнида ердаги қони!

(*Ўрнидан туруб юрур, хаёл сураб. Бориб эшикни
занжирини солиб келур.*) Эй золимлар! Қонхўрлар!
Жаллодлар! Қачонгача бу боришингизда давом эта-

сиз?! Бизни бир-биримиздан ойиргон ким? Сиз! Сиз! Гўзал ҳиссиётларимизни ер билан яксон қилгон ким? Сиз! Сиз! Йўқ, йўқ, сиз эмас. Сизларни йўлдан ура-дургон шайтон, азотила, иблис!

Ш а й т о н гулдурас ила бирдан ўт орасиндан чиқар,
кулар, К а м о л г а қараб юрар.

Қоч! Қоч! Нарн тур! Қоч, кўзимга кўринма! Нима нистайсан?

Ш а й т о н. Камол, нима учун мендан қўрқасан? Қўрқма! Нимага мандан хафа бўласан! Қилгуликни ўзинг қилуб гуноҳни мани бўйнимга ағдарма! (*Жиддий.*) Сиз!.. Сиз, одам болалари, биз шайтонларни тушига кирмагон гуноҳларни қиласиз! Уёлмасдан ҳаммасини бизни бўйнимизга оғдарасиз! (*Юмшоғроқ.*) Камол! Камол, сан ўзинг уларни, ул қора кучларни қувватини билиб туриб, улар билан олишдинг, курашдинг! Елгузлик қилдинг! Кучсизлик қилдинг! Йиқилдинг! Енгилдик! Қилгуликни ўзинг қиласан-де, биздан хафа бўласанми? Қўй, кўб хафа бўлма! Ўзингни кўб қийнама. Сани кўнглингдаги ишни ман биламан. Аввал анув пиёладаги муздаккина сувни ич. Ундан кейин анув арқонни ол. Анув ёғочга сол. Бўйнингдан сиртмоқ солиб, ўзингни ос! Кўнглингдагини топдимми? (*Кулур.*) Ана ундан кейин бу мотамхонадан, бу эски чуригон турмушдан қутулуб, боя сандан илгарироқ кетгон суюклу маҳбубанг Марям билан қўшилурсан. (*Секин бориб йўқ бўлуб кетар.*)

Саҳна орқасидан ҳазин шеър ўқилур. К а м о л бориб сувни ичар. Арқонни олиб дор тайёрлаб, бориб ўзин осмоқчи бўлгонда саҳнани бир томонидан хама қариндошлари кўринур.

К а м о л (*аччиғлануб*). Сиз!.. Сиз, мени бу ҳолга солгон, сиз, сиз — жаҳолат қурбонлари, сиз! Сиз, эски

турмуш асирлари, сиз! Сиз, бошимга етдингиз! Жонимни олдингиз! Қонимни тўқдингиз! Яна менга ўхшаш мингларча ёш ўсмурларни бошига етасиз! Умрини хазон қиласиз! Куйдирасиз! Ендирасиз! Қирасиз! Ўлдирасиз! Сиз! Сиз! Сиз (*Йиғлар.*) Эски турмуш бандалари — сиз! Сиз! Сиз... жаҳолат асирларисиз! Қочинг, қочинг. Боринг! Кўзимга кўринманг!

Ҳаммаси кетурлар, орқадан шеър ўқилур. Бир томондан ёруғлик пайдо бўлиб М а р я м пари суратинда кўринур.

К а м о л. Кел! Малагим, кел! (*Яқин борур, қочур.*) Ана, мандан қочводди. Қочма, қочма! Суюклу Марямим, қочма! (*Ғойиб бўлур.*) Ана, кетди. Кетди, менн ўз ёнига чоқируб, кетди. Хўб, хўб. Маана, ман ҳам ёнингга бормоқга ҳозирман, тайёрман. Хайр, эй бевафо дунё! Алливидо! (*Калима келтуруб ўрундиқ устига чиқуб, ўзин осуб, ўрундиқни тепиб юборур.*)

Парда тушар.

1923 йил 28 июнь, Тошканд.

Имзо: Абдулла Авлоний

1878 йилда Тошкент шаҳрида туғилдим. Отамнинг туб касби тўқувчи-кустарь Аъзамбой деганга приказчик бўлиб Тошкент Ярмарка бозорида дўкандорлик ҳам қилдим. 1890 йилда эски мактабни битириб, мадрасага кириб, таълим-тарбия дарслари билан шугулландим. 1891 йилдан бошлаб фақат қиш кунларда ўқиб, бошқа фаслларда мардикор ишладим. 1894 йилдан бошлаб шеър ёзишга тутиндим. 1896 йилдан бинокор (иморат) усталигини ўргандим. Ёшишт қуйиш, сувоқчилик, печкачилик, дурадгорлик ишларини қилар эдим. 1900 йилда уйландим, отам ўлди, оила бошлиғи бўлиб қолдим. Шу пайтлардан бошлаб матбуот билан таниша бордим. Турли газета ва журналлар ўқишга тутундим. 1904 йилда жадиidlар тўдасига кирдим. Мирободда «усули жаид» мактабни очиб ўқитувчилик қила бошладим.

1905 йилги инқилоб ҳаракати таъсири натижасида сиёсий маслак ва мақсадларга тушуна ва ўргана бордим. 1907 йилда «Шухрат» исмли газета чиқардим. 10-сон чиққач, эски ҳукумат маъмурлари уйимни, идорамни тинтув қилиб, газета ва китобларимни мусодара қилиб, газета чиқармасга имзо олди. 1909 йилда қонун тузиб, «Жамияти ҳайрия» очдим. Бунда раис бўлиб ишладим. 1913 йилдан театру ишларига берилдим. «Турон» исмли театру тўгараги тузиб, Туркистоннинг катта шаҳарларида театру қўйдим. 1914 йилда «Садойи Туркистон» газетасида муҳаррирлик қилдим. 1917 йилда «Турон» исмли газета чиқордим. 4-сондан сўнг «Уламо» жамияти ҳам «Шўройи ислом» жамияти томонидан вакил бўлиб келиб, «Турон» жамиятининг ялпи мажлисида Мунаввар қори мендан газета чиқармасга имзо олди.

1918 йилдан партия сафига кириб, иқтидорим бори-ча шу йўлда ишлаб келаман. Шу йилда «Иштирокиюн» газетасини юзага чиқарувчи ҳам муҳаррири бўлиб ишладим.

1919 йилда замполпред ҳам генералний консул бўлиб, Афғонистонда бир йилдан ошиқроқ ишладим. Ҳам Туркбюро суусфес (социал таъминот)да культ бўлим мудирин бўлиб, «Қасабачилик ҳаракати» журнали газетасини ҳам чиқардим.

1904 йилдан то шу чоққача ўқитувчилик ишларида ҳам давом қилиб келдим. Инқилобгача ўнлаб шеър ва мактаб китоблари, тўрт театр китоби ёздим. 1924 йилдан 1929 йил охиригача ўртоқ Ленин номидаги ҳарбий мактабда, 1925—26 ўқув йилидан САКУ да ўқитувчилик ҳам илмий ишлар билан машғулман.¹

Абдулла Авлоний
Тошканд, 1933 й.

¹ Шоирнинг таржиман ҳоли 1933 йилда ўзи нашр эттирган «Адабиёт хрестоматияси» китобидан олинди.

1. Ўз турмушимиздан, (70 бет). Шеър дастлаб «Садойн Туркистон» газетаси (1915 йил, 13 март, 63-сон)да шу номда эълон қилинган. «Адабиёт» (3-жузъ, 1916, 2-табъ, 42-бет)да «Ўз маишатимиздан» деб берилган. Биз биринчи вариантыни сақлаб қолдик.

2. Мардикорлар ашувласи (82 бет). Китоб босма-хонага тушиб кетиши олдидан Авлонийнинг ҳаёти ва ижодига оид янги материаллар борлиги маълум бўлиб қолди. Жумладан адибнинг ўнлаб қўлёзма шеърлари, шу пайтгача биз номинингина билганимиз «Адвокатлик осонми?!», «Пинак», «Португалия инқилоби», номи ҳам деярли номаълум бўлган «Биз ва Сиз», «Икки севги» трагедиялари, «Жой ижарага олган киши», «Ман ўлмишан», «Бадбахт келин», «Лайли ва Мажнун» таржималари, ниҳоят, «Афгон саёҳати» мемуари топилди. Бизгача жуда кам нусхада сақланиб қолган «Мактаб Гулистони», «Мардикорлар ашувласи» қўлга киритилди. Табiiйки, уларнинг ҳаммасини ушбу нашрга кири-тиш, шунингдек, шоирнинг адабиётимиз ва мадания-тимиз тарихидаги ўрни, ижодий қиёфаси ҳақида сўз юритувчи муқаддимада фойдаланиш имкони бўлмади. «Мардикорлар ашувласи» шулардан бири. Асар 1917 йилда Тошкентда Орифжонов литографиясида босил-ган. Муаллифнинг ўзи уни «Бир неча янги куйларга солинуб ёзилмиш «Адабиёт» мажмуасининг 3-жузъи» деб айтади. Китоб сўзбошисида ундаги шеърларнинг 1916 йилги мардикорлик воқеаси муносабати билан ёзилганлиги ва «Турон» тўдаси («Туркистон» труппаси кўзда тутилади) томонидан айтилганлиги маълум қи-линган. Ашувлаларнинг ҳаммасига Авлонийнинг ўзи куй басталаган. Муқаддимада «бошқа бир неча шоир-ларнинг ёзгон шеърлари ўзларининг рухсорлари ила

бу «Адабиёт»га илова қилинган» дейилса-да, Аҳқар («Мўминжон Муҳаммаджонов — Тошқиннинг тахаллусларидан бири»)нинг битта «Ишлар ўлди осонлар...» шеъри учрайди холос. Қолгани ҳаммаси—Ҳижрон — Авлонийники.

3. Қимдан гина қиламиз?! (бет). Қўлёзма, алоҳида саҳифада, йили кўрсатилмаган. (Барча қўлёзма материаллар шоирнинг қизи Ҳакима Авлоновада сақланмоқда.)

4. Еш савдогар тилидан (бет). Қўлёзма, йили кўрсатилмаган. Шеър охирида «12—14 август, Тошқанд» деб ёзиб қўйилган. Тузатишлар бор, қораламага ўхшайди.

5. Қизил байроқ (бет). Шеър биринчи марта «Иштирокиюн» газетасида (1918 йил, 64-сон) эълон қилинган.

6. Партия дружиначиларига (бет). Шеър дастлаб «Иштирокиюн» газетасида (1918 йил, 81-сон). «Фирқамиз олойларина» ном билан босилган. 1933 йилда шоирнинг ўзи тузган «Адабиёт «хрестоматияси»да «Партия дружиначиларига» (78-бет) деб берилган. Биз кейинги варианты сақладик.

7. Қизил қўшун шарқийси (бет), қўлёзмадан олинди.

8. Қизил соқчилар (бет), қўлёзмадан олинди.

9. Кўрик (бет), қўлёзмадан олинди.

10. Қизил қўшинга (бет), қўлёзмадан олинди. Ёзилган санаси қўйилмаган.

11. Октябрь (бет), қўлёзмадан олинди.

12. Ер тарихи (бет), қўлёзмадан олинди. Ёзилган йили кўрсатилмаган.

13. Ялқов шогирд тилидан (бет), қўлёзма, санаси йўқ.

14. «Баҳор келди!» (бет), қўлёзма, сана кўрсатилмаган.

15. Уғит (бет), қўлёзма.

16. Қурултой (бет). Шеърнинг қўлёзма ва журнал («Ер юзи» ж., 1926 й., 5-сон) варианты бор. Журналда бир оз қисқарган ва таҳрир қилинган. Китобда тўла берилмоқда.

17. Мактаб Гулистони (бет). 1916 йилда (ҳижрий, 1334) Тошкентда босилган. Бу китоб ва ундаги Авлоний таржималари ҳақида биринчилардан бўлиб хабар берган Ж. Шарипов ўзининг «Бадий таржималар ва моҳир таржимонлар» (Т., «ФАН», 1972) кито-

бида нима учундир уни 1915 йилда босилган (138-бет), деб хабар беради.

Авлоний «Мактаб Гулистони»ни «Миллий шеърлар»нинг 5-жузъи эканлигини айтган. Чамаси, «Адабиёт шеърлар мажмуасини муаллиф даставвал 4 қисмдан иборат қилиб тузмоқчи бўлгану, сўнг уни давом эттириш истаги туғилган. («Мардикорлар ашувласи»ни 6-жузъ деб аташи ҳам бежиз эмас.) Дастлабки 4 жузъ бир яхлит номда — «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» деб аталган, 5 жузъи эса янги номланган. Бу ҳам мактабларда дарслик сифатида фойдаланган. Шоир унинг «Туркистон мактабларининг 2-синфларидан бошлаб ўқутмоқға мувофиқлиги»ни таъкидлайди.

18. Ғайри жинсий иттифоқ (бет). Бу ва бундан кейинги И. А. Қриловдан қилинган 3 таржимани биринчи маротаба таржимашунос Ж. Шарипов (Бадий таржималар ва моҳир таржимонлар, Т., «Фан», 1972) эълон қилган эди.

19. Адвокатлик осонми?! (бет). Ҳ. Авлонова қўлида сақланаётган қўлёзма автограф асосида нашрга тайёрланди.

20. Пинак (бет). Комедиянинг 3 қўлёзма нусхаси сақланган. Ҳар учаласи ҳам рақамланган (35, 35 д, 35 е).

24 бетли йўл-йўл 18×22,5 см ҳажмли мактаб дафтариде қаламда ёзилган 35 рақамли автограф нусхада воқеа 4-бетдаёқ узилган.

17,5×22 см ҳажмидаги 16 бетлик катак дафтарга ёзилган 35 д рақамли қалами автограф нусха ҳам тугалланмаган, 14-бетда узилган.

35 е рақамли 21/V—1920 йилда Ҳусан (?) деган киши томонидан дағал картон муқовали 23×18,5 см ҳажмдаги 12 бетлик дафтарга қора снёҳда кўчирилган учинчи нусха тугал бўлса-да, ғалат ва қусурлари, имло хатолари кўп, кейинги икки манба нусхадан кўра кўпроқ вариантга ўхшайди. Воқнада; персонажларнинг гап-сўвлари, хатти-ҳаракатларида сезиларли фарқлар бор. Чамаси, асарнинг номи дастлаб «Турсун кўкнори ила Толиб қиморбоз» деб аталган, 35 д рақамли нусхада муаллиф уни ўчириб, устига кейинги номини қўйган. Комедияни нашрга тайёрлашда, асосан мана шу 35 д рақамли автограф нусхага суяндик. Асарнинг якунла-нишини эса 35 е рақамли тугал, кўчирилган нусхадан олдик. Шунингдек, айрим нуқталарни аниқлашда парча (35) дан ҳам фойдаландик.

21. Биз ва Сиз (бет). А. Бобохонов Авлониё ҳақидаги бир мақоласида («Совет Ўзбекистони санъати» журн., 1978 й., 9-сон) уни «Сиз» номи билан тилга олади. Унинг тўла ва аниқ номи «Биз ва Сиз». Ушбу нашрга асос қилиб олинган қўлёзма автограф бўлиб, 18×18 см ҳажмда оқ-сариг сидирға қоғозда очиқ ва хушхат ёзилган, 100 саҳифада. Охирида «1923 йил 28 июнь, Тошканд» ёзиб қўйилган ва муаллиф одатдагидек имзо чеккан. Бу сана, бизнингча, асарнинг кўчириб тамомланган вақти бўлиб, у 1917 йилга қадар ёзилган. Негаки, инқилобдан кейин ёзилган бўлса, муаллиф бошқа ўтмиш мавзуида битилган асарларидаги (масалан «Португалия инқилоби») сингари изоҳ берган бўлур эди.

А

Лбас — фойдасиз, беҳуд
Лвз — вазият
Лврод — одатий иш
Лвқот — вақтлар
Лдоват — душманлик
Лжз — ожизлик, кучсизлик
Ллам — байроқ
Лл-он — ҳали ҳозиргача
Лморат — ҳукмронлик
Лмри маъруф — шаръий иш

лар

Андалиб — булбул
Анзор — назарлар
Анқо — афсонавий қуш
Анонийят — гурур, мапманлик
Анжақ — унча у, қадар
Арасот — майдонлар
Атолат — мутаасиблик
Афъи — заҳарли
Афрод — кишилар
Афъол — ҳаракатлар, қилиқлар
Ахвон — биродарлар
Ахлоф — ҳалафлар, издошлар
Ахтор — хавф-хатар, таҳлика
Ашк — кўз ёш
Аъмол — ишлар
Аъмо — кўр
Афтода — занф, нотавон
Ақсом — қисмлар
Ағниё — ганилар, бойлар
Ағёр — душман
Аҳком — ҳукмлар, фармонлар

Б

Байд — ёнроқ, узоқ
Балиғ — нафис, силлиқ
Балоҳат — аҳмоқлик
Бан — мен
Бани башар — бутун инсоният
Басит — содда, оддий

Бақо — боқийлик
Биватмоқ — ўйнамоқ
Бинг — минг
Бод — шамол, ел
Бузан — бузган
Бузов — бузоқ
Булар — булар
Буррон — кескир
Бурҳон — далил
Бухл — бахиллик

В

Васиъ — кенг
Васиъта — восита
Викор — оғирлик, улугворлик
Вожиб — бажарилиши зарур, мажбурий
Воркан — бор экан
Воқиф — хабардор
Вуқур — чидамлилик, бардошлилик

Г

Гардиши даврон — даврон ай-ланиши
Гардун — фалак
Гириҳ — қийинчилик
Гунаш — қуёш
Гўша — бурчак, хилват

Д

Даражот — даражалар
Дариг — афсус
Дароз — узун
Даст — қўл
Дастор — салла
Даҳан — оғиз
Даҳр — дунё
Дафъ — қайтариш
Динбат — софлик, диндорлик

Диру дароз — узундан узок
Дошанда — билимдон
Доруломон — тилчилик уйи
Дўимоқ — айланмоқ

Зухду тақво — шайхлик-тақво-
дорлик

И

Ж

Жайб — чўнтак
Жамод — жонсиз табиат (тош
тупроқ)
Жаҳл — тиришиш, астойдил
уришиш
Жаҳл — билимсизлик, подонлик
Жаҳолат — жоҳиллик, нодон-
лик
Жибонат — қўрқоқлик, қатъи-
ятсизлик
Жидд — тиришиш, саъй-ҳара-
кат
Жинон — жаннат
Жовидон — абадий, доимий
Журм — гуноҳ
Жухҳол — жоҳиллар, нодонлар

Идёл — идеал
Иктисоб — касб, одат
Илҳон — хонинлар, сайрашлар
Имдод — мадад
Иноят — меҳрибончилик
Инс — инсон, одам жинси
Инсият — инсоният
Иншод — таъриф этмоқ
Иода — қайтиш
Иртикоб — киришиш (ёмон иш-
га)
Иршод — йўлламоқ
Ислоҳ — тузатиш
Истиҳбоб — севиш, маъқуллаш
Итоат — бўйсунуш
Ифрот — ҳаддан ошиш
Ифтиро — бўҳтон, тухмат
Иқтидор — қодир бўлиш
Иқтизоий чарх — давр талаби
Иҳтироз — сақланиш

З

Забон — тил
Забт — қўлга олиш, эгаллаш
Забун — ожиз, нотавон
Завол — йўқ бўлиш, сўниш
Зако — зеҳнлик, зийраклик
Залил — хор, фақир, тубан
Залиллик — хорлик, ҳақирлик
Замима — ёмон, ёмонлашга ло-
йиқ
Зиллат — хорлик
Зинда — тирик
Зироат — экин, деҳқончилик
Зокир — ёд қилувчи, тилга
олувчи
Золдвор — палак, палос
Зоҳир — кўриниб турган, ош-
кор
Зоҳиран — кўринишда
Зуинор — бутпарастлик чилвири

Қ

Қабир — катта, улуғ
Қавсари жинон — жаннат чаш-
маси
Қавда — сим, темир
Қаззоб — ёлғончи
Қалима — сўз, путқ
Қалом — сўз, гап
Қамол — тўлалик, мукамал-
лик
Қапъон — вилоят номи
Қас — киши, шахс
Қасир — кўп, мўл
Қасотат — сустилик
Қахф — ғор
Қизб — ёлғон
Қил — душманлик, кўролмаслик
Қирдор — қилмиш

Ком — тилэк, мақсад	Мамнуъ — ман этилган, тақиқ-
Кор — иш	ланган
Коҳиш — камсуқум, қийналган	Мамот — ўлим, вафот
Қўлмак — кўйлак	Марги — муфёжо — ногаҳоний
Кўшиш — ҳаракат қилиш, ти-	ўлим
ришиш	Мардзан — эркак-аёл
Кўҳан — кўҳна дунё	Мариз — дард, иллат
Кўҳистон — тоғлик	Мардум — одамлар
	Мартаб — рутба, мансаб

Л

Лаъл — қизил рангли, қиммат-	Масмум — заҳарланган
баҳо тош	Масрур — хурсанд, шод
Лафз — сўз	Масъуд — бахтли, саодатли
Лаҳжа — шева	Маъжун — дори
Лисон — тил	Маъоз илло — ажабланганда
Лисони ҳол — ҳолатнинг фикр-	айтиладиган сўз
маъно англатиши	Маъсият — гуноҳ
Лобид — мажбурий	Мафҳум — фаҳмланган, тушу-
Лутф — илтифот, марҳамат	нилган

М

Мавсуф — мақталган	Маҳв — йўқолиш, битиш
Мавт — ўлим	Маҳд — бешик
Мавти мусаммаъ — муносиб	Маҳжуб — уятли
ўлим	Маҳжур — ҳижронда қолган
Магас — чивин	Маҳдин Нисо — ҳақиқат ҳимоя-
Мадфун — кўмилган, дафн	чиси маъносида
этилган	Маҳкум — ҳукм қилинган
Мазаллат — хорлик, тубанлик	Магмум — гамгин
Мазийят — ортиқлик, зиёдлик	Маҳу сол — ою йил
Мазмум — ёмонланган, нафрат-	Модар — она
ли	Молояъни — маъносиз, мазмун-
Мазҳаб — йўл, таълимот, мас-	сиз
лак	Мор — илон
Мажруҳ — жароҳатли	Моян зилли илоҳ — бахт-сао-
Мажус — бутпараст	дат асоси
Маншо — айш	Мубаййин — баён этилган
Малак — фаришта	Мубоҳ — рухсат этилган иш
Маломат — ёмонлаш, айблаш	Муваддат — дўстлик, ўртоқлик
Малул — қайгули, гамгин	Муволапа — ўлчов
Мамдуҳ — мақтовли, мақташга бурчдор	Мудоҳана — хушомадгўйлик,
лойиқ	лаганбардорлик
	Мукаллаф — тақлиф этилган,

Мулавиас — ифлосланган, па-	Послар — кишилар
лид, мурдор	Почизонг — арзимас
Мунаввар — равшан	Пулдигиш — нима бўлишини
Мунис — дўст	
Мунислик — дўстлик, ўртоқлик	О
Мункир — инкор этувчи, тонув-	Олат — асбоб, қурол (қўпли-
чи сўз	ги—олот)
Мурид — талаб этувчи, истов-	Ол(ал) — қўл
чи	Олой — дружина
Мурофиа — тортиш	Ориф — билувчи
Муршид — йўл кўрсатувчи	Осор — белгилар, нишонлар
Мусаххар — фатҳ этилган, бўй-	Осуда — тинч, ташвишсиз
сундирилган	Офият — соғлик, омонлик
Мусовот — тенглик, баробарлик	
Мусоҳиб: — ҳамсуҳбат, дўст,	
улфат	П
Мустаҳиқ — муносиб	
Мухоласат — самимийлик, са-	Пуба ғафлатгў — лавашиг
миният	Пушжа — пеша, одат
Мушоҳада — кўз билан кўриш	
Мухотиб — хитоб қилувчи	Р
Мухотаб — хитоб	
Муқобала — қарши келиш	Раб — худо
Муҳиб — севувчи, дўст тутувчи	Раббоний — худога мансуб
Муҳандис — инженер	Равзан ризвои — жаннат бори
Муҳлик — ҳалокатли	Ражо — умид, тилак
	Разолат — насткашлик, тубан-
	лик
	Раиж — машаққат, меҳнат
	Рафиқ — дўст
	Раховат — танпарварлик, дан-
	гасалик
	Ризвои — жаннат
	Риёзат — қийинчилик, машақ-
	қат
	Риоят — эътиборга олиш
	Ришта — ип
	Рифъат — юксаклик
	Реша — томир
	Робитан — электриқия — электр
	тармоғи
	Рожъ — қайтмоқ
	Роммол — фолбин
	Роҳ — йўл
	Рўё — туш, хаёл

Н

Надомат — pushаймон қилиш	Назоҳат — софлик, нуқсонсиз-
Назоҳат — софлик, нуқсонсиз-	лик
Назофат — тозаллик, поклик	Навҳа — нола
Навҳа — нола	Нажиб — олижаноб
Нажиб — олижаноб	Намнат — қақимчилик
Намнат — қақимчилик	Наммом — қақимчи
Наммом — қақимчи	Наиғ — уят, номус
Наиғ — уят, номус	Насим — шабада
Насим — шабада	Нафси аммора — ёмон йўлга
Нафси аммора — ёмон йўлга	тармоғи
бошловчи нафс	Рожъ — қайтмоқ
Нисён — унутиш	Роммол — фолбин
Никор — гина, душманлик	Роҳ — йўл
Нор — ўт, олов	Рўё — туш, хаёл

Сабазор — майсазор
 Сабоҳ — тонг
 Сабоҳи ҳалул — тонг ёриши
 Сабоват — ёшлик, навқиронлик
 Савқ — одат, табиат
 Сад — девор
 Сайд — ов
 Сайёд — овчи
 Салоҳ — ободлик, яхшилик
 Салаф — илгари ўтганлар
 Самар — мева
 Сангин — тошдан ясалган
 Сарват — бойлик
 Саршор — лиммо-лим
 Сарфароз этмоқ — шод этмоқ
 Сару но — бошдан-оёқ
 Сас — овоз
 Сафолат — пасткашлик, хасис-лик
 Сафоҳат — ақлсизлик, нодонлик
 Сафҳа — саҳифа
 Саҳоват — сажийлик, қўли очик-лик
 Саъй — ғайрат, ҳаракат
 Саҳоб — булут
 Сийна — бағир
 Силоҳ — қурол-аслаҳа
 Сироят — юқиш, таъсир қилиш
 Соил — сўровчи, тиллачи
 Сомеъ — тингловчи
 Соиким — ўйлаким
 Субҳ — тонг
 Суъизан — қасд, ҳақорат, ёмон-лик қилиш
 Сўзон — куйган
 Сўйи само — осмон томон

Т

Таадд — зулм қилиш, эзиш
 Тааййиш — шодлик, роҳатла-ниш
 Таарруз — қаршилик кўрсатиш

Таассуб — фанатизм, мутаассиб-лик

Табъ — дид, пашр.
 Тавозеъ — одоблилик
 Тавфиқ — мадад
 Тадовийъ — даволаш
 Тажовуз — чегарадан ўтиш
 Тазвир — фириб, алдаш
 Талх — аччиқ
 Тама — очкўзлик
 Тамаддун — маданият
 Таназзул — тубанланиш
 Тараддуд — иккиланиш
 Тарқа — тариқа
 Ташбиҳ — ўхшатиш
 Тафрит — сустлик
 Таъмир — тузатиш, қайта яра-тиш
 Тағофул — биллиб билмасликка-солиш
 Таҳаммул — тоқат, чиндам
 Таҳдид — қўрқитиш
 Таҳлика — хавф-хатар
 Теъдод — санамоқ
 Тибб — медицина, табиблик-илми
 Тижорат — савдогарлик
 Тир — ўқ
 Тифл — гўдак
 Тобакай — қачонгача
 Тужжор — савдогарлар
 Турпо — тупроқ
 Туъма — луқма
 Туфанг — милтиқ
 Тўғунчи — темирчи

У

Уламо — олимлар
 Улум — илмлар
 Улвният — инсоний улуғлик
 Умм — она
 Уммат — кишилар тўдаси, пай-гамбарга тобе кишилар
 Уммул ҳабонс — ёмонликлар-нинг опаси

Умрон — ободонгарчилик
Умур — ишлар
Уён — уйғон
Уёғ — уйғонган
Ушр — ўндан бир

Ф

Фавзи — нажот — қутулиш, на-
жот топиш
Фапо — йўқлик, фонийлик
Фардо — эрта
Фарроши хоб — уйқу тушаги-
ни солувчи

Фасод — бузиллиш, бузуқлик
Фасоҳат — ёқимли, чиройли
сўзлаш
Фатво — шарнат қонуналарига
мувофиқ кўрсатма
Фатонат — ўткир зеҳинлилик,
зийраклик
Фатрия — камайиб боровчи
Фатҳ — забт этиш, эгаллаш
Фақир — камбағал, қашшоқ
Фаҳманда — тушунувчи

Фирдавс — жаҳнат
Фиръавин — қадим Миср под-
шоҳлари унвони
Фисқ — бузуқлик, ахлоқсизлик
Фиқҳ — диний қоидаларга доир
ҳуқуқ илми
Фозил — фазилят эгаси
Фосид — бузуқ
Фоҳиш — ёмон ишлар қилувчи
Фунун — фанлар

Х

Хам — эгилган, букилган
Хандон — қулувчи, шод, хур-
санд.
Хирад — ақл
Хирадманд — ақл эгаси
Хоб — уйқу
Хок — тупроқ

Хоксор — тубан, паст
Холиқ — яратувчи
Хома — қалам
Хонумон — уй-жой
Хор — тикан
Хори муғилон — саҳро тикани
Худбир — такаббур

Хун — қон
Хурофот — уйдирма
Хуш — яшн, маъқул
Хў — хулқ

Ч

Чалма — салла
Чарх — дунё
Чархи кажрав — тескари дунё
Чашм — кўз
Чолншмоқ — ишламоқ, меҳнат
Чоҳ — чуқур, қудуқ
Чуғз — бойўғли
Чўх — кўп
Чўжуқ — бола

Ш

Шаб — кеча
Шаб-рўз — кеча-кундуз
Шаби торак — қоронғи кеча
Шажар — дарахт
Шажи — шижоатли, ботир.
Шай — иш
Шарорат — ёмонлик, ярамаслик
Шафи — воситачи; ҳимоячи
Шафоат — восита бўлиш
Шақоват — ярамаслик, ёмонлик
Шаҳодат — гувоҳлик
Шиддат — қаттиқлик, оғирлик
Шинжоат — ботирлик, довюрак-
лик
Шикаста — синиқ, қўнглин озо-
ри топган
Шикам — қорин
Шиква — шикоят
Шир — сут

Шомил — тегишли

Шом — кечқурун. қоронгалик

тушган пайт

Э

Этмаз — этмас

Эскимўс — эскимос

Я

Явм — кун

Яъс — маъюслик, умидсизлик

У

Ўсонмоқ — безмоқ, зерикмоқ

Ўтонмоқ — уялмоқ

Қ

Қабоҳат — қабиҳлик, ёмонлик

Қавл — сўз, гап

Қазия — ҳукм, фармон

Қаробат — яқинлик

Қатъ умид — умидсизлик

Қаҳр-ал-ҳай — илоҳ қаҳри

Қироат — ўқиш

Қотина — ёнига

Қоф — қоп

Қувва — куч, қувват

Қуртурсен — қутуласан

Ғ

Ғани — бой

Ғибта — орзу, орзу қилмак

Ғино — бойлик

Ғубори муқаддам — қадам чанги

Ғул — кишан

Ҳ

Ҳаб — дорн

Ҳаб-ҳабо — зое

Ҳабул малик — дорн номи

Ҳадаф — нишон

Ҳалим — юмшоқ табиатлилик, мулоимлик

Ҳамнишин — бирга ўлтирувчи, ҳамсўхбат

Ҳамоқат — аҳмоқлик

Ҳандаса — геометрия

Ҳариқ — кўйдирувчи

Ҳасад — кўролмаслик

Ҳасосат — ҳушёрлик, зийраклик

Ҳасоб (ҳасб) — аҳвол

Ҳасуд — ҳасадчи, кўролмовчи

Ҳиддат — тезлик, ўткирлик

Ҳидоят — тўғри йўл кўрсатиш

Ҳижрат — кўчиш

Ҳилм — юмшоқлик, мулоимлик

Ҳисор — қўргон, қалъа

Ҳифз — сақлаш, қўриқлаш

Ҳозик — билимдон

Ҳосидлик — ҳасадчилик

Ҳувайдо — аён

Ҳудуд — ҳаднинг қўплиги

Абдулла Авлониё. Бегали Қосимов	5
---	---

«Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўпламидан

Ушбу адабиёт Туркистон аҳлидан жавоб	29
Олам ичра кўрмадим	31
Дунё фожиасиндан	32
Таажжублик ҳоллар	34
Фалакдан бир шикоят	35
Аҳвол оламдан бир намуна	36
Фигони булбул	38
Орзуи висол	40
Туркистон туфроғина хитоб	42
Ўз миллатимдан рижойи ожизонам	44
Мактаб	46
Дунё китобидан	48
Мозорим лавҳидан	50
Баҳор	51
Мушиқа	52
Маншатимиздан бир манзара	53
Жоҳил тилидан	55
Истиқболдан орзуларим	56
Биз налар қиламиз?	58
Диққатман	60
Садойи булбул	62
Ўз маншатимиздан	64
Мухотабим қалам	66
Нима кимники?	67
Миллатга хитоб	68
Мактабга тарғиб	70
Қўқнори ва қиморбоз	72
Ғалат	74
Ҳижрон булбул	76
Таъриф гул	77
Миллат ҳайкалига хитоб	79
Ўз турмушимиздан	81
Ҳақиқат ёлсув бу хаёл	83
Қиморбозини(нг) қиморбозга насихати	84
Қўбдан унутмоқ керак эди	85
Онла мунозараси	86
Рўё	90

Оҳ, бағри қоним	91
Тўй ҳақида	94
Мустаҳзод	96
Ғуфтори ғам	98
Жоҳил на билур	99
Миллати салом	100
Илма тарғиб	102
Саодат шундадир	104
Жаҳолат	106
Миллий нағма	109
Ҳофиздан	111
Жаҳлдан нафрат	113
Ҳофиздан таржима	115
Ўз аҳволимиздан	116
Садоқат бизда йўқдир	118
Биз миллат	119
Жигарсўз	120

«Мардикорлар ашувласи» дан

Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўзлари . .	122
Онасининг ўғлига айтган сўзлари	123
Ўғлининг онасига айтган сўзи	124
Хотунига айтган сўзи	125
Афсус	126

Болалар шеъри

Ватан	127
Ҳиржон сўзи	129
Баҳор	130
Ёз	131
Куз	132
Қиш	133
Баҳор келди	134
Булбул	135
Гулстондан бир манзара	137
Тоғлардан бир манзара	138
Бола ила гул	139
Мактаб	141
Мактаб боласи	142
Ялқов шогирд тилидан	144

Ялқов	146
Олло таоллонинг «қудрат»	148
Бечора чол	149
Ёлгончи чўпон	150
Зулук ила илон	152
Қуш ва илон	153
Тулки ила қарга	154
Қамиш ила қовға	157
Қарга ила зағизгон	158

Иккинчи бўлиқ шеърлар

Қутулдик	160
Ётма	162
Қизил байроқ	163
Партия дружиначиларига	165
Навбат сенга етди	167
Хунар замони	168
Хуррият марши	170
Жамиятларга аралашмаган даиғаса тилидан	172
Ишчилар қулоғига	174

Турли шеърлар

Қимдан гина қилмиш	176
Ёш савдогар тилидан	177
Октябрь байрами	178
Вақтсиз кетдинг	179
Ўғит	181
Қизил матбуот	182
Пахта, пахтани мақта	183
Товуш	185
Октябрь	187
Қизил қўшин шарқийси отлан!	188
Қизил соқчилар	190
Қурултой	192
Қўрик	194
Қизил қўшинга	196
Ер тарихи	197
«Баҳор келди» қўшиғи	201

«Биринчи муаллим» китобидан

Ямонлиқ жазоси	207
--------------------------	-----

Қаноат	207
Зар қадрини заргар билур	208
Яхшилик ерда қолмас	208
Тўғрилиқ	209
Иттифоқ	209

«Иккинчи муаллим» китобидан

Мактаб	211
Сахийлик	213
Бахиллик	213
Ахлоқий ҳикоя	214
Арслон ила айиқ	215
Булбул ила эшак	215
Нафси бузғу ҳайитда ўлар	216
Ақлли қарга	217
Боғча	217
Ҳасад балоси	218
Ақлли бола	218
Қаланфир ила чўл ялпиз	219
Овоз	219
Ёлғон дўст	219
Хрус ила бўри	220
Жанжалчилик зарари	220
Тама балоси	221
Болалар боғчаси	221
Тақсим	222
Болари ила пашша	223
Мактаба даъват	224
Бўри ила хотун	224
Икки девона	225
Бўри ила узум	225
Очкўзлик	226
Илмсизлик балоси	226
Ақлли боғбон	227
Бўри ила қўзи	227
Қўрқоқ	228
Ит ила гадо	228
Мақтапчоқ гоз	229
Айиқнинг дўстлиги	229
Қаламуш ила сиқон	230
Аҳмад ила отаси	230
Соқни ила онаси	231
Қўр ила чўлоқ	231

Ғайрижилиснй иттифоқ	235
Тулки ила серка	235
Маймун ила кўзойнак	237
Ит ила йўловчи	238

Туркий гулистон ёхуд ахлоқ

Ахлоқ	241
Хулқ	242
Яхши хулқ, ёмон хулқ	242
Тарбия	243
Тарбиянинг замони	244
Бадан тарбияси	246
Фикр тарбияси	247
Ахлоқ тарбияси	248
Яхши хулқлар	248
Фатонат	249
Назофат	250
Саъй ва ғайрат	251
Риёзат	251
Шинжоат	252
Илм	253
Ақсоми илм	254
Сабр	255
Ҳилм	255
Иптизом	257
Миқёси нафе	257
Вилждон	258
Ватанин суймак	259
Ҳаққоният	260
Назари ибрат	261
Иффат	262
Ҳаё	263
Идрок ва зако	264
Ҳифзи лисон	265
Иқтисод	267
Викор	268
Хавф ва Ражо	269
Итоат	270
Ҳақшунослик	270
Хайрихоҳлик	271
Муносилик	272

Садоқат	273
Адолат	273
Муҳаббат	274
Олиҳиммат	275
Афв	276
Емон мулқлар	276
Ғазаб	277
Шаҳват	278
Ақсоми жаҳолат	279
Жаҳолат	280
Сафоҳат балоси	282
Ҳамоқат	283
Атолат	285
Ҳасосат	286
Раҳоват	286
Анонийят	287
Адоват	288
Намимат	289
Ғийбат	290
Ҳақорат	291
Жибонат	292
Ҳасад	293
Кизб	294
Нифоқ	295
Тама	296
Зулм	297
Бир-икки сўз	299

Д р а м а л а р

Адвокатлик осонми? 1	300
Пянак	320
Биз ва сиз	333
Таржима ҳолим	373
Изоҳлар	375
Луғат	379

На узбекском языке

Абдулла Авланий

ЗАРЯ ТАШКЕНТА

Стихи, басни, сказания, трактаты, драмы

Редактор *А. Қосимов*

Рассом *Б. Чеченин*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 597

Босмахонага берилди 11. 05. 79. Босишга рухсат этилди 18. 10. 79. Формати 70×90¹/₃₂. Босма-хона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 14,33. Нашр л. 13,7. Ти-ражи 10 000. Заказ № 244. Баҳоси 1 с. 60 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-риёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва ки-тоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тош-кент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2- босмахонасида босилди. Ян-гийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1979 йил.